



Икрор

Мұхаммад Солих

Мұхаммад Солих

ИҚРОР
(Мақолалар)

II

2013



ЁШЛАРГА БАҒИШЛОВ

Мұхтарам дүстларим, озодлик хаёлларнинг энг гүзалидир, орзуларнинг энг юксагидир. Бу хаёл ва бу орзу сиз учун яратылғандыр.

Сизларни ватан учун ўлишга чақираётганим йўқ, ватан учун яшашга даъват қиляпман. Ватан учун яшамоқ — унинг учун ўлмокдан кўрқмаслиқдир.

Кўрқувдан қутулишнинг йўли битта: яратганга инонмоқ, ватанинни севмак ва ҳар иккисига хизмат этмоқ. Бу хизмат билан машғул инсоннинг кўрқувга фурсати қолмайди.

Бу китобни сизларга бағишиламоқдаман, чунки уни ҳадиксирамай ўқиши мумкин бўлган муҳтамал кишилар сиз бўлажаксиз. Ёши улуғларга бу китоб телба романтизм маҳсулоти бўлиб кўриниши мумкин, аммо сизга бундай кўринмаяжак, чунки сизлар хаёлпарастсизлар. Бунга сизнинг ёшингиз мусоид ва албатта, ақлингиз мусоиддир.

Хурриятни хаёл қилинг, иншооллоҳ, хаёлингиз ҳақиқатга айланажакдир. Ёшлигинизни, кучингизни ва ақлингизни моддий дунёга таслим этмангиз, уларни иймон, ватан ва миллат хуррияти учун харжлангиз.

Бу китобдаги мақолаларнинг баъзилари қувғинда ёзилди ва улардаги ғализликлар учун узр сўрайман. Бу ёзувларда муқим бир адабий стил йўқ, чунки каминанинг ҳаётида муқимлик бўлмади. Бу ёзувлар нотекис, чунки юрилган йўл шундай эди. Бу ёзувлардан гўзаллик кутманг, чунки булар ўз қаламини синдириб қўйган бир қаламкашнинг ёзувларидир. Зотан, бундан роппа-роса йигирма йил аввал камина шундай орзу қиласа эди:

*Гоҳо қувонч кирад юракка:
Менда ахир имкон бор ҳали
“Шеър — севги”, деб алдамасликка
Озодликни севган инсонни!
Бисотимда имкон бор, ахир —
Қаламни синдириш имкони!*

1975. (“Бешинчи фасл” китоби. Тошкент, 1977)

Оллоҳ буюк, нимани ният қилсанг, беради. Биз етмишинчи йилларда шоир Рауф Парфи билан: “Бир куни уйғонсанг-да, бутун Тошкент ахолиси ўзбекча гаплашаётганини кўрсанг! Ҳамма ҳар ерда ўзбекча гаплашаётган бўлса!”, дея орзу қиласдик. Бугун Оллоҳ тилагимизни берди, Тошкентда ҳамма, ҳатто раҳбаримиз ҳам ўзбекча гаплашайти.

Аммо ўзбекча гапириши таъкиданган яна биз қолдик.

Бугун куйдирилаётган китобларимиз, газеталаримизнинг ҳаммаси ўзбекча ёзилгандир. Биз энди яна орзу қиласдик: “Бир куни уйғонсак-да...”

Дарвоке, бир куни уйғонсак, Оллоҳ бизга ёрдам этажакдир.

Мухими — УЙГОНИШ!

Мұхаммад СОЛИХ

1995 йил, ноябр

УКАМГА ХАТ

Ука, менинг бу гапдонлигимни кечирасан деган умиддаман. Одам маслаҳат тинглашга қанчалик зор бўлса, маслаҳат беришга шунчалик ишқибоздир. Мен ҳам акамдан сўкиш эшишиб, сенга маслаҳат бераяпман.

Сенга ўхшаган китобхон болалар Ўзбекистонда жуда кўп бўлган, ҳозир ундан ҳам кўп.

Шунинг учун хатимни хикоядан бошламоқчиман...

Уруш йилларида сенинг тенгдошларинг ҳам ўқиб, ҳам далада ишлашга мажбур бўлган. Пахта билан бирга ўсишган. Жисмоний ишга ярамаганлари катталарга чой қайнатиб берарди. Ундан кичикроқлари эса, қишлоққа хат ташиган. Оқ ва қора хатларни (шу мавзуда ёзувчи Одил Ёқубовнинг “Яхшилик” деб номланган хикояси бор. Ўқимаган бўлсанг, албаттa топиб ўқи). Бу болалар адресларни ҳижжалаб ўқиб савод чиқарган.

Ўшалардан бири ширинликдан кўра, китобга ўчрок эди. Бундан онаси хурсанд бўлса, отаси норози бўлган. Чунки, она болага ширинлик топиб беришдай оғир вазифадан қутулган бўлса,

отаси китоб учун пул беришга мажбур эди. Уруш қишлоқда ҳам урушлигини қилган.

Яхшиямки, боланинг баҳтига, колхоз идорасига жойлашган кутубхона бор эди. Отаси пул бермаганида, у яхши кўрган китобларини ўша ердан олиб, қайта ўқиб чиқарди.

Боланинг ғалати одати бор эди: китоб ўқиётганида кимдир кузатиб турса, жон-пони чиқиб кетар, гўё унинг овқат еётганини томоша қилишаётганидек хафа бўларди. Аксига олиб, кичкина синглиси китобдаги суратларни севар, акаси китобни очган заҳоти унинг тепасида туриб оларди. Мабодо, китоб суратсиз бўлса, қизалоқ шовқин кўтариб, онасига шикоят қиласади: “Анавини қаранг, яна суратсиз китоб опкелибди”, деб йиғларди.

Болага суратли китоблар ёқмаса, нима қилсин. Китобдаги ҳар қандай сурат унга халакит берарди. Боланинг тасаввури “фалон қаҳрамон мунақа” деса, сурат ўжарларча қотиб: “Йўқ, мана бундай”, — деб кўзига қадалиб тураверарди. Суратларнинг бу хусусияти боланинг асабини қўзгар, у иложи борича суратга қарамасликка ҳаракат қиласади ва ҳатто уларни йиртиб олиб, сингилчасига берарди.

Қизалокнинг жаңжалидан кўрккан бола, ҳамма уйқуга кетганидан сўнг китоб ўқишини одат қиласади. Бир куни, хона совук эмасми, телпак кийиб олиб, китоб устида мудраб кетди. Китоб билан ёнма-ён турган чироқдан телпагига ўт кетиб, уй ёниб кетишига сал қолди. Шу воқеадан сўнг болага кечалари китоб ўқишини ман қилиб қўйишди. Китоб ёниб кетганми, йўқми, бунинг тафсилотини ҳеч ким билмайди. Аммо ёнғин ўша бола онгида ҳозир ҳам ўчмаган.

Қиссадан ҳисса шуки, сен тунда китоб ўқиётуб, ҳеч маҳал мудрай кўрма — ёнғин чиқиши мумкин. Ўша бола китобни севарди, аммо унинг танидаги чарчоқ ҳоинлик қиласади. Чарчоқ мажбурий локайдликни — уйкуни келтириб чиқаради.

Суратсиз китоблар эмас, гоясиз китоблар китобхонни шундай ухлатиб кўяди. “Ғоявий бузуқ китобларни ўқима”, деб ўқигувчиларинг тўғри уқтирган. Мен сенга: “Гоясиз китобларни ҳам ўқима”, деб маслаҳат бераман.

КҮЗИ ТИЙРАН ДАРД

1. АДАШГАН ОДАМ

Дарахтлар тепангда залворли чайқалади. Баҳайбат эман тишларини дев каби ғичирлатади. Бойқушнинг қорачиклари совук ялтирайди. Қандайдир юлдуз япроқлар орасидан мўралаб, қулоқни кар қилгудек чинкиради..

Ўрмонда адашиб қолдингми, дарахтга суюниб ўтирган одам? Йўлга чиқаётib, озиқ-овқат билан жасоратни ҳам етарли олиб чиқканмидинг ўзи? Кўксингни кавлаб кўр, бир бурда қолгандир, балки.

Адашган одам ўринидан туради. Ўша суюниб ўтирган дарахтига йўлни белгиловчи чизик тортмоқчи бўлиб энгашади. Лекин ҳайрон бўлади. Кимdir ундан аввал дарахтга белги кўйиб кетибди-ку! Белги эски эмас, ундан ҳали ҳам шира томиб турибди. У бор-йўғи, ўн аср муқаддам ўйилган...

У изтиробнинг ягона кўзи, у тажрибанинг қолиб кетган яраси. У энди сенинг ҳам яранг, ҳозиргина дарахтга суюниб ўтирган одам!

Афоризмлар — тажрибанинг суръатлариidir. Шунинг учун ҳам уларни ёдлаб ақлли бўлиш қийин. Бир жумлани ўйиб қолдириш учун инсон бутун умр яшаши мумкин.

Сен эса, адашиб қолаёзган одам, шу билан баҳтлисанки, бу жумлани ЯШАДИНГ!

Афоризмлар шафқатсиз билимнинг суръатлариidir: шоир эртак қаҳрамонига ўхшаб кулади — кулгиси гулдастага айланиб, кўйнимизни тўлдиради. Шоир эртак қаҳрамонига ўхшаб йиғлайди — кўз ёши гавҳарга айланиб кафтимиизга томади.

Афоризмлар — изтиробнинг ҳар хил холатдаги суръатлариidir. Ҳатто қувонч ҳам изтироб.

Бирорта ёзувчи, бирорта шоир шу кунгача изтиробни тўкиб чиқаролмади. Ўйлаб чиқишига уринганлари ҳам яшин тезлигига фош бўлди, шармисор бўлди; уларнинг изтироб деб чекаётгани оддий тамаки эканлигини дунё кўрди.

Бирорта ёзувчи, бирорта шоир изтиробни ўйлаб чиқармади. Аксинча, изтироб уларни ўйлаб чиқарди. Ҳақиқий шоирларнинг барчаси — миллионлаб одамлар ичидан ИЗТИРОБ танлаб олган

буык қуллардир. Кўзи тийран бу дард – шафқатсиз ижод – энг соғлом юракларни танлайди, ўзига бўйсундиради.

Ҳар қандай адабиёт ўша соғлом юракларни кутиб яшайди. Бу юрак эгаси тоглар пинжига яширинган узоқ овулдан келиши мумкин, у водийдан – салқин шамоллар, тиши ўриклар маконидан келиб қолса, ажабмас. У тупроғи қўпчиган, шўр воҳадан келиши мумкин.

У ... сиз кутмаган жойдан келади.

Шунда сиз уни туғилган қишлоғидан шаҳарга “қочиб” келгани учун худбииликда айбласангиз, бу шаккоклик бўлади – у шаҳарга қишлоғини соғиниш учун келади, меҳнатдан қочиб эмас, меҳнат имкониятини ахтариб келади, ёзиш учун: қишлоқ ва қишлоқ одамлари, шаҳар ва шаҳар одамлари ҳақида тўғри, самимий ёзиш учун келади.

Жамоа тугул, ўз дўстларига ҳам яхши таниш бўлмаган, яширин шеър ёзиб юрган бу йигит ўттизинчи, қирқинчи, эллигинчи йилларда очилмай қолган барча чечакларнинг бугун очилишига тақводорларча ишонади.

Бир пайтлар эркак одам ўзининг қадоқ кафтларидан, дағал бармоқларидан уялмас, ҳатто зимдан фахрланар эди. Бугун далада суюги қотган ёш ёзувчи “зиёлилар” даврасида ўз қўлларини яшириб ўтиради – ўз шеърларининг дағаллигидан андиша қиласди.

Бу шеърларни қандайдир нозиктаъб танқидчига узатар экан, шеърлар унинг қўлини тирнаб қўймасмикан, деб хавотир олади.

Йўқ, бу қўрқоқлик эмас.

Бу “кусур” ўша йигитнинг юраги соғлом эканлигидан яна бир мужда.

Шеър дардида бир-икки кўйлак йиртган дўстим! Бир куни сиз ўқиган шеърга аталган қарсаклар тиниб улгурмасдан, ўша йигит ҳали минбарга чиқиб: “Пахта ҳақида бунақа ёзиш керак эмас!” – дея хитоб қиласди, сизни қишлоқ ҳаётини билмаслиқда, “академикликда” айблайди ва ўзининг шеърини ўқиб беради.

Сиз шунда, олижаноб қалбингиз кўмагида унга тан берасиз, қарсак чаласиз.

Шеър йўлида бир-икки кўйлак йиртган дўстим! Агар бу шаҳарнинг қадимги қальаларникига ўхшаган дарвозаси бўлса эди, сиз ўша йигит билан дарвоза олдида, шубҳасиз, учрашар эдингиз: учрашув сиз шаҳардан чиқиб кетаётганда, у эса, кираётганда юз

берган бўлади. Чунки сизни “шахардан бош олиб кетиш керак”, деган даҳрий хаёл анчадан бери безовта қиласиди.

Сиз кенгроқ бўлмоқчисиз... Ёзганларингиз ўзингизга ёқмайди. “Бошни олиб кетиш керак!”

Лекин у шунчалик чўян, шунчалар зил-замбил, таъсири яхшидан кўра, ёмон фикрлар – ёлғизлик ва сукунат изидан қувиш каби туманли, яхши англамаган фикрлар билан тўла бош.

Бунаقا бошни олиб кетиш қийин.

Шаҳардан бутунлай кетиш мумкин. Бундан осони йўқ. Лекин бошни олиб кетиб бўлмайди. Санъатга, адабиётга яқин бўлган хар бир одамнинг боши шаҳарда мукаррар қолиб кетаверади.

Аммо гап бунда эмас. Гап ўша йигитни шаҳарга бошлаб келган, сизга эса, шаҳарни тор қилиб қўйган дард – ижод изтиробидадир. Барча зиддиятларга сабаб – ўша дард.

2. ИККИ ҚУТБ

... Мен ўнг ёнимга ўгирилиб, ҳайрон қарайман: шеъриятнинг темир қонуни йўқ, йигирманчи аср барча булбулларни қовуриб еди, гулларни эса, чопиб ташлади, деб ким айтди. Ким у, осмонни нейлонга ўхшатган даҳрий?

Юлдузларни куйлаш эскирди, деб бақираётган ким ўзи?

*Чироқлар ўзгадир. Парвоналар йўқ,
Дараҳтларнинг шохи – оддий бир илмоқ.
Баъзан қорин очдир, лекин кўнгил тўқ -
Ҳали ҳам баҳт эрур, ахир севилмоқ...*

деб ўзига далда бераётган тушкун оптимиист сенми?

*Чироқ ўзга. Лекин парвона яшар,
Дараҳтнинг шоҳлари эмасдир илмоқ,
Севилмоқ баҳт бўлган доим, ҳамиша,
Бугун ондин кўпроқ баҳтдир севилмоқ!*

Агар шунга ишонмасанг, қаламни бехуда қийнама. Агар шунга ишонмасанг, сўзларга буйруқ беришга ҳаққинг йўқ. Сен оқшомлар ўтириб, учбурчак нокларни чизган буюк рассомдан хайратланасан, завқланасан. Ўрнингдан туриб кетасан. Бўёқлар

музыкасини тинглашга қодирлигингдан қувонасан. Лекин, ўша рассомнинг санъатга олиб кирган янгилиги фақат учбурчак эмас, нок ҳам эканлигини ўйламайсан.

Бу машхур нок учбурчак шаклига кирмасдан олдин ҳам мавжуд эди, бор эди...

Фақат шакл... Ажойиб шакл...

Агар шунга ишонмасанг, йигирманчи аср кўчасига чикма, уни тан олмай қўяқол. Агар шундай бўлса, телевизор дарчасидан бақрайиб: “Бизнинг авлод шеъриятга янгилик олиб келди”, деганларинг гирт ёлғон!..

Ўрнимдан тураман. Кўчага чикаман. Дунё ғала-ғовурига хайриҳоҳлик билан қулоқ солиб турган ҳайкал ёнига бораман. Унинг бошидаги шарқона назокат билан ўралган салла мени довдиратиб қўяди. Унинг кўзидағи асрлар теранлиги мени ўз гирдобига тортади. Бу улуғвор соқолнинг ҳали бир туки ҳам тушмаган.

Йўқ, сиз ҳайкал эмассиз. Ҳайкал. Сиз бу элда оғизма-оғиз, қалбма-қалб юрибсиз. Ҳайкални куйлаб бўлмайди, сиз эса кўшиқсиз. Битта хофизнинг бўғзига сифмайдиган улкан кўшиқсиз. Шунинг учун ҳам сизни бутун ҳалқ айтади. Мен сизнинг олдингизга уялиш учун келдим, ҳаяжонга тушмоқ учун келдим, ниҳоят, сиз билан фахрланиш учун шу ердаман: мен сизга таъзим қиласман, улуг Муйсафид.

Мен фақат таъзим қилишга иложим борлиги, тириклигим билан баҳтиёрман, холос.

Сиз эса, буюксиз. Ҳеч кимга таъзим этмаслик – сизнинг баҳтингиз. Менинг омадим шундаки, мен Сиздан кейин туғилдим. Сизнинг саодатингиз мазмуни – мендан кейин ҳам яшайверасиз.

... Улуг муйсафиднинг пойини манглайимга теккизаман, ортимга қайтаман. Юзимга ўз тарсакимнинг зарби, манглайимда илоҳий либоснинг гарди – изимга қайтаман. Лекин ҳозирги ўйлаган нарсаларимга деярли ёт бўлган хаёллар мени безовта қила бошлиди.

Энди мен ўтирилиб, чап томонга қарайман: ким у, шеъриятнинг қонуни темир, деб айтган? Коинот ўлчови фақат мана шунда, деб туриб олган қайсар – ким? Шеър қофиялар билан қулфланган тўрт бурчак каср, деб ким айтди?

Бугунги шеърият нима ўзи? “... Бугунги шеърият хижжалаб ўқиладиган, тишга ёнғоқдай қаттиқ тегадиган мураккаб бўлиши керак”, деган фикрга мутлақо қўшилмайман. Лекин шеър уни хижжалаб ўқийдиган ўқувчи олдида кечирим ҳам сўрамасин. Шеърият диди ўргача китобхонга ҳам, диди юксак китобхонга ҳам мўлжаллаб ёзилмайди. Ҳақиқий шеър тушунарли бўлиши учун ўз чўққисидан тушиб юрмайди. Ўқувчининг ўзи чиқсин.

Бугунги шеърият мушоҳада экспрессивлигини талаб қиласи. Экспрессия тушунчаси оддий “ҳатлаб ўтиш” деган гап эмас, балки, ўша ҳатлаб ўтилган масофани йўл-йўлакай тасвиirlаб кетишига улгуришдир.

Бугунги шеърнинг сўзлари бир-бирининг эркига рахна солмасин, ҳар бири мустакил жарангласин. Шундагина улар шоир қурган уйда ҳамжиҳат яшайди, бир-бирини севади, демак, уларни ҳеч ким ажратса олмайди. Шундагина шоир “кулди” сўзини ёзмай кулигини, “йиглади” сўзини ёзмай кўзёшни тасвиirlаши мумкин...

Мен нуткимни давом эттироқчи эдим-у, бир андиша тилимни боғлаб кўйди: “Ахир сен санаган хислатлар Навоий даврида ҳам, ундан олдин ҳам, шеъриятнинг мезони эди-ку? Факат ҳозир бу фазилатлар ҳар бир ҳалқ тилида ҳар хил ифодаланади, ҳатто оқимларга бўлинниб, бирор реализм деса, иккинчиси экспрессионизм ёки сюрреализм дейди. Аслида ўша “изм”лардан тирик чиқкан ҳақиқий шеърлар яшаб қолаверади. Сен бўлса, кашфиёт қилиб ўтирибсан”.

Ҳар ҳолда, юкоридаги узук-юлуқ гаплардан “шеърият тарихида янгилик бўлмаган экан-да”, деган хуоса чиқаришдан кўркиб, ўзимни оқлайман. “Ҳақиқий шеърлар ҳамиша янги”, деган ҳикмат бор. Қолаверса, юкорида айтилган шеъриятдаги тарихий консерватизм – энг олижаноб фазилатдир. Олижанобликнинг эса янги-эскиси бўлмайди.

Кенг маънодаги янги шеърлар “эскилар” даврасига бир неча бор тушиб, нотаниш меҳмон сингари анчагача жим ўтиради, одоб саклайди, лекин, мулоқот мукаррардир.

Дейлик, бундан ўн беш йил олдин ёзилган янги шеър яқинда тилга кирди, ўқувчи билангина эмас, “эски” шеърлар билан сухбатлаша бошлиди. Бу шеърни танқидчимиз (Иброҳим Гафуров назарда тутиляпти. Ред) газета сахифасида мохирона таҳлил қилиб берди.

Мен ўқувчи сифатида унинг истеъдодига таҳсин айтсан, бошқа томондан, унинг шеърият учун самимий куйинишига шубха қиласан: “Нега бу такриз ўн беш йил аввал ёзилмади, шеър босилган эди-ку?”

Шеър танқидчисиз тушунилмайди, демоқчи эмасман, аммо танқидчи янги шеър билан эскисининг ўргасида ўн беш йил ломлим демай ўтириб, тўсатдан: “Танишинглар!” – деб қолса, унинг самимилигига шубха пайдо бўлади. Тўғри, шеър адабиётда ходиса бўйламайди, лекин ходисани шундай шеърларнинг маълум ва номаълум лашкари содир қиласи.

III. ҚИЗАРМОҚ БАХТИ

Суҳбатдошинг сенга қарама-қарши ўтирибди. У гапирад экан, ўргангизда бирор нарса бўлса яхши, май шишасими, тамаки кутисими – сени шишанинг пўкагини ўйнаб ёки қутини чертиб, суҳбатдошингнинг кўзига қаращдай бир азобдан халос бўлишинг мумкин.

Борди-ю ҳеч нарса бўлмасачи? У ҳолда сен қаршингда ўтирган кишининг юзига тикилиб ўтиришга маҳкумсан, шунда сен психологнинг “Тик қарап учун суҳбатдошнинг қошлири ўргасига тикил”, қабилида маслаҳатлари ҳам ёрдам беролмайди.

Кўпинча бу эҳтиёткорлик факат сенинг носамимий тингловчи эканлигиндан эмас, балки, сўзлаётган кишининг самимилигига шубха қилишдан ҳам келиб чиқади. Сен бошингни номаълум мавжудот уясига тикиб, тортиб ололмай ўтирган шўрлик сингари, юзингни қаршингда ўтирган киши юзига ботириб, ноилож ўтираверасан.

Мен дўстлар даврасида бу эҳтиёткорликка унча зарурат сезмайман. Чунки, уларнинг аксарияти самимий гапиришади, жуда бўлмаса, ўргамиизда май шишаси ёки тамаки кутисига ўхшаш майда-чуйдалар доимо хизматда туради.

Бу эҳтиёткорлик кўпроқ шеър ўқиётганда мени безовта қиласи. Одамнинг юзи иссиқ, лекин шеър юзи ҳам совук эмас. Шеър билан ўқувчи ўргасида суҳбатдошларниги нисбатан кўпроқ самимилик бўлмаса ёмон.

Яқинда дўстларимдан бирининг китобини ўқиётиб, мутолаа давомида бирорта шеърнинг юзига тик қарай олмадим: “Бу гапларни “сарбаст”да эмас, “бармок”да айтса ҳам бўлади-ку”, деган

Фикр мени тинч қўймади. “Куз келди, турналар жимгина учиб кетиши”, – деган бир жумлани минбардан туриб бақиришни ақлимга сифдиrolмайман.

Бу воеа иккинчи бир ҳолатни эсга солди.

Дўстим мени учоққа (самолётга) кузатиб қўйиши керак эди. Эрталаб учрашдик. Саломлашдик. Унинг саломида шундай сокинлик ва самимилик бор эдики, мен йиглаб юборай дебман. Бу овоз факат тонг учун яратилган овоз эди.

Кейин у такси тўхтатиш учун ҳай-ҳайлаб чопди, бақирди, нимадир деб ўзича ғулдиради. Мен уни танимай қолдим: унинг хақиқий овози қаёққадир ғойиб бўлган эди...

Шоир дўстимнинг бунисидан фарқи шуки, у саломни таксичига бақиргандай беради.

Баъзан одамда ғалати ҳиссиётлар пайдо бўлади. Тасаввур қил: сен хонангда ёлғизсан. Ухлашга ҷоғланиб ечиндинг, шу пайт, ҳеч кутилмаганда, яқин бир кишингни эслайсан, у қўзинг олдига келар экан, беихтиёр танангни ёпасан. Бу – инсондаги энг олижканоб туйғу – ўзгалар мақтовига муҳтоҷ бўлмаган ички ибодир. Ҳақиқий шоир ёзар экан, ўша туйгуни бошдан кечиради, ёлғонни ёзса, йиртиб ташлайди.

Баландпарвоз шеърларни ўқиб, қозоқ шоири Ўлжас Сулаймоннинг: “Миллий маданият, миллий адабиёт” сўзларини айтиб бўлгандан сўнг, қон тупурган одамни кам учратасан”, – деган аччиқ икрори эсимга тушади.

“Кимда қизариш қобилияти бўлса, унга ишониш мумкин”, деган экан франсуз шоири.

1977

ОҚ КЎЙЛАКЛАР

Йигирма йилдирки, менинг дидимга оқ кўйлак қайта-қайта мос тушаверади. Оқ ранг – менинг заифлигим, менинг ўжарлигим. Ҳаёт баъзан мени бошқа рангдаги кўйлак кийишга мажбур этади, лекин мен каби кимсалар ўша кўйлакда ҳам ўзини оқ кўйлакдагидай ҳис этмаса, уни киймай қўя қолади.

Бундан йигирма йил аввал паҳтани машинада теришга қарши бўлган раисни “консерватор” деб аташарди. Мен бўлса, ҳозир ҳам ўз шеърларимни машинкадан кўра, кўлда теришни яхши кўраман.

Яқин дўстларимдан бири менга: “Тилинг қашшоқ”, деб айб қўйди. Ҳаққоний айб: у менинг кичкина китобчамдан ўндан ортиқ “титрок” сўзини учратиб, хафа бўлиди.

Иккинчи дўстим менинг тарафимни олиб: “У қашшоқ, шунинг учун ҳам ҳар бир сўзини ўз ўрнида сарф қилишга мажбур”, деган гапни айтди. Мен уларга: “Ўзимга хиёнат қилмайдиган, вафодор сўзларни ишлатишга ҳаракат қиласман, холос, вафодорлар эса, ҳамиша ҳам кўп бўлавермайди”, деб жавоб қилмоқчи эдим, аммо бу фикрнинг ҳам событилигига шубҳа уйғонди.

Ҳолбуки, ўша титроққа ўхшаган сўзлар, бор-йўғи, менинг оқ кўйлакларим эди. Шунингдек, мен мусика “жабҳа”сида ҳам қолоқман, йигирма йилдирки, хиргойи қисам, доимо бигта кўшиқ – “Хоразм сегоҳи”ни айтаман. Жўраларнинг “Ҳадеб бигта қартани айлантираверадими!” – қабилидаги писандалари ҳам кор қилмайди. Таниш зинапоялардан ҳар куни эрталаб тушиб, кечкурун яна кўтарилиган каби, мен ўша қўшиқни хиргойи қисам, қўшиқнинг авжи ёки пастида зерикмай кўтарилиб-тушиб юравераман.

Гапнинг рости, бу кўйлак – қолган кўйлакларим ичида энг оқи. Баъзан уни ҳеч ким йўқлигига кийиб олиб, роса яйрайман. Мен уни хиргойи қилиб ўтирумайман, балки бор овоз билан айтаман. Овозим дағал, ғадир-будир қишлоқ йўли сингари узоқ-узоқларга чўзилади. Бу йўл устида ўзимни, танамни сокин учайтган бургутдай ҳис қила бошлайман.

Эгнимда бошқа кўйлак бўлса, мен ўзимни камтар ёки мулојим, ҳатто ажойиб одам ҳис қилишим мумкин. Аммо “бургут хиссиёти”ни туғдирадиган кўйлак бигта – кейинги кўйлагим...

Илгари фасллар ичида баҳорни яхши кўрардим. Лекин унга бирор марта севги изҳор қилган эмасман. Яширин шеърлар бағишиладим-у, лекин ўзим тан олмадим. Чунки у ҳаддан ташқари ўйинқароқ, борингки, бекарор қиз эди. Мен – торгинчоқ кимса, ундан ҳадик олардим, устимдан кулади, деб кўрқардим. Шундай қилиб, севгим изҳор этилмаганча колиб кетди. Баҳор менинг яшил кўйлагим эди, енги калта яшил кўйлагим.

Энди йигирма йилдирки, кузни севаман. Китобдаги “титрок” сўзининг кўплигига ҳам куз айбор.

Эркак бир қадар худбин мавжудотдир. Эркак киши аёлнинг уддабуронлигига қойил қолса бас, унинг мардлигини кечира олмайди. У аёлни химоя қилгиси келади. У химоя қилишга муҳтоҷ бир одам. Шу маънода, куз ниҳоятда заиф, заифа – унинг бутун сиймосидан илтико ёғилиб туради. Унинг барча дараҳтлари, жами кўкатлари ва мевалари мендан ёрдам сўрайди, мен эса жон деб ёрдам бераман – мен уни севаман.

Менинг оқ кўйлагим – сариқ куз.

Ёки: Жуда кўп шоирларнинг авлодларга ёзган мактубларини ўқиб, ҳеч қачон авлодлар олдида ноз қилмасликка қасам ичдим. Бошимни дўстим силамаса, мен унинг набирасига “сила” деб айтиш кўлимдан келмаслигини англадим. Авлодларнинг олқишидан дўстимнинг муштини афзал кўрдим. Унинг ўзини севмай, набирасини кўтариб юриш носамимилик эмасми?

Бу – менинг навбатдаги оқ кўйлагим.

Ниҳоят, “Ўз жонига қасд қилмоқ – ёмон гуноҳдир, иложи борича яшаган яхши”, деган фикр мени доимо таъқиб этиб юради.

Мен уйқу олдидан шу кўйлакни кийиб оламан.

1978

УЛУҒБЕКНИНГ БАРМОФИ

Балки, чиндан ҳам файласуфлар айтгандек, инсон дунёни билиб борар. Балки, эрталаб тонгда “фалон юлдузда ҳаёт бор”, деган эълон бизни кувонч ларзасига солар.

Биз мўъжизалар кутиб яшаймиз. Факат бизни “ёка ушлатган” бугунги воқеалар эртага оддий нарсага, кундалик воқеага айланиб қолиши шубҳасиз.

Биз бўлак ҳайратга тушмаймиз.

Нега?

Инсон дунёни бора-бора билиб боради, уни олдида мўъжизалар кутади, ортида оддий нарсалар қолади... ва у бўлак ҳайратга тушмайди.

Бу фикрни айтган оддий нигилистми ёки ашаддий агностикми, буни билмаймиз.

Ҳар ҳолда, у тез ўлиб кетди. У ўз таълимотини тутиб турган устунлар қулаётганини кўрмаслик учун кетиб қолди. У ўзини рад қилган олимнинг тантанали зиёфатида ўти rmsaslik учун кетиб қолди.

Айтгандай, кетиб яхши қилибди. Негаки, раддия ёзганинг ўзи ҳам бир куни зиёфатдан кетиб қолган меҳмон сўзларини айнан тақрорлади: “Инсон дунёни била бориб, мўъжиза оддий нарсага айланади ва ... ва у бўлак ҳайратланмайди». Аммо Лев Толстой ҳайратланаверади.

У бир куни йўлда қариқиз бутасидаги синган шохчани кўриб таажжубланди, синиқ шохчанинг ҳаёт учун мардона курашини кўриб, шоҳ асарларидан бири – “Хожимурод”ни ёзди.

Сиз “Хожимурод” қаршисида ҳайрон қолинг, Толстой қандайдир ўсимликнинг синган шохини кўриб, иккинчи Хожимуродни тасвирласин.

Чунки, у нотаниш қизалоқнинг қинғир-қийшиқ ёзилган мактубини ўқир экан, кўзига ёш оладиган одам, чунки, у куз япрогини кўриб, хикоя ёзадиган киши. Чунки, у одамнинг мавжудотлар ичida энг муқаммали эканини билса ҳам, ундан ҳайратланаверади. Ўз дўстига хат ёза туриб: “Одамлар осиладиган ўша ишоот дор қайси ёғочдан қурилади”, деб ҳайратланади, инсон ўз оғайниси – инсон бўйнига бемалол сиртмоқ ташлаши мумкинлигидан таажжубланади у.

Лекин шоирларимиз бизга: “Қаранг, турна келаяти – ҳайратланинг!” – деб буюришади, ўзлари эса ҳайратланмайди. “Кулинг!” – деб ундейди оптимиистлар, лабида эса, заҳарханда сузади.

Чунки, турнадан таажжубланиб бўлмайди.

Чунки, куладиган нарсанинг ўзи йўқ, кулдирадиган хеч нарса қолмади. Икки карра икки – тўртга бошқалар ҳайрон қолсин. Оддий нарсаларда табассумига арзигулик гап топган одам жилмаяверсин. Биз жиддиймиз. Мўъжизалардан бўлак ҳеч нарса бизни лол қолдиролмайди.

Биз, зарурат юзасидан, космик кемалар парвозига қараб, донг қотамиз, аммо асалари хаётидаги ажабтовур тартибни кўриб, таажжубланиш учун...

Бир куни рассом дўстим менга ўз расмини тақдим қилаётиб расмга нуқиди:

– Ванг-Гогнинг “Автопортрет”ига ўхшаб қоптими? Мен эсанкираб қолдим. Фақат саводдан эмас, суратнинг машхур “Автопортрет”га ўхшаганилигидан ҳам.

Оғайни, сенга фақат рассом Ванг-гог эмас, шоир Машраб ҳам, Верлен ва Нервал ҳам ўхшайди, буни билмайсан. Сураткаш сал асбобини бурса, сен Наполеонга ҳам ўхшаб қолишинг мумкин.

Албатта, сен Ванг-Гогга ўхшаш учун қулоғингни кесиб беришга тайёрсан, мен эса пакана жаҳонгирга ўхшаш орзусида оёғимни кесиб бераман, аммо биз Ванг-Гогнинг натюортидаги картошка гулини ўз томорқамиизда кўрсак, ажабланмаймиз ёки мен оқ чодирда ётиб, “Вертер изтироблари”ни етти марта ўқишдан эринаман.

Ошпазга менгзайдиган Сукрот табиатнинг олдида тиз чўқади, ундан ҳайратланади, сукротпешона ошпаз эса, табиатга қараб эснайди.

Айтдим-ку, одамлар ўхшаш, деб.

Навоийга ўхшаган йигитлар, Нодирага ўхшаган қизлар кўп. Фақат навоийлар ва нодиралар йўқ.

Бари-бир, бешигимизда умид ётиби. У бизнинг ягона фарзандимиз. Уни мудҳиши лоқайдиқдан сақлай олсак, бас. Унга айтган алламиизда ёлғон бўлмаса, бўлди.

Шоир Нозим Ҳикмат: “Ерни бир кунга бўлса ҳам, болаларга берайлик!”, – деб ҳайқирган эди. Бу ташбех. Шоир болаларнинг фақат соддалигини эмас, биз кўролмайдиган нарсаларни кўриш қобилиятини ҳам айтмоқчи... Лекин...

– “Фалончининг хўқизи туғибди”, деган миш-мишга ишонган одамни ким дейдилар? – деб савол беради ўқитувчи.

– Лақма! – дея жавоб беради ўқувчилар.

Ваҳоланки, лақманинг кимлигини яшин тезлигида аниқлаган ўша бола яқиндагина эмизак сўриб, юз юваётган мушукка ҳайрат билан қараб ўтирган эди. Мушук бола учун мўъжизалар шохи, мислсиз бир маҳлук эди. Унинг ёлғиз билими, тўғрироғи, онасига нисбатан ягона билими – инстинкти бор. Қолган нарсалар – мўъжиза.

У чалқанча ётади-да, ўз бармоқларини томоша қиласди, бармоқ бўғинларининг ажиб ҳаракатига ҳайрат билан қарайди. Мирзо Улугбек ўз расадхонасидан юлдузни қандай ҳаяжонда

кузатган бўлса, бола ҳам бешикда ётиб, ўз бармоқларини шундай ҳайратда кузатади.

Бармоқлари-чи, Улугбек учун мўъжиза эмасми улар?

Мўъжиза. Юлдузлардан ками йўқ ажойибот.

Улугбек ва бешикда ётган бола биз учун илохий зотлар. Чунки, улар бизга оддий ва тушунарли кўринган нарсалар олдида таажжубланади, ҳайрон бўладилар. Бизда сўниб бораётган имконият – ҳайрат бор уларда.

Лекин биз бешга кирар-кирмас, уч ёшлигимизда кўрган мўъжизамизни деразадан иргитиб юборамиз, ўн ёшимизда барча ҳайвонларнинг номи ва нега тўрт оёқли эканини имтиҳон қилганга тушунтириб берамиз, ўн ёшда эса, “Фалончининг хўқизи туғибди”, деган алдоқка ўқитувчи раҳбарлигида куламиз.

Айнан ўқитувчи раҳбарлигида.

Чунки, биз учун юлдузларнинг номини Улугбек топиб қўйган. Бу юлдузларни ўқитувчи ҳам, биз – ўқувчилар ҳам қайта излаб ўтирамаймиз.

Чунки, Беруний ер диаметрини, ўн аср аввал аниқлаб берди бизга, энди ернинг юмалоқлиги-ю, унинг куёш теварагида айланишига таажжубланадиган меров йўқ.

“Борди-ю ер хўқиз шохida, хўқиз баҳайбат балиқ устида турган бўлса-чи?”

— Лақма! — дейди бешинчи синфнинг билимдон ўқувчиси.

— Болаларни алдаб бўпсан! – деб кулади унинг отаси.

Хуллас, оддий нарсалардан биз юз ўғирдик. Тўғри, кеча улар мўъжиза эди, лекин бугун нимадир уларнинг моҳиятини бизга очиб берди ва биз юз ўғирдик.

Қайси томонга ўғирдингиз? Мураккабликками?

Йўқ. “Қайси томонга”, деб, саволни нотўғри қўйманг. “Қайси томондан?”, – деб сўранг, яхшиси. Биз шунда жавоб беришимиз мумкин: оддий моҳияти “очилган” нарсалардан юз ўғирдик, холос.

Бизнинг вазифамиз – мўъжизанинг оддий воқеага айланиш жараёнини кузатиш, гувоҳ бўлишдир. Нарсаларнинг ниҳоятда содда ва тушунарли тузилганини сизга ўхшаган соддаларга тушунтиришдир.

Хеч қачон таажжубланмаслик – бизнинг бурчимиз. Етар, бешикда ётиб ҳайратга тушганларимиз.

Қарабисзки, буюк Улуғбек билан тенг қўйилган ўша гўдак сутдан чиқкан куни ўз бармоқларидан таажжубланмай қўйди. Отаси ва онаси, мактаби ва ўқитувчиси, бутун жамоат тайёрлаган билим, хабарлардан ясалган нақшинкор, қулай чанага минди-да, воқеалар узра музда учгандай енгил учади. У муз дафъатан ёрилиб кетмаслигини яхши билади, чунки, бугун эрталаб радиодан об-ҳаво совуқлиги фалон даражага етади, деган ахборот берилди.

Бари бир бешигимизда умид ётиби.

Кунлардан бир кун туриб, ота-онаси тайёрлаб қўйган нақшинкор чанани рад қилса, не тонг!

У воқеалар музи узра чанада эмас, ялангоёқ йўлга чиқар. Товонини ялаётган музнинг, китобда ёзилгандаи, совуқ эмаслигини, музнинг мутлақо муз эмаслигини кашф этар, балки.

Балки Амударёни қулай кемада эмас, Байрон Ла-Манш бўғозини кечиб ўтгандаи, ўзи кечиб ўтар ва ўз таассуротини бизга айтиб берар. Ҳар ҳолда, бешигимиздаги янги фарзандимиз – умид.

У хозир юлдузлардан чарчаб, ўз бармоқларини кузатаяпти. Бизнинг тепамизда, юксак-юксакларда чордона қуриб, бармоқларидан ва шунга ўхшаш бизни қизиқтирмай қўйган мўъжизалардан ҳайратга тушиб ўтирибди.

Улуғбек тирик. Фақат ўз кашфиётларидағина эмас, балки, коғозга туширолмай ўтирган ғалати-ғалати хаёлларида ҳам тирик.

1979

ИККИ ШОИР ҲАҚИДА БИР ОҒИЗ СЎЗ

Ҳар бир иқтидорли шоирни “машхур бўлиб кетиш” хавфи таъқиб этиб юради. Таъқиб унинг адабиётдаги биринчи қадамлариданоқ бошланади.

Бу хавфдан энг талантли шоирларгина қутулиб кетиши мумкин, аммо улар ҳам бир куни қўлга тушади: 60-йиллар ўзбек шеъриятини таҳлил этган танқидчи ёш шоирлар қаторида “Р.Парфи” деган исмсиз шарифни эътироф килган эди. 70-йилларнинг мунаққиди эса, бу таҳлилни ривожлантириди – у шоирнинг бир шеърини келтирди, мақтагандай бўлди ва ... охирида

“бироз мавхум” деган гапни айтди-да, бутун танқидчиликнинг оғзига сақич солиб кўйди.

Шу орада шоир ўнга яқин оригинал ва таржима китобларни нашр этишга улгурди, бироз “енгил” торгди, негаки, унга қўйилган “мавхум”лик тамғаси бошқаларга ҳам урила бошлади. Гапириб чарчайдиган факат биз эмас, баъзан сўзлар ҳам (биздан) чарчаб қолишиди. Танқидчилигимизда бу ҳолдан тойган сўзлар сони анчагина. Аммо улар орасида энг бахти қораси “мавхум” бўлиб қолди. Бу сўзниң маъносини ким тушунтириб беради энди? Ҳар бир нутқида уни ўн бор такрорлайдиган сўзамол муаллимми? Агар сўз – белги бўлар экан, нега у хеч нарсани белгиламайди?.. “Мавхум” нима дегани, қоронгиликми, ҳавойиликми, чигалликми? Ахир, бизга мактабда “тушунилган нарсагина сўз билан белгиланади”, деб уқтиришган-ку. Ҳатто ўша “мавхум” ҳам англанган нарсанинг белгиси эди аввал ...

Абстраксия – ғоянинг ўзига кўра, унинг атрофидаги оддий эътибор чегарасидан ташқаридағи нарсаларга берилган ургу, ғояни бўрттириш усули эмасмикан?

Ҳар ҳолда, танқидчининг термин ўйлаб топиш учун ёзгани ёмон. Чунки, ўйлаб чиқарилган термин атрофида бошқа тушунчалар кўкара бошлайди; илдизи ҳавода бўлган ўсимлик униб чиқади. Қарабисизки, танқидчининг ўз боғи бор ва у ўша ўзи ўйлаб топган чаманд мөхнат қилиб юраверади.

Керак мавзу эса, қаровсиз қолади.

Мен Мухаммад Раҳмоннинг “Яшил дарё” тўпламини 1979 йилнинг энг самимий китоби, юқорида айтилган ўша “мавхум”ликдан бутунлай ҳоли китоб деб ўйладим:

*Ҳаволарга сочилмоқда
Оромижсон бир атр.
Бинафишалар очилмоқда
Тупроқ ёриб қайдадир.
Очилмоқда титраб-титраб,
Рангпаргина, нафармон,
Биз болалар уни излаб,
Боғ кезамиз андармон.
-Бинафишажсон, қайдасан, айт,
Кўрсатақол юзингни.
Кўмгандирсан, балки ўш пайт*

*Хору хосга ўзингни.
Ҳатлаб-ҳатлаб юргандирсан
Ариқларни ёқалаб.
Хилватиарда тургандирсан
Кўзларингни уқалаб...
(Бинафша)*

Бинафша “арикларни ҳатлаб-ҳатлаб” юрмайди, у кўзларини ҳеч қаҷон “уқаламайди” деманг. Акс ҳолда, яна ўша “мавҳум”ликка юз бурган бўласиз. Бу образ. Унда кўз қамаштирадиган бир оқлик бор. У шодликнинг ранги. Балки, изтиробнинг рангидир. Ниманидир излаётган, пайпасланаётган, пора-пора бўлаётган қалб рангидир бу.

Мен ташбеҳларнинг самимиятини айтмоқчи эмасман – бунга шубҳа йўқ. Оҳангдаги самимиятни таъкидламоқчиман, холос. Зўраки сўзлардан йироқ, бири иккинчисини мунтазам тўлдириб борувчи озод сатрларни, жўнлик эмас – чинакам соддаликни айтмоқчиман.

Бу соддалик “Бинафша”нинг қофияларига ҳам сингдирилган. Улар янги бўлмаслиги мумкин, аммо табиийлиги шубҳасиз. Юксак шеърий нутқ талабларига жавоб берадиган даражада табиий. Қофиянинг ягона вазифаси – ўзининг қофия эканлигини сездирмаслигига, агар таъбир жоиз бўлса, унинг олижаноблигидадир.

Афсуски, бугун қофия ҳакида гапиргудек бўлсанг, кулги бўлишинг мумкин. Чунки, жуда кўп шоирларимиз ўзларини қофия дарсини ўтиб бўлдик, деб хисоблайдилар.

Менинг ўилашимча, қофия – кашфиёт демакдир. У факат шоир ёки ўқувчининг эрмаги бўлиб қолмай, балки, адабий тилнинг ривожи учун ҳам хизмат қилиши зарур.

Рус шеърияти мисолида кўрсақ, 60 йил ичида қофия жараёни жуда кўп босқичлардан ўтди. Маяковскийнинг новаторлиги билан Пастернак ва Асеевларнинг сўнгги шеърларидағи қофия ўртасида фарқ жуда катта.

Бизнинг қофиямиз-чи, Навоий замонидан бугунга қадар нимани топди-ю, нимани йўқотди? Буни факат “танқидчиларга ҳавола” қилиб кўйсақ, уят бўлади.

Шу маънода бошқа шоирлар қатори Мухаммад Раҳмоннинг ўз қоғиялари борлиги мени жуда қувонтиради. Бу қувонч Мухаммад Раҳмонни “ёш шоир” деб аташга йўл қўймайди. Шоирнинг ёши йўқ. Ёш шеърида бўлади. “Воя” ёки “балоғат” сўзларини шеърга ишлатган маъқул. Шоирнинг эса, ёши йўқ. У ҳамиша кексадир. Шоир имтиёздан баланд туради.

Қаранг, “Яшил дарё” китобининг асосида мунис бир жасорат ётибди. Балки “мунис” сўзи ҳаддан ташқари юмшоқ, “жасорат” эса, қаттиқ туюлиши мумкин, аммо мен бошқа ибора тополмадим. Чунки, шоирнинг жасорати “катта проблемалар қўйиш” билангина чекланмайди, бу жасорат ўз сезгиларидан уялмай келтирган иқрорида ҳамдир.

Жасорат дегани атрофидаги ёлғончиларга дўқ уриб, бақиришгина эмас, балки, уларнинг даврасида ўтириб, ўз фикрини айтмоқ ҳамдир. Ваҳоланки, бальзи ёзувчи ва шоирлар “одамнинг сўзи билан иши бир бўлиши керак”, деб ўгит қиласидар, аммо хотинининг кулогига “бу адабиёт эмас сенга, хаётдир” деб шиғшийди, ёки “ўзимни адабиётга қурбон қилипман”, деб шеърлар ёзади-ю, ўзи эса, дуч келгандан қурбонлик талаб қиласиди, шеъриятдан бошқа ҳамма нарсаси бўлгандар “шеъриятдан бошқа ҳеч нарсам йўқ”, деб алдайдилар.

Лекин бу холат Рауф Парфининг шеъриятига ҳалал беролмайди. Ҳақиқий шеърият ўзича қувноқ, ўзича исёнкор, ўзича маҳзун. Тингланг: эътибор даъво қилмайдиган бир оҳангда, ўзбек даштлари каби кенг, вазмин, қорабайир туёқларидан сачровчи товушлар маромида шеър куйила бошлади. Аммо бу маром алдамчи. Охирги сатрлар сизни хушингизга келтириб қўяди...

Исён ўз шамойилини ўзгартиришга уриниб кўрди. У муҳаббатнинг кўйлагини кийиб, ўзини кўзгуга солди, мулойим, назокатли кўринишга интилди – бўлмади. Севгининг кўйлаги унга ярашмади. Шунда у тақлиддан воз кечди. Яъни бармоқлари билан ўпа бошлади, ўтли кўзлари билан силай бошлади. Исён ўзлигига қайтди. Ўз овозидан уялмай, куйлаб юборди.

Сиз унинг қўшигини беихтиёр ёд оласиз.

Хотирада қолган шеър эса – тириқдир. Ахир айтинг, жавонда турган китобдан ҳам улугроқ нарса борми? Аслида, ўша китобдан ҳам ўликроқ нима бор? Ҳар қандай китоб факат мутолаа жараёнида тирилади. Таъбир қилганда, арвоҳ бу йўқ нарса, лекин уни

эсласангиз кифоя, арвоҳ қаршингизда пайдо бўлади: Ҳамлет отасининг руҳини ёнига чақирмайди, уни эслайди, холос...

Шеър давом этади.

Чўчинқираб тинглайсан. Чунки, шеърдаги фикр паришон келаётган одам олдида бурилишдан чиқиб қолган йўловчидай дафъатан:

*Кўкларга етмагай нолам, ёшигим,
Сувга чўкиб кетган болам, ёшигим...*

Дафъатаник фақат фикрда эмас. Шаклга эътибор қилинг: бармоқда ёзилган шеър баландпарвозликка мойил, бу ҳол унинг табиатидан келиб чиқади. Аммо Рауф Парфи вазн инжиқлигини енгиб, уни ўз хукмига бўйсундиради, ер чиройини тарашламай, борлигича, шеърнинг бўйнига тақади. Мана бу сатрлар фикримизни ойдинлаштириши мумкин:

*... Ёшлик зангор фасл. Кечди. Сарғарди,
Тўқилди у. Шафақ билмас баргрезон.
Қора совуқларга отиб юборди;
Шамоллар поида синмоқда ҳазон,
Ёшлик зангор фасл. Кечди. Сарғарди.*

Сўзлар кескинлиги кўхна вазнга янги шакл мазмунини беради: “Ёшлик зангор фасл. Кечди. Сарғарди”. Бу сўзлар – шоирнинг энг ичкин, энг самимий изҳоридир. Бу уч нуқта билан ажратилган бўлаклар бир-биридан юз ўгирган, аммо бир-бирини таъкидловчи учта холатдир. Учта тақа-так ёпилган эшик , учта қайтарилган “оҳ”.

Шоир “саргайди” сўзининг ўрнига “сарғарди” сўзини ёзади. Чунки, сўнгги сўз ҳарфларидағи зарб, кескинлик уни кўпроқ жалб этади ва иккиланмай ўшани танлайди.

Бу маҳорат ҳанжари. Шоирнинг ягона куроли.

У умр бўйи шу ҳанжарни чархлаш билан овора бўлажак. Уни бирорвга ўқталиш учун олиб юрмайди, бу ҳанжар шоирнинг ўзига аталган: кун-бақун, тун-батун чархланувчи бу тиф ўзгаларни даволаб, ўзини ҳалок этишини шоир яхши билади.

Лекин бу хабардорлик уни фаолиятдан четга тортмайди, аксинча, – илҳомлантиради, вакт, лаҳзаларнинг муваққатлигини билган шоир “кундан олмаган ҳакини тундан олади”. Демак,

шоирнинг ўз осойишталиги ҳакида ўйлаб ўтиришга вакти йўқ, шеърият унинг учун тирикчилик эмас, тириклиқдир.

Шоир севгисида ҳам, нафратида ҳам, ҳатто рашида ҳам курашчи. Лекин локайд эмас. Лекин, ҳаёт воқеаларига қараб, кўл қовуштириб турмайди; йўқолсин локайдлик, йўқолсин қовуштирилган қўллар. Яшасин ҳамдардлик, изтироб, ёрдам...

Бундан ташқари шоир учун
... *Бир сўз бор,*
Беегубор тонг каби гўзал.
Тонг чоги очилган гунча каби,
Гунчада шабнам каби мусаффо...
Бир сўз бор
Ҳақиқат сўзидан ҳам юксак,
Ҳақиқатнинг ўзидан ҳам юксак
Бир сўз бор...
(Рауф Парфи)

Бу сўз “Ватан” сўзи. “Оёғи она ерга ботиб қолган” шоир бу улуг тушунчани шунчаки плакат шаклида ифодалашни шаккоклик деб билади. У Ватан ҳакида ўз севгиси, ўз онаси тўғрисида ёзгани сингари ичкин, меҳр билан юракдан кечирган туйғусини ёзади.

1979

ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ ҚАҲРАМОННИНГ УЗУҚ-ЮЛУҚ ХАЁЛЛАРИ

Бу кундаликни ёзган одам иродасиз шахс эди. Унинг бирор сифатини бўрттириб қўрсатиш лозим бўлса, ўзига хос томонини шарҳлаш зарур бўлса, биз ҳамиша унинг иродасизлигини биринчи навбатда айтгимиз келади.

Буни ўша одамнинг бошқаларга нисбатан рухан ожиз, жисмонан заиф бўлгани учун эмас, ҳаёт лаззатларини бизга қараганда камроқ севгани учун ҳам эмас, балки, у ўз қобилиятига яраша яшай олмаганини кўзда тутиб, кўлидан келган ишларнинг бирортасини охирига етказмай ўлиб кетганига ачиниб айтяпмиз.

Албатта, “қобилиятига қараб яшай олмаслик” деган гап ниҳоятда нисбий. Шахс ўз ҳаётини шундай яшаган экан, демак, у факат ШУНДАЙ ЯШАШГА ЛОЙИҚ. Аммо бу қоидани сиз билан

бизнинг турмушимизга қўллаш мумкин, қундаликни ёзган одам ҳаётига эмас. Бу билан мен сизни ҳам, ўзимни ҳам камситмоқчи эмасман. Аксинча, сиз-у менга ўхшаганлар ўз истаклари доирасида, ўз қобилиятларидан иложи борича тўла фойдаланишга қодир, кичик бўлса-да, аниқ мақсади бор ва ўша мақсадга доим интиладиган мақтовга сазовор одамлардир.

Кундалик муаллифи эса, ҳатто ўз қундалигини ҳам тартибга келтиролмай оламдан ўтди.

КУНДАЛИК

Шундай килиб, бу уй совуқ бўлса, мен дарров бошқасига кўчиб ўтишим мумкин. Бу фикр мени ҳамиша мувозанатда ушлаб туради, мендаги маҳфий баҳтиёрлик туйғусини озиқлантириб туради.

Бу фикр дуога, мен художўйга ўхшайман: у ётишдан олдин ҳам, уйғонганимдан кейин ҳам ичимда беихтиёр такрорланади: “Совуқ бўлса, кўчиб ўтаман!”

Лекин бу уй совуқ эмас. Устимда иккита кўрпа, тагимда шунга яраша тўшак бор. Булар менинг ягона суюнадиганларим, ёнбошлайдиган, кўмиладиганим, мени ўз қаноти остига оладиган нарсаларим. Қисқаси – менинг истехқомим шулар.

Совуққа бўлган муносабатим эса, жуда оддий. Мен совуқни ёқтирамайман, балки, уни севаман. Агар совуқ бўлмаса, иссиқ кўрпа остидаги роҳат тотини билмай дунёдан ўтиб кетган бўлардим, деб ўйлайман.

Бу фикр мени доим қўрқувга солади. Гўё мен ҳозир ўрнимдан тураман. Яланғоч ҳолда тўппа-тўғри қорга сакрайман. Оёқларим остида қор қўпира бошлайди, вижиллайди – унга чўғланиб турган касовни ботирганда қандай вижилласа, шундай вижиллайди. Сесканиб кетаман. Совуқ нималигини билмайдиган, ундан қўрқишиб, уни севиш нималигини билмайдиган афсонавий одамлар келади. Кор улар учун жимирилаб турадиган оқ нарса эмас, балки, оддий сочиқдир, улар ағанайдиган чойшабдир.

Йўқ, мен совуқни ёқтирамасам ҳам, ундан нолимайман, унинг борлигига шукр қиласман. Иссиқни ёмон қўрадиган одам саратон кунларидан нолимайди-ку... У сояда ўтириб чой хўплар экан, ичидиа хурсанд бўлади: “Қайси мамлакатда, бошка қайси масканда

шундай иссиқ бор, яна қаерда соя дегани шунчалик оромбахш бўлиши мумкин!..” деб ўйлади.

Шунингдек, совуққа бўлган мендаги муносабат ҳам оддий. У нариги дунё рутубатига, қабр совуқлигига қарама-қарши бўлган, гоятда оддий фалсафа. Нариги дунё дегани фақат танҳолик эмас(у ерда хурилар бор, Дўзах ва жаннат бор.Лекин мен ҳозирча, тасаввур қилганимни ёзаман).

Мен кўрпа оқлигини, тўшак тафтини ва фикрларимни, ўзимдан бўлак ҳеч кимга керак бўлмаган шу фикрларимни севаман. Оппок сукунат ичида уларнинг шивир-шивирини тинглаб ётаман. Агар эринмасам, баъзиларини дафтарга ёзиб қўйишим мумкин. Ўнимдан қўзгалмай, ёстиқ тагидаги қизил жилдли дафтарни олиб, ёза бошлайман. Лекин ёзилган фикрлар кўпинча суратга тушаётган одамларга ўхшаб қолади: ҳаммаси ясаниб-туссанган, ҳатти-ҳаракатлари нотабии. Шуни сезган заҳотим, ёзишдан тўхтайман. Умрида суратга тушмай ўтган одамлар ҳам бор-ку.

Агар ёзма фикрга нисбатан менда бу гайрлик бўлмаганда эди, балки мен ҳам романлар ёзардим ёки шеърлар ёзib, ўргамиёна шоирлар қаторидан ўрин топган бўлардим. Лекин, ёзма фикр нима? Ўзининг шеърларини қайта-қайта ўқиётган шоир шундай ўйлади: “Ой у ёқда турсин, ҳадя этилмаган бирор юлдуз йўқ, осмондаги барча сайёralарни бобонгнинг боболари бувингнинг бувиларига совға қилиб юборишган. Аммо кўкда бирорта юлдуз ўзининг “ҳадя” эканини, уни ҳадя қилган шоир ва у яшаб турган заминни ҳам билмайди”.

Сўз тафтишидан бошланган бу ўй – шоирнинг даҳрийлик сари қўйган биринчи қадами бўлади. У ўзи сезмаган ҳолда, ўз қуроли – сўз устидан кула бошлайди. Умр бўйи бошқаларни ўзи тўқиган сўзларга ишонгиришга интилган одам сўзга шубҳа билан қарайди: битта иборани танла, ундаги ҳар бир сўзга эътибор қил, кейин дикқатингни тўплаб, бутун иборани қамраб ол ва унинг устида узок тур... шунда ўша ибора аста-секин ўз моҳиятини йўқота бошлайди, дикқат нури остида эрий бошлайди...

“Сўзга айланган фикр – хатодир”.

Бу фикр сўзга айланган фикрлар ичида энг тўғрисидир, балким.

Лекин бу инсон қодир бўлган самимиятнинг ярми, холос. Сўзга айланмаган фикр-чи ростми? Одам хато сўзлашдан тўхтаб,

хато ўйлашдан ҳам тўхтайдими? Йўқ. Сўзлаётган одам хато гапиришга маҳкум. Жим турган одам эса ундан беш баттар.

Ҳақиқий фикр – сўзга айланган фикр эмас.

Сўзга айланмаган фикр ҳам ҳақиқатдан узоқ.

Ҳақиқат – ҳамма жойда, яъни у ҳаммамизга тенг тақсимланган. Биз фақат ҳақиқатнинг БИЗДАГИ ҚИСМИ ҳақида гапиришга мажбурмиз. (Унинг ашаддий душмани биздаги мантиқ – ҳақиқатнинг БИР ҚИСМИ ўйлаб чиқарган мантиқидир): одам қанча кичик бўлса, унинг хатоси (ёлғони) ҳам шунга ярашадир ёки у қанча йирик бўлса, хатоси (ёлғони) ҳам шунча йирикдир. Юлий Сезар, Амир Темур, Наполеон – ҳаммаси “дунё менга бўйсунса, мен уни баҳтли қиласман” деб лоф урганлар.

Атрофга қара: нотаниш гиёҳлар, нотаниш чумолилар, юз йилда бир қимирлаб қўядиган ва яна юз йил ўша ҳаракатини кутиб ётадиган баҳайбат харсанглар, бир лаҳза ичидаги қанотини минг бор силкитадиган ҳашаротлар.

Ҳажмлар, солиштирма оғирликлар дунёси. Қанча сон бўлса, шунча сифат дунёси. Бирорта сон ўз сифати ҳақида, бирорта сифат ўз сони ҳақида ўйламайдиганлар дунёси.

Ўлчангандан ва ўлчанадиганлар олами: сен мана шу қоянинг зирхига суюниб туриб, унинг неча тонна эканлигини тахминан айтиб беришинг мумкин, дунё ҳисобчилари йиғилса, Ер куррасининг оғирлигина ҳам аниқлайдилар. Лекин бунинг фойдаси борми? Ер шарининг ўзи поёнсиз фазода учиб юрган бир зарраку!..

Аммо сен ҳозир қўёрмайсан. Кўргага қаттикроқ ўралиб оласан-да, Паскалга ўхшаб, борликни накадар кенглиги-ю, ўзингнинг аянчли даражада кичиклигингни кўриб, даҳшатга тушмайсан. Бу ҳамма нарсани тушунганингдан эмас, балки, барча тушунгандарингни унуганингдан.

Йўқ, унутмадинг... Фақат, мантиқ, сийкаси чиқиб кетган мантиқдан қутулишга уриняпсан, холос. Ўйлайсанки, бирорта ғояни рад қилиш сенга шарт эмас. Ёки тан олишга ҳам зарурат йўқ. Анави қоя мана шу замин бўшлиғи ичра қандай муаллақ сузаётган бўлса, сен ҳам шундай қалқиб турибсан. Лекин бу ҳол узоқ давом этмайди – фикр сени дарров ерга торта бошлайди.

Токи фикр сени кўкка кўтариб, пастга тортар экан, идрок эгаси – сен эмассан!

Агар менда ёзма фикрга нисбатан мана шу гайирлик бўлмаганда эди, мен ёзувчи бўлардим. Лекин шунга қарамай, мен айрим фикрларимни ёзиб бораман. Бу одат ёки ўтиқод эмас. Бу – қизиқувчанлик, халигача сўнмаган қизиқувчанликнинг бир кўриниши.

Одамлар денгиз тубига тушиб, текширишлар олиб боради ёки ҳайвонларнинг бўйнига радиоузатгичлар боғлаб, қўйиб юборишади, тажрибалар ўтказишади, агар ташқарига чиқишдан эринса, бир даста қофоз олиб, тун бўйи хар хил қаҳрамонларни ўйлаб чиқишиади, романлар ёзишади. **БУЛАРНИНГ ҲАММАСИ ҚИЗИҚУВЧАНЛИК ОҚИБАТИ.**

Мен эса, ўз ялқовлигимни текшираман. Маълумки, ялқовлиқда воқеалар ривожи бўлмайди. Унда тутун ва ечим йўқ. Фақат сукунатнинг мовий кўзгуси ва унда ғалати-ғалати шаклларга кириб олган ва бу шаклларни тинимсиз ўзгартириб турадиган фикрлар бор, холос. Шунинг учун хам ялқовликни нуқсон деб билмайман. Мен учун ялқовликни оклаш, уни хақорат килиш билан баравар туюлади. Аммо бошқалар олдида уни оклашга мажбур бўламан: “Ялқов одам фикрламаслиги мумкин, аммо фикрлаган одам ҳамиша ялқовдир”.

Фикрларим фаолияти, уларнинг ҳаёти ва ўлими ҳақида ҳеч ким билмайди. Фақат мен биламан. Мен учун ўзим туғилган ой ва йилнинг заррача аҳамияти йўқ. Фикр туғилган лаҳза, йил ва асрнинг қиммати бор. Мен ўлган лаҳзанинг, йилнинг, асрнинг устига ўрнатилган совуқ мармарга ёнаётган юзимни қайта-қайта босаман – яна яшамоқ учун...

Қайси шахарга кетма, қайси меҳмонхонада турма, бари бир сени топиб олишади. Янги иқлимга кўнишиб ултурмай, янги одамлар билан танишмай, сенинг ўтмишинг бугун алоқа жабҳаси бўйлаб сенга қарши хужумга ўтади: қисқа ёзилган соғинч мактублари, ундан хам қисқароқ телеграммалар, эшикка урилаётган морзе алифбосини эслатувчи товушлар – ҳаммаси сени ахтара бошлайди.

Мана, эшик тақиллаяпти. Лекин мен очмайман. Деразани чертиб кўрадилар. Лекин мен пардани туширишга улгураман.

Кўрпага ўраниб, воқеанинг давомини кутаман.

Кор бетоқат қирсиллайди.

Гоҳ эшикниң олдидада, гоҳ деразаниң олдида қирсилайди. Үёқ-буёққа юраётган, мени күрмөкчі бўлаётган қорнинг ўзи. Гўё эшикни тақиллатган, деразани чертган ҳам кор.

Аммо эшикни очмайман. Чунки, кор эмас у. Пардани кўтармайман. Чунки, бу ҳам кор эмас. Биламан унинг кимлигини. Дўстим, танишим деб айтмолмайман, лекин кимлигини жуда яхши биламан: у юрган – кундалик воқеа. Ҳар куни, ҳар жойда тақрорланадиган, бири иккинчисига эгизакдай ўхшаш воқеалардан бири. Ҳозирнинг ўзида, худди шу лаҳзада шаҳардаги минглаб уйларнинг эшиклари тақиламоқда, деразалари чертилмоқда ва минглаб одамларнинг дўст-у қариндошлари қорни қирсиллатиб, үёқ-буёққа юришиб туришибди.

Уларнинг бирортасига сиз ёки, дейлик, мен эшик очсан, у ўша эшик қоқаётган, дераза чертаётган минглаб ҳамдардларнинг бор нафратини ўз табассумига жойлаб, менга илжаяди: “Уйда экансан-ку, нега очмайсан?”

Мендан садо чиқмагач, у бир зум парокандалиқда туради, кейин юзимга синчилаб қарайди ва бирдан ортига тисланади: “Кечирасиз, мен адашибман!”

Мен нимадир деб ўлдирайман. У кўздан гойиб бўлади. У менинг фақат юзимни эмас, овозимни ҳам танимайди. Чунки, менинг овозим йўқ. Бир ҳафтадан бери ҳеч ким билан гаплашмаган одам ўз овозини йўқотиб қўяди. У ўз фикрларига қулоқ солган заҳоти, улар билан шивирлаша бошлаган замон, унинг овози йўқолади.

Вақт ўтган сайин мен ўз овозимнинг шакл ва тусини унуга бораман ва кун сайин у мендан узоқлашиб боради. Башарти, ҳозиргидай овоз чиқариб гапириш зарур бўлиб қолса, наинки ўзгалар, мен ўзим ҳам унга хайрон қоламан. Мен ўз овозимни танимайман. Ўша эшикни очиб, мени танимаган одамдай, сесканиб кетаман.

Тўғри, мен йўқотган овознинг ўз таржимаи ҳоли бор. У мени танийдиганларнинг ҳаммасига таниш. Шу қадар танишки, мен ўлсам, улар бу овозга тақлид қилиб гапиришлари мумкин. Аммо ҳозир мен чиқарган овоз уларга ҳам, менга ҳам бегона, юзимни ҳам танимайди. Менинг дўстим, қариндошим ёки ўн йил ва ўн беш йиллик танишим мени танимайди. Гап ҳавонинг тундлигига-ю, даҳлизнинг коронғилигага эмас. Менинг қиёфам, танишлар кўнишкан башарам ҳозир ёдимда йўқ. Негаки, одам ўйга чўмса,

унинг юзи йўқолади, одам фикрга шўнгиса, унинг юзи қирғоқда қолиб кетади. Бу юз менга хозир фикрларимни бузган меҳмондай бегона ва ёқимсиздир.

Шунинг учун ҳам мен кўзгулардан қўрқаман. Қўрқаман, чунки, кўзгунинг ёнидан бемалол ўтиб бўлмайди. Фалокат юз берид ўтгудай бўлсанг, кимдир дарров қўлингдан ушлайди, енгингдан тортади ва ноилож ўгирилиб қарайсан: кўзгудаги одам сенга яқинлашади, нигоҳини ботириб-ботириб тикилади. Унинг кўзидағи муаллақликни кўриб ҳаяжонга тушасан, боя эшикни очгаңдаги меҳмондай, ортга тисланасан.

Бир хафтадан бери инсон зоти билан гаплашмаган одамнинг уйида кўзгу бўлмагани маъқул. Кўзгу сен унуган, бир илож қилиб қутулган башарани эсга солади. Танҳоликдан зерикувчи, зиёфатларни, мақтоворларни яхши қўрадиган, ўйин-кулгининг пири, имкон борича ўйламасликка тиришадиган бир нусхани сенга дуч қиласди.

Бу нусха одамларга ёқишини яхши кўради. Ўз фикри учун эмас, одамлар фикри учун яшайди. Одамлар менсиз яшомайди, деб ўйлашни ёқтиради. Кимдир уни соғинаётганини тасаввур қилиб лаззатланади, уларга кўшилиб ўзини соғинади.

Кўзгу ҳам ўша нусханинг моли.

Лекин унинг тагида иккинчи қиёфа бор. У ҳаёт лаззатларини севадиган, ўйлашдан қочадиган биринчи башарадан нафратланади. Унинг мижози изтиробга мойил. У келажакдан ич-ичидан қўрқади. У ўтмиш билан яшайди. Унинг учун ўтмиш – қўёмига етган расм. Бу расмнинг бир чизигини ҳам ўзгартириб бўлмайди. Келажак тахминлардан иборат бўлса, ўтмишда тахминга ўрин йўқ. Ўтмиш энг мавжуд нарсалардан мавжудроқ. Уни унугашга уринган кимса бехуда уринажак, ўтмиш менга ҳалал бермайди деган ҳар ким ўзини тўхтовсиз алдашга маҳкумдир. Агар одам хотирасидан жудо бўлса, у вакт оқиб ўтадиган тарновга айланаб қолади. Лекин унинг хотираси бор: у океангага ўхшаб барча ирмоқлардан сув олади, аммо бир томчи ҳам қайтариб бермайди.

(Унинг фикрлари ўша расм – ўтмиш узра чарх уради. Фикр ўтмишни эмас, ўтмиш фикрни тинмай ўзгартириб туради).

Сен уйланар экансан, 20 ёшли қизга эмас, унинг 20 йиллик ўтмишига ҳам уйланмоғинг керак. Бу тўй шартларидан биридир. Сен факат муҳаббатга эмас, рашикка ҳам уйланишинг керак. Сенга яқин бўлган ҳамманинг, сен мансуб бўлган ҳалқнинг ўтмиши –

буугунги кундан ҳам, эртанды кундан ҳам аниқроқ, равшанроқ кундир. У сен билан ёнма-ён юриб, сенга мунгазам шароб узатади ёки узлуксиз захарлаб туради. У ўз ўтмишини севади ва шунинг учун ҳам ёлғизликни таңлайди. Унинг тушунчалари водийсида мангу туман ётади. У баҳт нима деган саволдан ўтдан қўрқандай қўрқади. Ўзини ўраган туман бир куни тарқалишига умид боғлади, аммо ойдинлик ҳақидаги дастлабки фикрининг ўзиёқ уни даҳшатга солади.

Изтиробга ошно бу одам ҳар қандай қувончни эҳтиёткорлик билан қабул қиласди. Негаки, бир зумлиқ бу баҳт унинг бир текис кетаётган изтироблар оқимини бузади-да, хоинларча ташлаб кетиб қолади, кейин эски оқимга кўникиш нақадар оғирлигини бу одам яхши билади.

1979

ХЕМИНГУЭЙ ҲАҚИДА

I. МУТОЛАА

(*Эрнест Хемингуэйнинг тугилганига 80 йил тўлиши муносабати билан*)

Америкалик ёзувчи Синклер Люис 1930 йил Нобел мукофотига сазовор бўлганида, Швейцария академияси минбаридан ўз ҳалқи адабиётининг келажаги ҳақида умид билан сўзлаган, ёш ёзувчилар каторида Эрнест Миллер Хемингуэй номини ҳам фаҳр билан тилга олган эди.

Ўша пайтда Хемингуэй ўттиз бир ёшда бўлиб, атиги хикоялар тўплами ва “Қуёш чикар...” романини нашр эттирган, лекин Канада газетасининг мухбири сифатида Оврупо бўйлаб кўп сафар қилган, сиёсий воқеаларни теран таҳлил эта оладиган киши, Италия фронтининг ёш ветерани, 1922 йилги Туркия-Гретсия урушининг гувоҳи эди.

“Қуёш чикар ...” романи муаллифининг ноширга ёзган хати мазмунида, биз ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган одамни қўрамиз: “Мен шу заминни севаман, унинг мафтуниман, аммо ўз авлодимни ҳам, унинг майда мақсадларини ҳам бир чақага олмайман... Бу китоб қуруқ ва аччиқ сатира бўлиб қолмаслиги керак, у шундай бир

фожиа бўлсинки, токи асар ниҳоясида Замин мангу қаҳрамонга айлансин”.

Роман урушнинг тирик қурбонлари – фронтдан қайтиб, ҳаётини иччилик, айш-ишратга сарф килишга маҳкум одамлар – “маҳв бўлган авлод” вакиллари ҳақида. Улар ажойиб одамлар эди. Уларни уруш маҳв этди. Тасаввурга муҳрланган даҳшатли манзараларни улар шароб билан ювмоқчи, ишрат билан сидириб ташламоқчи бўладилар. Лекин ёзувчи бу урунишларнинг бехудалигини, урушни унга қарши фаол курашиш билангина енгиш кераклиги таъкидлайди.

Уруш мавзуи Хемингуэй ижодининг барча босқичларида муҳим ўрин тутади. Унинг 1929 йилда нашр қилинган “Алвидо, қурол!”, испан республикачиларига бағишлиланган “Бонг кимни йўқлайди?”, вафотидан кейин эълон қилинган “Океандаги ороллар” китобларида ҳам уруш мавзуи қаламга олинган.

Ўз умри давомида у кўп урушларни кўрди ва ана шу ҳаётни тасвирлади.

Бир вақтлар Хемингуэй ўзи ҳақида ёзилган китобдан норози бўлиб, унинг муаллифи – адабиётшунос Филипп Янг ва асарни қабул қилган нашриётни судга бермоқчи бўлган, улардан “шахси ҳаётига аралашмаслик”ни талаб этган эди. Лекин муаллифнинг тинимсиз илтимослари тинкасига теккани учун, талабидан воз кечди.

Ваҳоланки, “шахси ҳаётига аралашмаслик”ни ёзувчи факат ўзгалардан талаб қиласарди, ўзидан эмас. Ўз ҳаётига эса, унинг ўзидан кўпроқ аралашган, тафтиш қилган, тинимсиз тафтиш қилган бошқа бир кимса бўлмаган.

У дунё ишларига ўз ҳаёти орқали аралашади, дунёни ўзига хос буюк бир инсоний муҳаббат билан севди. У олтмиш икки йил умрини “кун-бакун тўқиди”, бу ажойиб кашта ниҳоясига етмай, воқеаларнинг дафъатанлиги ва тақдирнинг фавқулодда маккорлиги туфайли узилиб қолиши хеч гап эмас эди.

Ҳақиқий ёзувчининг ўнг-сўлга қараб, эҳтиёт бўлиб қадам босишига фурсати бўлмайди. У ўз вазифасини адо этади-ю, дунёдан ўтади. Агар сиз оддий истеъодд эгаси бўлсангиз, узоқроқ яшашингиз керак, нега-ки, тузукроқ бирор нарса ёзиш учун вақт даркор. Кобишиятсиз ёзувчилар эса, абадий яшамаса бўлмайди.

Бу кинояли сўзлар 1918 йил Италия-Австрия фронти қирғинларидан омон чиққан, 1937 йилги Мадрид жангларидан

кейин, 1954 йилда юз берган ҳаво ҳалокатида ҳам тирик қолган ва 1961 йил июл ойининг сокин тонгларидан бирида ўзини отиб кўйган ёзувчининг фикрлариидир.

Хемингуэйнинг хаёти унинг романларида акс этгани хакида жуда кўп гапирадилар. Ёзувчими шахсан билганлар у ҳақда ўнлаб эсадалик китоблар нашр эттирадилар, билмаганлар эса, ундан ҳам кўп ёздилар. Хемингуэй хикояларини ўқиган китобхон унинг янги романини ахтарадиган бўлди, ўқимаганлар ёзувчининг Африками ёки бирор оролда тушган суратини уйларига осиб қўйишга одатландилар.

Хемингуэй – машҳур. Хемингуэй – идеал. Бу – китобхонлар орасидагина эмас, ёзувчилар муҳитида ҳам такрорланди. Намунага ўч ёшлар “Алвидо қурол!” ва “Килиманжаро қорлари”нинг ҳар бир сатрини ютоқиб ўқидилар, янги наср нафасини сезиб, ўзлари билган ва билмаган ҳолда, тақлид қила бошладилар. Лекин Хемингуэйга ўхшаётган кўра, ўхшашга интилиш хисси кучли бўлганиданми, уларнинг кўпчилиги йўқолиб кетди, аксарияти эса, ўз вақтида бундан воз кечиб, тўғри қилдилар.

“Хемингуэй тирик бўлганида, танқидчиларига мана бундай маслаҳат берар эди”, деб фол очиб ўтирумайлик. Чунки, у маслаҳат беришни ёмон кўрарди.

Нихоят, Хемингуэй мухлислари ва танқидчилари ўртасидаги шов-шувлар анча босилгандек бўлди. Энди ашаддий китобхон ҳам ўзи бир пайтлар сифинган бу ёзувчининг “янги” асарини ўқиб, дўстиникига суюнчилаб бормайди. Ҳамон китоб ўқишга вакт тополмай юрган, улуғ шахслар портретининг мухлиси, ўз навбатида, бошқа бир ёзувчининг суратини топиб олади. Чунончи, колумбиялик адаб Габриэл Гарсия Маркеснинг журналистлар билан тушган суратини.

Бу ҳол машҳур франсуз шоири Апполинернинг маъюс бир шеърини эсга солади:

*Қирғоқда
Сокин чайқалади бўлм-бўши қайиқлар.
Энди
На бозор кунлари, на душанбада
На бирорта рассом
Ва на Монассан
Кўкракдор бефаҳм хонимчаларни
Айлантириб юрат бу қайиқларда...*

*O, бўм-бўши қайиқтар,
Юрагим орзиқиб кетади менинг
Сокин чайқалсангиз агар
Киргөқда.*

Бизнинг ҳам юрагимиз орзиқади, Эрнест! Лекин ҳувиллаб қолган қайиқларни кўриб эмас, китобхониярингиз камайиб қолгани учун, сизга ачинганимиздан ҳам эмас – кўз олдимиизда ажойиб ёзувчининг янги тақдири қайта туғилаётганидан. Номига “кўз юргутиришлар”, номига ўқишлар тугаб, чинакам *Мутолаа* бошланаётганидан.

Бу урушнинг дастлабки ва кейинги қунларига ўхшамайдими? Бир неча ҳужум ва мудофаалардан сўнг жангчиларнинг сараси саракка, пучаги пучакка ажралади. Сизнинг таъбирингиз билан айтсак, “ботирлар ботирлигича қолади, романниклар хушёр тортади, қўрқоклар эса, ярадорлар билан уйга қайтадилар”.

“Алвидо, курол!” сингари асарлар, ақалли ўз отангизни таниб олишга ёрдам беради. Ахир, оталаримизнинг жуда кўпчилиги урушда қатнашганлар-ку...

– Мен ёшлигимда театрни жуда сеевардим, аммо урушдан қайтганимдан сўнг узоқ вақт саҳнани кўришга юрагим бетламади – деб қолди ўша “махв бўлган авлод” вакилларидан бири. У ёғини айтмади.

Мен ҳам бу сухбатга муносиб тингловчи бўлиш истагиданми, сабабини суриштирмадим.

Сухбатдошнинг, ақалли, уруш иштирокчиси ёки испан республикачиларининг мададкори – интербригада аъзоси бўлса, сен унга ортиқча савол бериб ўтирамайсан.

Сўзларини охиригача етказмай, кутилмаганда тўхтаб қолади. Узилган жумлани сўз билан эмас – мулоийм, ҳомий табассум билан хотималайди.

“Сўрама, – дейди улар гўё, – суриштирма. Бари бир тушунмайсан. Тушунганингда ҳам айтмасдим. Ҳеч қачон. Фақат шу хаётни қадрлай олсанг, бас. Бунинг учун урушга бориб, ўн марта ярадор бўлиш шарт эмас. Бунинг учун инсонга меҳр бўлса, бас. Тасавуримда эса, жаҳондаги кучлар аллақачон иккига бўлинган. Бу – уруш ва тинчлик. Қолганлари шунинг атрофидаги мулоҳазалар...

– Сени тушунаман. Албатта, фронтда олинган суратларга қарашиб завқылди. Аммо белидаги камар түқасини ялтиратиб, автоматни бўйнига осганча объективга боқиши, боққанда ҳам тик боқиши учун бу ёш аскар жуда кўп қуролдош дўстларидан жудо бўлган, ўзи эса, ажалга минг бор чап берган.

Ажал таҳдид солиб турганда олинган суратда акс этган ҳаёт икки бор гўзалроқ кўринади.

Шу сабабдан ҳам бундай суратларга қарашиб завқылди.

Лекин оналаримизга сурат эмас, ўзимиз керакмиз. Ҳайкал эмас, мангу оловлар эмас, тириклигимиз ардоқли.

Бу орден, медаллар қайси хизматлар учун берилганини сўрамоқчисан, шекили? Яхшиси, сўрама. Жангчига қайси хизмати учун орден берадилар? Ўлгани учунми? Ўлдиргани учунми? Билиб кўй, ҳеч ким, ҳеч қачон “фалончи одамни йўқ қилдим”, деб мақтанолмайди.

Бурч – бошқа гап. Бурч – бизнинг кичик бебахтлигимиздан улуғроқдир. Биз урушга қаҳрамон бўлиш учун борган эмасмиз. Биз душманни яксон қилишимиз кераклигини, ўзимиз ҳалок бўлишимиз мумкинлигини билардик... Балки уруш дегани баъзиларга гоя шаклида кўринар. Уруш – биологик ҳодиса, деб жар солаётганлар озми? Лекин одам куруқ ғоя эмас. Фронт саҳна эмас, унда ёғоч пичоқлар бўлмайди...”

Мен бу маънони китобдан эмас, каршимда ўтирган камгап одам табассумидан, нигоҳидан уқдим. Хемингуэй қаҳрамонларининг айтмаган сўзлари менга яна шундай эшигилади.

Кирк бешинчи йил Элбада учрашган ўзбек ва америкалик жангчининг бир-биридан ҳеч фарки йўқ. Улар бир-бирига эгизакдек ўхшашиб, улардан бири Шарқдан, иккинчиси Фардан шу дарё бўйигача оғир, узоқ йўлни босиб ўтди. Бу масофа уларнинг киёфасига шиддатвор сайқал беради. Мабодо, улар бугун учрашгудек бўлсалар, бир-бирларини сўзсиз, имо-ишорасиз тушунадилар. Бир-бирларига меҳр билан, аммо ғоят вазмин тикилардилар.

“Алвидо, курол!”

Бу китобни ўқиётиб, нимадир ҳалал беряётганини сезасан. Уни бемалол ўқиши қийин. Ундан олган лаззат ҳам қандайдир аччик, одамни масти қилувчи бир гиёҳ хуруж бўлгандек... Ўқиётиб,

рухингда тонг шафаги янглиғ сирли ранглар пайдо бўлаётганини сезасан...

Шунга қарамай, ўша мутолаа давомида ўша “нимадир” сенга ҳалал бериб тураверади. Буни дастлаб, романнинг услубига йўясан, яна бир неча варакни шу тариқа париционликда ўқийсан, кейин – фавқулодда сатрлар замирида яшириниб, сени кузатаётган *вазмин* нигоҳга дуч келасан. Шундан сўнг китобни ўқиб тугаллагунча, ўша таъқибдан қочиб қутула олмайсан.

Ҳатто турмуш икир-чикирларига ўралашиб қолган пайтингда ҳам бу нигоҳ сени ҳоли қўймайди, ишга шунғиб кетиб, унутганингда ҳам шуурингда миғтишлаб тураверади.

Энди қутулдим, деб юрганингда, бир куни кўчадами, трамвайдами, яна дуч келасан. Бу нигоҳ эгалари кўкракларига нишон тақиб юрмайдилар. Уларни қарашларидан танийсан. Бу қараш қанчалик *вазмин* бўлмасин, бу меҳр қанчалик шафқатсиз бўмасин, унга дош бериш керак.

Улар қурол билан аллақачон видолашган бўлсалар-да, милтиқ қайишининг ўрни ҳамон елкаларини ачиштириб туради.

1937 йили Америка ёзувчиларининг Иккинчи Конгрессида Эрнест Хемингуэй минбардан шундай деган эди:

“... Мен яхши ва ҳаққоний асарлар ёзиш нақадар қийинлигини, мабодо, улар ёзилгудек бўлса, муаллифни, шубҳасиз, шунга лойик мукофот кутиб турганини айтган эдим. Лекин уруш даврида – биз уруш даврида яшамоқдамиз – истасак-истамасак, мукофотлар муддати сал чўзилади... Уруш ҳақида бор гапни ёзиш қалтис... Ҳақиқат излаб Испанияга жўнаган бирорта ҳам америкалик ёзувчини билмайман. Бироқ, Линколн номидаги баталён жангчиларнинг кўпини биламан. Аммо улар ёзувчи эмас. Улар мактуб ёзардилар, холос..”

Испанияга жуда кўп инглиз, жуда кўп немис ва голландлар бордилар. Одам ҳақиқат излаб фронтга бораркан, ҳақиқат ўрнида ўлимга дуч келиши эҳтимоли бор. Лекин фронтга ўн киши кетиб, иккитаси омон қайтса, улар олиб келган ҳақиқат – биз тарих деб юрган сохта нарсалардан йироқ – чинакам ҳақиқат бўлади. Бунақа ҳақиқатни, излаб ҳаётни хавф остига қўйиш лозиммикан – бу ёзувчиларнинг ўзига хавола”.

Бу нутқ фашизм авжига чиққан замонда, Испанияда – Франко, Олмонияда – Гитлер, Италияда – Муссолини каби

шахсларнинг гайриинсоний гоялари вабодек тарқаётган пайтда янгради.

Бу нутқ жабрдийда заминимизда ўз бахтини, ўз омадини яна бир карра чигириқдан ўтказаётган пайтда, ўша замин истиқболи учун муқаррар ўлимга кетаётиб: “Мен қайтаман, кут!” – дея хотинига жилмайган камтарин, жасур одамлар ҳарбий эшелонга чиқаётган гулғула кунларда янгради.

Бу нутқ баъзи ёзувчилар: “Илҳом парисига дубулға ярашмайди”, деб қўрқок қалбларига таскин бераётган пайтда, баъзилари худди бугунгидай ўзини “халқ отаси” эълон қилиб(F. Гулом нашириёти директори Хамид Гулом “халқ оталаридан бириман” деганди. Ред), шеърият мажлисларида “шон-шуҳрат минбари”дан сўзлаётганида, эллик ёки олтмиш ёшларини бехатар бурчакларда нишонаётган бир пайтда янгради.

Бу нутқ ҳозир ҳам янграмоқда.

1979

ПРОТОТИП СУРАТИГА ЧИЗГИЛАР

(Эрнест Хемингуэй таваллудининг 85 йиллигига)

Ҳақиқий китобхон ўзининг севган китобини ҳеч қачон сотмайди. Буни тўғри маънода ҳам, кўчма маънода ҳам тушуниш мумкин. Инқиlobчи ўз идеалини, аскар ўз қўшинини сотмагани каби, китобхон ўзининг севимли китобларини сотмайди. Чунки, бу китоблар унинг ҳаёти. У яшаган ёки яшаши мумкин бўлган ҳаёти. У бошидан кечирган ёки кечириши эҳтимол бўлган изтироблари.

Яъни китобхон – потенсиал *прототипидир*.

Чунки унинг кўксида бир хаёлпараст яшайди. Бу хаёлпараст яхшилик ва ёмонлик ўртасида кетаётган жангда ўз кучини синааб кўришга тайёр шахс. У мавхум, аммо вақтинча мавхум.

Дон Кихот образи ригтасларга киноя эмас.

Дон Кихот ашаддий китобхон образи. Балки шунинг учун ҳам бу китобни ўқиётган одам Дон Кихот устидан кулмайди, аксинча, унга нисбатан ҳамдардлик, мунис кадар туюди. Дон Кихот – бутун дунё китобхонларига қўйилган буюк, ғамгин ҳайкалдир. Ҳар бир китобхон ўз қаҳрамонини ўзича тасаввур этади ва бу тасаввурни беихтиёр, ботиний равишда, атрофдан – реалиядан

қўриқлайди. Сиз мутолаа қилиб ўтирган одамнинг “кайфи”ни бузганмисиз? У китобдан бошини кўтариб, деярли ғазаб билан қарайди. Бу ҳолат бир лаҳза давом этса ҳам, уни кўриб улгуриш мумкин.

Китобхон адабиётшунослар қўллайдиган “прототип” сўзини чинакамига ёмон кўради, ўз қаҳрамонини ўзига ўҳшамагани учун ҳам, ўзи кўрмаган гаройиб ҳодисаларни кўргани учун ҳам севади. Иккинчи томондан, ўша қаҳрамоннинг ҳаётда борлиги уни ҳаяжонга солади. Ўз иродасига қарши, у ҳақиқий ҳаётий ҳақиқатни эшитгиси келади. “Балки, чиндан ҳам У ҳаётдир, факат ёзувчи тўқиган образ эмасдир”, деган хом ҳаёл китобхоннинг онгиди милтиплаб туради. Лекин “прототип” ҳакида ўқиб, ҳафсаласи пир бўлади. Ва яна ўз тасаввуридаги ҳаётга қайгади, ўз қаҳрамоннинг ёнига боради. Дон Кихот сингари шамол тегирмонларига қарши урушни, бир зумга тўхтаган мангу урушни давом эттиради...

Лекин биз ҳозир прототип ҳакида гапирмоқчимиз.

Овга чикқан бир машхур овчининг кўзи шикастланади.

Унинг дўйстлари “агар вақтида даволанмасангиз, оқибати ёмон бўлиши мумкин”, – деб уни кўрқитишади. Овчи аввал бунга эътибор бермайди, лекин ўша шикастланиш натижасида кони заҳарланиб, ўлишига сал қолади. Шундан кейин унинг ҳаёлига ҳар хил нарсалар кела бошлади.

Овчи ваҳимачи эмасди. Иккита жаҳон урушини кўрган, Испания республикачилари сафида туриб жанг килган одамни ваҳимачи дейиш қийин. Аммо шу ҳолда катта ёзувчи бўлса, унинг “ваҳимаси”ни изоҳлаш мумкин.

Бу ҳақиқатдан ҳам, ёзувчи, машхур овчигини эмас, машхур романлар муаллифи Эрнест Хемингуэй эди.

Эрнест Хемингуэйнинг “Кўрни етакловчи ит керак” деб номланган хикоясининг прототипи – овчи Хемингуэй. Қон заҳарланишидан ўлишга сал қолган овчининг ҳаёлидан кечган “ҳар хил нарсалар” бу хикоянинг негизини ташкил этади. Овчи ҳаёт, иккала кўзи ҳам соғ, лекин ҳикоя қаҳрамони Филипп яқинда кўр бўлиб қолган:

“Биласанми, – деди у, – бу ерга келганимиз яхши бўлди. Мен бу ерда нима деган бўлсан, ҳаммасини эслайман... Бу янги сўз, аммо биз уни ўчирамиз... Бизнинг яхши магнитофонимиз бор ва мен аввалгидан ҳам яхшироқ ёзаман. Агар одам шошилмаса,

хақиқий сўзларни топиши мумкин. Мен сўзларни айтаётганда, уларни шундоқ кўриб тураман... ”.

Филипп ёзувчи. У ҳам мерган Хемингуэйга ўхшаб, бир пайтлар шер овига борган. Лекин китобхон учун – биз учун Филиппнинг тақдирни қизиқроқ. Биз кўзи ожиз ёзувчининг ички драмаси билан яшаймиз. Аммо бу фожеага қанча чукур кирганимиз сари, кутилмаганда, ўзимиз “истамаган томон”га қараб кетаётганимизни сезамиз: кўлами кенгайиб бораётган руҳий оламга – айнан *прототипнинг* руҳий дунёсига йўл оламиз. Ўзимиз сезмаган ҳолда ёзувчи Хемингуэйнинг қисмати ҳакида ўйлай бошлаймиз.

Хемингуэй ўзининг “Доимо ёнингда байрам” деб номланган хотиралар китобида ўзининг ёшлиги кечган Парижни эслайди. Ўша пайтда ён дафтарчасига ёзиб қолдирган ёш ёзувчининг (ўзининг) хатлари ёрдамида унинг психологиясини таҳлил этади. Хотиржам бўл, дейди ўз-ўзига ёзувчи. Хотиржам бўл, эртага ҳам индинга ҳам ёза оласан. Фақат эртага давом эттириш учун хамиртуруш қолдирсанг бўлди. Бошлаш эса, унчалик қийин эмас бир сўз, бир самимий сўз топсанг бас, кейин ўзи бошланиб кетади.

Диккат билан қаралса, ёш ёзувчининг вазминлик билан, ўзига ишонч билан ёзган сўзлари замирида ишончнинг тескариси – ўзига шубҳани илғаш мумкин. Бу қоронғида қўрқиб ашула айтаётган боланинг ҳолатига ўхшайди. Хемингуэй кучли шахс. Унинг Италия фронтида кўрсатган мардлигини ҳамма билади.

Лекин биз юқорида келтирган ҳолат аскар эмас, ёзувчининг қалбида шаклланган ҳолатдир. Шубҳа – иктидор ёнида турган иккинчи компонент. Бошқача айтганда, иктидорнинг сояси: иктидор қанча катта бўлса, шубҳа ҳам шунчалик баҳайбатдир. “Кўрни етакловчи ит керак” ҳикоясидаги фикр ҳам Хемингуэйнинг “бир кун тўйсатдан ёзолмай қолсам, нима бўлади”, деган “ваҳимаси”, уни доим таъқиб этган шубҳа – фано туйғусидир.

Ёзувчининг “ташқи” ҳаётида бу кайфият умуман кўзгидан ташланмайди. Аксинча, у ҳар хил учрашувларда ўзига ишонган, ҳатто такаббур киши сифатида таассурот қолдиради. Наинки даврларда, ўзининг номи тилга олинган ўз мақолаларида ҳам Хемингуэй иккиланаётган шахс бўлиб кўринмайди: “Африканинг яшил тепаликлари” эссесидан парча келтирамиз:

“— Американинг буюк ёзувчиси ким? — деб сўради Кандидский.

– Менинг эрим, – деди хотиним.

– Бизда буюк ёзувчилар йўқ, – дедим мен (Хемингуэй – М.С.)

– яхши ёзувчиларимиз маълум бир ёшга борганда ўзгариб қолишади ... сал бойигандан кейин, улар яхши яшай бошлайдилар ва бу “яхши ҳаёт”ни таъминлаб туриш учун, истаса истамаса, ёзишга мажбур бўлишади, оқибатда ёзганлари макулатурага айланади ...

– Сиз-чи?

– Менинг қизикадиган нарсам кўп. Мен ўз ҳаётимдан мамнунман. Лекин менга ёзиш зарур, агар ҳар куни “маълум қатор ёзмасам, ҳаёт мен учун ўз гўзаллигини йўқотади” .

Бу ерда ёзувчи алдаётгани йўқ. Бу сўзларга унинг ўзи ҳам каттиқ ишонади. Бу ишончни қамчилаб турадиган нарса... Яна ўша шифобахш, лекин азобли шубҳадир.

Хемингуэйнинг вахимаси аввало жисмоний эмас, руҳий ўлим билан боғлиқ. Бу ердаги ишларни бажаролмай кетишдан кўрқкан одамнинг изтироби. Ва ниҳоят, жисмоний ўлимнинг нақадар шафқатсизлиги, унинг кутиб турмаслигини чукур англаған ёзувчи қарашидир.

Хемингуэй ўзини қийнаган бу ҳисни “Климанжаро қорлари” ҳикоясида яна ҳам кенгрок кўрсатади: Ёзувчи Гарри (яна “ёзувчи” Африка чангальзорларида ов пайтида, – яна “ов”) оёғини шикастлантиради. Арзимас яра кутитмагандага гангренага айланади. Ҳикоя ана шу ўлимни кутиб ётган одам психологиясининг тасвирига курилган. Гарри дараҳт соясида ётиб, жуда кўп воқеаларни эслайди ва бу воқеаларни энди ҳеч қачон ёзолмаслигини ўйлади, ғазабланади, гуноҳсиз хотинига заҳрини сочади. Виждон азоби ўлим олдидаги кўркувдан ҳам устун келади.

Бу ҳикоянинг биринчи қатлами.

Иккинчи қатламдаги фикр ҳар қандай катта ёзувчини ўйлантирадиган, мушоҳадага чорлайдиган фалсафий жумбоқ – жисмоний ўлим ҳақида. Виждон азоби ортида, хотиралар пардаси фонида ўша жумбоқ, ўша тугун ечила боради. Ҳикоя бошида ўлим Гаррининг тепасида айланиб юрган қушлар тимсолида кўринади. Ҳикоя ўртасида у киёфасини ўзгартириб, Гарри ва унинг хотини ётган чодир атрофида сиртлон бўлиб увиллайди. Ҳикоя сўнгига шаклсиз, аммо нафас олиб турган, кўзга кўринмас маҳлук сифатида пайдо бўлади.

“Килиманжаро қорлари”даги ўлим тасвири одамда ҳаётга қучли муҳаббат уйғотади. Ҳаётни кечикиб соғина бошлаган Гаррининг пушаймон тұла соғинчи китобхонни ларзага солади. Гарри ўлаётіб, қайта туғилади. У орзу қылган мұккамаллик чүққиси унинг хәёлида Климанжаро бўлиб гавдаланади. Ҳикоянинг эпиграфини келтирамиз:

“Килиманжаро – баландлиги 19.710 фут, хамиша қор остида ётадиган тоғ тизмаси бўлиб, айтишларича, Африканинг баланд жойи ҳисобланаркан.. Гарбий қоянинг энг тепасида совукда музлаб қолган қоплон ётиди. Бу баландликка қоплон нега чикканлигини ҳеч ким тушунтириб беролмайди”.

Ёзувчи Гарри жони узилар, сўнгги ўзи минган учок Климанжаро қорлари томон, қоплон ётган чўққи тарафга бурилганини яққол кўради. Аслида, бу туш эди. Гаррининг сўнгги алаҳсираши эди.

Ҳикоянинг эстетик кудрати ҳикоя муаллифи юрагида тебраниб турган ўша шубҳа кучи билан баравардир. “Кўрни етакловчи ит керак” асаридан некбинлик ҳам кўзи шикастланган овчи Хемингуэй “вахимаси”нинг давоми, холос.

Хемингуэй ўз хаётида катта кувончли воеалар гувоҳи бўлди Шунингдек, у катта фожеаларни ҳам бошидан кечирди. Испан республикачиларининг мағлубиятини у ўз мағлубияти сифатида қабул этди ва руҳида яна нимадир чатнаганини сезди. “Думбадор генерал (Франко – Хемингуэй ибораси)лар билан курашиш учун яккалик қилаётганини англади. “Алвидо, қурол” романы, ҳикоялари билан дунёга танилиб улгурган, ҳаётга тик қарай бошлаган ёзувчи қалбида яна ўша шубҳа, бу сафар унинг ижтимоий тушунчасини қамраган ҳолда пайдо бўлади. Унинг сўнгги романи “Дарё ортидаги дараҳтлар соясида” энг тушкун асарларидан биридир. Бош қаҳрамон Кантузэлл фашист Франкога карши курашган жангчи, роман финалида ўзини отиб ташлайди.

Полковник Кантузэллининг отган ўқи – Хемингуэй ўзига отган ўқ эди. Аммо хайрият-ки, ўқ ҳавода узок учди. Бу ўқ учар экан, Хемингуэй ўзининг энг яхши асарларидан бири – “Чол ва денгиз”ни ёзип тутатди. Бу қисса унинг одамларга қолдирган сўнгги, ажойиб мероси бўлди. Кейин ёзган асарлари “Чол ва денгиз” даражасига кўтарилилмади.

“Мен бу шимолий американникнинг (Хемингуэйнинг – М.С.) кўрсатган барча жасоратларида болалик қилиғини кўраман”, деган

эди инқиlobчи Эрнесто Че Гевара. Лекин бу қаҳрамонликлар фақат “болалик” эмас эди. Бу – Хемингуэй юрагида муттасил давом этган ўша икки куч – ишонч ва шубха курашининг ташки кўриниши эди. Ёзувчи ўлимдан ҳам рухан, ҳам жисман устун бўлмоқ учун ўзидағи шубхани тинимсиз ўлдириб турди.

Шу икки куч ўргасида тўлғониб, умр бўйи юксак идеаллар учун курашган буюк инсон, изтиробли қалб эгаси Эрнест Хемингуэй ўз қаҳрамони полковник Кантгуэлл сингари бу дунёни тарқ этди ...

Прототип йўқ.

Аммо ёзувчи бор, чунки унинг қаҳрамони Ҳаёт – ҳаётдир.

Демак, китобхон ҳам бор. “Прототип” сўзини ёқтирмайдиган, ўжар, ҳаёлпараст – китобхон.

1984

АДАШГАН ҲАЙКАЛЛАР

1

Улар навбатда туришибди. Нон дўкони олдида турган одамлардай, қаторлашиб туришибди улар. Ҳар бирининг қўлида ўз юраги. Ойлаб, йиллаб тураверади. Ёмғир, кор остида тураверади.

– Мен шу ерликман, ўтказиб юборинг, – демайди ҳеч ким.
– Мен пенсионерман, ўтказиб юборинг, – деб бирортаси айтмайди.

– Мен фалон урушда қатнашдим, – деб ҳеч ким миқ этмайди.
Уларнинг ичидаги имтиёзлилар йўқ. Салла ўрагани ҳам, фрак кийгани ҳам индамай тураверади.

Бу ҳолат бир қарашда лоқайдлик бўлиб кўриниши мумкин, аммо уларнинг киёфасига дикқат қилган киши бир нарсани пайқайди: ҳайкаллар бири иккинчисини таниш учун қаттиқ тиришяяпти – саллали шоир пешонасини тириштириб, “буни қаерда кўрувдим-а”, дегандай фрак кийган шоирга, фракли шоир эса, унга тикилади.

Ҳайкаллар навбатда туришибди, аммо нима учун турганини ҳаммаси ёдидан чиқарган: ҳаммасининг дикқати бир нарсага – бир-бирини таниб олишга қаратилган...

Чиндан ҳам, жуда кўп ҳайкалларимиз қаерга ва нима учун келиб қолганлигини билишмайди. Кимдир уларни боладай етаклаб келади-да, “мана шу ерда туринг, мен хозир қайтиб келаман”, деганича ғойиб бўлади... ва ҳеч қачон қайтиб келмайди. Ҳайкал бўлса, бу ерда мусофири – ёнидаги одамни таний олмай сарсон – тураверади.

Кези келганда шуни айтиш керак-ки, омадли ҳайкаллар хиёбонда ёлғиз ўзи туради. Ҳа турмушдаги ажиб фалсафа ҳайкаллар ўртасида ҳам расм: буюк одам – доим танҳодир.

Хатто ҳайкалларнинг навбатда турганларидан фарқли, у ўзининг қаерда – ватанидами ё хориждами эканлиги билан қизиқмай, bemalol хаёлга шўнгий олади, бунинг устига, танҳо ҳайкалнинг қўлида бирорта китоб бўлиши муқаррар – шуни ўқиб вақт ўтказди, ҳеч бўлмагандан.

2. ТАНҲОЛАР

Байроннинг муҳлиси бу хиёбондан ўтса, доим хафа бўлади: нега бу ерда Байрон эмас, Пушкин турибди?

– Негак-ки... – деб жавоб бермоқчи бўласиз-у, ўзингиз ҳам билмайсиз, негалигини. Узоқ билмай турасиз.

– Мен Пушкин муҳлиси бўлганим учун! – деб фахр аралаш ҳазил қиласиз, лекин дўстингизнинг бошқа шоирга муҳаббатини ҳақорат қилишдан қўрқиб, алдашда давом этасиз: “Пушкин Ўзбекистонни севгани учун. Пушкин Дантес дуэлининг сабабини биласизми? Сабаби бир – Ўзбекистон”.

Байроннинг муҳлиси сизга телба одамга карагандай қарайди, юзингиздаги жиҳдийликни кўриб, эсанкирай бошлайди.

Эсанкирайверсин.

Сизга бунинг алоқаси йўқ. Сиз Пушкинни севасиз ва унинг нега айнан шу ерда турганлигини оқлаш учун ҳар қандай ёлғонга тайёрсиз.

Буюк шоирни қуршаган тошкентлик канизак дараҳтлар эса, охиста қўшиқ айтадилар. Одатда, Шарқ одамлари қўшиқ тинглаётиб, беихтиёр оҳангга мос бош тебратади бошлайдилар. Афсуски, бу иш ҳайкалларнинг қўлидан келмайди.

Айниқса, Пушкиннинг.

Чунки, Овруподада бош тебратишмайди. Овруполиклар ҳар қандай оҳангга оёғи билан жўр бўлишади. Пушкин хиёбонидан

ўтаётган ҳар бир йўловчи шоирнинг жим депсиниб, нотаниш халқ музикасини бутун бронза вужуди билан тинглаётганига гувоҳ бўлади ...

Мана бу хиёбонда эса, иккинчи бир буюк сиймо турибди.

Бу ёзувчига қўйилган ҳайкаллар дунёнинг ҳамма бурчагида бўлса керак. Лондоннинг қайси кўчасига қўйилган экан унинг ҳайкали? Парижнинг қайси булварига?

Ҳар холда, у Тошкентнинг энг гўзал чорраҳасида турибди.

Унинг ёнидан ўтсангиз, сизга меҳри ийиб кетади, буюк пролетар ёзувчисининг сизга ўхшаган оддий одамларни қанчалик севганини яхши билганингиз учун, унга биродарларча таъзим қиласиз, салом берасиз:

– Қайси шамол учирди бу ёқларга, Алексей Максимович?!

Албатта, у ҳайкал сизга қайрилиб ҳам қарамайди. Биринчидан, ҳайкалларнинг бўйни жуда қаттиқ – қайрилиш учун уларга камида юз йил вақт керак. Иккинчидан, саволингиз ниҳоятда бачканга: сиз ва бизни учирган оддий шамол ҳайкалларни учиролмайди. Уларни жуда катта ижтимоий воқеалар, лоақал, инқилюб бўрони учирishi мумкин.

Айниқса, Тошкентдай узок шаҳарга.

3. МАЖЛИС

Агар ҳайкалтарош узокни кўра оладиган санъаткор бўлса, унинг яратган ҳайкаллари ҳам узок-узокларга қараб туради. Бордию, ҳайкалтарош ҳаракатчан, курашчан бўлса, у асарини ўзи севган таҳайнолда – ҳаракат жараёнида тасвирлайди.

“Бўрон қуши ҳақида қўшиқ” муаллифи буюк Горкий ҳайкали худди шундай ҳаракат қуюнида кўрсатилган.

Агар ҳайкалдаги бу шиддат самимий бўлса, бизнинг кўзимизни алдамаган бўлса, Алексей Максимович бир куни ўзининг қироллик супасидан шарт тушади-да, чорраҳани кесиб ўтади ва телефон буткасига боради.

Бахайбат Горкий бу катакка сигармиди. У қўлини жаҳл билан силтаб, изига қайтади ва катта йўлга тушади, йўловчилар, ҳайдовчилар, ойнабанд дўкондаги сотувчилар-у, сартарошхонадаги мижозларни ҳайратга солиб, тўғри Пушкиннинг ёнига келади.

Бир ерда туравериб чарчаган одамнинг ортиқча илтифотга унча хуши бўлмайди, шунинг учун ҳам Горкий хаёлга чўмган Александр Сергеевичга имилламай қўл чўзади:

– Танишайлик, пролетар ёзувчиси Горкий.

Пушкин “пролетар”, “Горкий” сўзларини унча тушунмаганиданми, ёки ҳали ҳам хаёл суроётганиданми, бир зум паришон туради, кейин харакатга келиб, тагкурсидан сакраб ерга тушади:

– Танишганимдан ғоят хурсандман. Лекин кечирасиз, айтингчи, мен ўзи қаердаман?

– Бунинг аҳамияти йўқ, азизим Александр Сергеевич, – дейди Горкий бироз вазмин, бироз асабий, – ҳар ҳолда, биз Русияда эмасмиз, аникроқ айтганда, сиз мен турган мамлакатдасиз.

Буюк Пушкин киноясимон ҳазилни тез тушунади ва шунга мос жумла тузади:

– Биласизми, мен оқ қайнинларни жуда соғиндим. Ҳозир бирдан соғиниб кетдим. Кетмаймизми, а?

Горкий факат қайнинларни эмас, азим дарё Волгани, Нижний Новгородни, қадрдони Владимир Илични соғинганини тўкиб солмоқчи бўлади-ю, аммо реалистнинг вазминлиги бунга йўл қўймайди.

– Мен боя Московга қўнгироқ қилмоқчи эдим, бўлмади. Энди ўзимиз бир илож қилиб жўнашимиз керак. Факат, азизим Александр Сергеевич, сиз атрофингизга қараб, жуда ҳайрон бўлаверманг – мен йўл-йўлакай тушунтириб бераман, сизга. Ҳозир мухими – Русияга жўнашимиз керак.

Қарабсиз-ки, бу икки сиймо эрталабки учоқка чипта олишади.

Икковлон учоқда суҳбатлашиб борар экан, Алексей Максимович кутилмаганда ўрнидан туриб кетди.

– Шўрим курсин, Александр Сергеевич, таёғимни унутиб қолдирибман!

– Ҳечқиси йўқ, жаноб Горкий, Московдан хабар қилиб олдирамиз таёғингизни.

Алексей Максимович “жаноб” сўзининг ҳақорат эканлигини йўлдошига тушунтирмоқчи бўлади-ю, аммо унинг ҳаёлини севимли таёғи банд қилганидан, қўлларини ёзганча туриб қолади.

– Азизим, хабар қиласыз, лекин қаерга хабар қиласыз – биз учган шаҳарнинг номини билмаймиз-ку...

Шундай қилиб, агар ҳайкаллардаги шиддат ёлғон бўлмаса, бизнинг кўзимизни алдамаган бўлса, улар ўзлари турган супадан бир куни, шубҳасиз, тушади ва хоҳлаган томонга равона бўлади.

Биз – улуғ сиймоларнинг мухлислари – улар унтиб қолдирган машхур таёқ учун янги музей очамиз.

1979

СЕҲРЛИ ҚАЛПОҚ ЭМАС, СЕҲРЛИ СЎЗ...

Ҳар бир халқнинг бугунги турмуш маданиятини, узоққа бормай, ўша ерда чиқарилган болалар ўйинчогининг сифатига қараб билса ҳам бўлади...

Лекин сизнинг кўлингизда ўйинчоқ эмас, китоб. Сиз рангли суратларга беланган бу китобни варактрайсиз, варактрайсиз... ва ниҳоят ўзингизни овутишдан ўзга чора қолмайди, яхшиям, бу киши дурадгор эмас – ясаган курсисига ўтирган одам йиқилиб, кўлини синдириган бўларди. Яхшиям у киши меъмор эмас – курган биноси устимизга қулаб тушарди. Яхшиям, бу киши – болалар шоири, ёзган шеъри қанчалик ёмон бўлмасин, ҳали болаларимизнинг бирортаси майиб бўлгани йўқ...

Аммо қўшни хонада бошқа бир одам бор – у ўзини овутмайди, у – норози.

– Болаларни майиб қилишининг энг қулай, беозор йўли, бу, – дейди худди ўша рангли суратларга беланган китобга никтаб, – бу шоир дурадгорлик қилса яхши бўларди – ясаган курсисига ўтирган одам йиқилиб тушганидан кейин, иккинчи марта унга ўтирмас эди. Афуски, бу одам болалар шоири – унинг китобини майиб бўлган бола ўз майблигини ҳеч қачон билмайди – “шеър шу экан-да”, деб ўқища давом этаверади.

Файласуфлар айтганидек, ҳамма бало сифат ўзгаришида.

Болалар кун сайин, ой сайин ўсади, бўй торгади, болалиқдан ўсмирликка, ўсмирликдан йигитликка ўтади.

Аммо, уларнинг ўқиган китоблари ўз ўрнида қолаверади.

Бу китоблар, ёғочдан ишланган от каби, бир жойда туриб чопади, бир жойда туриб кишинайди. Унга ўтириб олган болалигингиз ўзини мислсиз қаҳрамон хис қиласди, бу туйгуни хеч кимга беришни истамайди ва ўша от билан мангуда қолиб кетади.

Ана турибди-ку сенинг болалигинг, дейлик, “Билмасвойнинг бошидан кечирғанлари”ни кучоқлаб.

Болалагинг шу китобдан миннатдор, ўсмирилигинг бегона, ёшлигинг бутуналай норози.

Нечун бегона, дема. Нечун норози, дема.

Хамма бало сифат ўзгаришида. Лекин болаликнинг хотираси чукур. Ҳайрият, чукур. Афсус: чукур. У ўзининг қуш уйку идрокини тўғри келган китобга назр этади... ва хавфлар боқичи бошланади: чунки, бола ишонса, қаттиқ ишонади, алданса, ундан ҳам шафқатсизроқ алданадиган хеч ким бўлмайди.

Яқинда қишлоғимизнинг кекса чолларидан бири дунёдан ўтди. Шундай юмшоқ табиатли, меҳрибон чолнинг исми Пўлат эканлиги ҳақида ўйлајпман. Албатта, исмнинг одамга дахли йўқ.

Аммо, Пўлат исмли одам ҳовлиниң кунгайида ўтириб, парилар ҳақида эртак айтгани қизик. Пўлат исмли одам қўшнисининг боласи сувга чўкиб кетганида чеккада, ҳаммадан яширин йиғлагани ғалати. Энди билсам, ўша бир пайтлар босмачи бўлган экан.

Ахир, босмачининг башараси хунук, соч-соқоли ўсиб кетган, ёқалари кир бўлмасмиди; босмачи дегани ҳайвонсифат, қонхўр, салласи ичида, лоақал, иккита шохи бор маҳлук эмасмиди?

Китоблар, нега менинг болалигимни алдадингиз?

Нега босмачи дегани ҳам ўзимизга ўхшаган икки оёқли, икки кўлли одам боласи эканлигини ўша пайтдаёқ айтмадингиз?

Наҳотки, менинг ватанпарварлигимга футур етади, деб ўйладингиз?

Футурни ҳақиқат эмас, алдоқ етказди.

Агар болалигимда ўша нуроний чолнинг босмачи бўлганлигини билсам, мен унинг эртакларини тингламаган бўлардим, уни ҳовлимииздан ҳайдаган бўлардим.

Чунки, менинг болалигим ҳаммадан кўпроқ китобга, онамдан кўпроқ китобга, отамдан, ҳатто Пўлат бободан кўра ҳам кўпроқ китобга ишонарди.

Худди шу боис-ки, алдамчи китоблар алдоқчи одамдан хавфлироқ.

Мана кап-катта одам кечаке кечаси билан, бугун куни билан болалар учун чиққан китобларни вараклаб ўтирибди: мактаб ёшигача, кичкингойлар учун, ҳатто фалон синф ўқувчилари учун, деган маҳсус белги билан нашр этилган китобчалар. Нима шундан бошқа иши йўқми бу одамнинг?

– Йўқ, – дейди у зарда аралаш, – мен “Билмасвой”ни ўқиб катта бўлдим, энди ўғлимнинг нима ўқиётганини билишим керак.

– Сен тенгиллари бугун болалар шоири, сен бўлса, ҳали ҳам уларнинг ёзганини ўқиб юрибсан.

– Мен тенгилларнинг ҳаммаси “Билмасвой”ни ўқиб шоир бўлишган..

– Энди менинг ўғлимдан қасос оляяптилар, демоқчимисан?

– Фақат меникидан эмас, ўз ўғилларидан ҳам қасос оляяптилар. Улар “Билмасвой”ни ўқиб шоир бўлишганига қаттиқ афсусланишади ва болаларига ёзаётиб, ичидаги ўзларини оқладилар: “Биз бундан баттарини ўқиганмиз, ўқийвер, болам”.

– Сенга қолса, “болалар адабиёти” деган терминни ҳам рад қиласан. Масалага бир томонлама ёндошмаслик керак.

– Гап терминда эмас. Фақат “алдагани бола яхши” деган бемаъни байроқ бор ва китобларнинг аксарияти шу байроқ остида ёзилган..

Шундай қилиб, кап-катта одам кичкингойлар учун чиққан китоблардан унчалик хурсанд эмас.

Файласуфлар айтганидек, ҳамма бало сифат ўзгаришида.

Мана сенинг болалигинг: кўксига “Билмасвойнинг бошидан кечирганлари”ни босиб турибди. Сендан беш юз йил орқада, балки, олдинда бошқа бир болалик бор, у “Мантиқ-ут-тайр”ни ёд олаётган, бўлғуси буюк шоирнинг болалиги!

“Билмасвой” бошдан-оёқ Оврупо мушоҳадасига хос ҳаракатидан, воқеалар ривожи, адабиётшунослигимиз тили билан айтганда, динамикандан иборат. Чопиб кетаётган одам кам ўйлади.

Аммо Фаридиддин Атторнинг чопиб кетаётганини сиз тасаввур қиолмайсиз. Ким-ки, “Мантиқ-ут-тайр”га ўхшаган китоблардаги “турғунлик” оҳангини тушкунлик деб атаса, унинг ёш Алишерга бўлган таъсирини ҳали ҳам “салбий” деб юрган

бўлса, у исботи заиф, бир-икки тарихий хабарга асосланиб, хукм қиқарувчи одам бўлиб қолади.

“Болалар адабиёти” деган тушунча бугун расм.

Шарқ ҳеч қачон болалар учун маҳсус китоблар ёзмаган. Бўлар-бўлмас қофиялар тўқиб, уларни алдамаган. Шу жумладан Фарииддин Атторнинг китоби ҳам “кичкингойлар учун” битилмаган. Лекин бу китобнинг таъсири сиз айтганчалик “салбий” бўлмаганда эди, сиз айтганчалик “тушкун” бўлмаганда эди, буюк Навоий ижоди ҳозир сиз таъзим қилаётган даражада улуг бўлмасди, балки.

Чунки, сиз билан биз китобхонни ўйлатиш кучига қодир китобларни “тушкун” деб ўрганганимиз, чунки ҳар қандай йиғлаган қаҳрамон ҳанузгача биз учун “салбий”дир.

Аслида, на ижобий, на салбий одам бор бу дунёда.

Факат одам, ўзининг руҳий зиддиятларини кўксисда кўтариб юрган олий идрок эгаси инсон бор фақат.

– Болаларга ўша инсон тасвири керак, – дейди НОРОЗИ одам, – шусиз қофия топилмай сарсон ўтирган “болалар шоири”нинг сарсонлиги беҳуда, ишлайвериб сийқаси чиқиб кетган композитсияни такрор китоб сахифаларига жойлаётган “болалар рассоми”нинг санъати бир чақадир.

– Сен жуда ошириб юбординг. Болалар учун чиқаётган ўн минглаб нусха китоб бир кунда тарқаб кетаяпти-ку. Ишонмасанг, китоб растасига бориб кузат!

– Ҳамма бало шунда-да! Ўша тарқаб кетаётган китоблардан бир нусхасини мен олганман, мана, томоша кил! Лекин бу китоб қайси тилда ёзилган?

“Наг гавдасининг (?) учдан бирича (?) юқорига кўтарилиган (?) тўхтаб (?) шамол турганда қимиirlайдиган қоқигулга ўхшаб заҳарли илон (?) кўзларини (?) Рикки-тиккига тикибди”.

Бу босинқираш. Кўркувдан илон танаси кўзига “гавда“ бўлиб кўринган одамнинг босинқираши бу. Афсуски, бу – болалар учун ёзаётган ўзбек ёзувчиларининг ичидаги энг иқтидорлиси Редияр Киплинг асаридан парча. Киплинг ўзбек эмас-ку, деб ўқрайма менга. Ўзбек тилига таржима килинган ҳар қандай китоб муаллифи, лоақал, тилдаги мушоҳадаси билан ўзбек бўлмоғи даркор. Акс ҳолда, таржима ўз моҳиятини йўқотади. Ўзбек

таржимони факат рус ёки инглиз тилини эмас, ўз тилини ҳам билиши шарт.

Бунақа китоблар жиљдига эса, “Болалар учун эмас, асло болалар учун эмас!” – деган ёзув керак. Чунки, менинг ерда қолган болам йўқ!

– Лекин бола ниманидир ўқиши керак-ку. Сенинг талабинг бўйича иш кўриладиган бўлса, хозирги чиқаётган китобларнинг тўқсон фоизи нашр қилинmasлиги керак... Тўқсон фоиз шоиру шуарони рўзгор тебратишдек улуғ ишдан маҳрум қилишга тўғри келади-ку... Норозилик ҳам эви биланда, оғайни!

– Менинг талабим қаёқка борарди. “Болалар адабиёти” деган бутун бир корхона аллақачон ишга тушган, уни тўхтатиб бўлмайди. Китоб ёзиш эҳтиёжи китоб бостириш имкониятидан анча орқада. Гуллаётган имконият қаршисида қарсак чаламиз, ўлаётган эҳтиёж устида йиглаймиз, холос... Шахсан мен бу масалада йўл топдим: жавонларимдаги бор китобнинг ҳаммасини, болаларга аталмаган неки китоб бўлса, барини болаларга бераман, таъкиқни бекор қиласман. Ўқийверсинлар. Бола ақли етса, ўзига керагини топиб ўқииди.

– Боланинг онги мурғак, уни йўналтириб туриш керак, сен тушунган шеърни у бошқача тушунади, оқибати ёмон бўлиши мумкин...

Навоий ўзининг “оразин ёпқач кўзимдан тўқилур ҳар лахза ёш, бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғач күёш” мисрасини битганида 12 ёшли бола эди. Бунинг “оқибати”ни эса дунё билади.

– Болаларнинг ҳаммаси ҳам Навоий бўлиб тугилавермайди-ку, ахир!

– Мен болада шоирликни эмас, ундаги шеърий фаросатни, иложи бўлса, нозик дицни тарбиялаш имкони ҳақида гапирайпман. Навоий ўша бир мисрани ёзишдан аввал шеърий оҳанг бағрида сузди, олди-қочли қофия эмас, чинакам мусиқани ўзига сингдирди.

Болани мазмундан аввал, сўз мусиқаси ўзига тортади, сўзлардаги мукаммал мутаносиблик – ҳақиқий шеъриятнинг фазилати – илоҳий жозиба тортади.

*Зўр карвон йўлида етим бўтадек,
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёши -
Энг кичик заррадан Юпитергача
Ўзинг мураббийсан, хабар бер, Қуёши!..*

Бу тўрт қатор шеърни олти ёшли жияним тилидан эшитганман. “Ингизор” сўзининг мазмунини тушунмайдиган, “карвон”ни факат мултфилмлардагина кўрган бола ҳали “р” ҳарфини “й” деб талаффуз қиласидан эшитганман. У “Энг кичик заррадан Юпитергача” сатридаги сайёра номинигина эмас, балки унинг ердан нақадар узоқлигини ҳам биладигандай эди. Шеърни болага ўқиб берётганимда, у ёд олаётган пайтда, бунака ўқиши менинг хаёлимга ҳам келмабди. Ихтиро боланинг ўзиники эди. Тўғрироғи, бу шеърият яратган мўъжиза эди. Энди менга айт, бу шеър кимга атаб ёзилган, болаларгами, катталаргами?.. Жавоб беролмайсан, биламан!..

Чиндан ҳам жавоб топиш қийин бу қайсар одамга.

Бу одам, норози одам, балки, ҳақдир. Зеро, бугун, айниқса бугун, телевидение ва кино китоб билан юзма-юз келган бир паллада, сўз билан жонсиз сурат ракобатлашётган пайтда, болаларимиз ўқиётган китобнинг савияси тубан бўлса – бу ёмон белги.

“Ойнаи жаҳон” ичига бошини кўумган болакайни кутқариш учун “сехрли қалпок” эмас, СЕҲРЛИ СЎЗ керак.

Ойнаи жаҳонда айб йўқ, айб ракобатга дош беролмаётган сўзимиздадир.

1980

“ЎҚИШ КИТОБИ”НИ ЎҚИБ...

Камина болалар адабиёти ҳакида бир мақола ёзиб, балога қолган эди: кичкингойларнинг катта ёзувчилари ва катта шоирлари унга хўмрайиб қарайдиган бўлишди, болалар адабиётининг бир танқидчиси эса, ўз мақоласида уни ухлаб тушига кирмаган буюкларга қарши қилиб кўйди.

Хафа бўлган ёзувчилар ғазаби ифодаланган бу мақолада камина дилозорликда айбланиб, бунга асос йўқлиги, тўғрироғи, мисол йўқлиги айтилди.

Хурматли танқидчим, агар мен ёзган мақоламга мисол тиркасам эди, ҳажмини кўриб, уни ҳеч бир журнал қабул қиласадиган эди: Сиз талаб қиласидан “мисол”лар шу қадар кўпки, уларни санасак,

“Болалар дунёси” дўконида сотиладиган сифатсиз ўйинчоқлар сонидан ҳам ошиб тушади.

Майли, кўнглингиз учун, бугунги гапни мисолдан бошлайман:

*Фарғонамиз каналини
Кўрганмисиз дўстлар уни?
Завқимиздай жўши уради
Ариқларда сув тўлқини...*
(“Канал соҳилида”, 96-бет)

Шеър шаклидаги бу тўрт қатор сўзлар тизими ҳаммамиз учун хурматли шоир Пўлат Мўмин қаламига мансуб, у мактабнинг 3-синф “Ўқиш китоби”га киригилган.

Таҳлилга ўтамиш: Гап канал ҳакида бошланиб, “арик” билан тугагани мавзунинг даражасини кўрсатиб турибди. Яхшиси, сўз қурилишини кўрайлик: “Фарғонамиз каналини кўрганмисиз, дўстлар”, демоқчи эди, лекин қараса, бир бўғин етишмаяпти. У зудлик билан “уни” деган сўзни қўшади ва олам гулистон – ҳижо тайёр бўлади!

Бу нима саводсизликми? Болалар устидан кулишми?

Ахир “Фарғонамиз каналини” деганда “уни” олмоши тушунилар эди-ку!...

Сиз хурматли танқидчим, ўша мақолангизда болаларга ёзилган шеърлардаги мусиқавийликни ҳимоя қилган эдингиз. Айтинг-чи, юкоридаги тўртликда, лоақал, кофия борми?

Агар “ни” қўшимчаси кофия бўлса, шеър битиш учун шоир бўлиш шарт эмас – бунақа шеърни Сиз ҳам ёзаверишингиз мумкин.

*... Шундан сўнг туриб Вали
Ўрдакдан гап очгали,
Сўзга сўз улаб кетди:
– Энди менга гал етди.
Битта эди онаси
Ўнта бўлди боласи
Анҳорда шунгеб сузар
Бир-биридан ўзар ... ва ҳоказо*
(“Ким нима боқади”, 213-бет)

Таҳлилни қиска қиласайлик: Ҳеч кимнинг, ҳеч ниманинг, ҳатто паррандаларнинг ҳам онаси иккита бўлмайди; ҳеч нима, ҳатто ўрдак ҳам бир вактда ҳам сузиб, ҳам шунгий олмайди; кечирасиз,

сал бўлмаса, “ҳеч қачон шеър муаллифи икки одам бўлмайди”, демоқчи эдим: юқоридағи шеърнинг муаллиф(лар)и иккита экан: Неъмат Тошпўлатов, Фулом Юсупов...

Мана бу шеърни эса, оқсоқолимиз Қ.Мухаммадий битганлар:

*Машина пахта терар,
Тинмай тонна-тонналаб,
Чаногида қолдирмас
Терар ҳўплаб, тозалаб... ва ҳоказо*
(Ўқиш китоби, 31-бет)

Аввало машинанинг “хўплаш”ини тасаввур қилиш қийин, агар буни ташбеҳ деб унинг хўплашини тасаввур қилсак, у “термаслиги керак”. Бу ерда бир-бирига ўхшамаган мутлақо ўхшамаган икки ҳаракат бор – уларнинг кўшилиши қийин.

Қофияни гапирмасак ҳам бўлади, кўриб турибсиз – у йўқ.

“Ўқиш китоби”даги таржима асарларини ўқиган одамнинг эса, янада асаби бузилади.

Аркадий Гайдарнинг “Иссиқ тош” ҳикояси шундай бошланган: “Бир қишлоқда кимсасиз кекса киши бор эди...” Ёзувчи: “Ёлғиз кекса одам” деса, таржимон: “Кимсасиз кекса киши”, деб ўгиради. Ваҳоланки, “кимсасиз” сўзи кўчага, сахро ёки ташландик уйга нисбатан ишлатилиши мумкин.

Ҳикоя бошдан-оёқ шундай ғализ жумлалар билан таржима қилинган: “Ёзувнинг пастига печать босилган эди, аммо бу печать қишлоқ советидаги оддий юмалоқ печатга ёки кооператив талонларига уриладиган печатга ўхшамас, балки (?) ғалатироқ (?) ...” ва ҳоказо.

Шу қабил ҳикояларни ўқиб, мактабни тугатган боламиз ўқишига киромаса, ундан хафа бўламиз, уни саводсизликда айблаймиз. Лекин бир жумлада “печать” сўзини ропша-роса тўрт марта такрорлаган, печатнинг ўзбекча “муҳр” эканлигини билмайдиган таржимон ва унинг таржимасини дарсликка киритган ноширлар, ўша боланинг “маънавий раҳнамолари” жимгина юришаверади: ҳеч ким уларни саводсизликда айбламайди...

Яна бир мисол:

*Аввал чизаман уйча,
Ўзимга ёққанича
Кўрганда муҳим нарса
Расмини чизсам кўркам,*

Расмда уй күринса,

Худди чинакам...

(“Ким бўлсам экан”, 113-бет)

Бу пала-партиш тизмалар кимниги?

Нега “асар” тепасида Маяковскийнинг номи турибди?

Бу шаккоклик-ку!

Маяковский ҳеч қачон бундай “шеър” ёзмаган. Бу – қофия, на вазнни биладиган таржимоннинг қилмишидан ўзга нарса эмас. Ишонмасангиз, Маяковскийни ўқиб кўринг...

Дарслика кирган таржималар ичидаги “Калила ва Димна”дан олинган биргина яхши ҳикоят бор. Лекин унгача тузсиз нарсаларни ўқиган ўқувчи бу ҳикоятни қабул қиласлиги мумкин. Ғализ жумлалар ва фикрсиз сатрларга кўниккан бола ўша ҳикоятнинг жозибасини сезмаслиги мумкин.

Нега болаларимиз олтинчи ёки саккизинчи синфда ҳам кичик “эртакча”ларни ўқиб юришади, “жиддий” китобларни ёқтиришмайди? Чунки улар факат ўша ёшдагина “эртакча”даги фикрни англай бошлайдилар. Уларга аталган китобларнинг аксариятида фикр саёз, мушоҳада (садда эмас) жўн. Жўн мушоҳадага ўрганган ақл болани маънавий танбалликка олиб келади.

“Сехрли қалпоқ эмас, сехрли сўз” деган мақолада мен худди шу фикрни айтган эдим. Сиз эса, ҳурматли танқидчим, “Декамерон”ни болаларга беришни тарғиб киляпти деб мени нотўғри тушунишни истамадингиз.

Ўзингиз кўриб турибсиз: дарсликларда доим бир хил ёзувчиларнинг асарлари берилади. Нега шундай? Бугунги адабиётимизни кўрсатишга қодир, болаларга сўзи ва фикри билан ўрнак бўладиган бошқа ёзувчиларимиз ҳам бор-ку! Нега кейинги авлод болалар ёзувчиларининг асарлари бирор дарсликда йўқ?..

Масалан, мен қирққа кирайпман. Мен мактабда, мажбурий равишда, ёд олган шеърларни буғун менинг ўғлим ҳам ёдлашга мажбур. Нашрлардан нашрга кўчиб юрадиган бу “асар”ларни “истеъфо”га чиқариш пайти келмадимикан?

Факат З-синфнинг “Ўқиши китоби” эмас, балки “Ўқитувчи” нашриёти чоп этган аксарий адабиёт китобларида – халқ мақоллари, топишмоқ ва бахши термаларидан бўлак – ўқишига арзирли нарса кам. Демак, китобларимизда – уларнинг савиясини

күтариш учун, халқ оғзаки ижодидан, достонлардан күпрөк берилса, яхши бўлади. Бу қийин иш эмас, бунга профессионал шоир ҳам, ёзувчи ҳам бўлиши шарт эмас: профессионал ношир бўлса, бас.

Кечирасиз, хурматли танқидчим, бу сафар ҳам озгина қизишдим шекили, узр. Ҳар ҳолда, сиз “чумчук сўйса ҳам, қассоб сўйсин”, демасангиз бўлди.

Албатта сиз ҳақсиз: мен қассоб эмасман.

Бироқ, болалар адабиёти масаласи фақат сизни эмас, балки, боласини ўйлаётган ҳар бир отани, шу жумладан мени ҳам қизиқтиради.

Хуллас, бола деб “бало”га қолса арзигулик иш экан бу.

1980

ТИНИШ БЕЛГИЛАРИ

Дейлик, менинг хотиним вергулга ўхшайди.

Адабий ходим – ундовнинг ўзгинаси.

Журнал мухаррири – нуқта.

Бу, албатта, хаёлпастастик оқибати. Бунинг асосий гапга хеч бир дахли йўқ.

Асосий гап шундаки, мен унчалик камтар эмасман.

Ёзган шеърларимни ҳатто хотинимга ҳам ўқиб беришим мумкин. “Хотининг ким бўйти?” – дейсизми? Тухум қовураётган мана шу аёл менинг хотиним бўлади. Ёки ким менинг уйимда кир ювса, шубҳасиз, у киши каминанинг жуфти ҳалоли бўлади. Уйни супураётган ҳам, ахлатни чиқариб ташлаётган ҳам менинг хотинимдир. Шунинг учун бўлса керақ, мен унга шеър ўқисам, у доим тухум қовураётган ёки кир юваётган бўлади.

– Бу ёзганларингни шеър қилиб бўлмасмикин? – дейди у менга ачиниб, – на қофия бор, на оҳанг...

– Савия борми ўзи сенда? Ҳамма шеър ҳам қофияни кўтаролмайди... Оҳанг эса, фикрнинг ўзида. Фикр эмас, туйғунинг ўзида.

– Мен сенга “ёзма” деётганим йўқ, ёзавер, лекин оҳангсиз шеър шеър эмас-да, – жавоб беради ўжар хотиним.

“Мен бастакор эмасман-ку!” – деб бақиргим келади-ю, тилимни тияман. Фақат тилимни, ўзимни эмас... Кейин, чопиб адабий ходимнинг ёнига кетаман. Йўл-йўлакай хотинимга ўқиган шеърлардаги тиниш белгиларини олиб, йўлда сепаман – керак одам териб олаверсин.

Мана, ўтириби адабий ходим.

Журналхонлардан келган бир уом хатга жавоб ёзаётган бу йигит менинг дўстим бўлади. Ўзи ёмон кўрган сохта шоир юбилейига мақола ёзишга мажбурлигини айтиб, тинмай нолидиган шу йигит билан бирга ўқиганмиз. Хуллас, мана шу кичик хонада энг асабий, энг ишчан, энг фидоий бирон инсон бўлса – у менинг дўстимдир. Шунинг учунми, мен шеърларимни ўқиб берай десам, у қўлимдан тортиб олади ва ўзи ўқий бошлайди.

– Нега тиниш белгиларини олиб ташладинг?! – деб бақирди у бир зум ўтмай. – Оригиналлик қилмоқчи бўпсан-да! Бу асар эмас!

– Мен асар деётганим йўқ.

– Бўлмаса нега олиб келдинг?

– Журнал фақат асарларни босадими?

Дўстим ўзини йўқотиб қўяди. Мен ҳам уни йўқотиб қўйишдан қўркиб, ўзимни оқлай бошлайман:

– Ахир тиниш белгиларини фақат мен эмас, жуда кўпчилик аллақачон обташлаган. Бунинг сабаби оригиналликка интилиш эмас, балки, ёзган кишининг ички эҳтиёжидир: тиниш белгилариз ёзилган шеър (агар чинакам шеър бўлса) ўқувчини дикқат билан ўқишига мажбур этади, паузани ўзи топишга, демак, фикрнинг ичига киришга ёрдам беради. Бунинг устига, шеър деган нарса, айниқса, бугунги шеър монолог эмас, ички монологга яқин – одам ичиди гапиргандга “Эшмат келди: вергул, Тошмат келди : вергул” ёки “мен севаман: ундов”, деб гапирмайди-ку? Тиниш белгилари умуман керакмас, деб айтмоқчи эмасман. Фақат манави шеърларга қўймаса ҳам бўлади. Демоқчиман..

Сўнгти сўзларни ямлаб қўйганимни сезган адабий ходим яна хужумга ўтади ва бу сафар ўзининг (фақат ўзининг эмас) энг қадимий қуролини ўқталади:

– Сен анъана деган нарсани биласанми?

– Қайси исини айтаяпсан, шаклдами ёки мазмундаги анъананими?

– Иккови бир нарса.

– Раҳмат сенга, – дейман дўстимнинг ҳамиятини аллалаб. – Энди айт-чи, шеърда – майли, у тиниш белгиларисиз бўлсин, – самимиийлик анъана эмасми? Сўздаги маълум имкониятларни ахтариш-чи? Нихоят, шу ахтаришга хукуқнинг ўзи анъана эмасми?

– Гапни олиб қочма. Ҳаммангни биламан, “оригинал” бўлмоқчисанлар, олифталиқ қиласанлар. Ҳо, бола, Ғарбнинг қозонига яқин юрма!..

Унинг сўнгти жумлани шивирлаброқ айтгани яна асабимга тегади, бақириб бергим келади-ю, лекин тилимни тияман. Лекин, ҳамон тилимни, ўзимни эмас.

– Биринчидан “оригинал” бўлишга интилиш гуноҳ деб хато қиласяпсан, қолаверса, шеър ёзаётган одам ўзининг қандай бўлиши кераклиги ҳақида кам ўйлади, “Ғарбнинг қозони”га келсак, унинг факат кораси эмас, таоми ҳам бор. Биз Шарқдан ҳам, Ғарбдан ҳам юз ўгирмаслигимиз керак.

– Биздан бир-икки кўйлак олдин йиртишга улгурғанларнинг йикри бу, хурмат қил.

– Хурмат қиласман, аммо кўйлак йиртишдан осони йўқ. Бундан кўра фикримиз йиртган кўйлакларни санаган маъқул.

– Ҳозир кўрамиз ўша фикрингни, – дейди менинг дўстим ва адабий ходим, сўнг яна кўзларимни яна менинг қозозимга тикиди. Мен эса, “тиниш белгилари”дан эсон-омон ўтганимга шукр қилиб турман.

– Бу насрми, назмми? – дейди бошини кўтариб адабий ходим.

– Бу назм

– Бу ёзганларингни шеър қилиб бўлмасмикан? – дейди у мени эшитмагандай. Мен қулогимга ишонмайман: “Ҳозиргина шу гапни хотиним айтган эди-я!”. Мен зудлик билан хотинимнинг савиясига қойил қоламан, “журналда ишласа ҳам бўларкан-ку”, деб завқланаман.

– Ахир, – дейди адабий ходим хаёлимни бўлиб, – ҳатто насрый шеърларда ҳам маълум қаҳрамон бўлиши керак. Олтмишинчи йиллар шеъриятининг қаҳрамони ким, биласанми? У ижтимоий ишларга фаол аралашувчи фуқаро... проблемалар кўядиган, завод ва фабрикаларни, курилишларни куйлаган шоирдир унинг қаҳрамони!

Гап олганда, мен адабий ходим олдида бутун тақаббурлигимни ишга солсам ҳам ўз қаҳрамонларимни “у мана бундай” деб айтголмас эдим. Иложсиз бир йўлни танлайман:

– Унинг ким эканлигини тушунтириб ўтиришдан кўра, ким эмаслигини айтиш қулайроқ: у носамимий эмас, насиҳатгўй эмас, қасидабоз эмас, характерсиз эмас...

– Бас қил, – дейди у галимни бўлиб. – Сен масхарабоздан бўлак ҳеч ким эмассан. Шунга қарамай, мен шеърларингни ҳозир муҳаррирга олиб кираман, лекин ўтмаса – Ўзингдан кўр!

У эшикни қарсилатиб ёпиб, чиқиб кетади.

Албатта, ўзимдан кўраман, дўстим, чунки камтар эмаслигимни боя тан олдим. Камтар одам индамайди. Жимлик камтарлиқдир. Гапирдингми, нимани гапирсанг ҳам, камтар эмассан! Камтар одам, аввало, шеър ёзмайди, агарда ёзса, бировга ўқищдан уялади, бостиришга истихола қиласди. Нима бўлса ҳам, ўзимдан кўраман, дўстим.

Яrim соат ўтар-ўтмас, ходим қайтиб киради. Менинг шўрлик шеърларимни столга улоқтиради:

– Айтдим-ку, ўтмайди деб!.. Сени деб роса қизардим. “Булалинг бизнинг адабиётни йўқ қилишга тайёр!” – деб бақирди менга! Тиниш белгиларини кўйсанг ўлармидинг!

– Кечирасан, янаги сафар тиниш белгилари билан келаман. Аммо муҳаррирингга айтиб қўй, унинг адабиётини битта ўзим йўқ қилолмайман – қўрқмасин. Бу нарса менинг қўлимдан келмайди.

Ходим стулга чарчаб ўтиаркан, менга ачиниш билан, гоҳо меҳр билан, узун-узун тикиларди. Бу карашидан ўзимга-ўзим раҳмим келиб кетарди. Шошилиб қофозларни йигиштираман, ҳаялламай эшикка отиламан.

Журнал биносидан чиқаётиб, қўлимдаги шеърлар остига муҳаррир қалами билан битилган чиройли ёзувни ўқийман: “Буларни шеър қилиб ёзса бўлмасмикан?”

Бу ёзув мени эсанкиратиб қўяди. Олтин топган қулдай, қадимий битикларни кашф қилган тарихчи олимдай, қувониб кетаман. Бирдан хотинимни кўргим, уни қучиб олгим келди.

1980

СОДДАЛИК ЖОЗИБАСИ

Хар қандай шеър баҳтиёрги туйғусидан, кувончдан, тоза бир ҳиссиятдан бошланади:

*Дераза пардалари учади.
Дераза пардалари
кўтарилиб тушади.
Ойнадан бошимни чиқариб,
Оқаётган булутларга
қарайман,
Муздек шамол урад
кўкрагимга.
Кўксим кўтарилиб тушади.
Дераза пардалари учади.*

Бу парчада ташбех йўқ. Манзаранинг ўзи. Ойнадан бошини чиқариб қараётган одам ва учайдиган пардалар шу қадар енгил қизилган-ки, сизнинг ҳам кўксингиз кўтарилиб тушади.

*Ёмегир бўлар,
Довул бўлар кучли,
Шундай иссиқдан кейин.
Миқ этмай турарди
боягина
Қоқкан қозиқдек
Энди, қара,
Яйрашини қара бу
даражларнинг!
Улар ҳам гўё пешиндаги
иссиқ ёдига тушиб,
Бошини тебратар шамолда.*

Хар қандай шеър баҳтиёрги туйғусидан бошланадими?

Унчалик эмас. Энди кутиш туйғуси пайдо бўлди. Муқаддас бир нарсани кутиш ҳисси уфура бошлади. Кутиш жозибаси. Бошини тебратадиган даражлар, кўтарилиб тушадиган кўрак ўша учиб тушадиган пардага яқин – шаффофт ва енгил, “Жавзо кечаси” – муқаддас маросимнинг, кутишнинг бошланишидир.

Шу шеърдаги чиройли ўхшатишлар ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бу шоирнинг қуролларидан бири, холос. Шеър ички эҳтиёж – эркдан туғилади. Покланишга бўлган кучли истакдан туғилади. Шоир: “Онасининг келар пайти етган семурғ

боласидан энтикаман”, деса, у бизни ташбек билан ҳайрон қолдириш учун эмас, ўзини чиндан ҳам шундай хис қилгани учун ёзади.

“Жавзо кечаси” Нозим Ҳикмат шеърларини эслатади. Шакл эмас, рух қардошлигини айтаяпман. Бу ажойиб ўхшашилик. Шеър доим сирдош, шоирни имлаётган гўзал – сир томон ташланган қадам, рухга саёҳатдан бошланади. Яна адашдикими? Шеър изтиробдан ҳам бошланади-ку?

Бу ҳам нотўғри. Шеър ҳаммасидан – ўша саналганларнинг бирданига ҳаммасидан бошланади. Чин шоирнинг кувончи дарди билан, дарди кувончи билан йўғрилгандир. Уни “баҳтиёрларча енгилтаксан”, деб айблаб бўлмайди. Унинг “ҳаддан ташқари маҳзунсан”, деб қоралаш ҳам маънавий адолатсизлиkdir. Шоир кувонч нима эканлигини биздан яхши билгани учун ҳам шоир, изтиробнинг теранликларини кўргани учун ҳам биз уни хурмат қиласиз.

*Сен менга ўҳшиайсан,
сен менинг болам.
Тирикман деганим ҳам
кўрап қўзим,
Нима бўлишини билмайди
одам,
Мен дунёдан ўтсам сен
менинг ўзим, –
деб ёзмас эди.*

Бу фикрни янада кучайтириш мумкин эмасмикан? Йўқ. Бу шоирнинг шахсий меъёри. Чунки, шеър чин маънода портлаш демакдир. У – портлаш жараёнининг қофоздаги сурати. Шеърдаги мантиқ сиз билан бизга эмас, ўша портлашга бўйсунади.

Тўғри, ҳар қандай шеърни қайта ишлаш мумкин, жузъий ўзгартиришлар киритиш мумкин – бу шоирнинг одатий иши. Аммо ҳақиқий меҳнат портлашдир. Бу шоирнинг ишчанлигига мутлақо алоқаси бўлмаган сехрли меҳнатдир.

*Хайр энди, ўғлоним,
хайр, яши бор.
Сен борки, жон сақлар
муштумдек жоним.
Ҳамиша мени деб,
топганинг – озор,*

*Ўз уйингга ўзинг
сигмайсан доим.*

Шоир энг олий орзуга интилади. У бошқалардан фарқли ўлароқ, ҳеч қачон кўли етмайдиган орзуга талпиниб яшайди. Орзу унинг кўксидা, унга ниҳоятда яқин, ундан ниҳоятда узокдир. Шоир ўз юрагини кўлига ололмагани каби, орзусига ҳам умр бўйи талпиниб ўтади.Faқат шу маънодагина шоир “субъектив” шахс.

*Қалбимга тўлганда
қувонч ё алам,
Ҳайқириб ўчимни
сендан олурман.
Бор, шеърим – шеригим,
бора қол, болам.
Болам, мен ортингдан етиб
борурман.*

“Ҳайқириб ўчимни сендан олурман” сатри “субъектив”ликни тан олиш, жиддий киноя билан фаҳр, аччиқ фаҳр билан тан олишдир. Навбатдаги мисрадаги “шеърим – шеригим” аллитератсиаси ва ”болам” сўзининг такори бизнинг хаяжонимизни чукурлаштиради, хали айтилажак фикрни англамай туриб, йўл-йўлакай тўлкинлантиради.

Бу шеър йигирма йилча аввал ёзилган. Шеърдан 60-йилларнинг оромбахш шабадаси эсиб турибди, мозийга айланган ўн йилликларнинг ўзига хос руҳи айланиб юрибди. Ундан кейинги йиллар шеърий идрокини тарбиялашда хизмати катта бўлган оқим товуши келади. Чўлпон Эргашнинг сўнгти йилларда чоп этилган “Умид чироги” ва “Баҳор орзулари” китобларида шундай тоза нафасга йўғрилган шеърлар анча.

Дейлиқ, Чўлпон Эргашнинг “мехрли кўзларидан думалаб кетсин” қабилидаги образлари ўша давр шеъриятида кўп учрайди. Яна таъкидлаш мумкин, бу умумий руҳдан келиб чиқкан. Эсингизда бўлса, Абдулла Орипов ўз шеърида “йифи” сўзини ишлатгани учун баъзи танқидчилардан балога қолган эди. Ҳозир бу бизга кулгили кўринади. Чунки, бугун энг шодмон танқидчи ҳам одам баъзида йиглаши мумкинлигини тушунади.

Лекин Чўлпон Эргашнинг шеърлари ичida “маҳзуни” йўқ. Faқат у ўз баҳти томон илжайиб боришни эп кўрмайди. У баҳтнинг елгилтаклигни, ясама баҳтиёрликни ёмон кўришини билади. Баҳт муқаддасдир. Унга интилган ҳар қиши, айниқса,

шоир, аввал ёлғон сўздан тозаланади. Шу маънода, ҳатто ўлим ҳақидаги мисралар ҳам ҳаётга ташналикни ифодалайди, яшашга чанқоқликни таъкидлайди:

*Ва лекин барибир
муқаррапар ўлим,
Нетай, ўлмасингни
мен ҳам истардим,
Иложи бўлсайди,
ўлмасдим ўзим,
Бермас эдим сенга ҳеч
қачон дардим.*

Чўлпон Эргаш шеъриятидаги яна бир яхши хусусият унинг соддалигига, халқчиллигага дардади:

*Узоқ-узоқларда
гумбур-гумбурлаб,
Пар-пар ёриши моқда
кўклар дам-бадам.
Отлар кишинамоқда
дупур-дупурлаб...*

Бу сатрларни шеър коидаларини билмайдиган, ташбех нима эканлигидан хабари йўқ кимсага ўқиб берсангиз ҳам, тасаввурида дархол манзара пайдо бўлади. Бундай фазилат Чўлпон Эргашнинг китобларидаги қўп шеърларига хос.

1981

ПОКЛАНАЁТГАН УМИД *(суҳбат)*

Иброҳим ҲАҚҚУЛ: Шеър давр овози. Унда замон одамлари қалбидан чуқур ўрин олган ҳақиқатлар акс этади. Давримиз нафаси кун сайин ўзгариб, янгианаёттир. Вақт – адолатли ҳакам – дунёдаги собит орзу-армонлар истиқболи учун ҳаракатда. Одамлар руҳини қақшатиб, эргасини абгор қилаётган катта-катта ёлғон ва алдоввлар ер юзида қанчалик қўп ва хилма-хил бўлмасин, улар шеъриятнинг зийрак нигоҳидан яширин қолаётгани йўқ. Ҳаётдаги қўп нарса ва ҳодисаларга бошқача, хушёр рух билан карападиган, уларнинг моҳияти теран чегараларда идрок этиладиган бўлиб

колди. Шундай бўлиши керак ҳам эди. Акс ҳолда, инсоният маънавиятида инқилобий бир қўтарилиш бўлмаган, ёвузлик, адолатсизликнинг никобли қўринишларига нисбатан интиқом кучаймаган бўларди. Она сайёрамизга ишонмоқ керак. Унинг дардлари беҳад улуг. Қайси ҳалқ, қайси ватан қисматида қандай ҳодисалар содир бўлаётир – у булардан хабардор. Шунинг учун ҳам унинг тўлғонишлари фоятда қайгули. Тараккиёт билан боғлик мана шунга ўхшаш долзарб муаммолар устида мулоҳаза қилганда, беихтиёр шеърият, унинг ижтимоий вазифаси тўғрисида ўйланиб қоламан. Келинг гапни шеъриятнинг ижтимоий қиммати, унинг дунё олдидағи масъул хизматларидан бошлайлик.

Муҳаммад СОЛИХ: Менимча, дунёни ўзгартиришга “бел боғлаган” санъат турларининг ичида энг камсукуми – шеърият. У деярли бу ишга дахлдор эмас. Аммо, шеъриятдаги бу скептицизм – мангу умидбахшdir. Чунки, шеър бизнинг ташки фаолиятимиз асоси бўлмиш хиссиятимизни тарбиялайди. Шеърият таъсирининг қамрови кенг, лекин у таажжубланарли даражада ботинийдир. Синчилаб кузатсан, эзгуликка хизмат килган ҳар бир шахс ўз ватанини севган, дунё тақдирни учун қайтурган ҳар бир одам шеъриятни ҳам севганига ва унга суюнганига гувоҳ бўламиз. Эрнесто Че Геваранинг инқилобий ҳаёти тилларда достон, аммо у ёшлигида қайси шеърлардан илҳомланганини унинг ўзи ёки биографияларидан бошқа ҳеч ким билмаса керак. Демак, шеърият ўз ишини шов-шувсиз бажарадиган қаҳрамон – номаълум қаҳрамондир.

И.Х.: Шеърият зиммасидаги биринчи вазифа – Ватанга хизматкор бўлиш. Қалба ватани бўлмаган шоир – шоир эмас. Менимча, шоирлик ватан тўғрисидаги юзаки ва сохта, яъни, тил “безаги”га айланниб қолган тушунча ҳамда тасаввурларни ажратиб ташлашдан бошланади. Мен Робинранат Тагор қаҳрамонларини жуда севаман. Улар ватанларининг асл қиёфасини қалб нигохи билан кўришга, унинг юрагига яқинлашишга интилишади. Бу эса, энг муҳими. Биз талант ҳақида шавқ билан гапирамиз, лекин унинг шикоат даражаси қандай – баъзан буни мутлақо эсдан чиқарамиз. Натижада, ватанларварлиқдай муқаддас туйғу ниқобга айланаётганини сезмай ҳам қоламиз. Шундай шоирлар бор: сўзни ялтиратишга моҳир, вазну қофияни ўрнига қўйишади, ҳатто самимилигига ҳам унча шубҳаланиб бўлмайди. Лекин, шеърларини ўқиб, чуқурроқ мулоҳаза қилинса, уларнинг ватани –

оиласи, халқи – бола-чақаси эканлиги равшан назарга ташланади. “Агар ёзувчининг ахлоқ кодекси тузиладиган бўлса, мен ҳалоллик билан шижаотни биринчи модда қилиб қўяр эдим, чунки ёзувчининг бошқа ҳамма хислатлари унинг қай даражада ҳалол, нақадар шижаатли зехнига боғлиқ”, – деганида, Абдулла Қаххор ҳақ бўлган. Ватан ҳакидаги сўз ижодкордан шу даражада ҳалол бўлишини талаб қиласди-ки, буни таъкидлашга ҳожат йўқ. Биз Абдулла Ориповнинг биринчи шеърларини мактабда ўқий бошлаган эдик. Кундан-кунга унга қаттиқ боғландик – она Ўзбекистонимиз сувратини бошқача кўриб, унинг юрак асарларига кенгрок қарайдиган бўлдик. Шу маънода Абдулла Ориповнинг бугунги ёшлар шеъриятига кўрсатган таъсири ҳам шубҳасиз, албатта. Йўқ, бошқа шоирлар ижодини камситиб, Абдулла Орипов шеъриятини ягона мезон қилиб кўрсатмоқчи, деб ўйламанг. Ғафур Хулом, Ҳамид Олимjon, Миртемир каби улкан санъаткорларнинг анъаналарини давом эттириб, ватан мавзууда ўз гапларини айтиётган, шу туфайли ўқувчиларнинг меҳр-муҳаббатини қозонган шоирларимиз кўп.

Шеърият – бутун моҳияти билан бедорликка даъват. Шоирлик рухан бедорлик, жамият, давр, халқ, энг аввало ватан олдидаги бедорлик. Шоир одам мудроқ ҳиссиятларга таяниб яшashi, маълум бир тоифа кишиларга ўхшаб ватан ва унинг қисмати билан боғлиқ воқеа-ходисаларнинг шарпаларинигина кўриб-кўрмасдан қаноат қилиши мумкин эмас. Унинг мангубеором руҳи, ҳаловат билмас юраги қайси бир даражаларда бўлмасин, аниқлик маркази. Унда ватан тўғрисидаги муқаддас ҳакиқатлар акс этади. Унда чин эрк ва истиқбол тимсоли – хур ватан яшайди. Мана шунинг учун шоир қалбини биз олам ичидаги нурли ва таянч – олам – ростлик олами ўрнида қабул қиласиз. Лекин кўпгина ёш шоирларнинг шеърларида ватандан кўра унга “доир” асоси суст ҳис-туйғулар акс этаётганга ўхшайди. Ёки менга шундай туюлаётими?

М.С.: Ватан – мен учун мутлақо шахсий, ички тушунчадир. Бу ҳақда кўп гапириш, очик-яланғоч сўзлаш ахлоқсизликнинг бир кўринишига ўхшайди. Сиз ёшларни айтгаяпсиз. Аслида, бу наслдан-наслга ўтиб келаётган касаллик: баъзи ёш эмас шоирларимизнинг ижоди ўша касаллик “шарофати” билан яшаб келяпти. Бугунги кунда декларативликнинг ёмон эканлигини гапириб ўтиришнинг ўзи уят. Аммо, гапиришга тўғри келади. Балким, ўн йилдан кейин

бу уят янада кучаяр, бирок ўшанда ҳам гапиришга тўғри келмаса, деб қўрқади одам. Менимча, ўкувчини ҳаяжонга соладиган ҳар қандай яхши шеър ватан ҳақидаги шеър бўлиб қолаверади. Яъни, майсага бағишилаб “асоси суст” шеър ёзган одам Сиз айтган “мавзу”да ҳам дуруст нарса ёзиши гумон. Нимага шундай? Билмайман. Бир нарса дейиш қийин.

*... Барглар орасига тинмасдан сира
Ошно юлдузлардан тўкилади нур.
Билмайман, қийнайди қайси хотира,
Титроқ юлдуз каби музлаган шуур.
Мағлуб баҳодирнинг наизаси мисол,
Маъюс эгилади терак учлари.
Барглар соясида ўйнайди беҳол
Үйқудаги қизнинг бедор тушлари...*

Бу Абдулла Ориповнинг “Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси” шеъридан бир парча. Назаримда, уни ватан ҳақидаги юксак шеърият намуналари қаторига кўйса арзиди. Лекин афсуслар билан шуни тан олишга мажбурмиз-ки, ҳатто Абдула Ориповдай катта шоир ижодида ҳам гоҳо ўз иқтидори ва аввалги шижаотига номуносиб ҳолатлар кўринишиб қоянгти: шоирнинг кейинги кигобларидаги айрим мадҳия шеърлар унинг энг содик муҳлислари даврасида ҳам парокандалик уйғотди.

И.Х.: Ҳар бир миллий шеъриятнинг келажаги – ёшлар, ўспирин авлод ижоди. Кейинги йилларда ўзбек шеъриятига кўпгина ёшлар кириб келди. Уларнинг ижодий тажриба ва изланишларини кузатиш жуда мароқли. Бу ўринда бир жиҳатга диққатни тортмоқчиман.

Шарқ – дунё шеъриятининг асосий бешикларидан бўлганлиги маълум. Шарқ шеърияти – инсоният бадиий тафаккури эришган энг юксак чўкки. Унинг Жалолиддин Румий, Хофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Захириддин Мухаммад Бобур, Мирзо Бедил каби ўнлаб даҳо вакиллари бор. Ва бу шоирларнинг ижодиётга хос руҳий теранлик, дард, инсон қалбига фавқулодда чукур кириб, унинг қайгу-ҳасратларини тирик оҳангларда акс эттириш санъати ижод аҳли учун ибрат намунаси бўлиб қолавериши гумонсиз. Балки, маълум ҳақиқатларни айтиётгандирман. Аммо аниқ ҳақиқатлардан узоклашишлар ҳам баъзи муаммоларни туғдирар экан-да!

Гап нима ҳақида бораётганигини сезгандирсиз. Ёш шоирларимиз нега Шарқ анъаналарига бепарво бўлиб боришаётир. Бу “узоклашиш” жараёни ёмон оқибатларга олиб келмасмикан?

М.С.: Менимча, бу масалада она тилимиз – ягона таянчdir.

Тил кўп нарсани ҳал қиласди: тил – табиат, тил – ўзлик, тил – томиримизда оқаётган қондир. Мен тилга, она тилимизга ишонаман. Тил стихияси ўзига бўйсундиради ва ҳар қандай тақлид чангалидан – гарбами, шимолгами – куткариб қолади. Лекин “Фарб таъсири”деган гап кўнглингизда кечган бўлса, у биз ўйлаганчалик ёмон эмас, Фарб шеърияти ўзининг илғор қирраларини Шарқ адабиётида чархлагани ҳаммага маълум. Демак, айлантириб келганда, бу таъсир ҳам “ўзимизники” чиқиб қолди.

Иккинчидан, миллий шоир дегани, менинг тушунишимча, ўзидан олдинги шоирларни такрорлаган шахс эмас, балки, адабиётга биринчи галда ўз ҳарактерини олиб кирган одамдир. Вақти келиб, она тилимизда ёзадиган бирорта янги шоир пайдо бўлиб қолса, биз уни “Энг миллий шоир” деб тан олишга тайёрмиз. Америкалик шоир, Нобел мукофоти совриндори Т.С.Элиот шундай деган эди: “Биз қуийдаги саволлардан иложи борича қочишимиз керак: “Бу янги ёзувчини ҳақиқий америкалик ёзувчи деб айтиш мумкинми? Унинг ижоди адабиётда Америка рухини ифодалайдими?”

Равшан кўриниб турибди-ки, бу танқидий мезон ижоддаги оригиналликни ўлдиради. Янги номлар пайдо бўлар экан, жуда кўп ҳолларда “Бу ёзучида инглиз руҳидан асар ҳам йўқ!”, “Анавинисида франсуз руҳи йўқ”, деган таъналар эшигилади.. Аслида, тирик адабиёт доим ўзгариш жараёнида мавжуддир. Бир замонда яшаётган адабиётлар бири иккинчисига ҳамиша таъсир қилиб туради, бири иккинчисини ўзгартириб боради.

И.Х.: Солих, “Фарб таъсири”ни ёмон дейишни мен хаёлимга ҳам келтирганим йўқ. Бундан ташқари, “ўзидан олдинги шоирларни такрорлаган шахс”ни ким ҳам миллий шоир деб билади? Менимча, ҳеч ким. Шоир адабиётга ҳарактерини олиб кириши – аксиома. Тил – она тилга суюнишни яхши айтдингиз. Лекин асосий кўпчилик ёш шоирларнинг худди шу тил жабҳасида оқсоқланаётганикларини ҳам биласизми? Фарб шеърияти хусусиятларини сингдириш, Шарқ адабиёти, яъни миллий заминдан узоклашиш хисобига бўлмаслиги керак, шакл излаб шаклбозлилка бориб қолиш ёмон – менинг гапларим мана шулар

ҳақида эди. Ф.М.Достоевский: “Рус бўлатуриб, Пушкинни англамаган рус аталишга нолойикдир”, деб Пушкинни бутун халқ тимсоли сифатида таърифлаган эди. Худди шундай гап Алишер Навоийга тегишли. Навоий – бу ўзбек шеъриятининг Ватани. Навоий – бу халқ руҳининг мангу осмони. Навоий шеърияти – уйғоқ сўзлар, тирик образлар ўлкаси. Жозиба ва сехр диёри. Хўш, айтинг-чи, сизга тенгдош шоирлардан қайси бири Навоий ижодиётидан жиддийроқ хабардор? Ёки шунга интилаётир? Энг аввало, бутун борлиғи билан Навоийга – шеъриятимиз ватанига боғланиш, шу ватан ҳаволари билан нафас олиб яшаш шарт. Бироқ, шунчаки ҳаракат, шунчаки ишқ, тахминий тасаввурлар билан эмас.

М.С.: Лекин Сиз юкорида келтирган Достоевскийнинг фикрлари шундай тугалланган: “Пушкин халқни қандай севиш кераклигини башорат қилмади, бунга тайёрланмади, маҳсус ўрганмади ва бир куни ўзи халқ эканлиги маълум бўлди”. Албатта, ёш шоирларимизнинг ҳаммаси ҳам, бир кун келиб, ўзида халқни тўла мужассамлаштиради, деган хулоса чиқмаслиги керак бундан. Бугунги адабиётимизда кечайётган жараённи бироз вакт ўтгандан кейин равшанроқ кўриш иложи бўлар, балким. Ҳар ҳолда, менинг тасаввуримдаги бугунги ёш ёзувчиларнинг маълум бир қисми изланаётган, воқеалар тумани орасидан ўзлигини танишга интилаётган, олий мақсадларни юзаки тушунчалардан ажратиб олишга интилаётган кишидир. Қувонарлиси шунда-ки, бизда шеърий шакллар устида чинакамига меҳнат қилаётган, уларни ИЧДАН ўзгартиришга уриниб кўраётган бир гурух ёшлар бор. Буни “шаклбозлик” деб аташ адолатсизлик бўларди. Мухаммад Раҳмон ва Усмон Азимнинг бармоқда битилган публицистик руҳдаги лирик асарлари, Тилак Жўранинг маъюс табассум билан корилган эркин шеърлари, Йўлдош Эшбекнинг халқ қўшиклари йўлида ёзилган жозибадор туркumlари – ҳаммасида ўзига хос куч, сехр бор. Уларни бирлаштириб турадиган фазилат битта – самимиятдир. Шакл улар учун ўйин эмас. Яна тақрорлаш мумкин: шакл иқтидорли одам учун эрмак эмас ва бу йил ўтган сайин шоирларимиз ижодида ўз исботини топиб беришига имонимиз комил. Сарбаст шаклнинг бугунги кўринишлари ҳақида гапирсан, бу қадимий усуlda ўз кучини синаб кўраётган қаламкашлар кўп, аммо сарбаст ҳали ўз мустақиллигига эришганича йўқ. Унинг на байроғи, на пойтахти бор.

Ҳар ҳолда, амалга оширилаётган тажрибалар адабиётимизнинг ички эҳтиёжидан келиб чиқаётгандиги аниқ. Бизда сарбаст муаммоси деган муаммо йўқ. Ва бу мутлақо табиийдир. Анъана хусусидаги саволингиз эса, ёши қирққа яқинлашиб, ўзини ёзувчиликда сал бўлса-да, алоқадор деб санаган ҳар бир киши учун азобли саводтир. Менинг tengқурларим – адабиётда бобоси бор, бироқ балоғатга етгунча бобоси билан юзмаз келмаган, отаси бўла туриб, отасидан узоқда тарбияланган авлодга мансубдир: ўқиган мактаб хрестоматияларида Навоийнинг шеърларидан кўра, унинг “қисқача таржимаи ҳоли” кўп эди. Улар ўз келажагини китобларни адабиёт ва тил йўналишига маълум таъсир қилган алфавит ислоҳидан кейин, қолаверса, “конфликтсиз даври”да ўқиб чиқдилар. Шунингдек, биз йигирманчи ва ўттизинчи йиллар ўзбек адабиётининг бир қатор йирик намоёндаларини узоқ вақт билмай юрдик. (Афсуски, бу ёзувчиларнинг ўрни мактаб дарслкларида ҳануз бўм-бўш хувиллаб ётиби). Буларнинг факат бизни эмас, эртанги ёшларни ҳам классик адабиётдан йироқлаштириш хавфи бор, бу ҳақда ҳозир ўйлаб кўрилмаса, эртага ўргадаги жар янада чукурлашиши мумкин. Бизнинг орзуимиз: чиқаётган мактаб дарслкларини тузишда адабиёт учун жон куидирадиган устоз шоир ва ёзувчилар ҳам иштирок этишса.

И.Х.: Сиз боя сарбаст ҳақида гапирдингиз. Унинг мустақиллигини қандай изоҳлайсиз?

М.С.: Бизга “сарбаст” деб тақдим қилинаётган шеърий машқлар жуда кўп, бироқ уларнинг тўқсон фоизида мазкур шаклга бўлган эҳтиёж маҳсулини эмас, балки бошқа шакл, дейлик, бармоқдан қочиш учун қилинган ҳаракатларни кўрамиз. Ваҳоланки, бирорта шаклнинг имкониятларини тўла хис қилиб, унинг бадиий чегаралирини аниқ англаған одамгина бошқа шаклга эҳтиёж сезиши мумкин.

“Золим” шаклдан кутулган, қатъий конун-қоидалар исканжасидан озод бўлган шоирнинг борадиган жойи бўлса – бу манзил яхши. Яъни у маълум система топиб, унга ўз эркини бўйсундирмагунча, шаклий мустақилликка эришолмайди.

И.Х.: Ҳозирги замон Farb шеъриятида айрим ҳолларда шаклий чегараланиш, ҳақиқий санъат асарларини яратиш ўрнига, шаклбозлик хукм суроётгандигидан хабардорсиз. Бугина эмас, Farb адабиётида шундай ғоявий ўналишлар ҳам мавжуд-ки, ҳар ҳолда уларга эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш керак. Айтайлик,

ўшалардан бири “Санъат – санъат учун” оқими. Унинг моҳиятини ўз вақтида Г.В.Плеханов яхши характерлаб берган эди. “Санъат – санъат учун” оқимидаги фикрлар ҳанузгача харакатда. Уларнинг аксарияти билан Сиз ҳам танишгансиз. Шеъриятимизнинг вакили сифатида, умуман, бу оқимга қандай қарайсиз?

М.С.: Хусусан, “Санъат – санъат учун” ғояси йигирманчи асрда пайдо бўлгани йўқ. Ҳамма даврларда, ҳамма адабиётларда бу ғояга турли ёзувчилар турлича ёндошган – гоҳ унга амал қилишса, гоҳ ундан кечишган. Яъни, бу “босқич”ни адабиётни англашга ингилган ҳар бир киши у ёки бу даражада бошидан кечирган. Сўз жозибаси одамни ақл бовар қилмас юксакликка тортади. Мабодо, у боши берк кўчага кириб қолса ҳам, бунга ўша мангу сехр – сўз жозибаси айбор. “Санъат – санъат учун” шиори тарафдорлари устидан ҳукм чиқаришга ўша босқични ўтган одамларнинг тўла ҳаққи бор. Лекин шуни айтиш мумкин-ки, мазкур назария сўз устида ишлаб келаётган ҳар хил авлод вакилларининг мукаммаллик ҳақидаги орзуларини ўзида акс эттиrolмайди. Шунинг учун бу шиор “тул – гул учун” деган ғалати гапга ўхшаб кўринади. Чунки, бу ғоя тарафдорлари бўлмиш Ғарб шоирларини ўқиган одам санъат мутлақо санъат учун эмаслигини сезади. Демак, бу ерда қандайдир “хийла” бор: бу ғоя – жўнлик, фикрбозлик ботиб қолишдан кўрқкан Санъатнинг ўзини асраш учун атрофга тортган четани – ҳимоя рефлекси эмсмикан?

И.Х.: Фикрбозлик деганингизни тушунмадим. Шеъриятда фикр асосий нарса эмас, демоқчимисиз?

М.С.: Йўқ. Факат фикр айтиш учун шеърдан бошқа шакллар қўп демоқчиман. Шеър, менинг ўйлашимча, ҳикмат эмас. Шоир атайлаб афоризмлар битмайди. У шеър ёзади. Афоризмлар одамнинг идрокини юксак мувозанатга чорлайди, уларнинг ягона қонуни мувозанат. Шеър эса, аксинча, бизни мувозанатдан чикаради, жунбушга солади. Рухимизни тинимсиз харакатга келтириб туради.

И.Х.: Шеърга нисбатан сюжет термини ниҳоятда кам қўлланилади. Балки бу тўғридир. Аммо сюжетлилик шеъриятга хос сифат. Бизнинг адабиётимизда буни биринчи бўлиб Алишер Навоий эътироф этган эди. Энг интим лирик кайфиятларни ифода этадиган шеърларда ҳам қандайдир сюжет чизиклари бўлади. Айрим шоирлар ижодида сюжетлилик асосий хусусиятлардан бири бўлиб кўзга ташланади. Масалан, Усмон Азимнинг шеърлари

ҳақида шундай дейиш мумкин. Унинг энг яхши шеърларида ҳис, фикр, ранг ва оҳанг гўё сюжет ҳаракатларига мувофиқ жозиба билан оқади. Лирик сюжетга риоя қилиш – бу ҳам бадий мезон эмасмикан.

М.С.: Сюжет эҳтирос қуюни аро кўринса, агар фикрлар тадрижи танаффуссиз давом этса, бунақа шеърларни ҳамма ўқиди. Акс ҳолда, сюжет шеър учун ҳалокатдир, яъни, асарнинг бўш жойлари китобхон ухлаши учун қулай тўшакка айланади.

И.Х.: Сиз мудроқ ҳиссиётлар билан ёзилган чўзинчоқ шеърларни, қолверса, исми бор-у жисми нотайин айrim достонларни назарда тутаётганга ўхшайсиз. Бунда сюжетда нима айб? Энг зўр курол ҳам ландовур кимсанинг кўлида хеч нарсага хизмат қиласлиги мумкин-ку! Шунга ўхшаб, гап қоловини топа билишда. Сиз асосий саволдан қочаяпсиз. Ёки тажрибаларингиз бу хусусда гапиришга йўл бермайдими?

М.С.: Мен доим орзу қилган, доим етолмаган шеър – яхлит туйғу оҳангида қурилган шеърдир. Унда – узунми, қисқами – *бир вақтлилик* бўлиши керак. Ўн байтли шеър бўлса, унинг ҳар бир сатри *бир вақтда* жаранглаши шарт.

Фалсафада “нарса ўзида” деган тушунча бор. Шеърни – шартли равишда – “ракс ўзида” дейиш мумкин. Шеър ўз ичига қарайди, ўзи айтади, ўзи тинглайди. Китобхон – томошабин, у ракс ёки мусикадан қандай таъсирланса, шеърдан ҳам шундай завқланади. Лекин бу жуда субъектив фикрdir. Буни асло бирорвларга ўтказиш учун айтаётганим йўқ. Дунё шеърияти дурдоналари ичida воеага қурилган асарлар жуда кўп. Менинчя, сюжетдан фойдаланиш, ривоятни шеърга солиш – ижобий маънодаги истеъмол усулидир.

И.Х.: Мен бундай деб биламан: Сизнинг юқорида айтган фикрларингизни бадий ижод тажрибалари кўп томонлама инкор этади. Агар адашмасам, Сиз лирик шеър табиати, унинг бош белгиси ҳақида гапирмоқчисиз.

М.С.: Қандай тушунтиурсам экан.. дейлик, ҳар хил текисликларда ётган нур зарралари қабариқ ойнадан ўтар экан, улар бир нуктада тўпланади ва маълум иссиқлик ҳосил қиласди. Мен шеърдаги бирвақтлилик деганда, тахминан шунга ўхшаш ҳолатни айтмоқчи эдим.

И.Х.: Бир пайтлар илмда шоирнинг “Мен”и ҳақида турли-туман тортишувлар бўлган. Шу қабилидаги гаплар ҳозир ҳам

эшитилиб турибди. Шеърият – ўзинг учун, факат ўз руҳий эҳтиёжларингни қондириш учун ижод қилиш эмаслигини биласиз. Унинг вазифаси “шахсий нарсани ижтимоий нарсага, бугунгини абадийга айлантиришдир”. Ижтимоий омилларни аниқ англай билиш – шоирнинг кучи. Лекин кўп шоирларимизнинг шахсият қашшоқлиги туфайли “Мен” факат “Мен” чегарасида қолади. Яъни, унга муҳим туюлган гап бошқаларни деярли қизиқтирумайди. Натижада эса, бундай шоирларнинг илҳоми тор, ниҳоятда шахсийлашиб қолади. Ва уларни ўз овозига ўзи мафтун, бемаксад кушчадан фарқлолмай қоласан.

М.С.: “Мен” тушунчасини шоирнинг таржимаи холи ёки унинг бошидан кечиргандари, деб қараш тўғри... лекин бир томонлама қарашдир. Тўғрилиги шундаки, шоир чиндан умр бўйи ўз қисмати – таржимаи холини ёзади, кўнглидан ўтганларини шеърга солади. Аммо у сўз одами. У сўзни ҳар хил мақомга солиши мумкин, бироқ сўз ҳам уни ўз ҳукмига бўйсундиради: шоирнинг “Мен”и ва сўз қонуниятлари тўқнаш келар экан, шеърдаги “таржимаи ҳол” бутунлай ўзгаради. Яъни, шу тўқнашув натижасида биз шеърда умуминсоний фикрларни кўрамиз. Лекин бу масаланинг ташки томони. Биз кўпинча шоирнинг “Мен”и билан лирик қаҳрамонни аралаштириб юборамиз. Ваҳоланки, шоирнинг “Мен”и чуқурроқда яшайди. У сўз курилишида, ҳар бир нутқда, ҳар бир ундовнинг жойлашувида, оҳангда, услубда, шаклдадир.

И.Х.: Баъзи мунаққидларимизнинг тилида “талант” сўзи аллақандай ёрликка ўхшаб эшитилади. Улар талант кимнингдир кўкрагига саҳоват қилиб ёпишириб қўйиладиган нарса эмаслигини негадир ўйлаб кўргилари келмайди. Бир улуғ санъаткор: “Талант – бу дил” деган экан. Истеъдод – севги, деган гап ҳам бор. Уни ҳақиқатни айтиш, ҳақиқат шаклида кўрсата билиш санъати деб ҳам изоҳлашган. Аслида, талант шуларнинг бир бутун ҳолда таркиб топишидир?

М.С.: Менимча, талант дегани ўзлиқдир. Ҳатто уни (талатни) бошқалардаги фазилат қизиқтирса ҳам ўша хислат аввало унинг ўзида бўлгани учун қизиқади.

И.Х.: Масаланинг яна бир жиҳати бор. Гёте шундай деган: “Шекспир ижоди ҳаддан ташқари бой ва терандир. У табиатан маҳсулдор, унинг бир йилда бигтадан ортиқ асарини ўқимаслик керак. Акс ҳолда, у ҳалокатга маҳкум қиласди... Қанчадан-қанча

ажайиб немис ёзувчилари Шекспир ва Калдерон таъсирида ҳароб бўлишди”.

М.С.: Агар талант бор бўлса, ҳар қандай таъсир унга фақат ёрдам бериши мумкин: талант, биринчи навбатда, ўзини ўзи “ўғирлайди” (агар ўғирлайдиган нарсаси бўлса) ва шу йўл билан бойиб боради. Яна очикроқ айтганда, ўзига қарашли ерларнигина “босиб” олади.

И.Х.: Шеърият тўғрисида “догма”га айлангириб олган тушунчангиз борми?

М.С.: Бор. Яхшилик билан Ёмонлик доим олишади ва бу олишувда унинг энг кучли куролларидан бири, шубҳасиз, шеъриятдир. Яхшиликнинг тили – *Шеъриятдир*.

И.Х.: Юқорида ёш шоирларимизнинг самимияти тўғрисида гапирдингиз. Бу тушунчанинг моҳиятини қандай тушунасиз?

М.С.: Албатта, “ҳакгўй” бўлиб кўринишдан ёмони йўқ. Ҳак гап айтдим, деб ҳеч ким мақтанолмайди. Лекин самимият хусусида шоир интиладиган бир идеал бор ва уни шундай шарҳлаш мумкин: шоирнинг ҳаётлигига айтган тўғри гапи бошқаларнинг ўлими олдида айтган ҳақиқати қадар бўлмаса, шеърият ўз бурчини тўла адо этолмайди.

И.Х.: Адабий танқид – шеъриятнинг руҳий онаси. Унда поэзиянинг қалб олами бутун мураккабликлари билан акс этиши шарт. Акс ҳолда, адабий танқид совук мухокама ва мулоҳазалар воситасига айланиб қолади. Бу эса, шеърият учун азоб. Тўғри, кимдир эътиroz билдирав: бундан шеърият ҳеч нарса ютказмайди. Чиндан ҳам ютказмас. Аммо оддий шеърхоннинг чалғиши-чи? Бу ёмон. Нима дедингиз?

М.С.: Адабий танқиднинг ўқувчиси сифатида айтсан, бирор асар тўғрисидаги ёзилган танқидий мақоладаги фикр, ҳаққоният, тил ром этса мақоланинг ўзи бадиий асардир. Унинг муаллифини ёзувчи деб аташ керак. Ҳақиқий ёзувчиларнинг эса, ўз услуби бўлади. Ўз услубига эга бўлган танқидчиларимиз, афсуски, бармоқ билан саналарли. Баъзи олимлик унвонлари паноҳида ёзилган мақолаларда сўз таҳлили эмас, сўзга таҳкир бор: уларда шалпайган жумлалар лоқайдлик ипига тизилади, фикр ўзининг соясидан кўрқади, мантиқ бачканалиги билан фаҳранади. Танқидчилигимиз одати бўйича, бирор унвонли ёзувчи ҳақида ёзиш керак бўлса, унга муроса тўла қадаҳ узатиласди, борди-ю мунаққид мақташдан чарчаса, қўлини ёзиш учун ҳеч ким танимайдиган “зумраша”

каламкашни топиб, бемалол “қалтаклаши” мумкин. Энг қизиги шундаки, бу мұнаққид бир куни танилгудай бўлса, у ўша “зумраша”га ёзган мақоласи билан танилади. Чунки танқид муроса эмас, муросасизлик замонавийлик.

И.Х.: Мұнаққидларнинг услуби ҳақиқати фикрларингизга қўшиламан. Ҳақиқатда ўзининг жозибадор ва жонли услугуга эга танқидчиларимиз оз. Лекин бор. О.Шарофиддинов, М.Қўшжонов, И.Ғафуров каби олимларимизнинг мақола ва китоблари бадиий асарга ўхшаб ҳавас билан ўқилишининг сабаби, аввало, улардаги услугубий хилма-хиллик ҳамда ўзига хосликда, деб ўйлайман. Агар Сиз олим учун катта унвонлар бирор бир даражада нафосатни хис этиш, гўзаллик сирларини очиш мезони бўла олади деб билсангиз, янгишган бўласиз. В.Г. Белинскийнинг бир таърифига диккатингизни тортмоқчиман: “Санъат идрокка мансуб ҳодисалар турига киради ва шу сабабли шеър ёзишини ўрганиб бўлмаганидек, поэзияни тушунишни ҳам ўрганиб бўлмайди. Гўзалликдан яхши таассурот ола билиш ўзига хос талантдир. У илм билан ҳам, тахсил билан ҳам, машқ билан ҳам кўлга киритилмайди, балки, табиат томонидан берилади. Поэзияни тушуниш руҳнинг кашифиётидир, кашифёт сири эса, инсон табиатида яширинган бўлади”.

Мана шунинг учун Сиз айтгандек, “ёзувчи деб аташ керак” бўлган танқидчилар фақат ҳозир эмас, азал-азалдан ҳам саноқли бўлган. Кейин “Муроса тўла қадаҳ” тутиш танқидчилигимизнинг эмас, айрим танқидчиларимизнинг одати. Истеъодли мұнаққидларимиз “танқид ёмон асар билан китобхон орасида даллол, ширинкомага виждонни сотадиган юраксиз даллол бўлмаслиги керак” лигини (Абдулла Қаҳҳор) эсдан чиқаришмаса, бўлгани.

М.С.: Сиз айтган ҳақиқатни рад қилмоқчи эмасдим. Мен максималист эмасман. Фақат кўриб турганимни, танқидни мунтазам ўқиб борадиган бир ўқувчи тарзида – ўзи эришган муваффақият билан, ўзи йўл кўйган муросанинг таъсир кучи теппатенг эканлигини эсидан чикармайдиган танқидчи бизда кам: яхши асарлар қаторида тўйнома шаклида узундан-узоқ мақолалар ҳар бир танқидчи ижодининг, кечирабасиз, қарийб ярмини ташкил қиласди. “Бу табиий, яхши мақолалар қаторада муросасиз нарсалар ҳам ёзилади. Бу табиий”, дейдилар. Нега бу табиий, нега нотабиий эмас, одам тушунмайди.

Адабий танқидда проблематик мақолалар деярли йўқ. Агар бирор танқидчи “проблема” кўйса ҳам, бу проблема қошида танқидчининг ўзи тураверади. Унинг ёнига бирорта ёзувчи ёки шоир яқинлашмайди. Сабаб нимада? Сабаб шундаки, проблемани танқидчи эмас, ҳаёт кўяди: дейлик танқидчи “шеъриятда гражданлик мотивлари бўлмоғи шарт!”, деб ҳайқиришдан аввал, нега бу фазилатнинг кўринмаётганлигини ўрганса, оқибатда олдин сабабни бизга тушунтириб берса, шунинг ўзи проблематик мақола бўлади.

И.Х.: Солих, сир тутишнинг ҳожати йўқ: ёшлар поэзиясида гоҳида кишининг таъбини хира қиласиган ясама ох-воҳлар эштилаёттир-ки, бу бедардликнинг айни бир шаклидир. Аммо, адабий танқид ёруғ дард билан, ўткинчи ғам-қайғуларнинг моҳиятини фарқлаб ҳукм юритиши лозим.

М.С.: Сиз айтганчалик “ох-воҳ” қилаётган ҳеч ким йўқ. Ёлғондан кўзёш тўкаётган шоирлар бўлса, бу жуда бу жуда ёмон ирим. Менимча, ҳар қандай санъатнинг кушандаси қувонч ёки қайғу эмас, балки, ўша қувонч ёки қайғудаги соҳталик бўлади. Аммо изтироб ифодаси – шеъриятдаги тушкунлик эмас, азобланаётган умид тасвиридир. Азобланаётган, демак, покланаётган умид. Шу жиҳатдан ўлим тўғрисида шеърлар ҳам, аслида, ҳаёт ҳақидадир. Буни рад қилиш реализмни рад қилиш билан баробар. Одам руҳида икки қайфият – қувонч ва қайғу абадий бирга. “Бизнинг адабиётда қайғу бўлиши мумкин эмас”, дейиш менимча, нотўғри. Чунки, қувонч каби қайғунинг ҳам сиймоси ҳамма жойда бир хил ва таассуфлар бўлсинки, **шаклан миллий, мазмунан сотсиалистик қайғу** йўқ. Буни тан олмаслик адабиёт ривожи учун зарарлидир.

И.Х.: Бугунги ўзбек шеърияти – турли услуб, хилма-хил ижодий йўналишларда тараққий этаётган шеърият. Унинг истиқболини нималарда кўрасиз?

М.С.: “Шеъриятда тараққий бўлмайди” деган эски гап бор. Бу шунчаки айтилган гап эмас. Чунки тараққиёт деганда, биз ўсишнинг узлуксиз занжирини тушунамиз. Бу тушунчани фанга қўллаш жоиздир. Шеърият тарихида эса, Уйғониш даври билан Бўхрон асли галма-гал такрорланиб келган. Агар шеърият ўсганда эди, биз Навоийнинг шеърларини факат тарихий нуқтаи-назардан ўқиб, улардан завқланмаган бўлардик. Демак, шеърият факат бойиб, ўзгариб боради. Бугунги ўзбек шеъриятида кечаетган

жараён одамда умид уйғотади ва фахр билан айтиш мумкин: йўналишларнинг кўплиги, шаклларнинг ранг-баранглиги ҳақиқий адабиётга хос белгидир.

1981

КУТИЛМАГАН САВОЛЛАР

“Совет Ўзбекистони санъати” журнали мухбирининг саволлари

1. Ҳаётда ўзингиз йўл қўйган бирор хато Сизга сабоқ бўлганми. Шу ҳақда сўзлаб бероласизми?
2. Ўзингизни кечиролмаган дақиқалар бўлганми?
3. Бирорлар сизни алдаганда, хаёлингизда нималар кечади?
4. Ҳақиқат ҳақида тасаввурларингиз?
5. 2000-чи йилда дунёни қандай тасаввур этасиз?

Мухбир саволларига жавоблар:

1. Албатта, умр тўғри ишларгина эмас, хатолар силсиласидан ҳам иборатдир. Мен катта хатолар қилдим деб мақтанолмайман. Ҳаётда сабоқ олишга арзирли бирор хато қилган бўлсан, бу хатодан жуда нари борса, менинг болаларим хулоса чиқариши мумкин. Мен, ўз навбатимда, бошқаларнинг хатосидан, мумкин кадар “чиройли”роқ хатолардан ўрнак оламан.

2. Ўзимни кечирган дақиқалар қўп бўлган. Акс ҳолда, Сиз билан сухбатлашишдан, бу саволларга жавоб бериш имконидан аллақачон маҳрум бўлган бўлардим.

*Ўксимагин, ўксинаверма
Қийнамаса виждон азоби –
Ер бўлмаса, осмонда бордир
Ҳаммасининг аниқ ҳисоби.

Агар виждон қийнамас экан,
Сабаби бор бунинг ҳам демак;
Авлиёсан, сен бир авлиё
Ё қорни тўқ, шодмон кўрнамак...*

Бу шеър ўзимни кечирмасликка яқин бир кайфиятда ёзилган бўлиши мумкин.

3. Бирорлар алдаганида хаёлимда нима кечишини деярли эслолмайман. Ўзим алдаган дақиқалар ёдимда равшан гавдаланади,

алдаётиб, нимага суюниб турганимни ёки қўлимда нима борлиги, чекаётган эдимми, тамакини учираётган эдимми – хаммасини эслайман, яъни биринчи саволга қарама-қарши ўлароқ, ўз хатоларимдан эмас, ўз алдоғимдан сабоқ олишга ҳаракат қиласан.

Менимча, ўз ёлғонига шафқатсиз бўлган одамни бошқаларнинг ёлғони чўчитолмайди. Бу борада менинг идеалим бор: “Урилиб-сурилиб, қийналиб-қимтаниб ўсган бир одам, одамзот қодир бўлган барча ёмонликларга дуч келган, жуда кўп алданган, аммо ҳамон мағрур одам, яъни, жоҳил бўлиб қолиш учун барча “сабблари” бўлатуриб, ҳамон жоҳилликдан йироқ – буюқдир” (кундалиқдан).

4. Мен ноумид эмсан. Аммо юксак тушунчалар ҳақида гапираётган кишининг қиёфасидаги зўрма-зўраки жиддийлик менга доим эриш туюлган. Шу хавфдан қутулиш учун бу саволга иложи борича қисқа жавоб бериш керак деб ўйлайман:

Ёлғон –

яшаши усулларидан биридири.

Макр – яшамоқнинг яна бир йўли.

Хийла ҳам шунақа.

Демак, тўғри сўзни айтмоқ ҳам

Яшаши усулига кирап, шубҳасиз

5. Карл Маркс капиталистик жамиятнинг касалликларини очиб берди, кутубхонада икки йил ўтириб, “капитализмни гўрга тиқди”. Кейин “гўрда туғилган гўрўғли”лардан бири бўлмиш Зигмунд Фрейд ўша жамиятнинг бир одамини олиб, унинг ички дунёсини ўргана бошлади...

Менимча, жамият ва шахс ҳақидаги таълимот 2000-йилга бориб, янада ривожланади: космос билан бир қаторда, одам ўзини ҳам ўрганишга қаттиқ киришади ва балки шунда 2500 йилни бемалол тасаввур қилиш мумкин.

1982

НУРЛИ ТУЙГУ

Матбаачиларимиз қоғозни иқтисод қилиш хусусида гапирадилар, иқтисодчилар эса, ўрмонлар йўқолиб кетяпти, дея жар соладилар, бироқ биз адабиётчилар, сўз иқтисоди ҳақида

ўйламаймиз. Ҳолбуки, сўзимизни авайлаб, иқтисод элагидан ўтказсақ, қоғозни ҳам ортиқча сарфламаган бўлардик.

Анвар Обиджоннинг янги бир китоби – сўз иқтисодига бир мисол. У шунчаки, гўё айтадиган гапи ўн каторга ҳам арзимайдигандек, шеър битади:

*Шамол ноҳуши еляпти,
Ла-ла-лай...
Кўшиқ айтгим келяпти,
Ла-ла-лай...
Мен куйлайман нечун гоҳ?
Ла-ла-лай...
Йиғламаслик учун ... Оҳ!
Ла-ла-лай...*

Бу ойдин шеър. Мағлубият эмас, курашни зиммасига олган одамнинг – “шунчаки” айтиб кетаётган қўшиғи. Чин марта – инсон рухини англашдек баҳтга эришмоқни ўйлаб қадам ташлаётган шоир қўшиғи.

Хофиз Хоразмийнинг “Кўрса эди бу шеърни туркий тилни билиб, Юз офарин ўқигай эди шоҳимиз камол” сатри эпиграф қилинган шеърни Анвар Обиджон фидоий олимга бағишлади:

*Қайтарди у,
Онага ўз дилбандин -
топиб келди Ҳиндистондан
Хоразмнинг фарзандин.
Куйлатолди
Неча юз йил,
Куйламаган бир дилни.
Яхшиямки, биларди у
Шоҳлар билмаган тилни.*

Шоирнинг ватанпарварлигига сохталик йўқ. Буни шеърнинг руҳи айтиб турибди. Умуман, Анвар Обиджон шеърларида ўринисиз ишлатиладиган сўзлар ёки қоғия қилинган шаклий муроса тез-тез учраб туради, бироқ, бу сохталик эмас. Бу шеър санъатининг шоирга ўтказган тазиики. Бундан кутулмоқ учун доимий сабот бўлса, бас.

“Кетмагил” тўпламидаги бальзи шеърлар факат ўз оҳангига билан одамни жалб этади. “Бир пари”, “Алибобо ҳақида қўшиқ” шулар жумласидандир. Аммо аксарият шеърлар асосан, фикрга, гоҳо ҳаддан ташқари ратсионал фикрга курилган:

*Сигареттинг сүнгиси бўлса,
Икки тортим қолдир, оғайни.
... Фаминг бўлса тортмагин ёлғиз,
Икки тортим менга ҳам узат.*

Бу шеърни “яхши” дейиш мумкинdir, аммо биз ундан таъсиrlанмайmиз. Китобхонга гарчанд аввалига чучук туюлса ҳам, мана бундай ташбех ёқади:

*Атиргулни ҳидладим, тўзитмасдан,
Узмасдан;
Худди сизни ўпгандек
Үйқунгизни бузмасдан.*

Чунки, бу аниқ суратга ўхшаган ташбех. Фалсафа эмас, сурат – фалсафа.

Ўтган йили ёзувчи А.Мухтор “Метафоризм ёшлар шеъриятига хос”, деб ёзди. Бизнингча, бу бир томонлама қараш: тўғри, кейинги ўн йилликда ёшлар шеъриятида метафорага ургу кучайди, лекин бу хусусият умуман шеъриятга хос-ку.

Шеър-вокеа тарафдорлари метафорага шубха билан қарайдилар. “Литературная газета”да рус шоири А.Межиров ёшлар ижодига муносабат билдириб: “Шеъриятнинг энг юксак чўққилирида метафора йўқ”, деган фикрни айтди. Биз шоирнинг айнан қайси “чўққилар”ни назарда тутганини билмайmиз. Эҳтимол, у фақат рус шеърияти мисолида айтгандир. Ҳар ҳолда, биз билган чўққилардан фақат Шарқ эмас, Ғарбда ҳам метафоранинг мавқеи улуг. Бунга Алишер Навоий ижодидан тортиб, Гарсия Лорка шеъриятигача бўлган узун йўлдан жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ҳозирги замон ўзбек шеърияти, хусусан, ёшлар шеърияти деб аталмиш оқим ўша икки маданият – Шарқ ва Ғарб маданиятининг кўхна ва барқарор, янги ва умидли фазилатларини ўзига сингдириб олаётган шеъриятдир.

Анвар Обиджон, шоир сифатида, ана шу авлодга мансуб. Унинг шеърлари 70-80 йилларда ёзилгани учун эмас, балки, юзакилик тубида ётган ботиний руҳ – давр руҳини ўзида ифода этгани учун ҳам янги шеърлардир. Тўпламда американлик хиндуларга бағишланган катта туркум бор. Бу туркум шоир учун

сўзни ўз ўрнида ишлатиш – мазмундорликка эришиш борасида мухим босқич бўлганлиги кўриниб туради:

*Деди кекса бодаҳўр:
– Майли, ҳушёргашаб кўр,
Хушёргликка чидасанг!*

Мазмун юки учта қаторга тенг тақсимлангани учун шеър ниҳоятда енгил ўқилади ва бунга қарама-қарши ўлароқ, чукур из колдиради: айни пайтда ҳам енгил, ҳам вазмин:

*Қизил танли бир сотқин
Бутун юртни ва халқни
Кемтик жонга алмашид!*

Бу шеър эски ҳикматларга ўхшайди. Аммо “кемтик” жон – бугуннинг ташбеҳи. “Жон”ни тасаввур килишимиз қийин, аммо уни “кемтик” сўзи қўшилган заҳот, у предметлашади, суратлашади, баён метафорага айланади.

Анвар Обиджон болалар учун бир неча кигоб ёзди. Ундаги сўзга ҳассосликни ўша тажриба маҳсули деб қараш мумкин. Кўп сўзлилик фақат болаларга эмас, катталарга ҳам унчалар ёқмаслигини шоир билади:

*Майли, бир кун тунайқол,
Сўнг уйингга жўнайқол,
Кўп суқланма даламга!*

Бу учликнинг сўз курилишидаги шаффофлик бизга мактабда ёд олиб юрган яхши шеърларни эслатади... Фақат маъно бошқа – ижтимоий – хиндунинг босқинчига айтиётган гапи. Баъзи шеърларда фарғонача аскияларнинг акс садоси эшигилгандек бўлади. Жиддий нарсаларни сал табассум билан айтган каби

*Эҳ, Европа, Европа,
Бўлсанг-да бизга опа,
Ўз болангни ўйлайсан.*

деб ёзади шоир. Албатта, жиддий айтиш учун хўмрайиб сўзлаш шарт эмас. Шунингдек, ҳазил-мутойиба қиларкан, тиржаявериш ҳам ярамайди. Икки ҳолда ҳам меъёр бўлса, бас. Анвар Обиджоннинг ижодида ўша меъёр бор. Унинг шеърларида иккита йўналиш мавжуд: ҳикоя ва метафора йўналиши. Бизнинг ёдимиз иккинчи йўналишга бўйсунади. Чунки, ҳикоя бир соатда босган масофани метафора бир лаҳзада кечади. Биз ҳаммамиз дафъатанликни севамиз, янги ташбеҳ эса, ўша дафъатанликни

таъминлайди. Одамлар шеър ўқиб “юрагим жиз этди”, деганларида, эҳтимол, шу мўъжиза таъсирини назарда тутарлар.

Афсуски, тўшламнинг охиридан жой олган “Ташрифингиз килди мени лол” туркумидаги “Қаҳратон” сарлавҳали достоннамо шеър китобга ярашмай турибди. Есенинча рух фақат Есенинда бетакрордир. “Қаҳратон”да воқеабандлик бор, янгилик йўқ, сўз кўп, шеър кам. Албатта, бу шеър китобга соя сола олмайди, фақат унинг ўзи бошқа шеърлар соясида колиб кетгани ёмон. Шунингдек, “Тоғдан тушган бўрида ва босқинчи ўғрида Эзгу мақсад бўлмайди”, қабилидаги ёки “Хилватларда излар ёўқ... Наҳот довдирап кизлар йўқ. Шундай катта кишлопқда” каби учликлар хам китобга соя сололмайди. Умуман олганда, Анвар Обиджоннинг бу шеърий тўшлами марказида бир туйғу порлаб турибди – бу Ватан туйғуси. Бу нур қаршисида эса, унча-мунча соя эриб кетади.

1985

ДУЛБАРЧИН

Аждохларга ҳурмат түйгүси фақат олий ирк вакилларига хос фазилат әмас, балки умуман инсон табиатига хосдир ва бу түшкүн халққа мадад бүләди.

Жеймс ХЕННЕЙ

Тарихий зарурат.

Бу жумла ўзининг “кенг”лиги туфайли жуда кўп воқеаларни объектив ва субъектив сабабларини қамрашга “қодир” ибора. У ўша воқеалар хусусида бир оғиз сўз билан хулоса чиқариб, уларни оқлаш ёки қоралаш учун хизмат қиласди. Қадимги туркий (орхун-енисей) ёзувининг истеъмолдан чиқиб кетиш тарихи ҳам шу ибора билан тамғаланган.

Хар холда, унинг йўқолиб кетишига асосий сабаб нима?

Бу савол ўз тарихи билан қизиққан ҳар бир одамни қийнайды.

Зотан, туркий ёзув ўзининг мукаммаллиги билан бизни хайратга солади, мукаммал бўлатуриб, йўқолиб кетиши эса, янада ажаблантиради.

“... Түрк тили табиатига хос, айниңса сингармонизм қонунiga мослаشتырылган бу ёзув, унинг ўринини эгаллаган уйгур ва араб

ёзувларига нисбатан анча мукаммал эди”, деб ёзади академик Бартольд.

Бўлмаса, нега у йўқолиб кетди? Тарихий зарурат, деймиз.

Туркий ёзувни ишк бор кўрган XVII аср Оврупо олимлари ёзувга “рун ёзуви” деб ном беришди.

Тақдир тақозоси билан, бу ёзув узоқ вақтгача биз учун сир бўлиб келди.

... Эрамизнинг VI асли ўргаларида Еттисув ва Шаркий Туркистондаги туркийларни бирлаштирган Истами ҳоқон Византия императори Уостин – II га хат юборади. Элчи сўғд бўлиб, унинг элтган хатини тарихчи Менандр “скиф ёзуви”да ёзилганини айтади. Лекин, бу хат қадимги туркий тилда ёзувда битилганига бугун шак-шубха йўқ. Зеро, туркий ёзув эрамиздан аввалги мингинчи йилларда яратилиб, эрамизнинг VI аслида энг мукаммал ёзувлардан бирига айланган эди – турк ҳоқонлигига давлат ёзуви сифатида кўлланар эди.

... Немис олими Иоганнес Фридрих ўзининг “Ёзувлар тарихи”¹ китобида туркий ёзув VIII асрда ёк истеъмолдан чиқиб кетди, деб ёзади. Аммо XV асрда яшаган машхур олим ибн Арабшоҳ ўзининг “Ажойибул-мақдур фи навойиби Таймур” (Темур фалокатларида қисмат ўйинлари) асарида “Хитойда туркларнинг “дулбаржин” деб аталган ёзувини кўрдим, ҳарфи кирк битга”,² деб ёзган эди.

Кўриниб турибиди, араблар етиб бормаган жойларда туркий ёзув ўз вазифасини ўтайверган. Чунончи, бу ёзув ҳоқонларнинг кўлга кирилган ғалабаларини тошга ўйиб ёзиш учунгина ишлатиладиган ёзув бўлмай, балки, туб маънода халқ ёзуви эди.

Турк ҳоқими ўз халқини тошдаги битикларни ўқишига чорлаши туркийларнинг кўпчилиги саводли бўлганилигидан дарак берса ҳам, буни кўчманчилик шароитида тасаввур қилиш қийин, деб ёзади академик Бартольд. Бу чорлов мажозий бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас, дея шубҳага боради олим.

Бартольд факат тошдаги битикларни назарда тутиб, шу фикрга келган бўлса, ажабмас. Чунки, кейинги йилларда топилган

¹ И. Фридрих. История письма. 167-бет.

² Г.Абдураҳмонов, А.Рустамов. Қадимги туркий тил. 12-бет.

идиш-товоқ ва қурол-аслаҳалардаги битиклар туркийларнинг кўпчилиги шу ёзувда ёзганлигидан далолат беради.

Ўрта Осиё, Еттисув, Олтой, Шимолий Кавказ ва бошқа жойларда кўплаб қабртошлар топилди ва уларга битилган марсияларнинг ҳаммаси туркий ёзувда ёзилган, ҳаммасида жонли тил унсурлари мавжуд.

“Давлат аҳамиятига эга бўлган битикларнинг ижрочилари Йўлликтегин ва бошқалар маҳсус мактабда ўқитилган. Бу мактабнинг асосий вазифаси салтанат идораси учун – оддий ёзувдан фарқли ўлароқ – чиройли ва қулай алфавит яратиш эди”, – деба эътироф этади Ж.Клосон.³

Ёзувдаги бу иерархия унинг мукаммалигидан яна бир мужда. Унинг ҳар қандай мушоҳада, ҳар қандай фикрни қофозда ифодалашга кодир ёзув бўлганлиги Хитой ҳудуларида топилган “ирқ битиг” фолномасида ёрқин намоён бўлади.

VII асрда битилган бу асар сатрлари, бир қарашда, бугунги сарбаст шеър шаклида гавдаланади:

Эски туркча:

*Узун тонлуғ кузунгисин
Колка ычғынмыши,
йарин йанграйур
кача кангранур, тир
йарин йанграйур
кача кангранур, тир
анча билинглар
мунглуг ол, айығ йаблақ ол
буғунги кўриниши:
Аёл кўзгусини
Кўлга туширди..
Тонгда инграюр -
Тунда ҳўнграюр -
– Билинглар-ки, дер,
Мунглидир бу, ёмондир бу!*

³ Д.Д. Васильев. Графический фонд памятников тюркской рунической письменности Азиатского ареала. 14-бет.

Сатрлардаги аллитерация охангдорликни оширади. Күхна символика – кўзгу – янги кирралари билан жилваланади.

Манави ташбехга қаранг:

Тигир туюман

Орунг корик ман сочарман

Уза тангрика тагир,

асра йирка киур... тир удигмат

одгур (у) йатыгелк туруру йорыйур ман

андаг кучлуг ман, анча билинглар -

адгу ол.

Бугунги кўриниши:

Тигир туюман

оқ кўпик сочарман

Тепада осмонга (тангрига) тегар (кўпик)

Пастда – ерга киур,

Ухлаётганларни уйғотиб,

Ётганларни турғазиб юурман -

шундай кучлиман, яхии билинглар -

яхшиидир бу.

Бугунги “модернист” шоирнинг шеърига ўхшайди бу шеър.

“Дулбарчин” ёзувининг топилиш тарихи қизик.

Тошга битилган “номаълум ёзув” ҳакидаги илк бор (1662 йил) амстердамлик Никколас Видзен ахборот берди.

Ёзув герман қабилаларининг руник алфавитига ўхшаганлиги учун (русларга асир тушган швед сипохийси) Ф.И.Табберт уни “рун ёзуви” деб атади. Лекин ёзувнинг қайси халққа тегишли эканини ҳали ҳеч ким билмасди.

1772 йилда Сибирда тадқиқот ўтказган Д.Г.Месссершmidt бу “номаълум ёзув”ни келт ёзувининг кейинги кўринишлари бўлса керак, деб тахмин килди.

Бошқа бир олим Т.Байер ҳам унинг фикрига қўшилади.

П.С. Паллас бу “битик енисей даштларида кўчманчилик қилган қадимий гот қабилалариники” деб ёзади.

Ниҳоят, ёзув топилгач, бир асрдан кўпроқ вақт ўтгандан кейин, 1820 йил франсуз олими Ж.П.Абел-Ремюза Хитой йилномасидаги бир жумлага суюниб, бу ёзувларнинг туркийлиги, унинг енисей қирғизларига тегишли эканини ёzáди.

Аммо руник ёзувлар атласини тузган Г.Н.Спасский франсуз олимининг фикрига қатъий эътиroz билдиради ва бу ёзув мўғул ёки қалмиқларники, дейди.

Тилчилар ўртасида қизғин баҳс бошланади.

Харков университети профессори Роммел ёзувнинг юнон=гот алфавитига қариндошлигини таъкидласа, Ю.Клопорт уни қадимий юонон ҳарфига яқин... аммо “туркйча ҳам бўлиши мумкин”, дея тахмин қиласди.

Шу йиллари, дафъатан Г.Спасскийнинг янги мақоласи чиқди. Олим бу сирли битикини рус ўймакорлик ёзуви билан таққослаб, уни йўқолиб кетган славян ёзувидир, деган хulosага келди.

Бу фикр, асоси заиф бўлишига қарамай, кенг тарқалди.

Ж.П.Абел-Ремюзанинг тўғри тахмини эса, XIX-аср ўрталарига келиб, бутунлай рад қилинди.

Лекин Спасский ёзувларни ўрганишда сал шошилганини сезиб, уларнинг Сибирдаги татар қабилаларининг уруғ тамғалари билан ўхшашлигини айтди. Бу ўхшашлик А.Вамберининг ҳам диккатини тортади ва И.А.Аристов, Н.Г.Маллитскийлар, бирбиридан бехабар, бир вақтда бу ёзув тамгалардан келиб чиқсан, деб янги фикрни ўргата ташлайдилар.

Барি бир, унинг туркйлигини ҳеч ким аниқ айтголмайди...

Бу, қарийб икки аср давом этган баҳсга, рус хитойшуноси В.П.Василев якун ясади: руник ёзуви остига хитойча ёзилган хатдан гап қандайдир “ту-кэю” деган халқ тўғрисида кетаётганлиги маълум бўлади. Ва Сибир ёзувларининг туркй эканлиги исботланиб, аср бошида Мўғулистон худудидан топилган улкан битиктошларни В.Томсен таржима қиласди.

Нега деярли саксон йил давомида, франсуз олими Ж.П.Абел-Ремюзанинг фикрини ҳеч ким кўллаб-кувватламади?

Чунки, туркй халқларда араб ёзувидан бошқа ёзув ҳам бўлиши мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди. Ўша даврда Усмонли туркларни ҳисобга олмагандан, туркйларнинг асосий қисми дунёвий сиёсатдан йироқ, ижтимоий ахволи ниҳоятда ночор эди.

Араб экспансияси Ўрта Осиёга ўзи билан катта маданият олиб келди, деган олимлар уларнинг кутубхоналарга ўт қўйиб, тошга ўйилган битикларни портлатишганини ҳам айтсалар адолатдан бўлурди.

Ўз тарихи, ўз ёзуви бўлган халқни бутунлай забт этиш мушқуллигини араблар ҳам билишган ва ҳар қандай “ёт ёзув”ни узлуксиз йўқ қилиб боргандар.

Улар голиб эди – голибга тараф йўқ.

Хатто шоҳ Захириддин Мухаммад Бобур ҳам бу куч қаршисида бош эгди: араб ёзувини туркийга мослаштириб, ислоҳ қилишга уринган шоҳнинг орзу-умидлари пучга чиқди. “Араб тили Куръон тилидир, унинг ёзувини ўзгартиromoқ – шаккоклиқдир”, дейишди уламолар.

Бугунги ибора билан айтганда, бу – тарихий зарурат эди...

Шу мақолани ёзиб ўтирганимда, стол устида очик турган китобни кўриб, ўғлим: “Бу қандай ёзув, дада?” деб қолди.

– Бу ёзув қадимги турк ёзуви, – дедим .

– Турк дегани нима?

– Турк деб бобонгнинг боболарининг боболарини айтишган.

– Уларнинг ёзуви шуми?

– Ҳа ...

Бола билан сұхбатлашар эканман, бошқа нарсани ўйладим: мактаб програмасига бу ёзувни киритса, қандай бўларкин?

Тарихий, маданий меросимизни ўрганиш ишлари мактабдаёқ йўлга кўйилса, яхши-ку!

Маориф вазирлигига ўйлаб кўришса, эҳтимол бу ҳам тарихий зарурат бўлиб чиқар...

Биз турк ёзувининг топилиш тарихи хусусида қискача маълумот бердик. Бугун бу ёзувни ўрганаётган олимлар Гарбда ҳам, Шарқда ҳам жуда кўп. Ўрта Осиёда топилган кейинги топилмалар бизнинг тилчи олимларимиз олдига ҳам янги вазифалар кўймоқда. Афсуски, бу соҳанинг ўрганилган қисми факат илм доирасида қолиб кетаяпти. Ҳолбуки, бу ёзув бошқа турк халқлари қатори, ўзбекларнинг ҳам маданий меросидир. Бу ёзув – ота-боболаримиз ёзувидир. Ёш авлод буни билмоги шарт. Оммабоп мақолалар керак.

Бу ҳам тарихий заруратдир.

1985

ҚАЙТА ҚУРИШ ЙИЛЛАРИДА ЁЗИЛГАН МАҚОЛАЛАР (1985-1991)

ХАВФЛИ МАЙДОН

Бугунги кунда ёзувчи сўзининг қадр-қиммати қанча ва кимлар бу сўзни тушуна олади: Бизнинг турмуш тарзимиз СЎЗ таъсирида ўзгарадими? Шоир Эркин Воҳидов бу ҳақда шундай ёзади:

*– Орол ўлаёттир,
– Сир ўлаёттир,
Ўлаёттир заҳардан тупроқ.
Шоир бунга қарши не қилаёттир!
Шоир дафтарида каттакон сўроқ.
У фақат қичқирап:
Бундай бўлмайди,
Аlam билан ёш тўйкар бироқ
Унинг кўз ёшидан Орол тўлмайди,
Фақатгина ер бўлар шўрроқ...*

Ўта истехзоли шеър. У бизнинг ҳар нарсага шубҳа билан қарашимизни, ўз сўзимизга ишончсизлигимизни, бюрократия қаршисидаги ожизлигимизни ифода этади. Мен бу шеърни бадиий асар сифатида қораламайман, аксинча, у шу ҳолича аъло даражада ёзилган. Лекин унинг хулосасидаги рухга эътибор беринг-а.

Бу – сўзга ишончсизлик рухи.

Ушбу рух баҳтга қарши, узок вақт бизни таъқиб этди, ўзбек ёзувчилари ўз сўзларига қат-кат либос кийдирди. Кейинги ўн йилда сўз тегарасида қурилган бу “иншоот” шу қадар қалинлашдики, унинг овози эшигилмай қолди. Биз шундай пухта ҳимояландик-ки, ҳатто кимдан ҳимоялананаётганимизни ҳам унугиб қўйдик. “Зийрак кишилар”дан хавфсираб, ўзимиз ҳам зийрак бўлиб қолдик. Ҳар бир сўзимизни ҳақиқат эмас, эҳтиёткорлик тарозисига солиб ўлчадик:

– Шунга эҳтиёж бормиди?

– Ҳа, бор эди.

Чиройли шоирларни қалқон қилиб, хужумга ташланувчи одамлар бор эди: бир самимий жумла айтсанг, сен “тоясиз”та айланиб қолишинг ҳеч гап эмасди, беғубор кулгу эса, “таҳқирлаш” деб тушуниларди.

Эркин Вохидовда шундай шеър бор:

*Ҳушёр бўл! Сафсатабоз, номарду тили ботир,
Ёқангга таҳқир муҳри ёрлигин қадайди.
Чет тилини ўргансанг, сени космополит дер,
Ўз тилингда сўзлашсанг, миллатчи деб атайди.*

Шунинг учун ҳам аввал ёзувчилар нима гапиришни билишарди. Яъни, нима мумкин-у, нима мумкин эмаслигини билишарди.

Энди бўлса, ошкоралик талаб қилинаётган бир пайтда, тўла ҳақиқатни айтиш мумкин бўлган бир пайтда, биз ўзимизни йўқотиб кўйдик. Узоқ вақт мобайнида бирор юкни кўтариб юрган одам елкасидан ўша юкни кутимаганда олсангиз, у мувозанатини йўқотиб кўйиши мумкин. Биз худди шу одамга ўхшаб қолдик.

Биз ошкораликка секин кўникаяпмиз, ниҳоятда секин.

Майли, кўникдик дейлик. Ўйлаганларимизни айтишга кодирмиз ҳам, дейлик. Аммо бизни эшитадиган одамлар бу ошкораликка кўникармикан?

Тўғри, жамиятимизда кечаётган бугунги жараён ниҳоятда мураккаб ва қийинчилклар бўлиши табиий бир ҳолдир. Лекин ёзувчи ўз вақтининг асосий қисмини ёзган асарлари ҳимоясига сарфлашга мажбур бўлаётгани мутлақо нотабиийдир.

Яқинда адабиётшунос олим М.Ваҳобов “Правда Востока” газетасида “Тарих ҳақиқатига қарши” деб номланган мақоласини эълон қишли.

Мақола муаллифи ҳалқлар дўстлиги ва байналмилалчилик принципарини “ҳимоя” қиласди. Унинг фикрича, П.Қодиров (Бобур давлати ҳақидаги) ва М.Махмудовнинг романлари, А.Қаюмовнинг мақолаларида тарихий ҳақиқат бузид кўрсатилганмиш. У ўз фикрини шундай исботлайди: “П.Қодиров ва А.Қаюмовларнинг асарларида синфий тушунча йўқ – аборг ҳалқнинг оғир ахволи бирор марта тилга олинмайди, эксплуататсия

ва зулмнинг бошқа шакллари хусусида лом-лим дейилмайди. Жамиятни синфий гурухларга бўлиш ўрнига, “яҳши” ва “ёмон” хонларга ажратилади, халқ оммаси эмас, беклар ва уларнинг лашкари саҳнага чиқади. Бу тарихий давр воқеалари ва Бобур шахси тасвирланар экан, асар муаллифлари сотсиалистик реализм позитсиясидан узоқлашиб, майда буржуа романтизми томон оғадилар”.

Бу бадиий асарни санъат асари сифатида эмас, факат юзаки мафкуравий нуқтаи назардан туриб таҳлил этиш намунаси. Таниш услугуб. Вулгар сотсиализм ҳали ҳам тирикка ўхшайди...

М.Ваҳобов ёзувчи П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романи ҳақида шундай ёзади: “Пиримқул Қодиров Бобурнинг шахсий ҳаётини тасвиirlар экан, Бобурга тилла суви юритилган товоқлар-у тилла жомларда овқатлар ва ичимликлар олиб келингани ҳақида, унинг лашкарларига қилган қимматбахо совғалари – олтин ҳошияли тўн, олтин эгар-жабдуқли отлар ҳақида завқ билан ёзади. Совет ёзувчиси бу бойликларнинг манбаи ҳақида ҳам ёса яхши бўларди”.

Бу ўринисиз киноя.

Чунки, совет ёзувчиси П.Қодиров ўша манбалар ҳақида етарли даражада ҳикоя қилиган. Буни кўриш учун совет танқидчиси бўлиш керак, холос.

Агар жаҳон адбиёти хазинасидан ўрин олган “Уруш ва тинчлик” ёки “Петр-I” ва ўнлаб шунга ўхшаш асарлар М.Ваҳобов услуги билан танқид қилинганда эди, уларнинг биронгаси ҳам “синовдан” ўтолмасди. Яхшиям, рус танқидчилигига бундай караш бўлмаган.

М.Ваҳобов ёзувчи П.Қодировни тарихни сохталаштиришда айблайди. Ёзувчи Бобурни монарх ҳукмдори сифатида талқин этган эмиш. Бу эса, унинг шахсини улуғлашга олиб келармиш.

Биринчидан, Бобур давлати Қобулдан то Бенгалиягача чўзилганлиги ҳаммага маълум. Ва бу давлат идораси амалда фақат Бобур қўлида эди. Бундай марказлашган давлатни монархия типидаги феодал давлат сифатида кўрсатиш эмас, шундай кўрсатилмагандага тарихни сохталаштириш бўларди.

Иккинчидан, Бобур қандай бўлса, шундай тасвирлаш унинг шахсини улуғлашга кирмайди.

Пиримкул Қодиров тажрибали ёзувчи ва тарихий шахсларни, ўтмишни идеаллаштиришнинг ёмон нарса эканлигини жуда яхши билади. Қолаверса, бизнинг тарихимиз бундай сунъий кўтаринқиликка, кўнзорий қувватга муҳтож эмас.

Тарихий ҳужжатларга суюниб ёзилган ҳар қандай ҳаққоний асар ҳалқда такаббурлик уйғотмайди, аксинча, ўзини англашга хизмат қиласди.

Мамадали Маҳмудовнинг “Ўлмас қоялар” романи “таҳлили” бундан ҳам кулгилироқ: М.Ваҳобовнинг услуби оддий – у адабий қаҳрамон айтган гапни роман муаллифи фикри сифатида келтиради. Борди-ю, қаҳрамон салбий бўлса-чи, дейлик, пантуркчи? Унда мақолани ўқиган тарихдан бехабарроқ ўқувчи “Ўзбекистон пантуркчилар уяси экан-да”, дейиши ҳеч гап эмас.

Романнинг бадиий камчиликларини таҳлил этиш ўрнига (бу ҳақда гапиришга асос бор) М.Ваҳобов романдан гоявий кир излайди ва доим “топади”. М.Ваҳобовга ўхшаган мұнаққидлар “шарофати” билан бизнинг тарихимиз ёзувчилар учун хавфли майдонга айланиб бормоқда. Бу майдонда бир қадам кўйиш учун ҳам тавакkal қилиш керак. Ҳар бир тарихий ҳақиқат “ўтмишни улуғлаш” деб аталмоқда. Ҳар қандай бадиий образ унинг прототипига бўлган “муҳаббат”, дея талқин этилмоқда.

Шунинг учун ҳам бизда ғаройиб кўркув пайдо бўлди. Тарих олдида кўркув. Тарихий романларимизнинг озлиги ҳам шу кўркувдандир.

Академик Лихачев “Литературная газета”да босилган “Тревога совести” мақоласида шундай деб ёзади: “Бир пайтлар Достоевский қаҳрамонлари қадими тошларга топиниш учун Оврупога интилишарди. Энди, ноҳоят, ўзимизнинг қадими тошлар, ўзимизнинг ўтмишимиз ва маданиятга юз буриш пайти келмадимикан?”

Ўша газетада ёзувчи Онор янги роман ва янги авлод тарбияси ҳақида гапириб, мақоласини Пушкин сўзлари билан якунлайди: “Ўтмишга ҳурмат – бу ақлли одамни ваҳшийдан фарқловчи фазилатдир... Ваҳшийлик, абллаҳлик ва жаҳолат ўтмишни ҳурмат килмайди ва улар фақат бугунги кун пойида эмакладиilar”.

Бундан ҳам қисқа ва бундан ҳам аниқ айтиш кийин. Лекин бу ҳикматни такрорлаган одам бизда дарров танқидга учрар эди. Чунки, Пушкин – дворянин, уни идеаллаштириш мумкин эмас.

Бундан икки йил мұқаддам Үзбекистон Їзувчилар уюшмаси Пиримқұл Қодировнинг янги тарихий романини муҳокама қылған эди. Муҳокамада мұаллифга илиқ сўзлар айтилди, роман юксак баҳоланди. Аммо биз юкорида эслатган “Юлдузли тунлар” романы танқидга учрагандан сўнг, ноширлар бу янги асар кўләзмасини яна мұаллифга қайтаришга мажбур бўлдилар. Мұаллиф янги асарни “Юлдузли тунлар”га қаратилган танқид асосида қайта кўриб чиқиши керак экан.

Шуни айтиш керак-ки, бу “касаллик”нинг ўз тарихи бор. Масалан, биз бугунгача Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар”ини қисқартирилган вариантда ўқияпмиз. Ҳозиргача Махмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фиграт, Абдулхамид Чўлпон каби ёзувчи ва шоирларнинг асарлари нашр қилингани йўқ. Ваҳоланки, уларсиз йигирманчи йиллар адабиётини тасаввур қилиб бўлмайди. 1956 йилда бу шахслар ўлимидан кейин оқланган ва уларнинг меросини ўрганиш, чоп этиш комиссияси тузилган. Ўша йиллари Бунин ва Светаевларнинг биринчи нашрлари чиққан эди. Аммо бизнинг ёзувчиларимизни нашр қилишга журъат этмадилар.

Мана, ўттиз йил ўтиб, ўша меросни чоп этиш учун яна комиссия таъсис этилди. Умид қиласизки, бу сафар нашргача борсак керак. Лекин хавф ҳам йўқ эмас: диссертацияларини шу адиллар изодига бағишилаган олимлар гурухи хануз фаолиятдадир. Адабиёт тарихи билан курашда уларнинг тажрибаси катта. Улар ўз таҳлилари қаторида ўша асарлар ҳам босилишидан манфаатдор эмасга ўхшайдилар. Хуллас, қарийб ўттиз йилдан бери 20-30-йилларда ижод қилған кўпгина ёзувчиларнинг меросини эълон қилиш тадбири қаттиқ қаршиликка учрамоқда.

Шу мавзуга бағишиланиб, дунё юзини кўрган ягона китобча (“Адабий мерос ва замонавийлик”, А.Алиев, F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нащриёти. Тошкент – 1983 йил) ҳам, филология фанлари доктори Ҳ.Абдусаматов томонидан тўқмоқ билан кутиб олинди. (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси) Адабиётшунос Ҳ.Абдусаматов ва унга ҳамфиқрлар Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий изходини М.Беҳбудий, А.Чўлпон, А.Фиграт каби ёзувчиларга доим қарши кўйиб келдилар. Лекин Ҳамзанинг обрў-эътибори – чин обрў-эътибор. Ҳамза ҳайкали омонат пойдевор устига қуришга муҳтож эмас.

Тарих олдидағи қўрқув.

Бу ёмон туйғу.

Бу түйғу тарихни ҳимоя қилаётгандарни ҳам, унга хужум қилаётгандарни ҳам безовта қилмоқда. Бу түйғу фақат бизнинг фикрий ҳаётимизга эмас, ҳатто турмушимизга ҳам кириб келяпти.

Үтган йили “Советская культура” газетаси мұғул истилочиларига қарши курашган машхур Маҳмуд Торобий хоки устига курилган гумбаз ыңқиб ташлангани ҳақида хабар берди.

“Үтмиш сарқитлари билан кураш” баъзан жоҳишлик даражасига етди. Үтган йили Наманган вилоятида дўконга оқ рўмол ўраб кирган аёллар билан савдо қилиш ман қилинди, оқ рўмол ўраб автобусга чиққан аёллар хақорат қилинди, сабаби, оқ рўмол ўтмиш сарқити экан. Бу инқиlob даври эмас, 1986 йилдаги воқеа. Афсуски, биз ўз тарихимизни биламиз деб мактана олмаймиз. Бизнинг болаларимиз-чи, улар билишадими?

Бу ҳам оғир савол. Ўрта мактаблар учун Ўзбекистон тарихига оид учта қўлланма бор эди. Ҳозир уларнинг бирортаси ҳам нашр килинмаяпти.

“Ўрта асрлар тарихи” (русчадан таржима) ўн йилдан бўён нашр қилинмайди. Ўкувчилар ўн йилдан бери ўрта асрлар тарихини деярли ўрганмаяптилар. Улар ўша даврда яшаб ўтган олимлар, шоирлар, ҳалқ қаҳрамонларини билишмайди. Айни вактда, улар Жанна д’Аркни билишади. Лекин франсуз қаҳрамони бизнинг фарзандларимиз онгидан халқимиз қаҳрамонларини сиқиб чиқармаслиги лозим.

“Ўзбекистон ССР тарихидан хикоялар” эски дарслигига икки минг йиллик Ўзбекистон тарихига атиги 23 саҳифа ажратилган. Инқиlobгача бўлган ҳар юз йиллик даврга бир саҳифа тўғри келади. Наҳотки, мазкур тарихдан сабоқ бўлгулик бирор нарса йўқ?

Адабиётимиз ва она тилимиз тарихига ҳам худди шундай муносабат мавжуд. Шунга мисол сифатида журналистлар ҳаётидан бир лавҳа келтирмоқчиман. Бу воқеа олтмишинчи йилларда Фарғона водийисида бўлиб ўтганди.

Вилоят газетаси муҳарририни зудлик билан обкомга чақиришади. Ўзи муҳаррирлик қилаётган газетани биринчи секретар қўлида кўриб ва секретарнинг чимирилган қошларига қараб, муҳаррир кўркиб кетади.

– Бунақа шеърни босишга ким рухсат берди? – деб сўрайди секретар ва жавоб кутмасдан бақиради. – Ким бу ўз тилини кўкка кўтариб мақтаётган? Уни тезда топиб келинг, масалани бюргора кўямиз!

Мұхаррир: “Бу шеърни ёзган одам Қирғизистонда яшайды, уни чақыртириб келиш осон иш әмас”, дейди.

Секретар бир зум үйланиб қолади, лекин үзини йўқотмайди:
– Бўлмаса, бюро сизнинг масалангизни кўради, эртага келинг! –
дейди. Бу латифасимон воқеа сўнгидагазета мұхаррири ишдан
бўшатилади.

Бугун-чи, бугун аҳвол ўзгардими? Ўзгарган бўлиши мумкин,
жамиятимиз онига йиллар давомида сингдирилган кўркувни бир
ҳамла билан йўқ қилиш қийин.

Ўтган иили “Ўқитувчи” нашриёти 9-синф учун ўзбек тили
дарслигини чоп этди. Аммо маълум бўлишича, маориф вазирлиги
бу фанни мактаб программасидан ўчириб ташлаган ва ҳозир
дасрликнинг бутун тиражи омборларда чанг босиб ётибди.

Ўзбек тили ва адабиёти соатлари бошқа синкларда ҳам
кескин қисқартирилган. Бу ҳақда газеталарда ёзилини ва
минбарларда туриб гапирилди. Бироқ, маориф вазирлиги ушбу
чиқишиларга жавоб қилмади. Жавоб қилмадигина әмас, ҳануз
“қисқартириш йўли”ни давом эттираяпти.

Энг ачинарлиси, ўкувчилар бу йил ҳам ўкув йилининг тенг
ярмини далада ўтказдилар. Баҳордан то кеч кузгача – терим
охиригача улар пахта ичидаги “яшадилар”.

Уларнинг ўқиган соатларини ҳисобласак, ўн йиллик
мактабни беш йилда “битказган” бўлиб чикадилар.

Билимдонлик бўйича улар Иттилоқда сўнгги ўринлардан
бирини эгаллаётган бўлса, ажабланмаймиз. Бу аҳволда улар
нафакат рус тилини ўрганадилар, хатто ўзбек тилини ҳам эсдан
чиқаришлари мумкин.

Энди тасаввур килинг, мактабни шу аҳволда “битказиб” ёш
йигит-қизлар ўкув даргоҳларига келишади, лекин уларни иккинчи,
янада даҳшатлироқ тўсиқ кутиб турган бўлади: техник ва тиббиёт
олий ўкув юртларида имтиҳонлари, дарслар рус тилида олиб
борилади. Абитуриент ўз тилини базур билади-ю, ундан рус тилида
жавоб беришни талаб қилишади.

Эҳтимол, бу рус тили билмини чукурлаштириш тадбиридир?

Билимларни мактабда чукурлаштириш керак. Ҳозирча
шундай билим йўқ ва буни абитуриентлардан талаб қилиш ҳам
ноҳақлик. Бу ноҳақлик эса, табиийки, биз бугун карши
курашаётган эски разолат – порахўрликни яна авжига чиқармоқда.

Яна ва яна паҳтакор мисқоллаб йиққан пулини ўғил-қизига, унинг “одам бўлиши” учун қўш қўллаб тутқазаётир. Яна ва яна бу ўғил-қизлар ҳаётнинг биринчи қадамлариданоқ нопоклик ботқогига ботадилар.

Биз юксак онгли инсон тарбияси ҳакида кўп гапирамиз. Бугун қарасақ, ҳалол одамлар биз ўйлаганчалик кўп эмас экан. Аммо биз, ўша ўз ҳалқини талаган порахўрлар, ўз элатини хўрлаган бюроократларга лаънат тошини ёғдирар эканмиз, бу ёмонликнинг илдизига қарашимиз керак. Бу одамлар бизнинг боғчаларимизда тарбия топди, бизнинг мактабларимизда ўқиди, бизнинг институтларимизда таҳсил кўрдилар. Улар аттестат, диплом олдилар-у, илм-иймон олмади. Улар ўз тарихини, ҳатто ўз тилини ҳам билмай вояга етдилар. Улар на худо, на шайтонга ишондилар, факат ўз қорини ўйлаб яшадилар. Зотан, ўз маданиятини чукур билмаган одам ҳеч қаҷон ҳалол бўлолмайди.

Маълумки, минг йиллик маданият ва тарихимиз араб алифбосида битилган. Биз бугунда инқиlobгача яшаб ижод этган бирор олим ёки шоир асарларини асл нусхада ўқий олмаймиз. Шу сабабли ўтмиш ва бугунги кун ўртасида жар пайдо бўлди. Бу жарликни йўқотиш учун минглаб китоблар эмас, балки, бор-йўғи 33 та ҳарф ва болаларимиз тарбияси ҳақида озгина ғамхўрлик бўлса, бас.

Тарихдан узилиш кишиларда ижтимоий маҳзунлик – ўзи учун ҳам, ўзи яхши билмайдиган тарихи учун ҳам уят туйғусини юзага келтиради. Бу ҳиссиёт – бизнинг кўп миллатли жамиятимиз учун хавфли душмандир. Бу уят туйғуси куттилмаган пайтда ўз афтангорини кўрсатиши мумкин.

Халқ ўз-ўзини англаса, бу байналмилалликка хилоф эмас, аксинча, унга катта ҳисса қўшган бўлади ва бирлигимизни янада мустаҳкамлайди. Шунинг учун ҳам тарихимиз ёритилган ҳалол, ҳаққоний кигоблар ва дарсликлар бугун ҳаводай зарур.

Токи, тарих қаршисидаги бизнинг кўркувимиз келажак олдида кўркувга айланмасин.⁴

1986

⁴ Ушибу мақола “Дружба народов” журналининг 1986 йил 12-сонида эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИНИНГ 1986 ЙИЛ ОКТАБР ПЛЕНУМИДА ЎҚИЛГАН НУТҚ

Бундан етти-саккиз йил мұқаддам мен адабиёт газетасига бир мақола олиб борган эдим. Мақола Абдулхамид Сулаймон Чўлпон шеъриятига бағишиланган эди. Уни ўқиб кўрган адабий ходим дабдурустдан: “Эсинг жойидами ўзи, сени еб кўйишади-ку!” деб қолди.

Гарчанд, бизнинг замонамизда одамхўрлар йўқлигини билсам-да, мен кўрқиб кетдим. Лекин ўзимни тутиб, сўрадим: “Ким экан улар, билсак бўладими?” Адабий ходим бир неча кишининг номини айтди. Бу номлари қайд этилган кишилар адабий жамоатчилик ичida донг таратган одамлар эди. Ҳатто уларнинг бири Сотсиалистик меҳнат қаҳрамони ҳам эди. Аммо, сал вакт ўтиб, уларнинг йигирманчи йиллар адабиёти вакилларига муносабатини кўрганимдан кейин, ўша адабий ходимнинг сўзларини эсладим. Бу одамларнинг сиркаси – сув, ижоди танқид кўтаролмас ва ҳар қандай ўзга фикрга қарши улар аёвсиз курашар эдилар. Мен уларнинг тимсолида гурухбозлик қиёфасини кўрдим.

Гурухбозлик нима? Бу ўз манфаати учун кўпчилик фикрини бўйсундиришга интилевчи бир гурух “арбоблар ассоциатсияси”дир. Бу мустаҳкам иродали, манфаат йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган бир гурух. Бу гурух аъзоларини бирлаштириб турадиган ягона хусусият – қобилиятсизлик ва қобилиятсизликни химоя қилиш учун яратилган темир иродадир.

Бу йил бошида ўтган Ёзувчилар курултойига ёзган очик хатимиз мазмуни ўша гурухбозликка қарши исён эди. Биз бу хатда гурухбозлар йигирманчи, ўттизинчи йиллар ўзбек адабиёти намояндалари ижодини ҳамон таъкиқ остида тутиб келаётганилиги, агар бу намояндалар ижоди дунё юзини кўрса, гурухбоз олим-ёзувчилар фош бўлажагини айтган эдик. Ҳақиқат юзага чиқса, уларнинг химоя этилган илмий ишлари янги химояга муҳтож бўлиб қолишини айтган эдик.

Шу гурухбозлик таъсири остида жумхуриятимиздаги адабий иқлим қескин ёмонлашди. Тил ва бадииятга тазиик кучайди. “Совет Ўзбекистони” газетасида гоявийлик хусусида катта мақола босилди. Бу мақолада бадиият хақида бирорта сўз йўқ. Зеро, бадииятсиз ҳар қандай адабий асар ўлиkdir. Бу ҳам етмагандай, кўпқаватли сензура пайдо бўлди. Газетанинг кичик ходимидан

тортиб, Марказқўм инструкторигача сензорга айланди. Ҳатто ўзбек тилига ўғирилган Шекспир ҳам уларнинг “қайчи”сидан қутулиб қолмади. Уни ҳам таҳрир қилишди.

Биз ёзувчилар қурултойига шуларни ёзган эдик.

Буни ёзиб нимага эришдик?

Буни ёзиб биз “гурухбозлар” деган номга эришдик. Ҳа, биз карши курашган гурухбозлик ўз тамгасини бизга урди. Тан олиш керак, бу бизга чироили жазо бўлди. Лекин, бу хатга имзо чеккан ва кейин ундан тонмаган ёзувчиларнинг ҳар бири журъати учун мукофот олмаслигини билган эди. Улардан бирортаси ҳам кўпроқ китоб чиқариш учун, обрў орттириш учун учун бу хатга имзо чекмаган эди. Йўқ, улар каттароқ фойдани ўйлаб бу ишга кўл урган эдилар. Улар ўз хатида адабиётимизнинг 20-йиллари авлодига нисбатанadolat талаб қилиб майдонга чиқдилар. Улар аждодларимиз гапирган она тилимиз, биз ва болаларимиз гапираётган тилимиз устидан бўлаётган зўравонликка қарши чиқсан эдилар.

Бу, ўртоқлар, гурухбозлик эмас эди.

Бу – гурухбозликка қарши овоз эди.

Мен 20-30 йиллар адабиёти меросини ўрганувчи комиссия таркибини тўла ўзгартиришни таклиф қиласман. Ундан К.Яшин, Л.Қаюмов ва Ҳ.Абдусаматовларни чиқариш керак.

1986

ЭРТАНИ КУТИБ...

(“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси мухбири билан сұхбат)

МУХБИР: Жамиятимизда қайта қуриши руҳиятида тарбияланадиган ўзига хос кишилар етилаяпти. Уларнинг бадиий, фалсафий, психологик образлари акс эттирилган мукаммал асарлар бир неча йиллардан сўнг вужудга келади. Сиз, шоир сифатида қандай маънавий ўзгаришларни кузатаяпсиз?

Мухаммад СОЛИХ: Адабиёт соҳасида чинакам ёзувчи ҳар қунини қайта қуришдан бошлайди. У мажлис ва анжуманларда чиқарилган карорларни кутиб ўтирамайди. Унинг вижданни олий даражадаги анжуман. Бу анжумандан чиқарилган қарор эса, унинг

асарицир. Ёзувчи ҳеч ким, ҳатто энг яқин дўсти олдида ҳам ҳисоб бермаслиги мумкин, аммо ўз вијќони қаршисида имтиҳондан ўтишга мажбур. Кеча бугундан шу билан фарқ қиласи-ки, бугун ёзувчи айтгаётган гаплар ерда қолмаяпти, инобатга олинайпти. Бугун муаммо сифатида кўтарилаётган масалалар ҳам илгари айтишган эди, аммо кўллаб-кувватланмаётган эди. Хуллас, кеча тўғри гапирган ёзувчи бугун ҳам тўғри гапирмоқда. Кеча ёлғон ёзган ёзувчи эса, бугун ҳам ҳақиқатни айттолмайди. У ўз никобини ўзгартириши мумкин.

Давр – одамларнинг ўзи. Янги рух ҳам ўша одамларда пайдо бўлган руҳдир. Демак, “қайта қуриш осмондан тушгани йўқ”. Бу жараённи жамиятимизнинг энг илғор бўлаги – фикр ахли узок йиллар давомида ботиний тайёрлаб келди. Чунки, ошкораликка эҳтиёж, тўла ҳақиқатга ташналик бизда ҳамиша бўлган ва доимо бўлажак. Буни шеърият мисолида кўриш мумкин. 20-30 йилларда Бехбудий, Чўлпон, Фиграт ва Ҳамза, Faфур Fулом, Усмон Носир, Ойбек, Миртемир каби шоирлар қайта қуришнинг ilk қалдирғочлари эдилар. 60-йилларда Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов ижодлари ҳам ўша жараёнга ёрқин мисол бўла олади. 70-йиллар бошида пайдо бўлган Рауф Парфи, Омон Матчон, Чўлпон Эргаш, Миразиз Аъзам ва Ҳалима Худойбердиева каби бир қанча бошқа шоирларни ҳам ўша янгиланишининг давомчилари дейиш мумкин. 70-йиллар охирида яна бир “ташна авлод” – Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон каби ўнлаб ижодкорлар адабиётга кирди. Бу занжир узилиб қолгани йўқ, унинг бугунги ҳалқасини ташкил этадиган яна бир соғлом авлод кўз ўнгимиизда шаклланиб келмоқда.

Қайта қуриш – мураккаб жараён. Бунинг натижасини кўриш учун вакт керак. Вакт ўтиб, “кураётган” одамлар асли бузатётган бўлиб чиқиши мумкин. Ёки, аксинча, “бузатётганлар”нинг бир кун келиб, ҳақиқий курувчилар эканлиги аён бўлиши мумкин. Хуллас, бирдан англаш қиин.

Қайта қуришга қарши кимсалар ҳам бор. Сиёсатда ҳам, турмуш ва адабиётда ҳам. Юқорида саналган ёзувчи ва шоирларнинг деярли ҳаммаси ўша қарши кучлардан озми-кўпми “сабоқ” олган. Аммо бундан хафа бўлишнинг кераги йўқ. Агар ҳақиқат учун беш йил курашиб, унинг юзага чиқишини яна беш йил кутиш керак бўлса, курашиб ва кутиш лозим. Агар бу муддат яна чўзиладиган бўлса, бари бир – курашиб ва кутиш керак.

МУХБИР: Ҳазрат Навоий Маҳмуд Қошгарий даврида бошланган ёзма адабиётни, ундан кейинги классик шоирлар ижодини ўргана бориб, ўз даври шеъриятини маънавий жиҳатдан олий камолотга етказди. Унинг кейинги салафлари эса, бу адабиёт ривожига муносиб ҳисса қўшидилар. Ҳозирги вақтда ҳам ижодкорлар классик меросимизга кенг мурожаат қўлмоқдалар. Лекин уни тўлалигича ўрганиши ва тадқиқ этиши борган сари қийинлашиб бормоқда...

Муҳаммад СОЛИХ: Бу ҳақда бир неча йил аввал “Ёшлик” журналида фикр билдирган эдим. Ўша фикрни яна давом эттириб айтганда, классик шеърият ва умуман, ўтмиш адабиётини ўрганишни мактабданоқ йўлга қўймаса, бизнинг билимимиз чалалигича қолаверади. Бу соҳада қайта қуришни эски ўзбек ёзувини мактаб программасига киритишдан бошламоқ лозим ва бу иш бизнинг биринчи вазифамиз бўлмоги керак. Бу фикр “Шарқ юлдузи”да ҳам ўтказилган давра сұхбатида ҳам айтгилган эди. Аммо сұхбат қатнашчиларидан бироқ, маориф вазирлиги ходими “бу иш тил ва адабиёти институтига боғлиқ, бунинг устига, эски ҳарфни ўргатадиган ўқитувчилар кам” деган ғалати гапни айтди. Ваҳоланки, мактаб ўқув программаларини тил ва адабиёт институти эмас, маориф вазирлиги тузади. Эски ўзбек графикаси эса, филология факультетини тамомлаб, мактабда ишлаётган барча ўқитувчиларга таниш. Афсуски, лоқайдлик, расмиятчилик – сансоролрик ҳамон бизга тўсиқ бўляяпти.

МУХБИР: Ҳар қандай даврда ва қийин шароитда ҳам ҳақиқий ижодкор, юксак санъаткорлик билан энг яхши асар яратган. Бундай юксак асарлар ҳамиша ҳаққоний баҳосини олиши керак. Уларни турли назариялар, оқимлар гирдобига ташлаб қўймаслик зарур.

М. СОЛИХ: Япон адабиётининг йирик намояндаси Акутагава Рюноске ўз кундалигида “Инсон умри Бодлернинг бир сатрига ҳам арзимайди” деб ёзган эди. Бу ибора санъатга “муккасидан кетган” ёш йигитнинг гапи. Шундай фикр ўн-ўн беш йил аввал мен учун ҳам шиор эди. Бу максимализм ёш ёзувчи, ёш шоир ва умуман, ёш санъаткор учун зарур бўлса керак. Бу туйғу санъатни соф кўриш истагидир. Лекин вақт ўтган сари, одам санъатнинг ўзича яшай олмаслигини англаб боради. Бу чекиниш эмас, балки ҳаёт ҳақиқатини тан олишдир. Чунончи, Бодлер сатрларини ўқийдиган одам бўлмаса, бу сатр ўз қийматини

йўқотади. Демак, наинки сатр, балки жами санъатлар ҳам одамсиз ҳеч нарсага арзимайди. Бу жўн силлогизмни Рионоске фикрига бемалол қарши кўйиш мумкин.

Аммо бундай “соф санъат” назарияси мохияти билан гайриинсоний, деган хулоса чиқмаслиги керак. Санъат (унинг яратувчилари) доим ўзини бегона унсурлардан ҳимоя қилишга мажбур бўлган. Шахсий ғараз, шахсий севги ёки нафрат, шахсий мақсадга хизмат қилувчи ташвиқот – санъат учун бегона унсурлар ҳисобланади. Шунингдек, санъатда фикрни ҳаммага баравар тушунтиришга интилиш ҳам санъат “соф” лигига птур етказади. Турмушимиздаги кундалик маълумотларни акс эттирувчи ташвиқий плакатлар билан Беҳзод ёки Моний чизган суратлар ўртасида фарқ бор. Плакатдаги фикрни кўпчилик тушуниши мумкин, миниатюраларни идрок этиш учун эса, маълум тайёргарлик лозим. Лекин, кўпчилик тушунгани учунгина, плакатни миниатюралардан устун кўйиш кулгили бўлади.

МУХБИР: Миниатюра дедингиз. XIV-XVI асрларда Самарқанд жаҳон миниатюра санъатининг асосий даргоҳларидан бири эди. Санъатнинг бу тури ҳалқимиз томонидан бир неча асрлардан буён эъзозланиб келинади. Бироқ, ҳозирги ёши миниатюрачи рассомларимизга эътибор кам. Уларнинг асарлари кўпинча назардан четда қолмоқда...

М. СОЛИХ: Миниатюра санъати таъсирини жуда кўпчилик рассомларда кўриш мумкин. Аммо бу иш билан жиддий шугулланаётган ёшлар бармоқ билан санарли. Масалан, мен Шомаҳмуд Мухаммаджоновни биламан. Янглишмасам, у Чингиз Аҳмар ҳомийлигига миниатюра мактаби ҳам очмоқчи бўлиб юрди, лекин қандайдир сабаб билан бу иш амалга ошмади. Шомаҳмуд – истеъододли рассом. Ҳақиқий зиёли: ўз ҳалқининг тарихини, адабиётини танийдиган, уларга меҳр кўйган рассом. Бундай истеъодод эгаларини қадрлашимиз керак.

МУХБИР: Ўтмиши санъати ҳақида гап кетар экан, ҳалқ баҳшиларининг қутлуғ илҳоми хаёлга келаверади. Уларнинг сайлларда дўмбирасини қўлга олиб, бир неча кеча-кундуз айтишини кўз олдимизга келтириши қийин эмс. Улар қогоз юзига қараб эмас, эл юзига қараб тўқиган. Қогозга қараб шеър тўқийдиганларнинг кўпчилиги эл юзига қарай олмай қолмоқда.

Айтинг-чи, агар Сиз шоир бўлмаганингизда қандай касб танлардингиз?

М. СОЛИХ: Агар “шоир” бўлмаганимда, буни жиддий ўйлаб қўрган бўлардим... Шоир сўзини қўштироққа олиб айтаяпман. Сабаби, мен шеър ёзишни касб қилиб олганлигимдан доим ичдан нокулайлик сезаман. “Шоир” худди “кувонч соҳасининг устаси” ёки “изтироб бўйича мутахассис” қабилидаги атамаларга ўхшайди. Шеър ёзадиган одамнинг шеърдан бошқа ҳам касби бўлса, яхши. Шахсан мен, шеър ёзмаётганда таржима билан шуғулланаман. Таржима ҳам ижод, аммо бошқача. Шеър табиат маҳсули. Франсуз шоири Пол Валери романтик ёзувчилар ҳақида “уларнинг ҳар куни эрталаб соат фалондан соат пистонгача жунбушга киришини тасаввур қиласман”, деган эди. Бу кинояда жон бор. Илҳомни кун тартибига солиш қийин.

Бевосита сизнинг саволингизга келсак. Агар шеър ёзиб ўзимни овутолмагандан, қобилиятим етса, расм санъати билан машғул бўлардим. Бу менинг болалик орзуим. Аммо бу иш ҳам “касб” эмас. Бу иш ҳам руҳиятга боғлик. Кўриб турибсизки, баъзи одамларга касб насиб қилас экан.

МУХБИР: Санъатнингяна бир тури, архитектура ҳақида савол бермоқчиман. Айтинг-чи, Тошкентдаги айнан қайси бинони ёқтирасиз?

М.СОЛИХ: Менимча, қурилганига анча бўлса ҳам, Навоий театри шаҳримизнинг энг гўзал биноси бўлиб қолаяпти. Умуман, Тошкент бугунгига нисбатан гўзалроқ бўлиши мумкин эди. Афсуски, кейинги йигирма йил ичидаги тикланган бир-бирига ўхшаш иншоотлар уни Оврупо шаҳарларига кераксиз даражада ўхшатиб кўйди. Тошкент Шарқ марказларидан бири. Қиёфаси ҳам шунга мос бўлса, қани эди. Шаҳар қиёфасига фақат “эгизак бинолар” эмас, баъзи ҳайкаллар ансамбли ҳам ярашмай турибди: “Халқлар дўстлиги саройи” олдида жойлашган Шомаҳмудовлар оиласи тасвиrlenган ансамбл ўша тоифага киради. Урушда етим қолган болаларни ўз бағрига олган бу ажойиб оила тасвирида аввал ўша Оила – яъни, қўпол қилиб айтганда, ёмғир-сочиндан асраргувчи бошпана, шинамлик, меҳр кўрининиши керак. Албатта, бунга эришмоқ учун уй солиш шарт эмас, лекин ансамблнинг ҳозирги ҳолати бизда ўша туйғуларни уйғотмайди. Майдон ҳаддан ташқари кенг, осмон ҳаддан ташқари яланғоч... бунинг устига, ансамбл фигуralарида хеч қандай тасвирий харакат йўқ.

МУХБИР: Ҳар қандай идеологнинг ҳам, санъатнинг ҳам бои вазифаси тарбия бўлар экан, Сиз шоир эмас, тарбиячи

бўлганингизда, масалан, болаларга биринчи навбатда нимани ўргатган бўлардингиз?

М.СОЛИХ: Афсуски, мен тарбия йўлларини билмайман. Агар кўлимдан келса, болаларга аввал эркин фикрлашни ўргатган бўлардим. Эркин сўзлашни, эркин тинглашни – эркин яшашни ва умуман эрк санъатини ўргатган бўлардим. Бу сўзлар баландпарвоз кўриниши мумкин, аммо ўз қалбига чукуурроқ назар солган ҳар бир одам бу сўзларнинг нақадар ҳаётий эканлигини, умр мазмуни ва бу ҳақиқатни узоқ вақт англамай юрганлигини билиб қолади.

Халқда “хур фикрли” деган ажойиб ибора бор.

Хур – хуррият.

Мабодо, бу сўзлар турғунлик даври таъсирида баландпарвоз кўриниб, ўзининг қадим мазмунини йўқотаётган бўлса, демак, биз гуноҳкормиз.

МУХБИР: *Тасвирий санъатни яхши тушунниши, ундан кўпроқ завқ олиш учун кишии саводхон, эстетик билимга эга бўлиши керак. Худди шунингдек, шеъриятни яхши қабул қилиши учун проза тайёргарлигини ўташи керак. Китоб жавонингизининг кўпгина қисмини насрый асарлар ташкил этади. Демак, шеър ёзиши учун ҳам насрый асарларни кўп ўқиши керак экан-да?*

М.СОЛИХ: Эҳтимол бу ғалати тушунилиши мумкин, аммо мен шеърдан кўра, насрый асарларни кўпроқ ўқийман. Менимча, шеър ёзадиган одамга шеър ўқиш учун ҳам “кайфият” керак.

МУХБИР: *Қайси ёзувчиларнингижоди Сизга кўпроқ маъқул тушади? Ва умуман, китобхон сифатида мутолаа тажрибангиз хусусида гапириб берсангиз...*

М.СОЛИХ: Китобхоннинг диidi, қизиқишлиари адабий жараён билан, нафакат бир ҳалқ адабиёти, балки, жаҳон адабиётида кечеётган ўзгаришлар билан бирга ўзгариб боради. Соддароқ айтсан, ҳар қандай янги асар ўзининг янги ўқувчисини яратади. Маълумки, 60-йилларда иттифокда энг машҳур чет эллик ёзувчи Эрнест Хемингуэй эди. У билан бир даврда яшаб, ижод этган Уилям Фолкнер эса, сал “кечикибрөк” келди.

МУХБИР: *Бунга сабаб нима? Фолкнер асарларининг вақтида таржима қилинмаганими?*

М.СОЛИХ: Шундай бўлиши ҳам мумкин, аммо, менимча, ўша пайтда Фолкнер асарларини ўқиб, ундан лаззатланадиган китобхон оммаси бўлмаган. Асосан, Толстой, Чехов ва бошқа

классиклар анъанасида тарбияланган совет китобхони учун аввал Ремарк ва Хемингуэйга ўхшаш уруш даври авлодининг қарашларини ифодалайдиган ёзувчилар, ярим романтик, гуманистлар керак эди.

Балки мен янгилашаётгандирман. Чунки, янги китобнинг ўкувчиси “бор” ёки “йўқ”лигини ўша китоб босилгандан кейингина аниқлаш мумкин. Демокчиманки, агар Фолкнер асарларини ҳам Хемингуэйни билан бир вактда таржима қилинса, ўша пайтдаёқ машхур бўлармиди, ким билади. Лекин 60-йилларда рус тилига ўтирилган австриялик ёзувчи Франс Кафка ҳозир ҳам ўша йиллардаги Хемингуэй, бугундаги Фолкнер даражасида оммалашгани йўқ. Албатта, бу нашр сиёсатига ҳам боғлиқ нарса. Кўпгина авторлар, у ёки бу сабабли, кам нусхада босилади. Масалан, ўша санаганларимиз ўша франсуз ёзувчилари ва Кафка асарлари бор-йўғи бир марта чоп этилган. Бу китобларни бугунги кунда айрим китобхонлардан топиш мумкин, холос. Аммо бу ёзувчиларнинг “машхур” эмаслигига асосий сабаб, уларнинг кенг оммага кечикиб келганида эмас. Балки, омманинг уларга етиб келолмаётганида бўлса керак...

Гапни узоқдан бошлаганим, совет китобхони ўтган ўша “босқич”ларни мен ҳам тўла бўлмаса-да, чалароқ ўтганман. Ўзбек тилида яратилган биринчи романлардан тортиб, рус ёзувчиларининг асарлари ва чет эл адабиёти намуналари – ҳаммаси, китобхон сифатида шаклланишимга яхшими-ёмонми, таъсир қилган.

Ҳозир мен учун энг қизиқ адабиёт – Лотин Америкаси адабиёти.

Етмишинчи йиллар бошида, ҳамма талабалар қатори, мен ҳам Фарб адабиёти таъсирида юрадим. Худди шу пайтда мексикалик ёзувчи Хуан Рулфо ва колумбиялик Габриэл Маркес асарлари қўлимга тушиб қолди, янги мутолаа босқичи бошланди. Франсуз экзистентсиалистларининг (Жан Пол Сартр, Албер Камю ва бошқалар) асабий, ҳаяжонли мистериясидан чиқиб, янги мистерияга – қувноқ, айни пайтда кўркинчли, аммо эртакдай товланиб тургувчи дунёга шунғидим...

МУХБИР: Кейинги пайтда жаҳон проза маркази Лотин Америкасига кўчди, деган гаплар кўпайди. Бундай кўтарилишининг туб илдизларини билиш мумкинми?

М.СОЛИХ: Бу янги адабиётда икки маданият таъсирини кўриш мумкин: Лотин Америкасининг ўз маданияти – ҳар хил этник гурухларга мансуб, аммо бир тилда сўзлашадиган халқлар фолклори, афсона ва асотирлари таъсири ва Ғарб маданияти, кўпроқ франсуз адабиётининг таъсири яккол кўринади. Мутолаа жараёнида мен қизиқ нарсаларга дуч келдим: бугунги машҳур “Танхоликнинг юз йили” романини ўқиётиб, кўз олдимга дарров генерал Грант келди. Биз бу қаҳрамонни, асосан, кубалик ёзувчи Хосе Мартининг очерки орқали биламиз. Грант – тарихий шахс. Шимолий Америкалик. У капитан лавозимидан истеъфога чиқиб, қирқ ёшигача пўстиндўзлик қилиб кун кечиради. Лекин XIX-асрнинг иккинчи ярмида бошланган Шимол ва Жануб штатлари ўртасидаги уруш тўлкуни бу кўримсиз одамни тарих саҳнасининг энг баланд жойига олиб чиқади ва истеъфодаги капитан, пўстиндўз Грант АҚШ президенти даражасига етади.

Маркес яратган Ауэрелиано Буэндия ва патриарх Никанор тақдирлари истеъфодаги капитан Грант тақдирига ўхшайди. Мен Хосе Мартининг Маркесга таъсири хақида гапираётганим йўқ, балки, мавзу анъанаси ургу бераяпман. Албатта, тарихий шахс Грант билан адабий персонаж Ауэрелиано ёки Никанор ўртасидаги фарқ катта. Аммо уларни ҳокимиятга олиб келган ижтимоий-рухий мотивлар ўхшашлиги бизни ҳайратга солади. Ҳолбуки, генерал Грант – Шимолий Америкалик. Маркес қаҳрамонлари эса, лотинамерикалик сифатида тасвирланади.

Бу факат адабий таъсир эмас.

Бу ерда мавзу анъанаси факат лотинамерикаликларга хос бўйган дунёкараш сезилади. Демоқчиманки, агар Грант ҳақида Марти эмас, шимолий америкалик ёзувчи ёсса, у Грант характеристининг бошқа қирраларини бўрттириб кўрсатади. Лекин Грант ҳақида Маркес ёзганда эди, уни ҳам Марти дикқат қилган нуқталар қизиқтирган бўларди. Эҳтимол, шу сабабли, Маркеснинг “полковник”лари Марти “генерал”ига ўхшаб кўринар...

Аммо “маданий ва адабий таъсир”, “халқларнинг ўзига хос дунёкараши” ҳақида айтилган ҳар қандай фикр – бир мезонлидир. Шунинг учун ҳам, юқоридаги гапларни бир ўқувчи мулоҳазаси, деб тушунишингизни истардим.

МУХБИР: Ёшлар прозаси келажагига қандай қарайсиз?
Адабиётимиз бу борада қачон камолот палласига эришади?

М.СОЛИХ: Мен башоратчи эмасман. Аммо адабиётимиздаги бугунги баъзи белгиларга қараб, келажақдан умид килса бўлади. Ҳозир китобхонни оддий баёнчилик билан овунтириб бўлмаслигини ўртамиёна ёзувчи ҳам тушунади. Насримизда психологизм сезиларли даражада ўсаяпти. Сюжет тўқимаси, мавзу, тип яхши томонга ўзгарайпти. Ўзбек насли ёш. Менимча, бу юз йиллик – ёзувчиларимиз учун синов даври. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар”и синов эди. Бугун Олим Отаконнинг ҳикоялари ҳам синов. Аньанага суюниб ёзиш даври эмас, аньянани яратиш даври кечаяпти! Шунинг учун ҳам, бизга қанча “ғалати” кўринмасин, ҳар қандай умид уйғотадиган шаклий ихтиrolарни кўллаб-куvvatлашимиз лозим. Акс ҳолда, Сиз айтган “феномен”ни узок кутишга тўғри келади.

Маматқул Исмоилов ёзуб олди.

1987

ДАШТИ ҚИПЧОҚ КУЙЧИСИ (“Айланайин” китобига сўз боши)

Ўз онам, ўз болам, ўз халқим, ўз ватаним...

Ўзак шундай турланади.

Халқнинг ўзлиги – унинг тарихи.

Ўлжас Сулаймонов шеъриятидаги тарих – Буюк Даشتি Қипчоқ тарихидир.

Унинг қаҳрамонлари бўлмиш чўпонлар, жангчилар, аёллар, оқинлар, геологлар, ҳаммасида Даشت ифори бор.

Бу қаҳрамонлар такаббур эмас, ғурурли. Уларда ўзгадан кўркинч эмас, хурмат бор. Уларнинг шиори “даштни олқишлишаётib, тоғларни ерга урмаслик”. Бу қаҳрамонлар сувратида уларни яратган шоир сулдорини кўрамиз. Қаттиқкўл, сўзга ҳаддан ташкари хасис шоирни, гоҳо аксинча, юмшоқтабиат, сўзамол шоирни кўрамиз. Баъзан жангари, тантги, ҳатто чапани шоирни кўрамиз. Бир сўз билан атйганда, 60-йиллар совет шеъриятининг илғор вакилларидан бирини кўрамиз.

Ўлжас Сулаймонов рус тилида ёзадиган ижодкор сифатида, Вознесенский, Соснора, Евтушенко, Аҳмадуллина каби шоирлар авлодига мансубдир. Олтмишинчи йиллар руҳини ифодаловчи бу авлод анча танаффусдан кейин (Маяковский, Северянинлардан

сўнг) шеъриятни яна саҳнага олиб чиқди. Хонанишинлик даври бирдан тамом бўлди. Деразалар шарақлаб очилди. Ўша давр тили билан айтганда, тоза шабада эсди. Шеърият кенг омма истиқболига чиқди. Омма олдида йўқотаёзган обрўсини яна тиклаб олди. Энди шоирлик факат шеър ёзиш эмас, балки, ёзилган шеърни ўқий билишни ҳам тақозо этарди... Шу маънода, шеърдан олинадиган таъсирнинг ярми саҳнада яратиларди. Овоз, қўл харакати, ҳатто кийиниш ҳам саҳнадаги таъсир техникасининг ажralмас қисмларига айланди. Шоир факат шеър билан эмас, шахси билан ҳам тингловчиларни ҳайратда қолдириши лозим эди. Бу жунунваш ҳайрат ошиклари ўзларини тез танитди. Улар шухратга ҳақли равишда эришдилар. Уларнинг шиддати, бақироқлиги, самимияти одамларни мафтун этди. Ўлжас Сулаймоновнинг биринчи йирик асари “Инсонга таъзим эт, замин!” достони ҳам муаллифни бир кунда Иттифокка машхур қиҳди: бу асар аэропландан сочиб тарқатилди.

Бу олтмишинчи йиллар эди.

“Инсониятга таъзим эт, замин!” достонини мустасно этганда, Ўлжас Сулаймонов кейинги йилларда ўзининг тарихий мавзуда ёзган туркумлари билан эътибор қозона бошлади. У энг долзарб воқеаларни ҳам, маънавий-ахлоқий масалаларни ҳам тарих заррабинига солиб кўради. “Лой китоб”дан тортиб, 1985 йилда чоп этилган “Оловнинг кўчиши” тўғламигача, у, асосан, тарихчи шоир сифатида намоён бўлмоқда.

Бугунги кун – шаклланиб улгурмаган кеча, келажак – қиёмига етмаган бугун. Факат ўтмишгина тугалланиб, ромга тушган суратдир. Факат шу суратга қараб уни ўрганиб, ўзимизнинг бугун ва эртамиз ҳақида фикр юритмоғимиз мумкин. Бу – инсоният учун доимий дарслик, қўлланма, яъни тарих – ўзгармас қўймат, ҳеч ким раҳна сололмайдиган бойлиқдир. Ерни тортиб олиш мумкин, аммо тарихни тортиб олиб бўлмайди. Ўлжас Сулаймонов ана шу бойлиқ – тарих шарҳчиларидан бири.

Унинг “Аз и Я” китоби ҳам тил муаммолари орқали тарихга мурожаат шаклида тузилган. Бу асарнинг баҳсталаб жойлари кўп, албатта. Шоирлик эҳтирос баъзан тарихчи ва тилчи учун зарур бўлган собит таҳлилий мушоҳададан устун келади. Ҳаёл мантиққа тазийқ ўтказади. Шунга қарамай, ёки, аксинча, шунинг учунми, бу китоб ўқувчи ва олимлар доирасида қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди. Илмий қиммати қай даражада бўлишига қарамасдан, у

акидага айланган баъзи тушунчаларни йиқитмаса ҳам, қимирлатиб қўйди ва фикр демократизмини намойиш этди.

Лекин Ўлжас Сулаймонов ижодининг асл мағзи унинг шеъриятидадир. Ўлжас Сулаймонов иккита улкан маданият – туркий ва рус маданияти ўртасида туриб, икковидан тенг озиқ олаётган шоир. Кенгрок айтганда, у рус тилида ёзадиган қозоқ шоири, шахс сифатида эса, Шарқ зиёлиси. Рус шеърий санъатига ўзининг ўзига хос дунёкараши билан кирган бу ижодкор бугун совет адабиётининг илғор намояндалари қаторида турибди. Олтмишинчи йилларнинг илғор руҳи, ўша гайрат унинг ижодида ҳамон тирик. Қофия, ташбех, унинг ҳар бир шеърида янгича ҳолатларда кўринади. Шеърий туркумлар қурилмаси – калейдоскопдаги рангин парчалар каби ўкувчини ўзига жалб этади. Бу туркумларнинг ижтимоий вазнини, энг аввало, унинг бадииятидан ажратиб таҳлил этиш мумкин эмаслигига Ўлжас Сулаймонов шеърларини мутолаа қилган одам яна бир карра амин бўлади.

Шеър – медуза. Ундаги фикр, ёзувда ифодаланиб, қоғозга парчинланган бўлса ҳам. Доим ҳаракатда бўлади. Бизнинг идрокимизга қараб, санъатни англаш қобилиятмизга қараб шеърдаги фикр ҳам турли хилда товланади. Шеърдаги фикр имконияти уни тушуниш имкониятимиз билан баравар қадам ташлайди. Ўлжас Сулаймонов бадиияти худди шу фазилатларни ўзида мужассам этади. Бу ҳақиқий шеъриятга хос бўлган хусусиятдир.

Бундай шеъриятни бир тилдан иккинчи тилга таржима этарак, унинг бор жозибасини бошқа тил дунёсига олиб ўтиш жуда нозик ва қийин иш. Бу қийинчилик ушбу китоб таржимонлари олдида ҳам кўндаланг турган эди. Аммо, биринчи галда, ўзбек тилининг бой имконияти, қолаверса, таржимонларнинг иқтидори ва холислиги бу қийинчиликни енгигб ўтади.

Бу китоб, қозоқ халқининг ажойиб шоири Ўлжас Сулаймоновнинг ўзбек тилида чоп қилинаётган иккинчи китоби биз учун кувончли ходисадир.

1987

НИМА ДЕГАНИДИР ТҮҒРИ ЯШАМОҚ?

(“Ёши ленинчи газетаси мухбири билан сұхбат

МУХБИР: Хаёлимда бу сұхбат мавзуининг туғилганига беш йилдан ошди. Ўшанды Мұхаммад Солих шеърлари ҳақида республикамиз матбуотида жуда қызғын баҳс кетаётган эди. Ҳамма ҳам у шеърларыда айтмоқчи бўлган “тап”ни дарров англаб ололмади. Уларни “жумбоқ шеърлар” деб атаганлар бўлди. “Шеърингизни тушунтириб берсангиз”, деган хитоблар янгради. Ва шундай бўлиши табиий эди. негаки, шоир ўз асарларида кўхна ва навқирон шеъриятимизга кўпчилик учун кутилмаган янгилик билан кириб келди. Янгилик эса, ҳамиша қаршиликка, баҳс-мунозаа, иккинланишларга дуч келади. Ҳаётга сингиб кетиши қийин кечади. Шеърият аҳли, айрим мунакқидлар бу янгилик қаршисида жиндек шошиб қолгандек бўлдилар. “Мұхаммад Солих шеърлари нозиктаъб, зукко ва ўйчан ашъорсеварга мўлжалланган”.

Баҳс ана шундай хulosса билан якун топди. Шоир ижоди, шеърлари эътироф этилди. Мухлислар сони кескин ортди. Бугун эса, янги ўзбек шеъриятини Мұхаммад Солих ижодисиз тасаввур қилиш қийин.

Бу сұхбатимиз бундан беш йил бурун газета юзини қўриши мумкин эди. Аммо, турли сабаблар ўлароқ, бугунгача сурилиб келди. Лекин, мана ошкоралиқ, ҳурлик шабадалари эсиб, партия ва ҳукуматимиз фаол фикрга кенг йўллар очаётган бир паллада, муқаддас мавзуларда дилдан мушоҳада юритиш янада яхши.

Мени Мұхаммад Солих билан сұхбатдош қилишга унданған нарса, унинг бир гапи бўлди: “Шоирнинг энг яхши шеърлари ватани ҳақида бўлади”. Ижодкор бундай фалсафий хulosага бир кунда ёки бир йилда келмайди. У бундай хulosага келмоғи учун нималарнидир бошдан кечириши, изланиши, қийналиши ва тинимсиз ўйланиши керак, менимча. Ватанини, халқни чиндан севган шоиргагина бундай кашфиётлар насиб бўлади.

Мұхаммад Солих билан сұхбатимиз ҳам ватанимизнинг, халқимизнинг бугунги ва эртанги кунлари, мамлакатимизда кечаетган қайта куриш муаммолари ҳақида боради. Шоир баъзан ўйчан, баъзан куюниб, баъзан кескин сўзлади.

Мұхаммад СОЛИХ: Қайта куришимиз туфайли ҳал этилажак муаммолар бир кунда пайдо бўлгани йўқ. Биз уларни йиллар мобайнида қўриб-қўрмасликка, билиб-билимасликка олиб

яшаб келдик. Ярадек газаклатиб юбордик. Аммо турмушимиздаги бу хасталик нұқталари дағыттан деярли бир кунда яланғочланды ва бизни бироз довдиратиб күйди. Гүё биз бу “нұқталар”ни бириңчи марта күраётгандай хайрон бўлдик. Ҳолбуки, улар бизга аввал ҳам амълум эди. Бугун унда-бунда қулоққа чалинувчи “Наҳотки, шунақа бўлса-я? У порахўр экан-да!” – қабилидаги саволларимизни самимий деб бўлмайди. Бу “хайрат” ўша тургунлик даврининг заҳарли меваси – ижтимоий иккюзламачиликдир.

Биз бугун ҳам ўша эски одат бўйича, долзарб муаммоларнинг қайсисини кўтариш мумкин ва қайсисига тегмаслик кераклигини кўпроқ ўйлаймиз. Ва, кўпинча, энг долзарби ва кескинини ҳали ҳам “тап тегиб қолмасин” қабилида айланиб ўтамиз, гапирмаймиз.

Биз порахўрликни давлат миқёсидаги порахўрликни фош этдик: жуда кўп раҳбарларни лавозимидан олиб ташладик, уларни ҳаётлигига ёки ўлимидан кейин жазоладик. “Кўшиб ёзганлар”нинг гунохкорини ҳам, баъзан бегуноҳларини ҳам қамадик. Уларнинг ўрнига янги одамларни – қобил ёки ноқобил кишиларни сайладик, устларидан назорат ўрнатдик. (Назорат “собик”лар устида ҳам бор эди) ва шу билан иш битгандай бўлди.

Энди қайта куришнинг ҳосилини кутаяпмиз.

Чириган дараҳт суғириб ташланган жойда кутаяпмиз.

Менимча, узок кутсак керак. Чунки, биз жаҳолатни, ўғрилик ва нопокликни суғуриб олсак-да, уларнинг илдизини унубтиб қолдирдик.

Мен асло бўрттираётганим йўқ.

Одамларимизнинг бутун жисмоний ва маънавий кучларини сафарбар қилиб, шахсий ҳәётига ўрин қолдирмайдиган монокултура – пахта хукмдорлиги давом этар экан, қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги чуқур ижтимоий тенгсизлик (ўзбекларнинг деярли 80 фойизи қишлоқда яшайди) бартараф қилинmas экан, жисман ва маънан соғлом инсонни тарбиялаб етиштириш жуда қийин.

Мўъжиза кутмай кўяқолайлик: бунақа одам осмондан тушмайди. У бизнинг еримиздан ўсиб чиқмоғи керак, пахта билан бирга! Фақат одамни пахтадан фарқ қилсак, бас.

МУХБИР: Пахтакорнинг обрўсини кўтариш зарурлиги хақида Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг сўнгги пленумида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Муҳаммад СОЛИХ: Тўғри. Лекин унинг обрўсини қуруқ сўз билан кўтариб бўлмайди. Пахтакорнинг яшаш тарзига, меҳнат шароитига эътибор берилиши керак. Бунинг учун эса, биринчи навбатда, болаларимизни оғир меҳнатдан – дала ишларидан озод қилмоқ зарур. Биз бу борада жуда кўп гапирдик ва табиий, бу ваъдалар қуруқ сўз эканлигига ҳар йили амин бўлаяпмиз. Болалар ўқиш жараёнидан юлиб олинди.

Уларнинг оталари меҳнатига келсак, бу меҳнат ҳозир қишлоқ хўжалигидаги энг оғир ва таажжубланарли даражада арzon меҳнатдир. Мана, гувоҳ бўлинг: 100 кило буғдой етиштириш учун 1,6 соат ишчи кучи, 100 кило пахта ҳосили олиш учун 37 соат ишчи кучи сарф бўлади. Фаллакор бир соатлик меҳнати учун 62,5 тийин, пахтакор эса, 16 тийин, фаллакорга караганда деярли тўрт баравар кам ҳақ олади.

“Пахтакорнинг меҳнати енгил эмас” дея билдирилган ҳамдардлик унинг ахволини яхшилай олмайди. Аниқ чоралар кўриш пайти келди. “Милионер” хўжаликларни кўргазма қилиб, қишлоқнинг “бой хонадон”ларини ташвиқ этиш билан ҳам иш битмайди. Қишлоқ ҳаётини ўз кўзи билан кўрган киши биз етмиш йиллик янги тарихимиз давомида дехқоннинг турмушини у қадар яхшилай олмаганимизга шоҳид бўлади. Дехқонларнинг аксарияти камбағал яшайди. Уч ойлик пахта компаниясини мустасно қилганда, дехқон ойига, нари борса, 40-50 сўм маош олади.

Тўғри, яқинда дехқон ҳаётида ҳам ёруғлик пайдо бўлди: оиласий пудрат амалга оширилди. Аммо унинг меҳнати муносиб баҳоланмас экан, пахтанинг нархи кўтарилимас экан, пудрат дегани дехқон бўйнига янги бўйинтуруқ бўлиб қолаверади. Чунки, дехқон илгари ўзи ишлаган бўлса, энди бутун оиласини, болаларини ҳам далага ҳайдайди: зора, пландан ошириб пахта топширса-ю, кўпроқ пул олса, болаларни кийинтиrsa, ўқишга жойласа. Лекин юқоридан белгиланаётган планлар жаҳон чемпионларига қўйилган “планка” каби жуда баланд – уни ҳаммаям ошиб ўтолмайди.

Бундай бекадр меҳнат, бундай йўқсил турмуш ва яратувчилик имкониятларини очиш йўлида эмас, нон топиш йўлидаги доимий бандлик, халқда рухсизлик ва ижтимоий гафлат туғдиради. Бу эса, ҳар хил порахўр, ўғри, муттаҳамлар учун энг

кулай вазият – ўша халқ мулкини талон-тарож қилиш учун энг ўнғай майдондир.

Хуллас, ҳал этилиши шарт бўлган муаммоларимиз оз эмас. Ҳозирча, ҳамма нарсага тўғри қарашга, одил муносабатда бўлишга ўрганаётганимизни, янги ҳаёт қўйган илк қадам десак бўлади. Шакшубҳа йўқ-ки, одам боласи асрлар бўйи орзу қилган манзил – покиза ёғдулар тўшалган манзилга етажак.

МУХБИР: Инсон дунёга ҳалоллигича келади. Уни тарбия, мухит бузади. Шундай бўлса-да, кўпчилик ҳалол, тўғри яшасам дейди. Аммо ҳаётда энг қийин иш – ҳалол яшаш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Сиз бундан саккиз йил бурун ёзган эдингиз: “Тўғри бўлмоқ нима ўзи? Нима деганидир тўғри яшамоқ?”

Бу саволга бугун қандай жавоб берган бўлардингиз?

Муҳаммад СОЛИХ: Ўтган йили бу саволга жавоб бўладиган бир фикр айтган эдим, агар такаббурликка йўймасангиз, ўзимдан “кўчирма” келтирадим...

МУХБИР: Керак гап такрорланса, менимча зарап қилмас...

Муҳаммад СОЛИХ: “... Ёлғон айтиш тўғри сўзни айтишга қараганда хавфсизроқ. Зотан, инсоният тарихида ёлғон сўзи учун жабр тортганлар кўпроқдир. Аммо виждони бутун одам ёлғон гапириб қутулишдан кўра, тўғрисини айтиб тутилишни афзал кўради. Бу, албатта, телбалик эмас. Бу – унинг табиати. Ўша ўжар тоифага мансуб зотлар тарихда кўп учрайди. Уларнинг кўплигини кўриб, энг тушкун кимсанинг юрагида ҳам келажакка умид ўйғонади: шундай одамлар яшаган экан, демак, бугун ҳам яшяяпти, бундан кейин ҳам яшайди, деб ўйлади у. Уларни дорга осгандилар, ўтда ёққандилар, сувга чўқтиргандилар, аммо бугун карасак, ҳаммаси тирик экан. Улар маънавият қасрининг устунлари, улар ўз юргларининг ҳақиқий гражданларидир...”.

Мен ҳозир ҳам шу фикрдаман.

Лекин жавобимни кундалик ҳаётимизда бир мисол билан яқунламоқчи эдим. Бундан икки йил аввал Марказқўмнинг собиқ мафкура котиби Р.Абдуллаева олиб борган “сиёsat” оқибатида, тилимиз ва адабиётимизга ҳар хил тазииклар бўлди. Бунга қарши бир неча ноширлар Ёзувчилар уюшмаси съездига очиқ хат ёзган эди. Бу хат (шахсан Р.Абдуллаева кўрсатмаси билан съездда ўқилмади. Ўқилмадигина эмас. Очиқ ҳатни имзолаган ёзувчилар пленумида “муҳокама” қилинди. Танбех олди ва кейинчалик уларнинг босмахонага тушиб кетган китоблари узоқ вақт тафтиш

қилинди. Бу гап эски, лекин ўша пайтда ноҳақлик тарафида туриб, очиқ хатни ёзганлардан кулгунларнинг, бугун: “сизлар ҳақ экансизлар, биз билмабмиз”, – деганига ҳайратланади киши. Демоқчиманки, тўғри одам “ҳайрат”га ҳам тайёр бўлиши лозим.

Лекин, биринчи навбатда, тўғриликка тайёр бўлиш керак.

МУХБИР: Тўғрилик ҳақида гапирап экансиз, хаёлим бошқа томонларга кетди. Газета хабарида айтилишича, Ўзбекистонимиз аҳолисидан ноконуний йўллар билан тўплаган 100 миллион сўм орган ходимлари томонидан мусодара қилинган. Эътибор беринг, Солих ака, юз сўм эмас, юз минг сўм эмас – юз миллион сўм-а! Кичикроқ давлатнинг бир йиллик даромади. Бу рақам четдан қараган кишида Ўзбекистонда бирорта ҳам ҳалол одам қолмаган экан-да, деган фикр туғдириши табиий.

Муҳаммад СОЛИХ: Ҳа, юз миллион сўм ўғирлангани рост. Эҳтимол, ундан ҳам кўп пул ўғирлангандир. Бу ҳам ҳали очилса керак. Чунки, қонун мутасаддилари Ўзбекистонда анча ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Бу – яхши, лекин Ўзбекистонда ўғирланган пулларнинг қанчаси бошқа жойларга кетган? Бу пулни ўмарган юлғунчиларнинг юқорироқдаги ҳамтовоқлари ким?

Марказий газеталар⁵ Ўзбекистондаги ўғирликларни фош қилаётib, шу масалага ҳам эътибор қилса, яхши бўларди. Афсус билан айтишим керак-ки, менинг назаримда, бу иш бир ёқлама кетяпти. Агар шундай кетаверса, хавфсирашингиз тўғри, Иттифоқимиз ҳалқлари ўртасида “ўзбекларнинг ҳаммаси бир гўр – ўғри”, деган таассурот қолиши ҳеч гап эмас. Ўрини фош қилиб унинг ҳамтовоғи ҳақида гапирмаслик, бугунги демократия ва адолат тушунчаларига мутлақо зиддир. Менинг бу борада фикрим – шу.

МУХБИР: Шу ўринда диққатингизни яна бир муҳим нарсага тормоқчи эдим. Охирги кунларда матбуотда, юксак минбарлардан айтиладиган бир гап тез-тез эътиборимизни тортадиган бўлиб қолди: Совет Армияси сафларига чақирилган ўзбек йигитлари орасида рус тилини билмайдиганлар, соглиги ҳозирги замон ҳарбий хизмати синовларига дош беролмайдиганлари ҳам бор. Сиз республикамиизда ва марказий

⁵ Москвада чиқадиган газеталар назарда туттилмоқди.

матбуотда бу мавзуларда мақолалар билан чиқдигиз. Наҳотки, баъзи йигитларимиз шу даражада ночорлашиб кетган бўлса?!

Мұхаммад СОЛИХ: Йигитларимизнинг жисмонан заиф бўлиб етишаётгани, афсуски, аччик ҳақиқатдир. Бу ўзингизга маълум, экологик бузилишлар ва қишлоқ хўжалигини ёпласига химиялаштириш, қолаверса дехқон ҳаётининг моддий ночорлиги оқибатидир.

Рус тилини билмагани сабабли, болаларимизнинг ҳарбий техникани эгаллашда қийналаётгани ҳақида ҳам гап кўп бўлди. Бу борада мен ҳам фикр билдирган эдим. Аммо яқинда 1979 йилги статистик маълумотни кўриб, мен сал шошиб хулоса чиқарганимни англадим. Ўзбекистон бу жабхада олдинги қаторлардан бирида турган экан. Бу ҳақиқатни сал бўрттириброк кўрсатаётган эканмиз.

Умуман, биз бирор тилнинг (ҳоҳ ўзбек, ҳоҳ рус тили бўлсин) ижтимоий роли ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, масалани кўпинча, бир ёқлама қарай бошлаймиз.

Бизда Конститутсияга ёзилган “тенглик” деган сўз бор. Бу сўзни таҳдил қилиб ўтиришнинг кераги йўқ. Биз рус тилини ўрганишга ташвиқ қиласр эканмиз, Ўзбекистонда яшайдиган бошқа миллатлар ўзбек тилини биладими, йўқми деб ўйламаймиз.

Машҳур гуманист ёзувчи Эразм Роттердамский бирор бир мамлакатнинг бирор вилоятига бормоқчи бўлса, ўша вилоят лаҳжасини (тил эмас, лаҳжали!) ўрганиб, кейин йўлга чиқар экан.

Ҳақиқий зиёли, ўзини таниган одам ўзга маданият ва ўзга тилга шундай хурмат билан қарайди. Яқинда “Ўзбекфильм” кинохроникасида тилга бағишлиланган бир хужожатли фильм муҳокамаси бўлди. Фильм лавҳаларида рус мактабида таълим олаётган болалар ўзбек тилида “нон”, “бер” ёки “пул” каби сўзлардан бошқа сўз билмаслиги тасвирланади. Ижтимоий ҳаётимизда тил сиёсати ҳам тенгликка қурилиши лозим.

Кейинги пайтларда рус тилини роли хусусида кўп гапирдик. Рус тили ўқитувчиларини рағбатлантираяпмиз, рус тилига бағишлилаб конференсия, мажлислар ўтказаяпмиз – бу жуда яхши.

Биз қанча кўп тил билсак, ўзимизга шунча дуруст бўлади. Аммо ҳали хеч қаерда, хеч ким – на тилчилар, на ўқитувчилар, на олимлар ўзбек тилининг бугунги ахволи ҳақида мулоҳаза юритиш учун тўпланмадилар. Ҳар ҳолда, ижодкор сифатида менинг бундай тадбирлардан хабарим йўқ. Ўзбек тилининг ахволи мақтанаарли даражада эмас. Биринчидан, ўзбек тили анчадан бери идора тили

бўлмай қолди: аризалар, хужжатлар, буйруқлар ва ҳоказолар фақат рус тилида ёзилади: барча эълонлар, кўча номлари, ҳатто қишлоқларда ҳам русча ёзилади. Ўзбек тилига менсимай қараш ҳоллари, айникса, олий ва ўрта таълим мактабларида яққол кўринади. Ўрга мактабнинг ўзбек синфларида ўзбек тили З соатгача қисқартирилган. Ўзбек тили ўқитувчилари эса, мактабда энг “обрўсиз” одамлар-ки: уларнинг фани – она тили ўқиш жараёнида ҳаркандай бошқа дарс билан алмаштирилиши мумкин. ўқитувчи ва унинг ўқигадиган фанига бўлган хурматсизлик – тилга бўлган хурматсизлиқдир.

Техник ва тибиёт олий ўкув юртларида маърузалар ўзбек тилида ўқилмайди. Бу қоидани ўйлаб топган ташаббускорлар ўзбек тилида техник атамалар йўқлигини рўкач қилишади. Бу бўлмаган гап. Агар биз ўз тилимизнинг нақадар бойлигини билсак эди, агар уни севсак эди, ўша атамалар китобини қисқа муддат ичида тузиб, чоп қилиш мумкин бўларди. Гуржистон ва Арманистанда, Эстония ва Литвада бу хил китобни ўз тилиларида чикарса-ю, нега биз чиқармас эканмиз? Ёки бизнинг тилимиз уларнидан ноchorроқми? Ўзбек тилида ўқитишига қарши қишиларнинг яна бир баҳонаси шуки, рус тилини яхши билмай туриб, компьютерлар “сири”ни англаш қийин ва бу Иттифоқдаги иқтисодий бирликка раҳна солармиш. Биринчидан, агар истак бўлса, компьютерлар соҳасида ҳам худди ўша атамалар мажмуасини яратиш мумкин. Ахир эсланг, “Алгебра” – “Алжабр”ни ким яратган? Хоразмий-ку. Иккинчидан, нега бор-йўқ муаммони фақат рус тилига тақаб гапирадиган бўлиб қолдик? Наҳотки, биз ўз тилимизни билсак, унда ёзсан, мушоҳада қилсан бу интернатсионализмга зид бўлса?

Ўз тилимизни ўзимиз хурмат қиласақ, бошқалар ҳам хурмат қилмайди. Яқинда бир воқеанинг шоҳиди бўлдим: Украиналик бир ёш шоир (Олес Ткаченко) ўзбек тилини ўрганиб, шу тилдан таржималар қиласман деган ниятда Тошкентга келган экан. Уни Ёзувчилар союзидаги қўриб қолдим. Кутубхонадан шошиб чиқди. Саломлашдик. “Нима бўлди, ҳаяжонланиб юрибсан, Олес?” десам, аввал индамади кейин кутубхоначи аёлдан хафа бўлганини айтди. Олес “Ўзбекча-русча лугат” сўраган экан. Кутубхоначи эса: “Ўзбек тили ўлик тил-ку, нима қиласиз ўрганиб?” дебди.

Агар бу бизнинг турмушимизга шунчаки бир тасодиф бўлганда эди, агар ўзбек тилини менсимаслик фақат мактаб ёки кутубхоналардагина бўлганда эди, биз бунга ургу бериб

ўтирмасдик. Афсуски, бу кенг тарқалган касал. Ҳатто кўпгина ўзбеклар ҳам ўз тилига кибр билан қарашади...

Пайти келди, ўзбек тилида чиқаётган китоблар ҳақида ҳам бир оғиз айтсан. Вақтингизни олмаслик учун факат рақамларни келтираман. 1940 йилда Ўзбекистонда 600 китоб нашр қилинганда, ахолимиз 4 миллион эди. Бугун ўзбеклар 14 миллионга етад деб қолди, лекин ўзбек тилида нашр қилинаётган йишик китоблар сони бор-йўғи 900 та.

Ёки бошқа бир мисол: ўша 1979 йили 4 милион аҳолили Гуржистон 1549 та китоб нашр этган, 1975 йилда бу рақам 1715 тага етди. Ушбу рақамларни солиштириб кўрсангиз, биз нашр сиёсатида ғалати бир тарзда ортга чопаётганимизни кўрамиз. Ўзбек тилида ўқийдиган китобхонлар сони кўпаймоқда, ўзбекча китоблар сони эса, камаймоқда. Пахта плани, гўшт, сут, сабзавот планлари ошади, нашриёт планлари, негадир, қисқаради. Бу ҳам ўзбек адабиётига ва унинг китобхонига, демак, ўзбек тилига муносабатнинг бир кўриниши.

МУХБИР: Балким миллатнинг сифатини яхшилашга. Таклиф қилинаётгандек, “туғилишни тартибга солиш”, “оилани планлаштириш” туфайли эришармиз? Оилада ўн касалманд бола чор-ночор кечирганидан кўра, беш соғлом фарзанд ўйнаб-кулиб, тўқ-фаровон яшагани маъқул эмасми?

Муҳаммад СОЛИХ: Болаларнинг ўнтаси касал бўлса, бештаси соғлом бўлишига ким кафолат беради. Менимча, масала бошқа ёқда. Ўтган йили “Известия” газетасида кичик бир сухбат эълон қилинди. Унда ўзбек оиласарида туғилишни камайтириш ҳақида фикр билдирилди. Кейин туғилаётган болаларнинг аксарияти носоғлом эканлиги айтилди. Бу жуда тўғри фикр эди, ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон болалар ўлеми бўйича Иттифоқда биринчи ўринда туради. Лекин бунга туғилишнинг нима алоқаси бор. Шуни тушунмадик. Ахир болалар кам туғилгани билан касал камроқ бўлмайди-ку!

Биз шундай деб ўйладик, аммо сухбатдаги бу фикр қанчалик зиддиятли бўлмасин, уни тасодиф сифатида қабул қилдик. Агар бу ғалати фикр бошқа жойларда, сухбатларда қўтаришмаганда эди, уни бутунлай унутган бўлардик.

Биз факат шундагина хушимизга келдик. Туғилишни камайтириш гояси бир одамники эмаслигини сездик. Ва бу гоянинг нотўғрилиги ҳақида мажлисларда, Ёзувчилар уюшмаси

шленумларида гапирдик. Аммо шу кунгача бизнинг фикримиз инобатга олингани йўқ. Бугун туғилишни камайтириш учун ташвиқот нафақат қишлоқларда, ҳатто шаҳар туғриқхоналарида ҳам авжига чиқкан. Қишлоқни тушуниш мумкин, аммо шаҳар-чи? Шаҳарлик оналалар ҳам майиб-мажруҳларни туғаяптими?

Хуллас, туғилишга қарши келтирилган далиллар бир-биридан кулгили, бир-биридан зиддиятли. Менимча ҳар бир миллатнинг кўпайиши ёки кўпаймаслигини идоралар эмас, ўша миллатнинг ТАБИАТИ белгилайди.

Агар шу табиий мувозанат сунъий равишда бузиладиган бўлса, биз бутун дунёга кулги бўлишимиз муқаррар ва ғоявий мухолифлар қўлига яна бир “миллий дастак” тутган бўламиз.

МУҲБИР: Бундай шошма-шошарликлардан хориждаги мафкураси бузук харифларимиз фойдаланишни жуда яхши билишади, уларнинг тегирмон тоши янада тез айланба бошлаганини биламиз.

Муҳаммад СОЛИХ: Гапингиз жуда тўғри. Бунга бир мисол келтирай: Н.И.Журавлева ўзининг “Антисоветизм буржуазной демографии” катобида Фарб демографи А.Шихи мақоласидан парча келтиради: “Ўрга Осиё республикаларида аҳолининг кўпайишига қарши бирор чора кўриладими-йўқми, ҳали маълум эмас. Ҳар ҳолда, туғилишга қарши расмий кампания – иркӣ дискриминатсия, деб айбланиши мумкин, чунки, бир вақтнинг ўзида русларда туғилиш рағбатлантирилади” (124-бет).

Бу буржуа демографининг гапи. У худди шундай “кампания” бўлишини баshoreт қилгандай бўлди. Аммо у бир нарсадан қаттиқ адашган: биз ҳеч кимни иркӣ дискриминатсияда айблай олмаймиз. Бу – аниқ.

Лекин биз ўзбек оиласидан болаларнинг касал туғилаётганига сабабчи ночор тиббиёт ва бу фожеага лоқайд қараб турган мутасадди ташкилотларни айблаймиз. Биз “болалар ўлимига сабаб кўп туғищдир” дея, ҳақиқатни яшираётганлар, дефолиантлар, гербитсидлар ва бошқа химиявий дорилар дастидан шундай фожеали ахволга юз бурганлигимизни яшираётганларни айблаймиз.

МУҲБИР: Сұхбатимиз ватанпарварлик, халқпарварлик ҳақида борар экан, шундай савол туғилади: бу муқаддас туйғулар адабиётимизда қай даражада ўз ифодасини топмоқда? Бу борада

Сиз мансуб авлод ижодкорлари билан ёзувчиларимиз қаршисида қандай уйғунлик ва фарқлар күрасиз?

Мұхаммад СОЛИХ: Олтмишинчи йиллар ва етмишинчи йилларнинг бошларида Абдулла Орипов ижоди биз учун шижаат намунаси бўлди. Унинг ҳар бир шеърини зориқиб кутардик. Сал кейинроқ Рауф Парфи шеърлари кўпроқ дикқатни торта бошлади. Етмишинчи йиллар охирида янги шеърий авлод дунёга келди. Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Тилак Жўра, Хуршид Даврон, Йўлдош Эшбек, Азим Суюн ва бошқалар. Улар менинг тенгдошларим ва дўстларим. Шунинг учун ҳам уларни мақташ менга ноқулай.

Саксонинчи йилларнинг бошида янги шоирлар Усмон Кўчқор, Мұхаммад Юсуф, Мирза Кенжабек, Сирожиддин Саидов каби бир қатор истеъодли ёшлар кўзга кўрина бошлади. Мен бу ҳар хил ёшдаги шоирлар орасида бир фазилат уйғунлигини сезаман: юқорида айтганим – шижаатни сезаман. Ва бу билан фахрланаман⁶.

Суҳбатни Қ.Очилов олиб борди

ШАХСЛАР МАМЛАКАТИ

(Мұхаммад Солих ва Иван Жданов суҳбати)

Мұхаммад СОЛИХ: “Адабиётга кириш” ибораси одамнинг китигига тегади: ҳар бир авлод, кўпинча, ёзувчилар қароргоҳига ташланган десантдай қабул қилинади. Менинг биринчи китобим 1977 йилда чоп этилганди, мени ўшандаёқ Ёзувчилар союзига қабул қилишган. Бир йил ўтгач эса, шеърият бўйича Кенгаш раиси бундан афсусланган, мен уларнинг сафига сездирмай кириб олиб, унинг ижоди ҳақида “ношукрлик” билан гапирибман. Лекин мен бир нарсага амин бўлдим: биринчи чиқишлиар қанчалик сершовқин бўлса, шунчалар тез “адабиётга кириш” мумкин – шундай ниятингиз бўлса, шов-шув остида киринг.

⁶ Суҳбат “Ёш ленинчи” газетасининг 1988 йил, 25 феврал сонида эълон қилинган.

Бу яқындағина, етмишинчи йилларда бўлган эди. Лекин бу давр шунчалик тез ўтмишга айланди-ки, энди истаганингизча хотиралар ёзишингиз мумкин. Бу – ошкоралик даврининг ўзига хос туйғуси.

Иван ЖДАНОВ: Хозирга қадар адабиётга янги шоирларнинг кириб келиши табиатдаги фасллар алмашувидан бир маромда кечар, гўё хисоблаб қўйилган йўлаклар ва қайчиланган ниҳоллари бор боғдай эди. Бу боғни Худонинг қайси бандаси яратган – ҳеч ким билмас, лекин унга кираётган ҳар бир янги одам унинг тартибиға бўйсуниши керак эди. Акс ҳолда, у бокка умуман кира олмасди. Ҳа, ёшларнинг орасида ҳам бу боғнинг ишишибозлари чиқди, ва унга кираётганлар нимага бораётганларини яхши биладилар. Бу боғнинг ташқарисида ҳам хаёт ўз йўриғида давом этар, янги номлар пайдо бўлар, турли нашрлардан четда бўлса ҳам, ўқувчиларига йўл топиб юрарди.

Боғдан ташқаридаги адабиёт ривожланди, ўсди, аста-секин аввалги шовуллашда давом этаётган боғнинг овозини босиб кета бошлади. Шундай қилиб, терминологик мутаассибликнинг дурдонаси “ёшлар” атамаси дунёга келди. У на ёшни (шартли қилиб ёш дейишарди), на маҳоратни билдиради. Ким ўзи булар – ёш аталишни истамаётган ва боғнинг тартибиға қарши турғанлар?

Мухаммад СОЛИХ: Боғнинг назарича, биз – “80-йиллар бошловчилари”миз. Биз эса ўзимизни “турғунлик болалари”, вақтсизлик фарзандлари хисоблаймиз. Зоро, бугун биз чоп эттираётган асарларнинг аксарияти 70-йилларда ёзилган.

Мана, сизларни “метафористлар” – мажозийлар деб аташади. Аслида, метафора ҳамма ҳалқлар шеъриятида, ҳамма замонларда бўлган. Шоир Александ Межиров “Литературная газета”да “шеърият чўққиларида метафора йўқ” деб ёзди. Буни ўта шартли тушуниш мумкин. Биз билган барча чўққиларда метафора – бош фигура.

Етмишинчи йиллар метафорасига келсақ, бу бор-йўғи уйгониш даври мусаввирлари тананинг уятлигини беркитган хаё пардаси никоб, холос.

Тўғри, бу анча кўламли, ўзгача никоб эди. Ахир, вақтнинг ўзи шахсан эҳтиёткорликни талаб қиласди.

Бундан ташқари, анча вақт шеъриятга адабиётдаги исёнчи сифатида қараб келишди. Бунга асос бор эди, шекилли. Шеърият фикран ботинийлиги туфайли ўзида жамиятга қарши танқид

уругини асрай олади, наср эса, ушбу танқидни синчков кимсаларнинг қўз олдида тезда фош қилиб қўяди. Шундай қилиб, шеърият ҳамма замонларда ўз билганидан қолмай. Ҳақ сўзни айтишнинг турли йўлларини топган, биз унинг овозини доим эшишиб турдик.

И. ЖДАНОВ: Яъни, бу қайсиdir маънода чекланишга уриниш, муносиб аталган, аслида номуносиб қатнашимни истамаслик, сохта идеалларни инкор қилиш ва ҳақиқийларини излаш ҳамдир. Ўша йиллар бу уринишлар мукаррар эди. Ичкинлик, четланишга, ёлғизликка уриниш – шахснинг маълум қолипига сифаслиги натижаси.

М. СОЛИХ: Бари бир, шахс “қолип”нинг остида бўлса ҳам яшашга йўл топади.

И. ЖДАНОВ: Шахнинг мустакиллик ҳолати – ўта романтик ҳолат ҳамдир. Бу ҳатто бугунги ёшларнинг кайфиятида ҳам бор – турли уюшмаларнинг юзага келаётгани ҳам бежиз эмас. Менинча, тарихга қизиқишининг кучайгани, ҳозирги ахволнинг қандай юзага келганини тушуниш, тепасида фалокат шамшири осилиб турган аждодлар маданиятидан ўзига таянч ахтариш ҳам шу туфайли бўлса керак. Тарихий тажриба шахс тажрибаси сифатида қарала бошланди. Биз турғунлик фарзандлари бўлиб қолишни истамадик, маданият фарзандлари бўлишга уриндик.

Ёш ўзбек шоирларида ҳам ўз илдизларига қайтишга уриниш бўлганми?

М. СОЛИХ: Ҳамма гап шундаки, тарих – чизиб бўлинган сурат, уни ўзгартириб бўлмайди. Унинг замондаги мукимлиги бугуннинг тезкорлигидан ишончлироқдир. Унда событик бор, шунинг учун инсон унга таянади. Тарих ўзининг тугаллиги билан – келажак ҳақидаги хомтамалиқдан кўпроқ кишини ўзига тортади.

И. ЖДАНОВ: Ҳа, айнан бизнинг давримиз дунёга ҳалпарастларча қарашни шубҳа остига кўйди. Турғунлик давридан олдинги хомхаёллик ўзликни сўндиришга баробар эди. Шахсни ва турли ижтимоий институтларни мукаммаллаштириш учун тинимсиз ишлаш ўрнига, аллақандай гармоник шахслар дунёсига томон сакраш, ҳаммани баҳтиёр қиласидан қандайдир сехрли кучни излашга зўр берилид... Бугун ҳаётнинг ўзи шундай саволни кўндаланг кўйди ҳаёлпарастлик керакми, қачонгача инсон ўзини овутиб яшайди? Иккинчидан, ҳаёлчанликдан жудо бўлиш инсонга қимматга тушади. У мўъжизага ишонмай кўяди.

М. СОЛИХ: Хаёлпаратстлик нафакат адабиётда бўлган, Хрущевнинг оstonада турган коммунизм, армиясиз жамият ва ҳоказолар хакидаги орзуларини эсла. Олтмишинчи йиллар шоирларининг “хаёлпаратслиги” – бошқача ҳодиса. Бу – факат шуҳратпаратстлик эмас, самимиликдир. Улар шеърият бизни тузутади, деб ишонардишар. Олтмишинчи йиллар шоири “чақиб олиши”, одамларни ўзига қаратишни, ҳайратлантиришни биларди... Бу узоқ хонанишинлиқдан кўчага чиқсан янги шеърият эди. Унда ҳама нарса қоришган. Унинг техникаси нафакат сўз ўйини, балки шоир ҳам – унинг ташки кўриниши, овози, кийиниши, талаффузи ҳам киради.

Шунинг учун, афсуски, уларнинг кўпчилиги шон-шуҳратнинг асиirlарига айландилар. Уларнинг сурати менга шундай туолганди: “Чакмоқдай “ялт” этди янги бир фикр, Шиддат тикон гулдай барқ урди, Ўридан турди, Ёришди ним қоронғу тафаккур, “Тўқнашув” деб ёзди қофозга! Ўилаш мумкин эмас эди, Афсус ўйланди – Устидан чизилди “тўқнашув”. Ёнига ёзилди “юзма-юз”. Ўилаш ўлим билан баравар эди, Лекин қўркмади, “юзма-юз”нинг ҳам “Учрашув”, деб кўйди ёнига. Энди ўилаш ўлим деган гап эмас. Энди у мутлақо хотиржам – Бир-бир босиб, хиромон юриб, “Учрашув” “Висол”нинг ёнига келди.”

Бир сўз билан айтганда, олтмишинчи йиллар шеъриятига бўлган ишончимиз сўнди. Гёё бизни алдаб қўйдилар. Нега? Буни фақат “хаёлпаратстлик” оқибати деёлмаймиз.

И. ЖДАНОВ: Бизнинг авлодимиз онгода хаёлпаратстликнинг назари бошқа ёққа йўналгандай: биз учун қадимий қийматлар, минг йиллик тажрибадан ўтган осори атиқалар азизроқ бўлаёттир. Аввалги хаёлпаратстлик эса, кулги ва киноянинг нишонига айланди.

М. СОЛИХ: Ахир, ясама кўтаринкилик чарчаб қола бошлади-да. Биз жуда узоқ умумий баҳтиёрлик хакида куйладик, гёё аллақачон ҳамма фаровон бўлгандай эди. Эндики киноя – инсон баҳтига хайриҳолик, ҳамдардликдир. Шунинг учун бизнинг интилишимиз шубҳа уйготаётибди.

И. ЖДАНОВ: Авлодимиз томонидан шеъриятнинг ўрни ҳам қайта кўриб чиқилди. Авваллари у эзгуликка, ҳалолликка, масъулликка ва ҳоказо чақириққа (ҳатто буйруққа) тўла бўлса, энди эслатишга, эсадаликларга, тикланишга мойил бўлмоқда. Бу гайритабиий ҳолат, табиий-ки, ўз гайритабиий тилига, ифодасига

хам эга эди. Шунинг учун “шубха” пайдо бўлдики, гўё оддий, аён нарсаларни шоирлар ғалати, мавхум тилда айтгаётганлар эканлар.

М. СОЛИХ: Пол Валери шундай деган эди: “Энг мукаммал ёзувчи шундай тушунилади. Агар ёмғир ёгаётганини айтмоқчи бўлсангиз: “Ёмғир ёғаяпти” деб ёзинг. Бунинг учун ёзувчи бўлиш шарт эмас.”

И. ЖДАНОВ: Шундай қилиб санъатни оддий рефлексияга айлантириш хавфи пайдо бўлади, у ишончсизликка олиб келади.... Биз тарихга нафақат ўрганиладиган фан сифатида қарашни, балки кундалик турмушимизни тарих оқимига улаб, шу оқим нуқтаи назаридан турмушимизга қарашни истардик.

М. СОЛИХ: Турмушни тарихга улаш. Жуда тўғри айтдингиз. Бироқ, қайси томондан уламоқ керак? Ҳамма гап шунда. Биз ғайрихтиёрий равишда қулай томонини излай бошлаймиз. Умуман, ҳар бир давр ўз манфаатларига боғлаб тарихни ўзига мослаштиради.

И. ЖДАНОВ: Тарих ҳақиқатига келиш керак, уни қалбаки қабул қилмай, тирикликтининг ана шу тарихий контекстига йўғрилиш лозим – ана шу бурч бизни “хәёлпарастлик”дан қайта фикрлаб олишга мажбур киласди.

М. СОЛИХ: Ҳамма ҳам буни тушунган эмас. Ҳали-вери тушунадиган ҳам эмас. Яқинда Тошкентда москвалик маърузачи чиқиши қилди. У Рус чўқинтирилганлигининг минг йиллиги муносабати билан Инжил қайта нашр килинаётган бир пайтда бизда Куръонни нашр этиш мумкин эмасмикан, деган саволга шундай жавоб берди: “Христианлик инсоният тарихида прогрессив рол ўйнаган, ислом ҳақида бундай дейиш қийин”.

Тарихий қийматларнинг бундай ўзбошимчалик билан талқин қилиниши ҳеч қаҷон атеизмга фойда қилган эмас, тарих ҳақиқатининг бузилиши олиб келади, холос.

Бугун ислом динига қизиқиш кучайгани ҳақида қўп гапиришмоқда. Айтиш мумкин-ки, нафақат исломга, христиан динига ҳам, умуман бошқа динларга ҳам қизиқиш кучайди. Бунинг сабабини, масалан, бизда Эрон билан, Эрон инқилоби билан боғлашмоқда. Аслида, динга қизиқиш сезилаётган қишлоқларимизнинг нафақат Эрон билан, ҳатто шаҳарларимиз билан ҳам алоқаси йўқ хисоби. Динга қизиқиш сабабини ўз заминимиздан излаш керақдир. Тургунлик йииллари бизни идеалларимиздан айрди. Ҳалоллик ҳақида гапирганлар ноҳақлик

қилди, яхшилик ҳақида гапирғанлар бир-бирини ғажишга тайёр эди. Бундай иккизламачиликдан озор чекиш, идеаллардан күнгил совиши шеъриятда ҳам кўринди.

И. ЖДАНОВ: Менимча, бу яна шунинг учун ҳам юз берадики, шахснинг ўзига қизиқиши кучайди. Шахс аллақандай иккинчи даражали нарса хисобланган пайтда, у аён четлашиши, танҳоликка эҳтиёж сезиши мұқаррар эди. Бондаренко “Москва” журналида биз аввалги бирликка эришишимиз керак, дейди. Аслида, бирликка бурч ва номусни англай оладиган ҳар бир шахснинг ривожи орқали эришиш мумкин. Бу Шахслар мамлакати бўларди. Шунинг учун бизга диний онг тажрибаси мухим.

М. СОЛИХ: Тўғри, дунёвий динларнинг тарихига назар солсак, улар ахлоқ ва маънавий покликнинг зиёдалигидан дунёга келган эмаслигини кўрамиз. Исо пайғамбар туғилмасидан аввалги Куддусдаги қабилалар жанглари, шафқатсизлик, нафратни эсланг. Ёхуд Мұхаммад алайҳиссалом туғилгунча ўтган даврдаги қурайшлар жамоасини эсланг. Мұхаммад алайҳиссаломнинг тарихий миссияси тарқоқ қабилаларни бирлаштириб, кучли давлат тузиш эди, деган ақида бор. Бу нотўғри. Чунки, Мұхаммад алайҳиссалом бу вазифани динга эмас, миллатчиликка сұяниб ҳам амалга оширган бўларди. Яъни “ғайридинларга” эмас, “босқинчилар”га қарши курашган бўларди. Лекин у бундай қилмади. Чунки, унинг вазифаси инсонни ўз нафсидан озод қилиш эди. У шахс тенглигини ижтимоий тенгликтан устун қўйди. Бошқача айтганда, шахс эркинлигини ижтимоий инқилобдан афзал деб билди.

Бизда, репрессия даври ва турғунлик йилларида, шахс ўз қобигига ўралиб олди, ўзи билан ўзи гапиришга маҳкум бўлди – у, ҳамма ёлғон сўйлаётганда, сукут сақлаш шарафдир, деб билди.

И. ЖДАНОВ: Шеърий авлодимизнинг “сукунат”га баробар ифодага ингилиши ҳам шу туфайлидир. Кимдир ҳақиқатни очиқ айтса, оstonадаёқ, шубҳа остига олинарди. Шунинг учун шоирнинг сўзи ҳақиқатга айланиш учун сукут йўлидан боришга мажбур эди. Бу нафакат исённинг ифодаси, балки, тилнинг илдизларини излаш ҳамдир.

Кейинги йиллар шу фикрнинг тасдиғи каби, иттифоқдош республикалардан кутимаган хабарлар кела бошлади. Ҳозир аллақандай украин, белорус, болтиқбўйи, ўзбек “метафорист”лари ҳақида гапиришмоқда. Улар Москвани четлаб, ўзларича алоқа

ўрнатишаётган экан. Одатдаги пойтахт орқали ўтадиган йўлдан бошқа ўзига хос ҳалқа юзага келибди. Бу тўғрими, Солих?

М. СОЛИХ: Ҳамма гап шундаки, миллий республикаларни узоқдан кузатсақ, адабий Москва Патриарший ҳовузидаги ўз аксига маҳлиё қараётган нилуфарни эслатади. Агар бизнинг бирор бир афзаллигимиз бўлса, бу Москва бизни эмас, биз уларни кузатиб турганлигимиздир. Бизнинг кўз ўнгимизда нафакат ўзимиз, Москва, бошқа республикалар ҳам турибди. Ҳозир Тошкентда янги латиш, эстон, рус шеъриятининг антологиялари нашрга тайёрланмоқда. Уларга Виктор Соснора, Андрей Вознесенский, Улдис Берзинш, Паул Эрик Руммо, Дмитрий Пригов, Дорис Карева, Иван Жданов, Алексей Паршиков, Леон Бриедис, Александр Ерёменко каби шоирларниинг шеърлари киради. Кўриб тургандирсан, бу ерда турли авлод вакиллари уюшган, аммо уларни бир ном бирлаштиради – Янги шеърият антологияси.

И. ЖДАНОВ: Сизларнинг шеъриятингизни катта авлод қандай қабул килаётибди?

М. СОЛИХ: Ҳозир тенгдошларимизнинг беш-олти китоби чиққач, жуда яхши қарашмоқда. Саксонинчи йиллар бошида роса танқид қилишганди. Таңқид адбиётдаги ўрнимизни янада мустаҳкамлади. Фарбга тақлидда айблаш, метафораларнинг ўта мураккаблигидан нолиш, мавхумлик ҳозир танқидчиликнинг заиф ери бўлиб қолди. Таңқидчилар энди бизга ҳеч қандай атама тақаётганлари ҳам, алоҳида гурухга ажрататганлари ҳам йўқ.

И. ЖДАНОВ: Фарбга тақлид қилишда айблашганда нимани назарда тутишганди?

М. СОЛИХ: Айблашлар оғзаки эди, тезда тарқаб кетди. Масалан, етмишинчи йиллар бошларида пайдо бўлган верлибр (“тарб таъсири” намунаси) ўн йиллик охирига келиб “окланди”. Маълум бўлишича шеърнинг бу шакли аввалги минг йиллиқда – қадимий битиклардаёқ мавжуд экан.

И. ЖДАНОВ: Авлодингиз поэтикасига аниқ нима таъсири колдирди? Масалан, сен гарб адабиётидан нима “олдинг”?

М. СОЛИХ: Ўқилган китоблар жуда кўп, бироқ таъсири қилгани кам. Энди, вақт ўтгач, ёдимга эҳтимолки, менга таъсири қилган бор-йўги бир неча ном келади: бу – “Санъат ҳакида дарғазаб мулоҳазалар” муаллифи Роберт Музил, Пол Валери прозаси, унинг соғлом шубҳаси, Франс Кафканинг ҳаётнинг бу

томонга нариги томондан қаради... Албатта, Лотин Америкаси ёзувчилари ҳам.

Такрорлайман, бу шартли саноқ. Биз бу ёзувчиларда изланганимизни, тўғрироғи, ўзимиз англамаган ўзимизникини топдик. Шунинг учун Шавкат Раҳмон бошқа бирорни эмас, айнан Гарсия Лоркани, Усмон Азим немис шеъриятини, Хуршид Даврон япон шеъриятини таржима қилгандир.

И. ЖДАНОВ: Сизларнинг шеърларингиз бошқа республикаларда босилдими?

М. СОЛИХ: Ҳа, Латвияда, Украинада қатор шеърлар босилди, Рауф Парфининг китоби эстон тилида нашр этилди.

И. ЖДАНОВ: Нима деб ўйлайсан, Солих, сизларнинг ижодингиз Москвада тилга тушадими?

М. СОЛИХ: Биз тилга тушишга интилаётганимиз йўқ. Ўзбек тилида ёзаётган эканмиз, аввало, ўзбеклар ўқишин. Менинг китобим икки йил аввал Москвада босилган, янги шеъриятнинг Рауф Парфи, Тилак Жўра, Йўлдош Эшбек ва юкорида саналган бошқа вакилларнинг китоблари қачон босилади, номаълум. Ортимиздан яна бир-икки китобни нашр этган янги авлодлар келаёттири.

И. ЖДАНОВ: Китобларингизнинг Москвада босилишига нима тўсқинлик қиласяпти?

М. СОЛИХ: Асосий муаммо – таржимон топишнинг қийинлиги. Қўллэзмани шеъриятимизга хайриҳо бўлмаган таржимоннинг қўлига беришга кўз қиймайди.

И. ЖДАНОВ: Демак, таржимонларни эстетик идеаллари сизга яқин шоирлардан излаш керак.

М. СОЛИХ: Бизда сомеъ шоирлар ўз шеърларини нашр этиришолмаёттири. Таржимага йўл бўлсин!؟ Тўғрироғи, уларнинг ижодини босишдан кўра, кўпроқ улар ҳақида баҳслашиб ётибидилар.

И. ЖДАНОВ: Китобларингизнинг ҳисобига қараганда, Москвада ҳамфирларингиздан кўра сизларнинг ахволларингиз дурустга ўхшайди.

М. СОЛИХ: Эҳтимол, биз омадлироқдирмиз. Бироқ, бизда шеърий китобларни севиб ўқишиди, Москвада эса, магазин пештахталари тўла. Бизда ўн-ўн беш минг нусхада чиқкан китоблар тезда сотилиб кетади.

Нашр сиёсати ҳозир на ёзувчиларни, на ўқувчиларни қаноатлантиради. Нега? Тушунтираман: 1940 йилда Ўзбекистонда 4 миллион ахоли учун 600 номда китоб чиқарилган. Бугун ўзбеклар 13 миллиондан зиёд, нашр – чи, 1979 йилда – 1058, 1985 йилда – 996, 1987 йилда – 900 номда.

Қисқаси, Ўзбекистонда нашр бўйича харакат тескари кетаяпти. Ўқувчилар сони китобга ўсаган сари китоб сони камаймоқда. Пахта, гўшт, мева-чева плани оширилади, нашриётлар плани қисқартирилади.

И. ЖДАНОВ: Таржима масаласига қайтсак. Шоир тили – образ тилидир. Таржимон шеърий матнинг ҳарфхўри эмас, руҳнинг таржимони бўлиши керак, шоир тилига шунгигб кетиши лозим.

М. СОЛИХ: Ҳамма гап шундаки, ҳар бир шоирда яширин тилшунос яшайди. Агар шоир бир лаҳзагина тўхтаб, диққатини қандайдир иборага қаратса, ўз-ўзидан парчалана бошлайди. Ҳар бир сўз ўзининг бир фурсат аввалги маъносидан чиқиб, ўзагини намоён қиласди. Бу сирнинг олдида шоир саводсиздир. У ўзининг эндиғина тили чиқаётган ибтидоий одамдай сезади.

Агар таржимонга бу сезги ёт бўлса, у шоир эмас, агар шоир бўлмаса, таржима қилмасин.

И. ЖДАНОВ: Мана, қайта куриш, ошкоралик каби ижтимоий янгиликлар пайдо бўлди. Улар ижодингизда из колдираяптими? Агар ижодингизда қайта куриш мумкин бўлса, у қандай кечади?

М. СОЛИХ: Агар ёзувчининг дунё қарashi ҳар ижтимоий ахвол ўзгаришига қараб ўзгараверса, у – ёзувчими?

И. ЖДАНОВ: Ишнинг бошқа томони бор: шоир учун бугун гапириш ва сўзини эшилтириш имкони пайдо бўлди. Энди у нималар деяётгани учун масъулият сезиши керак.

М. СОЛИХ: Ҳа, эҳтимол, гапириш имконида қайта куриш бўлаётгандир. Лекин, шоир ҳар қачон, ҳеч ким тингламай қўйса хам, тўғри гапиради.

И. ЖДАНОВ: Бироқ, ижодкорнинг овози қўпроқ эшигилмоқда. Унга ижтимоий овоз, гражданин овози сифатида қулоқ солинмоқда.

М. СОЛИХ: Тўғри. Шунинг учун бугун улар адабиётнинг интеллектуал масалаларидан кўра, қўпроқ экология ҳакида

баҳслашишмоқда. Бу – давр даъвати ЮНЕСКОнинг “Инсон ва биосфера” программаси бўйича Ўзбекистон Миллий Комитетининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Сўзга чиққанларнинг ярми ёзувчилар эди. Улар демография масаласида олимлар билан тортишишди. Билсанг керак, республикада туғилишни камайтириш ҳақида масала кўзгалди. “Чеклаш” тарфдорлари болалар ўлимини дефолиантлар, гербитсидларнинг ҳад-худудсиз кўлланишидан, ғариб тиббиёт хизматидан, ҳаво, озиқ-овқат, ҳаттоқи, оналар сутига сингиб кетган заҳардан эмас, кўп туғишдан, деб зўр бериб тушунтиришга уриндилар.

Бу – асосий муаммолар: нафақат болалар, умуман қишлоқ аҳолиси орасида ўлим ва касалликларнинг кўпайгани, Оролнинг қуриётгани, пахтанинг заминга ягона хукмронлиги, дехкон меҳнатининг қадрсизлигини яшириш учун ниқоб, холос.

Шулар ҳақида гапиршмоқда ёзувчилар.

И. ЖДАНОВ: Ошкоралик тўлқинида овозлар шу қадар кўпайиб кетди-ки, етакчи қайсиdir овозни илғаб олиш мушкул.

Шуниси ғалатики, илмий техника тараққий қилган оммавий ахборот воситалари тинимсиз ғувиллаб ишлаётган пайтда, биз бир-бirimizdan деярли бехабармиз. Ҳатто интернатсионализм ҳам икки юзли “қўриқчи”га айланиб қолди.

М. СОЛИХ: Ўз халқингнинг миллий туйгулар ҳақида эҳтиёт бўлиб гапирасан. Ҳеч қайси мамлакатда интернатсионализм ҳақида биздай кўп гапиришмаса керак, чунки, ҳеч қаерда биздай “миллатчи” деб ном олишдан кўркишмаса ҳам керак. Биз Америка тарихини кўшни республика тарихидан кўпроқ биламиз. Ўз тарихимизни ҳам. Кўшниларимиз ҳам бизнинг тарихимиздан кўра, Япония тарихини кўпроқ билишади. Нафақат хилпираётган байроқ товушига, балки унинг тагида турган тириқ одамларнинг овозига ҳам қулоқ соладиган вақт келганга ўхшайди.⁷

“Литературная Газета”дан таржима килиниб, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1988 йил, 3 июн сонида чоп этилган

ХАҚИҚИЙ ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ

(Мирзакалон Исмоилий ҳақида сўз)

Мирзакалон Исмоилий – расмий унвони бўлмаса ҳам – ҳақиқий халқ ёзувчиси эди.

Ёзувчининг обруси унинг унвон ва нишонларида эмас, унинг ёзган китоблари дадир. Бу қадимий, исбот талаб қилмайдиган мезон. Биз “Фаргона тонг отгунча” романининг бир неча нашрларини кўрганмиз. Турли соҳада ишлайдиган, феъл-атвори ҳар хил одамлар кўлида кўрганмиз. Варакланавериб, титилиб кетган муқоваларда кўрганмиз. Халқ муҳаббатининг белгиси шу бўлса керак.

Афсуски, Мирзакалон Исмоилий ижоди адабий доираларда етарли даражада баҳосини олмади. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор.

Шахсга сифиниш даврида ҳар бир соғ вижданли ёзувчи, бирорни сотмаган, ўзини сотмаган ҳар бир ёзувчи ёки космополит деб саналган ёки “халқ душманлари” қаторига кўшиб кўйилган. Мирзакалон Исмоилийни космополитизмда айлашди.

Бу ҳақда домланинг ўзлари айтиб берган эдилар. Урушдан қайтиб келган ёш ёзувчи немисларнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя килаётib, хатога йўл кўяди. Немисларни жуда одобли ҳалқ экан, трамвайга чиқаётib ҳам “бите, бите” – “марҳамат, сиз чиқинг”, деб йўл берив туришади, дейди. Ва шунинг учун жазо олди. Жазо муддати тугаганидан кейин ҳам тепадагилар ёзувчини узоқ вақт хуш кўрмайдилар. Мирзакалон Исмоилий шахсан ўртоқ Рашидовга ёқмай колиши шарафига мұяссар бўлади.

Тўғрисўз, принципial одамнинг бирорга ёқиши, эҳтимол, қийиндир. Лекин Мирзакалон Исмоилийнинг адабий жарабёндан сунъий четлаштирилганига сабаб фақат унинг шахси эмас. Ҳамма гап шундаки, ёзувчининг ижодий принципи шу давр талаби – қасидабозликни қабул қиломасди. Эҳтимол, у замонавий мавзуларда кўп ёзиши мумкин эди. Аммо ҳар қандай вижданли ёзувчи замонавий мавзуни замонасозлик деб тушунмайди ва ҳозирги даврни тасвирлар экан, бор гапни очиқ ёзишга мажбур бўлади. Аммо бу ёзгани босилиб чиқармикан? Шу хаёл ҳаммамизни ўйлантириб кўяди. Эҳтимол, шунинг учун бизнинг ёзувчиларимиз 50-йилларда “босиши мумкин бўлмаган” асарлар ёзишга ҳафсала қилмагандир. Эҳтимол, шунинг учун ҳам

Мирзакалон Исмоилийга ўхшаган ёзувчилар кўпроқ ўтмишишимизга – аллегорияяга ва болалар ҳаётига оид мавзуга мурожаат қилгандир. Бу ҳам ҳақиқатни айтишнинг бир йўли. Шу йўлда хурматли ёзувчимиз самарали хизмат қилди. “Фаргона тонг отгунча” романи шу ижоднинг энг юксак жойида ҳамон жилваланиб турибди.

1988

АЁЛЛАРГА СОҒЛИҚ БЕРИНГ

Агар бу ер бизнинг еримиз эканлигини бир зум хис қилсак эди, агар “ватан” сўзи биз учун фақат сўз бўлмаганда эди, агар биз бу ерни, бу ҳалқни ўзимизни – лоақал ўз мансабимиз ва манфаатимизни севганчалик сева олсак эди, биз бугун ночор ахволда қолмаган бўлар эдик.

Денгизимиз Оролнинг ҳалокат ёқасида, эркакларимизнинг заҳарланаётгани, аёлларимизнинг майиб-мажруҳ болаларни тугаётгани, йигитларимизнинг ҳарбий хизматга яроқсизлиги, болалар ўлимид, бошқа жумхуриятларда рад қилинган заҳарли корхоналар бизнинг вилоятимизга қурилаётгани – ҳаммаси сабаб, биринчи навбатда, мутасадди кишиларнинг руҳий қашшоқлиги, вазирликларнинг худбинлиги ва биз зиёлиларнинг жасоратсизлигимиз оқибатидир.

Вазирлар ўзгараверади, аммо уларнинг иш услуби ўзгармайди. “Собиқ”ларнинг ишини давом эттираверади. Улар ҳалқ фаровонлиги йўлида буйруклар чиқаришади, лекин буйруклар амалда ўша ҳалқ устидан чиқарилган ҳукмга айланади. Улар қайта қуриш учун қарорлар эълон қиласидар, амалда бу қарорлар қайта бузиш учун “хизмат” қиласиди. Улар худди ошкора гапираётгаңдай туюлади, лекин бу “ошкоралик” ёлғон каби қоронғидир.

Демак, улар саратон жазирамасидан соя-салқинни, завод ва фабрика тутунидан ўз уйларининг ҳашамини кўпроқ севадилар. Демак, улар жамоат фикрига эмас, кўпроқ “тепа”нинг овозига қулоқ тутадилар.

Жамоат фикри – аччиқ, чунки, у аксарий ҳолларда ҳақиқатни ифодалайди. “Тепанинг” овози ёқимли, чунки у тепадан келади.

Лекин бу овоз, ҳалқнинг соғлигини қурбон қилсанг ҳам планни бажар демаяпти-ку. Ёки, бу овоз, болаларимиз ўлаётганига,

аёлларимиз ўзини ёқаётгандыктында локайд қараңға бизни ундамаяптым?

Шу күнгача қайси вазиримиз халқ фикрини, халқ талабини “тепа”га айтгани учун хайфсан олди?

Қайси раҳбар ўз халқынинг ахволини күриб, виждан кийногига чидолмай истеъфога чиқди?

Унақа раҳбарни кўрмадик.

Улар, одатда “соғлиғи ёмонлашгани” сабабли ишдан кетадилар. Шунинг учун ҳам улар ва жамоат ўртасида ишончсизликлар мавжуд.

Шунинг учун ҳам ёзувчилар ва олимларнинг ер ва сувимиз ҳакида куйиниб сўзлаган нутқлари уларга ёқмайди. Лекин бу бизни иккилантиргаслиги лозим.

Биз вазирлар хотиржамлигини бузолмаган эканмиз, уларни ўйғота олмадикми, энди жамоатнинг ўзини ўйғотмоғимиз керак. Бошқа йўл йўқ.

Бугун аён-ки, Оролни асраш кўмитасини кенг жамоат кўллаб-кувватламаса, бу кўмита ҳеч нарсага эришолмайди. Уларга на жамғарилган пул, на Распутин, на Залигин ёрдам беради. Уларнинг ўз ташвишлари бор. Улар бизга ҳамдардлик билдиришлари мумкин. Аммо бизга факат ҳамдардлик эмас, фаолият зарур. Фаолиятни биз ўзимиз бошламоғимиз даркор. Орол, Бўйтонлиқ, туғилишни чеклаш ва барча қолган фожеавий муаммоларни беш-олти ёзувчи эмас, бутун меҳнаткаш халқ ўртасида муҳокама қилиш пайти келди. Газета, радио, телевидение ниҳоят “пистирма”дан чиқиб, халқ дардини айтсинлар.

Вазир билан суҳбат, дехқон билан сўзлашишдан осон. Лекин биз шиор қилган демократия бу хил “қулагайлик”ни тан олмайди. Одамлар “шинам” ҳақиқат эмас, ҳақиқатни билмоқ истайдилар.

Бизнинг газеталаримиз марказий матбуотлардан оркада қолмоқда. Улардаги мақолалар бир-бирига ўхшаш ва мутакил йўналишга эга эмас. Бир газета иккинчиси билан баҳс қилишга ботина олмайди. Энг долзарб муаммолар факат бир томондан – ҳеч кимга “тегиб кетмайдиган” томондан “ёритилади”.

Бу сохта яқдиллиқдир.

Биз бунақа “яқдиллик”дан чарчадик.

Репрессия даври, эллигинчи ва етмишинчи йиллардаги фожеавий хатоларимизга сабаб ўша “яқдиллик” бўлди.

Бугун бунга мисол сифатида маҳаллий матбуотимиздаги босилаётган мақолаларни келтириш мумкин.

Сизга маълумки, “оилани планлаштириш” кампанияси ҳозир янги босқичга кўтарили: агар дастлабки хабарларда “болалар ўлимига сабаб, кўп тувишдир” дейилган бўлса, энди “кўп тувиш” иқтисодий тангликка олиб келиши мумкин, деган фикрлар билдирилмоқда. Қизиги шундаки, бу мақолаларни эълон қилаётган газета уларга қарши бирор фикрни эълон қилмади.

Туғилишни камайтириш ғоясини илгари сураётганлар энди ўз ғоясига янги далиллар излаб, куйиб-пишмоқдалар. Бу изланишни кўриб, “ғоя”нинг асоссиз эканлигига амин бўламиз. Бу “ғоя” кампания жараёнидагина ўзига замин излай бошлади: таъбир қисак, у, ерда эмас, балки, эриган дарёнинг муз парчалари узра сакраб, қирғоққа интилаётган одамни эслатади. Лекин, унинг соҳилга етишига ишониш қийин.

Туғилишга қарши ёзилган бир мақоладан парча келтираман: “Ахоли сонининг кескин ўсиши жуда кўпларни оиласда ўралашиб қолишига, меҳнаткашларнинг шахсий пурратга ўтиб кетишига сабаб бўлди ва бу реал даромадни камайтиради”.

Сиз бу бемаъни мантиқни рад қилгингиз келади, аммо мақола муаллифи сизни уринтиrmай, ўзи рад қилади: “Демографик чоралар ичida болалар меҳнатини таъқиқлаш қонунини ҳам қатъийлаштириш лозим. Чунки, пурратга эга оиласлар ўзи хўжаликда фойдаланиш учун болаларни кўпайтиришдан манфаатдор бўлади, олинган фойда оқибатида моддий фаровонлик вужудга келади, бу эса кўп болани боқиши учун имкон яратади. (“Правда”, 9 феврал, 1988 йил, “Планировать развития семьи.”)

Жуда тўғри мантиқ.

Яъни, оила каттаяр экан, ишчи кучи кўпаяди. Демак, оила моддий фаровон яшайди ва бу фаровонлик қанча бола бўлса, ҳаммасини боқишига имкон туғдиради. Демак, бизнинг болаларимиз бегонадан нон сўрамайди. Демак, бизга бугунгидай ҳеч ким “жумхуриятингиз қарзга яшаяпти” демайди, “бошқа жумхуриятлар ҳисобига нон еяпсанлар” деб дашном бермайдиган бўлишади.

Мантиқ учун, раҳмат.

Лекин, болаларни меҳнатдан озод қилиш лозим. Биз бу ҳақда кўп ёздик, кўп гапирдик. Ҳозирча, натижа йўқ. Аммо, мақола муаллифи болаларни (уларга ачингандан эмас) факат пурратда

ишлаб, пул топиб, оиланинг кенгайишига сабаб бўлмасин, дебгина меҳнатдан озод қилмоқчи. Бу гуманизм эмас.

Мақолада “Жумхурият ахолиси 2010 йилга бориб, икки баравар кўпаяди” дейилган.

Хўп барака топкурлар, Япония жойлашган майдон жумхуриятимиз майдонидан икки баравар кам, шунга қарамай, у ерда 120 миллион одам зоти яшайди. Бунинг устига Японияда бизнинг ер ости бойликларимизнинг беш фойизи ҳам йўқ.

Демак, иқтисодчилар “оилани планлаштириш” билан эмас, иқтисодни, турмуш шароитимизни кўтариш билан шуғулланиши керак эмасми?

Қолаверса, туғилишни қисқартиришдан олдин, халқдан сўраш керак: у буни истайдими, йўқми?

Бу саволга ўша мақола автори жавоб беради: “Нечта фарзанд кўришни истайсиз, деган саволни биз яқинда Наманганд вилоятидаги аёлларга бердик. Биз кимдан сўрамайлик – аёллар ҳам, эркаклар ҳам – бу саволга бир хил жавоб бердилар: “Қанча кўп бўлса, шунча яхши!”

Шундай экан, ҳурматли “қисқартириш” тарафдорлари, сизни нима бесаранжом қилмоқда?

Балки аёллар соғлигининг ёмонлигидир?

Лекин, ўша мақолада тиббиётимизнинг ночор аҳволдалиги хақида бир оғиз ҳам сўз йўқ-ку!

Бу ҳайрат “Здоровье семьи – здоровье народа” (“Правда востока”, 17 феврал, 1988) мақоласини ўқиганда, яна кучаяди: “Бир пайтлар аёллар озодлиги учун бошланган “Хужум” ҳаракати буюк рол ўйнаган эди. Эҳтимол, бугун ҳам оиласи озгина “хужум” керакдир – оиласи планлаштириш борасида хужум, а?” – дейди муаллиф.

Буни ўқиб, кўз олдингизга инсон зотини тарқатмаслик учун бир-бирига ҳужум қилаётган эр-хотинлар келади...

Шуни айтиш керак-ки, демография масаласига бағишлиган мажлис жараёнини (ЮНЕСКОнинг “Инсон ва биосфера” программаси бўйича ўзбек Миллий Қўмитаси ўтказган кенгаш) бузуб кўрсатган мухбир, кенгашда “демографик муваммоларни тез ҳал қилиш чоралари бир овоздан қабул қилинди” деб ёзади. Аксинча, мажлис ахли “оиласи планлаштириш” иборасини

бутунлай кун тартибидан олиб ташлаш керак, деган фикрга келган эди.

Мажлис қатнашчилари бир пайтлар демографияда нотүғри сиёсат тутганилиги учун Хиндистон раҳбари Индира Гандининг истеъфога кетишга мажбур бўлганини эслатиб ўтди.

Шунингдек, у ерда бир миллиард аҳолили Хитой давлати олиб бораётган демографик сиёсат хакида ҳам гапириш мумкин эди: “Хитойда туғилишни чеклаш” фақат хитой миллатига – мамлакатда энг кўп сонли миллатга қаратилган.

Бу тажрибаларни бизники билан қиёслаб кўрсак, бизга йўл кўрсатаётган етакчи сўқир эмасмикан, деган фикр туғилади.

Хуллас, ўйлаб топилган бу ғоя, туғилишни чеклаш ғояси – экологик фожеамиз оқибатидир ва шу сабаб, мен сўзимни экологиядан бошлаган эдим.

Эҳтимол, бу гоянинг тагида бошқа асос бордир. Агар у бўлса, туғилишни чеклаш тарафдорлари очиқ айтсин.

Ҳар ҳолда, болалар ўлимiga аёлларнинг кўп туғиши сабаб бўлмайди, демак, болалар ўлими туғилишни камайтириш учун ҳам мутлақо асос эмас.

Аёлларимиз ҳамиша серфарзанд бўлганлар ва, айни пайтда, соғлом яшаганлар. Фарзанд улар учун бугун ҳам азиз ва бугун ҳам улар соғлом бўлишни истайдилар.

Агар қўлингиздан келса, аёлларга соғлик беринг!

1988

ДИЛДАГИ ЎЙЛАР

Биз, ўзбек ёзувчилари, адабиётни бугуннинг энг муҳим масаласи, деб айта олмаймиз. Атрофда кечётган воқеаларни кўрмаслиқ, эшигмаслиқ учун хаққоний ҳаётни мавхумлаштиришга бизнинг кучимиз етмайди.

Бизни қийнаётган ўйлар адабий ўйлар эмас.

Кейинги ўйлар давомида бошимиздан ўтган воқеалар бизни андак довдиратиб кўйди. Мамлакатимиз халқларини катта фаолиятга ундаган қайта қуриш имтиҳонга айланди.

Қайта қуришда биз қандай хизмат қилмоқдамиз?

Эстонлар иқтисод, маданият, маориф, тил соҳаларида ўз фикру қарашларини муҳокамага қўйиши. Эстон тилини давлат тили деб эълон қилиши. Литва ва Латвия халқлари ҳам шунга эришдилар. Молдавия, Белорусия, Грузия ва Украинада ҳам халқ ижтимоий харакатлари вужудга келди ва улар ўз миллий манфаатларини ҳимоя этиб майдонга чиқмоқдалар.

Биз-чи? Нима билан машғулмиз?

Якинда Московда ўқиб юрган бир талаба менга кўнғирок қилиб: “Биз бу ерда ўзбеклар номусини ҳимоя этиш уюшмасини туздик”, деди. Уюшма-ку, яхши, лекин унинг номи ғалати туюлди. Нега энди “Номусни ҳимоя этиш уюшмаси” бўлар экан? Нега маданият эмас, тил эмас, Орол ёки табиатни ҳимоя қилиш уюшмаси эмас?

Дарвоке, ЎзТАГ мухбири Ю.Кружилин ҳам ўзбекларнинг “номусини ҳимоя қилиб”, “Правда Востока” газетининг 1988 йил 264-сонида оғиз тўлдириб гапирган эди. у Александр Минкиннинг “Огонёк” журналида босилган “Пахта қули” мақоласига шундай “зарба” берди: “Биз ҳам, бизнинг болаларимиз ҳам қул бўлмаймиз. “Пахта қули” мақоласи меҳнаткаш халқнинг юзига туфлаган туфрукдир”. Ўртоқ Кружилин “бизнинг болаларимиз” деганда пахта даласида оч-наҳор, ўқишини ташлаб, пахта тераётган норасидаларни назарда тутган. Бизга бундай ҳимоянинг кераги йўқ. Кружилин бу мақолада ўзбекнинг номуси эмас, унинг фожеасини ҳимоя қилган.

Московда ўқиётган талаба қайси номусни ҳимоя қилмоқчи эди? “У Московда таҳсил олаётган талabalарнинг московликлар томонидан ҳакоратланаётганини, “Сизлар ўғрилар уругидансиз”, деган дашномлар эшигаётганини ҳимоя қилди. У “мен ҳеч қандай халқлар дўстлигига ишонмайман”, деди ҳаяжонланиб. Мен бу ҳакда ўйлар эканман, уч-тўрт йил муқаддам кечган воқеа ёдимга тушди.

Саксон бешинчи йил жумхуриятда маданият соҳасида қандайдир вулгар харакатлар бошланди. Бу харакатнинг бошида Ўзбекистон Компартияси Марказқўмнинг мафкура бўйича собиқ котиби турди. Ёзма тарзда ҳам, оғзаки тарзда ҳам “худо” сўзини ишлатиш таъкиқланди. Ҳатто таржима китобларида ҳам “худо” сўзини фалак сўзига алмаштиришга мажбур бўлдик. Энди “фалак” “худо” мазмунини олди. Лекин фалакнинг ўзини нима деб атаймиз,

деб хайрон бўлиб қолдик. “Синонимини топинглар!” – деган жавоб келди.. Шукрки, ўзбек тили бой экан, синоним топилди!

Лекин бу сиёсат ҳаммага ҳам маъқул келмади. Жумхуриятда бу сиёсатга қарши хат ёзиб, Московга юборишга эллик беш эркак ва бир аёл топилди. Улар саксон бешинчи йилнинг май ойида бу қилмишлари учун Мафкура котиби Абдуллаева олдида тик туриб жавоб бердилар. Мафкура котиби уларни дарров “қора рўйхат”га тиркади. Босмахонага тушиб кетаётган кигоблари ушлаб қолинди.. Факат тўққиз ойдан сўнг, котибанинг мансаб курсиси анча лиқиилаб қолганидан кейингина, тазийқ тўхтади.

Аммо ҳақорат оғриғи босилмади.

Мен бу оғриқни Московдан сим қоққан ўша талабанинг товушида туйдим. Бу дардни биз номус деган баландпарвоз тушунча ила таърифлаймиз. Шу йўсин бизнинг шаън-номусимизга биринчи зарбани московлик эмас, балки, ўз одамимиз берди.

Қайта куришни биз таъбир жоиз бўлса, таҳқирланган номус ила қарши олдик. Бироқ, бу таҳқир қайта куришга ишонмоғимизга ҳалал бергани йўқ! Инчунун, қайта куриш бизда кадрларни қайта куришдан бошланган эди. бу ҳол бизни қаттиқ умидлантириди, ҳолбуки, биз ўша маҳал кадрларни янгилаш қайта куриш эмаслигини билмас эдик.

Порахўрлар ва ошириб ёзганларни фош этиш бошланди. Нихоят, адолат тантана қилди! – деб биз бутун Иттифоқ билан биргаликда қувондик. Ҳолбуки, ўша маҳал биз, фош этилган ва қамалганлар орасида мингдан ортиқ бегуноҳ инсонлар борлигин билмас эдик.

Матбуот сўзидан қувондик, бироқ порага сотилиш ҳодисаларини ёритаётган бизнинг матбуотчиларимиз ҳақиқатга чуқуроқ кирмасликларини, ҳалқ ҳаётининг қатламларига теранроқ қарамасликларини биз хаёл ҳам қилмас эдик.

Бизнинг жароҳатларимизни очиб ташлаётган журналистлар энг муҳим нуқтани – меҳнаткаш ҳалқ ҳаётини қўздан яширдилар. Ва гўё бу иллатлар турғунлик деб аталган ҳодисанинг оқибатлари эмас, балки, сал бўлмаса, миллий хусусиятлардир деган таассурот уйғотилди.

Бизда ўғрилар йўқ, демоқчи эмасман. Факат биздаги ўғриларнинг миқдори умумиттифоқ меъеридан ортиқ эмас, демоқчиман, холос.

Яқин-яқингача биз Сотсиалистик Мехнат Қаҳрамони, Олий Совет депутатлари бўлмиш айрим баҳтиёр зотларнинг суратларини бутун дунёга намойиш қилиб, мана шуларни Ўзбекистон халқи деб айтар эдик. Лекин бу халққа қилинган тухмат эди. Зеро, халқ ҳеч қачон суратга тушиб қолиш учун ялтоқлангани йўқ, қолаверса, сураткаш ҳам уни қидирган эмас. Бу “оқ олтин” тонналари устида буқчайган, умуртка суюги қийшайган, жигари касал, ранги заъфарон мавжудот, бу советлар диёрининг пахта мустакиллиги химоячиси – ўзбек дехкони, суратларга ярашмайди.

Лекин, ўша нишондор қаҳрамонлар жиноятчи бўлиб чикканда ҳам бизга эс кирмади. Биз тағин диккат-эътиборимизни ўша “қаҳрамонлар” сари қаратдик. Бизнинг кўнглимизда завқ эмас, даҳшат кўзгаб яна газеталаримиз саҳифаларида ўша исмлар жилвалана бошлади. Халқ эса, худди аввалидек, яна суратлар ортида қолаверди.

“Одиловлар”ни фош этиш қуюнининг ғуборлари бизга шу қадар ёпищдики, ҳатто Ўзбекистон тўғсида ёзган муаллифлар ичидаги энг самимийси бўлмиш Чингиз Атматов ҳам жумхуриятдаги порахўрликни “миллий фожеа” деб аташдан бошқа илож тополмади. (“Правда”, 1988 йил, 13 феврал)

Йўқ, миллий фожеа эмас бу!

Фожеа бошқа ёқда: бизда болалар ўлими ҳамон ташвишли бўлиб турибди. Йигитларимизнинг жуда қўпчилиги ҳарбий хизматга яроқсиз. Кимёвий дорилардан бузилмаган ер, заҳарланмаган сув деярли қолмади. Ҳар йили икки юздан зиёд хотин-қизларимиз ўзларини ёқиб ўлдирмоқдалар. Биз Орол дengизини ва ҳосилдор ерларимизнинг энг яхши қисмларини йўқотдик.

Мана, бизнинг фожеамиз.

Порахўрлик эса, бу фожеага қанчалик ёрдам қиласин, у “бизнинг фожеа”, ёки “миллий фожеа” бўла олмайди. Порахўрлик байналмилал фожеадир. Фақат порахўрлик бизда пахтанинг қаймоги билан, пахта эса, халқимизнинг танаси билан озиқланиб келди.

Академик Яншиннинг “Литературная газета”даги бу масалага тегишли мулоҳазасини мустасно қилсан, на марказий матбуотда, на жумхурият матбуотида, барча баҳтсизликларни келтириб чиқарган бу муаммога бағишланган биронта ҳам маҳсус мақола чиққани йўқ. Бироқ, биз “Олтин устундаги илонлар”га доир

“жиноятчи тўда” бошлиги Одиловга оид мақолаларни хўп тўйиб ўқидик! Бутун мамлакатда оммавий шов-шуввлар ва ҳаяжонлар авж олди. Жиноятчи ўзбекларни тутиб бергувчи Шерлок Холмс пайдо бўлди. “Ўзбекистон иши” эмас, айнан “ўзбеклар иши” деган атама вужуд га келди.

Буларнинг бари жамоат фикрига таъсир этмай кўймасди. Ва бу фикрга қарама-карши ўлароқ, ўзбек номусини ҳимоя қилишга бел боғлаган ўзбек талабаси пайдо бўлди.

Бахтга қарши, буларнинг ҳаммаси мантиқан бир-бирига боғлангандир.

Бундай вазият келажакка ишончсизликни туғдиради. Кишилар ижтимоий жиҳатдан янада сустроқ бўлиб борадилар. Бирлик бепарволиқдан, лоқайдликдан ишончсизлик ва ҳафсаласизликдан емирилиб боради. Бундай фавқулодда вазиятни биз сўнгти икки йил ичида ўз жумҳуриятимиз мисолида кузатдик. Бундай ҳолат ўзига хос руҳий иқлимини яратди, яъни, одамларни “сизлар хўжаликни бошқаришда қийналиб қолибсизлар, бас, шундай экан, бошқа жумҳуриятлардан ёрдам сўрамоқ зарур”, дея ишонтириш осон эди.

Бундай ижтимоий караҳт ҳалқни “сен ўз-ўзингни боқолмаяпсан, бошқалар ҳисобига яшаяпсан, боким бўлиб қодинг”, деб алдаш мумкин эди. “Шундай экан, ортиқча оғизларни камайтири – туғилишни қисқартир”, деб қўрсатма бериш ҳам осон эди. Ана шу “муаммолар” бизни қайта қуришнинг зарур жабхаларидан (монокултурага қарши, иқтисодий мустақиллик, Орол, давлат тили ва бошқа миллий масаллар) четга суриб қўйди. Биз қайта қуриш ҳавосидан нафас олишга улгурмасдан, бу ҳаво жумҳурият чегараларидан чекина бошлади ва ўша чегарада шаффоғ деворга – Москов ва жумҳурият ўргасидаги деворга айланди. Бу девор орқасидан бизга қараётганларга бизнинг кулгимиз – йиги, кўзёшимиз эса, табассум бўлиб кўрина бошлади. Бош шаффоғ девор Ўзбекистон ҳакида ёзилган одамлар кўзини алдади. Вокеаларни бузиб қўрсатди. Бу манзарани “синдириб қўрсатиш сиёсати”, албатта, ўз самарасини берди. Зоро, бизда газеталар факат жамоат фикрини эмас, ҳукумат тадбирлари йўналишини ҳам белгилайди. Ва марказий газетада эълон қилинган ҳар бир катта проблематик мақола, агар у холис бўлмаса, нафақат ижтимоий, балки, сиёсий жабҳада ҳам оғир хатоларга олиб келиши мумкин. Ўзбекистонда худди шундай хатолар вужудга келди.

“Четдан хабар олиб келиш” дегани нима?

Бизга “чекланган кўшинлар контингенти” ибораси таниш. Аммо, саксон бешинчи йилларнинг бошида “чекланган раҳбарлар контингенти” деган янги ибора пайдо бўлди. Албатта Ўзбекистонга келаётган раҳбарлар яхши ният билан, яъни “чекланган кўшинлар” каби ўз байналмилал бурчиини бажариш учун келади.

Бироқ, улар ўзлари учун мутлақо янги шароитларда, табиийки, қийинчиликларга дуч келадилар, хўжалигимизнинг ўзига хос қирраларини ўзлаштира олмайдилар.

Сиз паҳтани факат тўй-тангана, албомлардагина кўрган кишини тасаввур қилинг. Ҳа, худди шундай кишилардан бири партия чакириғи билан Ўзбекистонга келади ва бирдан жумҳурият сув хўжалиги вазири бўлиб қолади. Ахир, сув хўжалигини бошқариш учун у ҳеч бўлмаганда “Ўрта Осиё ерларининг суғориш тарихини” тўлиқ ўрганиши зарур-ку. Лекин энг муҳими, у ўзи суғориш лозим бўлган тупрокни, ўзгартириш лозим бўлган иклим ва манзарани яхши билмоғи даркор. Бу иш эса, кўп йилларни талаб этади. Бундан ташқари, раҳбар одам шу заминнинг бир парчаси бўлмоғи, ҳеч йўқса, шу заминда туғилмоғи керак-ку. Биргина сув хўжалиги вазири эмас, савдо вазиримиз хақида ҳам шу гапларни айтиш мумкин.

“Бобил хўжалиги Дијкла ва Фират дарёлари сувидан суғорилар эди. (бизнинг мисолимизда Амударё орқали Оролга – М.С.) чиқиб кетарди. Бу маъқул система эди”.

Лекин, дейди тарихчи, Бобил подшоҳи ерли ҳалқ вакили эмас, бунинг устига у Миср маликасига уйланиб қўйди. Малика билан бирга Бобилга ташаббускор муҳандислар келди. Бу муҳандислар маликага янги канал қуриб, экин ерларини кўпайтиришни тавсия этди. Малика эса, ўз навбатида бу фикрни шоҳга етказди. Шоҳ канал қурди. Оқибатда Фират секин оқа бошлади. Ерлар шўрланди, дехкончилик бўхронга юз тутди ва эрамизнинг бошига келиб, Бобилда хаёт тугади. Агар Бобил хукмдори ерли одам бўлганда эди, у ўз ватандошлари билан маслаҳатлашган бўларди ва улар ичида суғориш ишларини тушунадиган одам топиларди, деб ёзди тарихчи. (Лев Гумилев. “Этногенез и биосфера земли”. ВИНИТИ – 1969 – 138-139.)

Бобил ўша канал қурилгандан кейин яна беш аср яшади, яунки уни алмашлаб экиш қувватлантириб турди. Бизнинг Орол ва ерларимиз бир аср доирасида ҳалокатга учрайти. Чунки, унинг

ҳалокатига монокултура “ёрдамлашайти”. Аммо, яна таъкидлаш мумкинки, бу икки ҳалокатнинг сабаби бир: хотүғри суғориши системаси, бизнинг мисолимизда марказлашган бошқарув оқибатидир.

Биз шунинг учун ҳам Сибир дарёларини Ўрта Осиёга буришга қарши турган рус зиёлиларини кўллаймиз. Бу лойиҳанинг ким тузган? Сибир хўжалигини бошқариш учун “чет”дан чақирилган ўзбек раҳбари бўлмасин тагин?!

“Боқим”лар деган нима?

“Боқимлар” сони Ўзбекистонда ўн беш миллион. Уларни ўзбеклар деб аташади. Бу номни уларга Октябр инқилоби тухфа этган. Инқилобгача ўзбеклар турк қабилаларининг бири ҳисобланган ва Ўзбекистон ҳам Туркистон деб аталган. Уларнинг аждодлари “тарих”да айтилгандек, XV-асрдан эмас, қадим-қадимдан шу Туркистонда яшаб келишган. Чор Русияси даврида кейинчалик “ўзбек” деб аталган бу туркий халқнинг етмиш беш фойизи қишлоқларда, йигирма беш фойизи шаҳарларда яшаган. Бугун сотсиализм тузуми барқ урган пайтда бу халқнинг қишлоқда яшайдиган қисми саксон фойизга етди. Таракқиётга балли! Шаҳарларимиз кўпаймоқда, уларда яшаётган ўзбеклар сони, аксинча, камаймоқда.

Инқилобгача бир кило пахта пулига салкам бир бузок келарди, бугун бир кило пахта учун деҳқонга 15 тийин тўлашади ва бу пулга 15 кути гугурт олиш мумкин.

Бу шаввоздеҳқонлар пахтани шу қадар “севиб” қолдиларки, уларни хафа қилмаслик учун хукumat бор-йўқ боғлар ва тўқайларни қириб ўрнига пахта экиб беришга мажбур бўлди.

Урушгача Ўзбекистонда 27 минг майда қишлоқлар бор эди, хутор системасини тутатиш байроби остида бу қишлоқларнинг 20 минги йўқотилди. Ўрнига шаҳарлар эмас, плангатсиялар пайдо бўлди. Деҳқонлар ойига 30-40 сўм маош оладилар, аммо ишдан кейин томоркасида ишласалар, “қўшимча даромад” келади. Агар улар ўз фарзандларини эркалатиб кўймай, оила пудратида ишлашга мажбур этсалар, янада кўп пул олишлари мумкин. Акс ҳолда, нафакат рангли телевизор, ҳатто оддий ойнаи жаҳонга ҳам пул топиш қийин.

Баъзи газеталар “дехқонлар гўшт емайдилар”, деб ёзаяптилар. Тўғри гап. Деҳқонлар пархездалар. Чунки, гўштнинг

ўзи йўқ, гўшт берадиган чорвачилик йўқ, чорвани боқадиган яйловлар йўқ – яйловларга ҳам пахта экилган.

“Правда” газетасида босилган “В понедельник после пятницы” (“Правда”, 1988 йил, 19 феврал) мақоласида мисли кўрилмаган бир воқеа, Жумабозор қишлоғи аҳли милитсияга, ҳатто республика хукумати раисига қаршилик қилганини тасвириланади. Бу дехқонлар нима учун жунбушга келдилар? Ўз меҳнатининг қадр-қиммати учунми? Турмушларини яхшилаш учунми? Ёки ўз болаларини меҳнатдан озод қилиш учун шундай қилдиларми?

Йўқ, улар ер талашган эдилар. Улар инсон хуқукларидан фақат ерга пахта экиш хукуқини билар эдилар, холос.

Мен бу дехқонларнинг суратини кўрдим: ажин босган юзлар, чарчаган нигоҳлар, хўмрайган қиёфалар. Агар кийимлари бўлмаса, улар худди ўтган асрдан караб тургандай кўринади. Суратга караб, бўғзимга тош тиқилди...

Русияда қишлоқлар бўшаб қолаяпти. Рус дехқонлари ўз уйларини ташлаб. Шаҳарга кетмоқдалар. Бизда эса, аксинча. Кувониш керакми, йиғлашми, билмайман.

Газеталар “Қишлоқда иш кучи ортиқча, ўзбекнинг ерга меҳри зўр, бу мислий психология, ўзбек хеч қачон шаҳарга бормайди, уни завод, фабрикага чорлашнинг фойдаси йўқ”, деб ёзадилар.

Тўғри, агар биз уни “чорлаганд” ҳам у шаҳарга кела олмас эди. Чунки уни “меҳр” эмас, моддий ноҷорлик ерга боғлаб кўйган. Боғлаб эмас, занжирбанд қилиб кўйган. У шаҳарга келмоғи учун кўпроқ пул жамғариши керак. Аммо пахтага тўланадиган пул хеч вақога етмайди. Демак, дехқонни ерга боғлаб кўйиб, у шаҳарга келмаяпти, заводда ишламаяпти, дейиш кулгилидир. Ниҳоят, одам ўзининг оғир меҳнатига яраша ҳақ талаб қилмоғи учун онг-савияси баландроқ бўлмоғи керак. Лекин пахта яккаҳокимлиги шундай аждаҳо-ки, у дехқоннинг нафақат моддий ҳаётини, балки онгини ҳам ўз чангалидан кўйиб юбормаяпти.

Пахта ҳокимлиги пахтакорни ватангага муҳаббат руҳида эмас, шахсий томорқага муҳаббат руҳида тарбиялайди. Пахта монокультураси худбинликни, маҳдудликни одамларнинг қонига сингдиради.

Пахта дегани нима ўзи? Пахта нималигини биламиزمи ўзи?

Самарқанд вилоятида чиқадиган “Ленинский путь” газетасида босилган “Дитя солнца” (“Қуёш фарзанди”)

мақоласининг муаллифи Ю.Федоров Ўрта Осиёга пахта ургуни форс хукмдори Кирнинг аскарлари олиб келган, деб ёзади.

Ҳа, барча босқинчилар каби, Кир ҳам бизга “маданият” олиб келган. Тўғрироғи, маданий ўсимлик – пахтани олиб келган. Аммо у келажакда пахтанинг Ўрта Осиё халқлари учун асосий “маданият белгиси” бўлиб қолишини хаёлига ҳам келтирмаган, албатта.

“Туркистон Русияга қўшиб олинганидан кейин, – деб давом этади Ю.Федоров ўз мақоласида, – чор хукумати Америкага қарам бўлмаслик учун Туркистонда пахта етиштиришни авж олдиришга қарор қилди”.

Ҳа, факат Сталин, Хрушчев, Брежнев эмас, чор хукумати ҳам Америкага қарам бўлишни истамаган экан. Лекин биз чор хукумати даврида бор-йўқ пахтани Русияга жўнатар эдик ва бу усул мастамлакачилик усули деб аталарди. Бугун биз пахта хомашёсини ўнлаб марта кўпроқ ташкарига чиқарайпмиз ва бу усулни нима деб аташни билмай турибмиз. Устига-устақ, бизни боқимандалар, деб аташяпти...

“Коммунист Узбекистана” журналининг 1988 йил 11-сонида В.Осминин бундай ёзади: “Ҳисобларга кўра, Ўзбекистондан олиб кетилаётган бир йиллик пахта толасидан 25 миллиард сўм миллий даромад олинади” (24-бет). Бу пул бизга дотатсия (давлат томонидан бериладиган ёрдам пули) берилаётган пулдан деярли ўн баравр қўп-ку! Шуми, бизнинг боқимлигимиз?

Факат Ўзбекистондагина эмас, қардош Тожикистон ва Туркманистонда ҳам дехқоннинг ахволи ачинарли – у энг оғир меҳнатни бажариб, энг арzon ҳақ олмоқда. Пахтакор ғаллакорга нисбатан ўнлаб соат кўпроқ меҳнат қиласди. Лекин иш ҳақи ғаллакорникидан тўрт баравар камдир. Бу ҳам етмагандай, дехқон факат пахта эксагина, фаровон яшashi мумкин, дея ишонтирадилар.

Ваҳоланки, 1987 йилда бир гектар ерга экилган картошка 2983 сўм, бир гектарга экилган сабзавот 6379 сўм, бир гектарга экилган “оқ олтин” эса, бор йўғи 2400 сўм даромад келтирган. Бу рақамларни қиёслайлик-да дехқонга раҳмимиз келсин.

“Пахта мутакишлиги” асоратларини тан олиш пайти келди. Жумхурият хукумати буни яхши билади. Аммо сукут сақлади.

Наҳотки, миллий хукумат қишлоқ аҳли ҳаётини яхшилаш учун, унинг соғлигини мустаҳкамлаш ва турмуш маданиятини кўтариш учун бирон тадбир кўрмайтган бўлса, деган савол туғилиши мумкин. Тадбирлар кўрилаяпти, албатта. Улар орасида

биз тушунмаган бир тадбир – оилани планлаштириш дегани ҳам бор.

“Оилани планлаштириши” нима?

Бу тадбирлар аввалига тўғри “туғиши камайтириш” деб аталган эди. фақат кейин, шарт-шароитни ҳисобга олиб, бу номни “юмшатдилар”. Чунки, Иттифоқнинг бир қисмида туғилишини рағбатлантириб, иккинчи қисмида “қисқартиришни” тарғиб этмоқ бемаънилик эканини ташвиқотчилар англаб қолдилар. Лекин кейинги ўйлаб топилган “планлаштириш” ҳам аввалги ибора моҳиятини ўзгартиролмади. Иккисод, демография (аҳолишунослик) соҳаси билимдонлари “уч йил оралатиб туғиши” тамойилини олға сурдилар. Гўё шундай қилинса, бошқа муаммолар ҳам ўзича ҳал бўлиши мумкин экан. Яъни, биринчидан аёлларнинг соғлиги тикланар эмиш. Иккинчидан, болалар ўлими камаяр эмиш (Тўғри, бола туғилмаса, у ҳеч қачон ўлмайди). Учинчидан, аҳоли сони кўпаймайди, бу эса ўз навбатида, ишсизлик муаммоларини, яъни иктисод ва демография ўргасидаги номутаносиблигни йўқ қиласалар эмиш.

Қаранг, бизнинг аёлларимиз қанчалик давлат аҳамиятига молик масалаларни “ҳал қилиб” юборишлари мумкин! Агар улар буни хоҳласалар! Лекин улар “уч йил оралатиб туғишига” кўнармиканлар?

Иккисодчи Р.Убайдуллаевнинг гувоҳлик беришича, Наманган вилоятида истиқомат қилувчи аёллар бу масъул ишга тайёр эмас эканлар. Улар “нечта фарзанд кўришни истайсизлар?” – деган саволга бир хилда: “Канча кўп бўлса, шунча яхши”, – деб жавоб берибдилар. (“Правда Востока”. 1988 йил 9 феврал)

Эҳтимол, биз демография фанини тушунмасмиз. Бизга “Нима қиласанлар билмаган соҳангизга аралашиб, романингизни ёзиб юравермайсизларми”, дейишайти-ку! Лекин рақамларни биз ҳам биламиз. Ўзбекистонда уч ва тўрт боладан кўп туккан аёллар фойизи йил сайин камайиб бораяти. Бу кўрсаткич 1956 йил 75 фойиз бўлса, 1970 йилда 65 фойизга, 1980 йилда 51 фойиз бўлса, 1985 йилда эса, 49 фойизга камайиб кетди. “Бу ҳолатда, – деб ёзади таниқли демограф А.Кваша, – демографик сиёсатни шундай юритиш керак-ки, токи, Ўрга Осиё халқларининг асосий қисми кам болалик оиласаларга айланмасин”. (А.Кваша. “Что такое демография”, Москва, 1985 йил).

Табиатнинг ўзи “қисқартираётган” пайтда биз ҳам қайчимизни олиб чопмайлик. Демографияга қизиқиш эса, фақат бизнинг жумхуриятда пайдо бўлгани йўқ. Масалан, Америка ва Ленинград шаҳри ўртасида ўтказилган телесухбатда рус йигит Русияда туғилиш камайиб бораётганини ҳаяжонланиб гапирди. Биз унинг дардига ҳамдард эдик. Аммо у “рус халқи кичик миллатга айланиб қолиш хавфи бор”, деганда мен ўйланиб қолдим. “Кичик миллат” бўлиш шунчалар кўрқинчлими? Ундан бўлса узоқ Шимолда яшаётган чукча халқи матонатига қойил қолиш керак. Ундан бўлса, “кичик миллатлар” латиш ва эстон халқларига тасанно! Ўзбеклар сон жиҳатдан уларга “оға” бўлиши мумкин-ку, деб ўзимга таскин бермоқчи бўлдим, аммо таскин тополмадим...

Хуллас, “катта халқ”ка ҳам “кичик”ка ҳам қийин экан. Московлик бир дўстим “катта халққа қийин, у барча кичик халқлар учун жавоб беради” деган эди. Бу ҳақиқат. Дўстимнинг сўзини бошқача ҳам куриш мумкин: “Кичик миллатларга ҳам осон эмас, уларни ўзи учун жавоб беришга қўйишмайди”.

Шу маънода, баъзан тоҷик дўстларимиз ўзбеклардан хафа бўлиб ёзғирганда, мен уялиб кетаман. Биз, ўзбеклар, ҳар ҳолда, бағримиз кенг бўлиши керак, майда гапга чалғимаслигимиз керак, деб ўйлайман. Тоҷик биродарларимизни қўллаб-қувватлашимиз уларга ҳамдард бўлишимиз керак, деб ўйлайман. Лекин бу гиналар давлат миқёсига кўтарилиб, оддий ғийбатлар юксак минбарлардан эълон қилина бошласа, беихтиёр, икки халқнинг ўртасига нифок солаётган ким, деган савол қийнай бошлайди.

Бизнинг аждодларимиз миллий мансублик тўғрисида баҳслашмаган эдилар. Бу масалада Жомий билан Навоий баҳсини тасаввур қилиш қийин. Бирор жанжал чиқиб қолса, жанжал ҳам уни бошлаган одам каби майда бўлган. Афсуски, бугун қайта қуриш никоби остида дўстлигимизга рахна солишга интилаётганлар ҳам йўқ эмас.

Бизга нима бўлди ўзи? Азалдан бир дарёдан сув ичиб, бир диёрда яшаб келаётган эдик-ку. Байрамларимиз бир эди, бирга тўйлар ўтказардик. Киз олиб, киз бериб қондош халқларга айланган эдик. Душман келганда миллат суриштирмай, ҳамма бир тану бир жон бўлиб, Ватан ҳимоясига отланган.

Ўтган йили Марказий телевидидениеда берилган “Позитсия” кўрсатувида Самаркандни ўзбеклар кургани йўқ, дейишгача бориб етдилар. Бу ҳам майли, баъзи олимлар Ўзбекистонда миллий

туман, миллий шаҳарлар ташкил қилиш керак деган таклиф билан чиқдилар. Бунақасини анчадан бери қўрганимиз йўқ эди.

1924 йили Туркистонни бир марта бўлган эдилар, шунинг ўзи етарли эмасмикан?

Икки халқ ўтрасида “баҳс” юритаётгандар тарихга бир назар солсалар ёмон бўлмасди. Масалан, Петербургни Брежнев кургани йўқ. Унга Пётр асос солган. Бу тарихий факт. Шунингдек, Самарқанд ҳам Рашидов буйруги билан бино бўлмаган Амир Темур курган. Бу ҳам тарихий факт. Уни сохталашибириш уятдир.

Ўзбекистонда юздан зиёд миллат вакиллари яшайди. Шу кунгача улар билан ўзбеклар ўтрасида жаңжал чиққани йўқ. Чиқмайди ҳам! Аммо ўзбекларнинг байналмилаллиги уларда миллий туйғу йўқ экан, деган хulosага олиб келмаслиги керак. Бу туйғу, ҳамма миллатлар каби, ўзбекларда ҳам бор. Уни ҳакорат килмаслик лозим.

Булар мени қийнаган муаммолар.

Уларни имконим даражасида таҳлил этдим. Фикримча, уларни ечиш пайти келди. Бу масалалар бевосита миллий масалага бориб тақалади.

Миллий масала эса, иқтисод каби, бугунги кунда энг долзарб масалалардан биридир.⁸

РОСТ ҚАЙДА. ЁЛГОН ҚАЙДА?

Одамнинг номини қора қилиш – у дехқонми, муҳандисми, ёзувчими, фарқи йўқ – осон иш бўлиб қолди. Яқиндагина ёзувчи Сарвар Азимов олим Эркин Юсупов, шифокор Гавҳар Ҳожибоева каби зиёлилар ва қатор қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлайдиган кўп одамларнинг шаънига тухматлар уюштирилган эди. Бугун уларнинг кўпчилиги “оқланди”, аммо тухмат қилиш одати ҳамон давом этајпти.

⁸ Нутқ 1988 йилда Московда, СССР Ёзувчилар союзи пленумида ўқилган ва “Литературная газета”да чоп этилган.

Қайта қуриш ҳақорат плюрализми эмас, фикрлар плюрализми эди-ку, қайта қуриш тұхмат эмас, ҳақиқат ошкоралиги эмасми?

“Ҳақиқаттүй Мұхаммаднинг икки хил сўзи” (“Совет Ўзбекистони”, 15 декабр. 1988 йил сони) мақоласини ёзғанлар учун бу қоида түғри келмабди. Лекин бу мақолага улар “Геббелснинг ретсепти бўйича бир чимдим ҳақиқат” сепиб кўйишни унутмабдилар. Ҳа, түғри, М.Солиҳ ҳақиқатан ҳам “Ню Йорк Таймс” газетасига интервю берган. Унинг газета мухбирига айтган жумласи сўзма-сўз келтирилганда шундай: “Сталинча “пахта мустакиллиги” консепсияси бизнинг ҳалқимизни пахтага занжирбанд қилиб қўйди”. У бу фикрдан ҳозир ҳам воз кечмайди. У буни фақат “чет эл учун” эмас, айтиш имкони бўлган ҳамма жойда айтган.

Ўзбекларнинг саксон фойизи, тасавур қилинг, саксон фойизи қишлоқларда яшайди ва ўша “оқ олтин”га хизмат қиласди. М.Солиҳ ўша ҳалқни назарда тутиб гапирган эди.

Кружилин-Хисомов жунбушга келиб, М.Солиҳни “туркманлар, руслар, українлар, яхудийлар, белоруслар”нинг душмани дейишгача боради. Ваҳоланки, “XIX-партия конференсиясига таклиф”ларга жуда кўп одам имзо чеккан ва М.Солиҳ ўшаларнинг бири эди. Бу таклифларда Орол, сувни иқтисод қилиш ва Қорақум канали ҳақида мулоҳазалар айтилганди. Наҳотки, Кружилин-Хисомов худди ўша пахта қиинчиликларини бошидан кечираётган туркман биродарларимиз учун Орол тақдирни бир пул, деб ўйласа?

Наҳотки, бу мухбирчалар Бўстонлик ва четдан асоссиз ишчи кучи олиб келиш сиёсати фақат ўзбекларни ташвишлантиради, деб фикрласа? Наҳотки, бу муаммолар Ўзбекистонда туғилиб, уни ватан атаган бошқа миллат вакиллари учун бегона бўлса?

Ўзбекнинг байналмилаллиги шиорлар билан эмас, балки, бу ҳалқнинг ҳаёти билан, керак бўлса, қони билан исбот қилинган. Мисол келтириб ўтирамаймиз. Бирга кечган ҳаётимизда мисоллар кўп. Лекин, ўзбек ҳалқи ўз байналмилаллигини ҳеч қафон рўкач қилган эмас. Зеро, бу хусусият у ёки бу даражада ҳар қандай ҳалққа хосдир. Аммо, ўзбек фақат ўзбеклиги, рус эса, руслиги билан фахрланиши кулгилидир. Миллий қадр-қиммат бор, бунга тегинишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шуни унутмаслик керак-ки, миллатчилик осмондан тушмайди. У доим шовинизмга қарши

химоя сифатида пайдо бўлади. Бу Инқиlob доҳийсининг фикри. Биз ундан, манфаатимизга тўғри келса, кўчирма оламиз, тўғри келмаса, четлаб ўтамиз.

Кружилин-Хисомов: “Америкада жуда оз одамлар Салай Мадаминовнинг борлигини билади”, деб ёзадилар.

Англаш қийин, бунинг гапга нима алоқаси бор?

Қолаверса, Америкада нафакат С.Мадаминов, хатто бутун Ўзбекистонни (сиз билан кўшиб!) ҳам билмайдиган одамлар сонмингта. Лекин Самарқанд, Бухоро, Хива каби улуғ шаҳарларимизни Америкада ҳам билишади. Факат бу шаҳарлар шуҳрати сиз билан бизнинг эмас, ўртоқ Кружилин-Хисомов, бу шуҳрат – аждодларимиз хизмати. Модомики, бизни “у ёқда билмас экан”, бу аҳвол ҳамма ҳалқларга бир “кўйлак” кийдирган, яъни маданият ва фикрнинг ўзига хос белгиси йўқ, мавхум кўйлак кийдирмоқчи бўлган сталинча мишлий сиёsat оқибатидир. Бунга қувониш шаккоклик эмасми?

Кружилин-Хисомов “пахта мустақиллиги доим бўлади, у мамлакатнинг омон қолиши (нимадан? – М.С.) омилидир ва унинг монокултурага ҳеч қандай алоқаси йўқ”, деб ёзадилар. Лекин шу заҳоти монокултуранинг мавжудлигини тан олишади. Тан олибгина қолмай, ўз кабинетларида ўтириб, буйруқ берадилар: “Ҳар қан дай йўл билан ҳосилни ошири, экин майдонларини (қўлингдан келса! – М.С.) қисқартир – ана шунда монокултура бўлмайди!”

Мантиқ ва мантиқсизликнинг ажойиб кўриниши бу.

Монокултура нима эканини биласизларми ўзи?

1929 йили бизни пахта билан таъминлайдиган АҚШ учун иқтисодий бўхрон йили бўлди. Шу ва бошқа сиёсий сабаблар билан Америка савдо сиёsatини ўзгартириди. Бизга пахта бермай кўйди.

Сталин худди шу йили Ўзбекистонда бу қимматбаҳо ашё, пахта ишлаб чиқаришни кўпайтиришни буюрди. Пахта экиладиган майдонни 800 минг гектарга етказишиди. 1930 йилда биринчи марта зиёлилар ҳам пахта теримига жалб қиинди. Аммо 1934 йилгача пахта плани тўлмади. Бунинг сабабини билмоқ учун ВКП(б) комиссия юборди. Комиссия аникласа, дехқонлар оч экан. Улар ўз пахтасини ниҳоятда арzonга, тўрут тонна “оқ олтинни” бир тонна буғдойга айирбошлашга мажбур экан. Сталиннинг “раҳми” келиб, дехқонларни тўйғазинг, ана шунда пахта ҳам бўлади, деб буйруқ берибди. Ҳакиқатан ҳам, “миллатлар отаси”нинг бу фикри ўз

мевасини берди. 1936 йилда Ўзбекистон “она ватан”га 1 миллион тонна “оқ олтин” “армуғон этди”. Шундан бери биз ўша Сталин берган нонга шукронга айтиб яшаяпмиз.

Шундан буён биз учун шахсга сиғиниш паҳтага сиғиниш рамзига айланди. Ҳатто шахсга сажда қилишдан тўхтасак ҳам, паҳтага сажда қилишдан тўхтамадик. Нафакат дехқонлар, балки ишчилар, зиёлиларимиз ҳам бу ўсимликка сиғиниш руҳида тарбияландилар. Паҳта дастидан боғлар, яйловлар, тўқайлар барбод этилди, кишлөклар йўқотилди, одамлар жабрландилар. Мана сизга, монокултура ҳақида бор-йўқ “эртак”.

Мухбирлар “М.Солиҳ совет миллий сиёсатини Гимлернинг босиб олинган ерларда ўтказган сиёсати билан тенглаштириди”, деб ёзадилар.

Ҳа, М.Солиҳ чиндан ҳам “илмий институтларнинг бирида нутқ қилган эди”. Факат, у “совет миллий сиёсати” эмас, демография хусусида гапирган эди. Бу икки хил нарса. М.Солиҳ ўз нутқи ниҳоясида можор ёзувчиси Дюла Факете мақолосидан шундай парча келтирди: “Бу территорияда (Русиянинг немислар босиб олган худудида – М.С) биз аҳоли сонини қискартириш йўлидан боришимиз керак. Тарғибот ёрдами билан, биринчи навбатда, варака ва брошиоралар ёрдамида аҳоли онгига мунтазам равишда кўп бола туғиши ёмонлигини сингдирмоқ лозим. Тарғибот қилар экан, бола тарбияси жуда катта моддий харажатни талаб қилишини, бу исроф бўлган пулга қанчадан-канча нарсалар олиш мумкинлигини ва аёллар кўп түгса, соглигига зарар эканлигини тинмай айтиш керак” (“Иностранныя литература” №5, 1988. 190-бет).

Факете бу сўзларни Гимлернинг нутқидан олган.

М.Солиҳ кўчирмани келтириб бўлгач, бир оғиз ҳам изоҳ бермади.

Демография масаласига келсак, М.Солиҳ бу мавзуда фақат бир жойда чиқиш қилмаган. Ва ҳар бир чиқишда “ёшларга мўлжаллаб” эмас, балки, айнан Кружилин ва Хисомов қабилидаги одамларга мўлжаллаб гапирган: одамларнинг ҳаёти, психологияси ва анъаналарини билмай туриб, тарғибот юритиш миллий туйғуларни ҳақоратга олиб келишини ва бу ҳар хил фитналарга йўл очиб беришини тушунгирмоқ истаган. Гимлерни эслатгани ҳам, ўша фитнанинг олдини олиш учун, демак-ки, байналмилалчиликка хизмат қилиш учун (аксинча эмас) эди. афсуски. У кечикканга

ўхшайди. Кружилин-Хисомов айтганиларидай, бу жабҳада жуда кўпি “қовун туширилди” ва “туширилмоқда”.

Байналмилалчилик дегани бир томон буйруқ бериб, иккинчи томон жим туриши керак, яъни “Правда Востока” чоп этиб, бошқа газеталар ундан кўчириб босиши керак, деган маънони билдиримайди, албатта. Байналмилалчилик ҳар жабҳада тенг хукуқли икки томоннинг суҳбатидир, бир-бирини англаш, боринг-ки, ҳамдардлиқдир.

Афсуски, байналмилалчилик баъзи одамлар томонидан бошқача тушунилаяпти. Дейлик, ўтган йили байналмилалчилардан бири ТошМИ талабалари ва ўқитувчилари сонини бошқа миllat вакиллари хисобига кўпайтиришга чорлади. Бу одамлар байналмилалчиликдан хаёт неъматларини тенг таксимлаш учунгина фойдаланишади. Мабодо, пахтакор “Пахтани ўзбекдан бошқа термаяпти, бу меҳнатни Сиз ва болаларингиз биз билан тенг баҳам кўрсин”, деб қолса, нима дердингиз?

Буни “миllatчилик” деб атардингиз!

М.Солиҳни “икки хиллик”да айблаб, Кружилин-Хисомов шундай ёзадилар: “Солиҳ билан матбуотда баҳслашишга журъат этган ЛКСМ Марказқўмининг бир ходимига (мақоласи чиққанидан сўнг – М.С) дўқ-пўписаларга тўла кўнғироқлар бўлди, юмалоқ хатлар ёзилди”. Лекин Кружилин-Хисомовнинг мақоласи чиқкан куниёқ ўша ЛКСМ ходими Солиҳга кўнғироқ қилиб, ундей гапни мен ҳеч кимга айтганим йўқ, деди.

Кружилин-Хисомов “пахтани қайта ишлашнинг экологик зарари”ни изоҳлай туриб, “XIX-партконференсияга таклифлар”да айтилган асосий фикр – ўзбек ишчилар синфи йўқлиги ҳакида ломлим демайдилар. Ахир, улар пахта хомашёсининг 92 фойизини ташқарига жўнатаётганимизни ва токи, тайёр маҳсулот марказий районларда ишлаб чиқарилар экан, бизнинг бу турмаш даражамиз паст бўлажагини тушунмаслиги мумкин эмас-ку.

Бу янги гап эмас. “Партия Х-сьезди резолюциялари”да шундай деб ёзилган эди: “Тенгсизлик моҳияти... Русиянинг мустамлакаси ёки яrim мустамлакаси бўлмиш ўлкалар (айниқса, Туркистон) ҳар хил хомашё етказиб турувчи ролида мажбуран ушлаб келинарди ва хомашё марказда қайта ишланарди. Бу ҳолат уларнинг доимий қолоқлигига сабаб бўлиб, саноат пролетариатнинг пайдо бўлишига ... йўл қўймасди”.

Кружилин-Хисомов Мухаммад Солиҳни принсипсизлиқда айблашди.

М.Солиҳ “принсип”ни мансабга алмаштиргани йўқ, акс ҳолда у ҳақда “Ҳакиқатгўй Мухаммаднинг икки хил сўзи” каби “сенсатсион” мақола чиқмаган бўларди. Бу мақолада тилга олинган Солиҳнинг укаси Мақсад Бекжон 1979 йилда Ёзувчилар уюшмаси тавсияси билан Московдаги М.Горкий номидаги адабиёт институтига кириб, уни тугатган. Солиҳ, бор мансабни ишга солиб ҳам, уни ёзувчиликки аъзо қила олмас эди. Чунки, Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўладиган одам олдида “жанр бўйича совет”, “яширин овоз комиссияси”, “секретариат” каби бир қанча тўсиклар турарди. Бу тўсиклар аро қариндошини олиб ўтиш Солиҳга ўз виждонини таҳқирлаш бўларди. Кейин, М.Бекжон “дача” олган эмас, боғдорчилик ширкатидан ер олган. Бунга ҳар кимнинг хуқуқи бор. Бунинг устига акаси ишга келмасдан олдин берилган. Эҳтимол. Ёзувчилар уюшмаси котибининг укалари бўлмаслиги, бўлса ҳам, улар шеър ёзмаслиги кераклигини билса, Солиҳ укасининг уюшмага олинишига қарши турган бўларди.

Бу ҳам майли, Солиҳ ишга келгандан кейин “укаси квартира олиш навбатида олдинги қаторга ўтиб олибди”. Аслида, укаси квартира навбатида эмас, уйга муҳтожлар рўйхатига кирган. Ва ўша рўйхатда ҳали ҳам турибди.

М.Солиҳ Ёзувчилар уюшмасининг котиби бўлатуриб, ўз тупроғида, бегона уйларда кисиниб яшаётган бошқа шоир ва ёзувчи ёру биродарларига яхшилик қилолмади. Агар айблаш керак бўлса, уни мана шунда айблаш мумкин эди.

“Йиқилганни тепма” шеърининг таҳлили ҳам аввалги таҳлишлар каби шу қадар майда ва бачканга. Лекин шеърдан чиқарилган хulosса бизни жиддий фикр юритишга мажбур қилди. Мана, шеърнинг ўзи:

Йиқилганни тепма

Йиқилганни тепма. Ҳар ҳолда марҳум...

Тўзри, у ииқилди, лекин, ҳар ҳолда,

Сену менга ўхшаб ииқилмади-ку,

Ўлмади-ку балиқ қилтаногидан.

Ўлмади у балиқ қилтаногидан,

Унинг томогига тиғ тиқилган, бил.

*Йиқилса ҳам, унинг ланг оёғига
Байроқлар ўралиб йиқилгандир ул.*

1985

Бу шеър ўрта асрларда яшаб ўтган хукмдор (Амур Темур) ҳакида. Шеърда айтилган фикр шундай: Бу хукмдор ғалабалардан “тиқилиб ўлди”, оёқлари остига ташланган – таслим бўлган халқларниг түғларига ўралашиб йиқилди. Бу фикрни зукко рус шеърхони, таржима ҳар қанча қисқартирилса ҳам, англаб олади. Бе шеърга хос бўлган муҳим истиоралар (оёқлар остига ташланган байроқлар ва туғлар) таржимада ҳам сақланган. Бироқ Кружилин-Хисомов ёки атайлаб, ёкт бадиий жаҳолати туфайли бу шеърни Рашидовга тарафбозлик деб тушунгандар.

Бу шеърни русчадан ўзбекчага таржима қилган ЎзТАГ ходимлари шу қадар бузгандарки, бунга акл бовар қилмайди. Уларга шуни билдириб кўйиш керак-ки, бу мақола эмас, шеър. (Шеър 1986 йил “Олис табассум сояси” китобида чоп этилган) Агар сизда муаллифга хурматингиз бўлмаса, лоақал, она тилимизни ҳақорат қилманг.

Кружилин-Хисомовнинг айтишларича, Ёзувчилар котиби ўз мансабини сустеъмол қилиб, Франсияга таклифнома олган. Таклиф Мухаммад Солиҳга 1988 йилнинг апрел ойида қилинган эди ва М.Солиҳ у вақтда ўз амалини сустеъмол эта олмасди – у вақтда ҳеч қаерда ишламас эди, унинг шеърлари таржимага режалаштирилган, Франсияга шоир сифатида таклиф қилинган эди.

Сиз ЎзТАГ гувоҳномасига эга бўла туриб ва газета мухаррирларининг пинжига кириб, одамларни ҳақорат қилиб, номлари билан ўйнашайпсиз. Лекин сизга “ўша Оллоҳни”, “ўша муллаларни” ва “ўшандай заминни” ҳақорат қилишга ким хукуқ берди?

Қайси ўзбекнинг иккинчи бир дин, руҳонийлар ва ер ҳакида шунақа оҳангда гапирганини эшигтгансиз?!

Кружилин ва Хисомов Ўзбекистонни афғон тупроғи билан қиёслайди ва бизни шу ҳаётга шукр этишга чорлайди. Лекин улар Бухородан келаётган газ қувурлари газ нима билмайдиган ўзбек дехконларининг хилвираб турган кулбалари қошидан ўтишини наҳотки билмаса?

Бизга нима кераклигини, нима керакмаслигини сизлар белгилаб берасизларми?

Ха, бизга “боким” бўлмаслигимиз учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар зарур. Бизга маҳаллий аҳоли вакиларидан олий малакали мутахассислар керак. Бизга завод тутуни эмас, соф ҳаво керак. Бизга монокултура эмас, балки, яшил ўтлоқлар, яйловлар, боду роғлар керак. Бизга майиб-мажрухлар эмас, соғлом аёллар ва болалар керак. Бизни вояга етказган ва биздан ҳақли равишда химоя кутаётган ўз еримиз, ватанимиз керак.⁹

ҚАЙТИШ

Бундан етти-саккиз йил муқаддам мен латвиялик шоир дўстим Улдис Берзиншни Хоразмга олиб борган эдим. У туркшунос бўлгани учун, уни ўзбек адабиётигина эмас, ҳалқимизнинг туриш-турмуши, ўтмишга муносабати ҳам қизиқтарар эди. Хивага бораётиб, йўл-йўлакай Огохий мозорини ҳам зиёрат қилмоқчи бўлди. Мен Хоразмдан бўлатуриб, илтимоси қаршисида ожиз қолдим. Мен унга бу улуғ шоирнинг қабри қаердалигини биладиган одам жуда кам, деб айголмадим. Ҳазил билан қутулмоқчи бўлдим: “Бизда улуғ шоирлар шу қадар кўп-ки, агар ҳар бирига алоҳида мармар лавҳа кўядиган бўлсан, нафақат жумҳуриятимиздаги мармар конлари, ҳатто уни кўйишга ер ҳам етмаган бўларди. Чунки, ерни пахтадан бўшатиб шоирлар хотираси учун қурбон қиласидиган мард бизда йўқ”, дедим.

Бу аччиқ ҳазил эди.

Аслида, ҳатто ўзбекдай иқтидорли ҳалқда ҳам буюк шоирлар йўлда сочилиб ётадиган даражада кўп эмас. Уларнинг хотирасини дахрийларча унутиш даражасида истеъододга бойиб кетганимиз йўқ.

Усмон Носир ҳам унутиш мумкин бўлмаган шоирлардан эди.

У йигирма тўрт ёшда – деярли бола – ўз ижодини сарҳисоб қилиб кетди. Деярли ўсмир, у фавқулодда шуҳрат қозонди. Замондошларининг айтишича, ёзувчилар 25 йилигини нишонламоқчи ҳам бўлишган эканлар. Усмон Носир адабиётда ўзини улкан шоирдай сезган, чунки улкан шоир эди.

⁹ Бу мақола “Правда Востока”, “Совет Ўзбекистони” газеталарининг 1989 йил 7 январ сонида чоп этилган.

У Абдулҳамид Чўлпон каби улуғ шахсга баҳо бериб, “Бу одам буюк шоир, аммо, афсуски, қарияпти”, дейди. Унинг бу сўзларида улуғ шоирга чуқур хурмат билан бирга ўзини паст кўрмасликка интилиш ҳисси сезилиб турибди. Чўлпон билан ёнманён туриб, ўзига ишона оладиган шоирлар кам эди, аммо Усмон Носир шундай шоирлардан эди.

Ўнинчи йиллар шеърияти, яъни, инқилобни кўтара олмаган, аммо уни ўз гоялари билан ботинан тайёрлаган жадидлар шеърияти адабиётимизда чуқур из қолдирди. Усмон Носир шеърларини ўкир эканмиз, унда Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон шеърияти таъсирини сезмаслик мумкин эмас. Лекин, бари бир, Усмон Носир янги давр шоири эди. У зулматдан учеб чиққан бир қуш каби дафъатан пайдо бўлди. Аммо, у ўзини яна зулматга учеб бораётганини умрининг охиригача сезмади. “Халқлар отаси” деб ном олган Сталин, инқилобнинг 20 йиллигига ўзига хос армугон билан келди. Яъни, бу тўй шарафига мамлакатимизнинг гуллари саналмиш зиёлилари курбонлик келтириди.

Чақимчилар, соткинлар байрам дастурхони атрофида гирдикапалак бўла бошладилар. Қассоблар ўз пичокларини қайраб, буйруқни адо этишга уннадилар. Ўттиз еттинчи йил – Сталин қирғинининг чошгоҳи яқинлашиб келарди. Чўлпон “миллатчи” сифатида биринчилар каторида ўлимга маҳкум этилиши мукаррар эди. Абдулла Қодирий ҳам шундай: Фитрат ҳам бундан мустасно эмас эди. Усмон Носир-чи? Наҳотки, у ҳам миллатчи бўлса? Йигирма тўрт ёшда-я? Тўғри, ёш. Аммо истеъдодли. Унинг шеърларини одамлар ёддан билардилар. Лермонтовнинг “Демон” поэмасини таржима қылган. Шоир ўз тилини, ўз маданиятини севади. Ўз халқининг тарихи билан фаҳранади. Бундай одам миллатчи бўлмаслиги мумкин эмас...

Репрессия (қирғин) бошқармасининг фикри шундай эди.

Усмон Носир машъум “бошқарма” шахидлари орасида энг ёш шаҳид эди.

Усмон Носирнинг ўз ватанига қайтиш муддати узоқ давом этди. Мана, ниҳоят, у бутунлай қайтиб келди.

Хуш келибсиз, Ватанингизга, Шоир!

1988

“МУҲАББАТНОМА” ХУСУСИДА

XV-асрда ўз шеърияти билан туркий ва форсий дунёни тўлдирган Алишер Навоийнинг улуг келбати ундан олдин ўган шоирларни бир қадар тўсиб кўйди.

Биз Атоий, Саккокий, Хоразмий ёхуд Лутфийнинг шеърларини ўқир эканмиз, беихтиёр уларни Навоий билан қиёслаймиз. Агар шу қиёс бўлмаганда эди, юкорида саналган ҳар бир шоиримизни дунё шеъриятининг энг кучли намояндалари билан тенг кўйиб, ўрганган бўлар эдик. Мен буни факат афсус билан эмас, фахр билан ҳам айтаяпман.

Начора-ки, шеърий анъанамизнинг мақоми юксак, мезони – улуг. Бу мезон – Навоидир.

Лекин шу улуг мезон орқали қараганда ҳам, сұхбатимиз мазуси бўлмиш Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”си ўз кучини йўқотмайди. Бундан деярли олти ярим аср муқаддам битилган бу асар, аввало, ўзининг баркамоллиги билан, тилининг бугунги тилимизга ниҳоятда яқинлиги ва соддалиги билан ҳайратга солади.

*Аё номеҳрибон аҳди бақосиз,
Жаҳон елдек, умр гулдек вафосиз.
Қаму ёқут иринли, сўзи дурлар
Вафосизликни сиздан ўрганурлар.*

Бу сўзлар тизими нафақат бизга, балки, бугун туркий элатларга тушунарлидир. Тасаввур қилинг, бугун туркийда сўзлагувчи 200 миллионлик ҳалқ олти юз йил аввал ёзилган шеърни бемалол ўқиб, завқланиши мумкин.

Албатта, бу, биринчи галда, туркий тилнинг табиатидаги халоскорлик консерватизм шарофатидир. Ҳамма тилларда ҳам бир қадар консервативлик хусусияти мавжуд. Бу камчилик эмас, фазилат. Бу тилнинг ўз-ўзини ҳимоя қилиш усулидир. Шу маънода туркий тил дунё тиллари ичida ниҳоятда ўзига хос: уни кейинги минг йиллик тарихига боқсақ, бошқа тилларга нисбатан, у жуда кам ўзгарган.

Масалаң, тахминан Хоразмий даврида яратилган славян халқларининг ёзма ёдгорлиги “Игор жангномаси”ни бугун руслар, украин ва белоруслар ҳам таржимада ўқишиади.

Аммо бу муқоясадан туркий тил ривожланмапти-да, деган хулоса чиқмаслиги керак. Тилимиз ўнинчи асрдаёқ энг бой

тиллардан бири эди. Буюк аллома Маҳмуд Қошғариш ўзининг “Девону лугатиг турк” асари сўз бошисида шундай деб ёзган эди: “Бу китобни тузища Халил ибн Ахмаднинг “Китобул айн” асарида тутилган тартиби кўллаш фикри бор эди. Бу тартиб икки улоқчи от сингари араб тили билан пойга килиб, ундан ўзиб бораётган турк тилини тўлиқроқ ёритиш учун ҳам зарур эди”.

Аммо туркий тил ўзини қанчалик ҳимоя этмасин, у тарих чорраҳаларида жуда кўп бошқа тиллар билан алоқада бўлди ва уларга таъсир ўтказди, уларнинг таъсиридан баҳраманд бўлди. Эҳтимол, шу сабабдан ҳам тилимиз асрлар давомида гўзал, энг бой тиллардан бўлиб келмоқда. Айни пайтда тилнинг заҳматкаш ҳаммоллари – шоирлар, ёзувчилар, тилимизни авайлаб, софлигига путур етказмай асрдан-асрга олиб ўтишган. Шу улуғ “ҳаммоллардан” бири Хоразмийдир.

“Мухаббатнома”нинг ўнинчи бўллагидан икки сатр келтираман

*Манга ишқинг йўлида қон кўринур,
Юзинг ойнасида жон кўринур.*

“Қон” ва “жон” сўзи шеъриятимизда жуда кўп қофияланган. Бугун ҳам қофияланмоқда. Лекин бу содда, жўнгина қофияни бутун бир фалсафага бўйсундирмоқ фақат чинакам шоирнинг қўлидан келиши мумкин.

Биринчи сатр ишқ йўлидаги машақкатни ифодалайди, иккинчи сатрни таҳлил этмоқ учун Хоразмий яшаган давр зиёлисининг дунёқарашини англамоқ зарур, ўша давр фикрида етакчи оқим бўлган тасаввуф ғояларидан хабардор бўлмоқ керак. Маъшуқнинг юзида ўз жонини кўраётган ошиқ – ўзини ҳақ кўзгусида томоша қилаётган инсондир. Яъни, бу ўша қадим фалсафанинг янги, оригинал талқини: инсон мутлақо ҳақикатнинг акс садоси, илмий тил билан айтганда, у ҳақнинг тажаллийсидир – эманатсиясиdir.

Қизиги шундаки, сўғизм ғояларини билмаган ўқувчи бу сатрларни ўқиб ўзича таъсиrlаниши мумкин, ақл билан эмас, хиссий идрок билан таъсиrlаниши мумкин:

*Манга ишқинг йўлида қон кўринур,
Юзинг ойнасида жон кўринур.*

Ваҳоланки, шоир Хоразмий ҳам “Мухаббатнома”ни ёзар экан, биринчи навбатда, ўша ўқувчи кўз ўнгидага тутиб ёзган ва ёр образида, шубҳасиз, реал қиз тасвиirlанган:

*Ақиқинг суҳбатингдан жон қилур сўз,
Қамардек чеҳрангга боқса қамар кўз.
Урур нарғизларинг новакни жона,
Кулар чеҳранг чечакдек аргувона.
Муҳаббат нори жондин кетмади ҳеч,
Кўлим сим олмангизга етмади ҳеч.
Саройдин борди Чин-Мочинга човинг,
Киё боқсанг бўлур арслонлар овинг!*

Бу парчадаги бадиий қувватни мазмундан ташқари, товушлар гармонияси янада кучайтиради. “Саройдан борди Чин-Мочинга човинг”, “Кўзлар чеҳранг чечакдек аргувона” сатрларидағи “ч” товуши тақрорланар экан, гаройиб мусиқани зохир этади. “Қамардек чеҳрангга боқса, қамар кўз” мисрасида иккита “қамар” сўзи ишлатилади, аммо улардан бири от, яъни “ой”, иккинчиси эса, “қамашмоқ” феълини ифодалайди. Сўзни бундай аниқ, мохирона, айни пайтда илҳом билан ишлатиш учун улкан сўз устаси бўлмок керак.¹⁰

1988

АКАДЕМИК ЭРКИН ЮСУПОВГА МАКТУБ

Қадрли Эркин ака!

Афсуски, бугунги мишишлар, хусусан, “Совет Ўзбекистони”даги “иккитиллик масаласига” оид мақолангиз ва телевидениедаги сўнгти чиқишингиз атрофидаги гаплар Сизнинг ҳам, ўзбек зиёлиларининг ҳам обрўсига яхши бўлмаяпти.

Сиз тил бўйича комиссия раисидирсиз. Эҳтимол, бу комиссия хулосаси жумҳурият фикри бўлиб қарор шаклига кирад. Масъулият катта. Тилимиз давлат тили бўлиши шарт. Бу “бир ҳовуч зиёлилар” истаги эмас, балки бутун халқнинг орзу-армони. Буни ўзингиз жуда яхши биласиз. Бас, шундай экан, биз халқ тарафда турмасак, ким туради? .. Сиздан илтимос ва илтижомиз шуки, тилимиз билан дилимизни бир қиласайлик. Бугун биз тарихий

¹⁰ Ўзбекистон телевидениесидаги чиқиши матни.

вокеа бўсағасида турган бўлишимиз мумкин. Мансаб, обрў, раҳбарлик ўтиб кетади. Аммо халқимиз, тилимиз, ватанимиз қолади. Бизни фарзандларимиз қаргаб юрмасин.

Бугунги хисобга кўра, Ўзбекистонда 72 фойиз ўзбеклар, 13 фойиз рус тилида гапиравчилар, 4 фойиз тожиклар (қолганлари туркӣ халқ вакиллари) яшайдилар.

Биз ўзбек тилини билмайдиган 13 фойиз учун ўз тилимизни курбон қила олмаймиз. Агар бу “фойиз” 25 ёки 40 бўлганда хам бив ўз тилимизнинг ўз еримизда давлат тили бўлишини истаган бўлардик. Чунки, акс ҳолда, ўша Сиз доим таъкидлаётган “байналмилалчилик” тушунчасининг бир чақалик қадри бўлмас эди. Борди-ю, Сиз бошқараётган комиссия вазифасини адо этолмаса ёки адо этишни хоҳламаса, **жамоат ўз тилини ҳимоя қилишга тайёр**.

Ишонинг, у ўз хуқуқини қатъий талаб этажак. Бизнинг Ёзувчилар уюшмасига келаётган хатлар шундан дарак бериб туриди.

Сизга соғлиқ тилаб, Сиздан умид қилиб, укангиз Муҳаммад Солих.

P.S. Тазиик факат сизга эмас, ҳаммага ўтказиласпти. Аммо бу ўзимизни оқлаш учун хуқуқ бермайди. Мен Сизга ўзимни яқин ўйлаб, шу гапларни ёзишга ҳаддим сиғди. Йўқса, Сизнинг қимматли вақтингиз олиб ўтирмас эдим. Афу этинг.

12.01.1989

“СИГИР”НИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Хурматли оқсоқолимиз, жумхурият табиатини муҳофаза қилиш жамияти раисининг ўринбосари Ориф Алимовнинг “Совет Ўзекистони” газетаси 10 феврал сонида босилган “**Ўзимиз тузатамиз**” мақоласида қўйилган масала – экология хусусида қўп ёзилган ва бу борада ўртоқ Алимовнинг фикрлари жуда тўғри. Яъни, ўша мақолада каминанинг шахси эслатмаганда, унга жавоб ёзиб ўтириш жоиз эмас эди.

Ориф Алимов мени йўқотилган қишлоқлар тўғрисида нотўғри хабар берганликда айблайди. Гапнинг индаллосини айтиб қўя қолайлик: Тошкентда нашр этилган (ТИИМСХ – 1974) “Земле

устройство и планировка населенных пунктов” мажмуасида шундай рақамлар бор: “... ерни режалаштириш ишлари хulosаси шуни кўрсатадики, қишлоқлар (Ўзбекистондаги – М.С.) ва хуторлар (овуллар) сони 28,1 минг ва шундан 14,5 мингтаси кичик посёлка ва хуторлар экан” (160-бет)

Ориф Алимов эса, фақат қишлоқлар сонини келтириб, хуторлар ҳақида лом-мим демайди. Мен “Литературная газета”даги мақоламда биринчи рақамни 28,1 минг эмас, балки камайтириб, 27 минг деб айтибман. Бу менинг хатоим. Лекин бу хато ўртоқ Алимов айтганидек, “даҳшатли” эмас. Даҳшатли томони, яна оқсоқолимиз айтгандек, ўша 14 минг нусха (хуторларни ҳисобламасак) қишлоқдан мингтаси йўқ қилинганидир. Агар улар йўқ қилиниб, ўрнига шахарлар барпо бўлганда эди, бу тадбир ўзини оқлаган бўлар эди. Лекин бу қишлоқлар ўрни пахта майдонига айлантирилди. Ўртоқ Алимовнинг “кўшилиб, иириклишган қишлоқлари”, аслида, пахтага жой бўшатиб берилган қишлоқлардир.

1972 йил 29 майда ЎзКП Марказий Комитети ва Министрлар Совети “Хуторларни йўқ қилиш ва жумхурият қишлоқ хўжалигида капитал қурилишни тубдан яхшилаш” ҳақида Қарор чиқарган. Шу Қарор асосида жуда кўп хуторлар йўқ қилинди, аммо қишлоқларда “капитал қурилиш” яхшиланмади. Агар оқсоқол арбобларимиз ва олимларимиз куюниши самимий бўлса, уларнинг муборак диққати бир икки ёзувчининг хатоси эмас, ўша долзарб масалани ҳал қилишга қаратилиши керак эди.

Мен юқорида эслатган “Қарор”ни бошқа жумхурияtlар ҳам қабул қилган эди. Аммо ўз ери, ўз табиати ва ўз фуқароси соғлигини ўйлаган хукумат арбоблари фақат “Қарор”ни амалга ошириш учун киришмаган. Дейлик, Болтиқбўйи жумхуриятларида хуторлар бугун ҳам сақланиб қолган ва бугун ҳам бу гўшалар гуллаб-яшнайти. Ҳозир у ерда кўп шаҳарликлар хуторга кўчиб боряптилар. Бизда бундай имкон йўқ, сабабини юқорида айтдим. Агар етмишинчى йиллар “Қарор” чиқарип, уни амалга оширишда қатнашган арбоблар масъулиятни биз ёзувчилардан талаб қилгандай катъий ҳис этганиларида эди, эҳтимол, бу масалада бугун тортишиб ўтирган бўлардик.

Ориф Алимов яна шундай деб ёзади: “Мен шоир Мухаммад Солиҳнинг СССР Ёзувчилар уюшмасиplenумидаги маърузасида келтирган рақамлар хусусида ҳам фикр айтмоқчи эдим...

Инқиlobга кадар бир кило соф пахта учун дeхқон 15 тийин оларди... Аслида расмий маълумот қуийдагича: 1917 йилда ўртача бир килограмм пахтанинг нархи 12 тийин... мол гўштининг бир килоси 20 тийин бўлган..."

Мен шу айномага жавоб ёзишга улгурмай, "Совет Ўзбекистони"нинг 14 феврал сонида академик И.Искандаровнинг "Жиддий муаммолар" сарлавҳали мақоласи ҳам мол гўшти – сигирга қаратилди. Начора, муаллифларни қанчалик хурмат килмай, икковига битта жавоб ёзишга мажбурман, улар мени афу этсиnlар: мен пахта ҳақида гапирап эканман, Ориф Алимов ёзгандек 1917 йил маълумотига эмас, инқиlobгача маълумотга асосланганман. Бу Ориф Алимов мендан олган кўчирмада ҳам ёзилган. Тарихий саналарнинг атайин адаштиришнинг нима кераги бор?

Академик Искандаров шундай давом этади: "... Пахтанинг нархига келсақ, хозир у республика бўйича Мухаммад Солиҳ айтгандек, килограммига 15 тийин эмас, 85 тийинни ташкил этади".

Тўғри гап. Лекин бунинг 15 тийинга нима алоқаси бор? Ахир, бу 85 тийин дeхқонга эмас, колхозга тўланади-ку! Дeхқон эса ўз қўли билан терган пахтанинг бир килосига 15 тийин олади. Мен айнан шу пул ҳақида гапирганман. Буни била туриб, билмаганга олиш зиёли одамга ярашмайди.

Энди "сигир" масаласини ҳал қилайлик.

"*Туркестанская туземная газета*" сининг 1888 йил 28 июл (№29) сонида шундай хабар бор: "В Москве, в начале июля были следующие цены на средназиатские товары:

Хлопок Кокандский 1 пуд – 9 рублей 9 копеек

Хлопок Американский 1 пуд – 11 рублей 50 копеек.

... базарные цены 25 июля на мясо баранье:

1пуд – 1 рубль 40 копеек..."

Шу рақамлардан келиб чиқсан ҳолда хисобласак, 1 кило пахтанинг пулига (56,8 тийин) бозордан нақ 6,5 кило қўй гўшти олиш мумкин бўлган эди. Бугун, бир кило қўй гўшти олиш учун дeхқон давлатга 40 кило "оқ олтин" (агар унинг килоси 15 тийин бўлса) териб бериши керак. Инқиlobдан олдин, ўзингиз кўрдингиз, 40 кило пахта пулига 280 килограмм қўй гўшти сотиб олса бўларди.

Энди ўйлаб кўринг, вазни 280 кило келадиган гўштини истеъмол қилиш мумкин бўлган мавжудот сигирми, бузоқми ёки эшакми?

Сўзимнинг сўнгидаги шуни айтишини истардимки, “Литературная газета”да босилган бу нутқ шунча гапга сабаб бўлган экан, уни аввал ўзбек тилида эълон қилиш керак эди ва у шундан кейин муҳокама қилиниши лозим эди. Бир-икки жумлани матндан юлиб олиб баҳс юритиш адолатдан эмас.

1988

ОЧИҚ ХАТГА ЖАВОБ

Хурматли Озод Бобомирзаевич!

Сизнинг “очик” хатингизни ўқиб, “чумчук сўйса ҳам қассоб сўйсин”, деган ҳикмат маъносини яна бир бор хис этдим. Сиз қўйилган муаммонинг асосий нукталарида ҳаксиз. Лекин Сизнинг мактубингиз баҳона, мен бу масалага оид баъзи фикрларимни, кечикиб бўлса ҳам, айтиб қўймоқчи эдим. Газетхонларимизга маълум, демография хусусида баҳс бундан икки йил аввал бошланган эди. Камина ҳам беихтиёр шу баҳсга кўшилиб, анча дакки еган. Ўша “дакки”ларнинг сўнгтиси бултур “Правда Востока” газетасининг 1988 йил 25 март сонида босилган “Куда ведет поводыр зрячий?” мақоласи бўлди.

Мен туғилиш, болалар ўлими, аёлларимиз соғлиги ҳақида гапирав эканман, масаланинг туб моҳиятини ўрганишга чақирган эдим. Мақолам ҳам иқтисодчилар, сотсиологларга савол тариқасида ёзилган эди. Жумхуриятимиз иқтисодини кўтариш учун ва болалар ўлимини тўхтатиб, оналар соғлигини яхшилаш учун фақат туғилишни қисқартириш керакмикан, деб савол берган эдим. Бу фожеалардан кутулиш учун биринчи навбатда иқтисодни кўтариш керак, лекин унинг учун туғилишни камайтириш ҳеч шарт эмас, деган эди.

“Куда ведет поводыр зрячий?” мақоласи муаллифи бизга шундай савол берди: “Ҳар туғилган гўдак – ортиқча оғиздир... Тўғри кўп болали оиласалар давлат ёрдамига ишонишлари мумкин. Аммо ота ва она бурчини тўла ўз зиммасига оладиган давлатнинг ўзи борми?”

Албатта, бундай давлатни топиш қийин.

Хатто, бизникідай инсонпарвар давлат ҳам ота-она вазифасини ўз бўйнига ололмайди!

Лекин Ўзбекистон ота-оналари ўз оиласини “боқиши вазифасини давлат зиммасига юклайти” деган фикр қаердан чиқди? “Ортиқча оғиз” иборасини ким ўйлаб топди? Бизнинг кўп болали оналарга берилаётган имтиёз Иттифоқнинг марказий вилоятларида яшайдиган оналар олаётган ёрдамдан бир неча марта кам-ку! Ёки берилаётган бу “садақа”ни ҳам бекор қилиш керакми?

Ўзбекистон аҳли уруш даврида Русия, Белорусия ва Украинадан кўчиди келган минглаб болаларни, майб-мажрух оналарни ўз бағрига олган эди, улар билан фақат нон эмас, дард изтиробни, қайгуни ҳам баҳам кўрган эди. Лекин ўшандаги хеч ким “ортиқча оғизлар” хақида гапирмаган эди.

Ёки ўша пайтда ўзимизнинг болаларимиз камроқмиди?

Ёки биз уруш давридан бугунгидан тўкинроқ яшармидик? Йўқ. Бизда инсонга ҳамдардлик туйғуси бор эди. хақиқий байналмилалчилик туйғуси бор эди. Инсон боласини биз “ортиқча оғиз”, деб айтголмас эдик, бунга минг йиллик маданият, қонимизга сингиб кетган тарбия йўл кўймас эди.

Хурматли Озод Бобомирзаевич! Сиз, албатта, мутахассис сифатида бўлиб ўтган баҳсдан хабарингиз бор. Эсингида бўлса, баҳс “оилани планлаштириш” иборасидан эмас, балки, “туғишини кисқартириш” деган очиқ кўрсатмадан бошланди. Фақат кейинроқ, жамоатчилик норозилиги сезилганда, ташаббусчилар бу кўрсатмани “оилани планлаштириш” деб аташга мажбур бўлдишлар. Лекин бу “ташаббус”нинг моҳияти ўзгармади. Ташаббускорлар фикрича, туғилиш жараёни бугунгидай юксак суръатда борса, 2010 йилга бориб, биз бу халқнинг қорнини тўйдира олмас эмишмиз, экин экиласидиган ерлар кисқариб, иқтисодий мувозанат бузилар эмиш.

Биринчидан, биз жуда ҳам “юксак суръатда” кўпайиб кетаётганимиз йўқ. Аксинча, бугун туғилиш камайиб бормоқда. Буни мен бошқа мақолаларда ракамлар билан кўрсатган эдим. Иккинчидан, нахотки, 2010 йилгача иқтисодий жулдурларни кийиб юрмоқчи бўлсақ? Бу – янги минг йилликда ҳам Ўзбекистон иқтисоди бугунгидай паст, ишлаб чиқариш воситалари бугунгидай хор, техник ускуналар бугунгидай хароб бўлади, шунинг учун эҳтиёт бўлинг, кўпайманг, деган гап-ку!

Тугилиш кўпайса, экин экиладиган ерлар қисқаради, деган иддао янада қулгилироқ. Нидерландия худуди Ўзбекистон еридан 10 баравар кам, лекин бу мамлакат озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини тўла таъминлаб, органини четга чикаради ва экспорт бўйича дунёда (АҚШдан кейин) иккинчи ўринда туради. Нидерландия бу тўкинликка тугилишни 10 баравар қисқартириб эришгани йўқ. Улар оилани ҳам бошқача “планлаштиридилар”, одамларнинг турмуш даражаси баланд бўлса, тугилишни маъмурий йўл билан қисқартирига ҳожат қолмаслигини биладилар...

Хурматли Озод Бобомирзаевич! Бир фикр ҳадеб такрорланаверса, бу одамнинг ғашини келтиради. Ёзувчилар, олимлар, ҳатто ҳукумат арбоблари ҳам болалар ўлими, экологик бўхрон хусусида ҳар хил минбарлардан туриб гапирадилар. Аммо ҳалқ бу фикр ва тақлифларининг ҳаётимизга реал таъсирини кўпроқ истайди. Бугун Орол тўғрисидаги гаплар худди дафн маросимидағи мунақашага ўхшайди. Бу жабҳада давлат комиссияси тузилиб, Оролнинг ҳеч бўлмаса бугунги сатҳини сақлаб қолиш учун пул ажратилган. Бу яхши тадбир. Лекин яқинда қорақалпоғистонлик ёзувчи дўстим менга қўнғироқ қилиб, ўша пуллар яна ўз ўрнида ишлатилмаётгани ҳақида куюниб гапиради. Шунингдек, оилани планлаштириш тарафдорлари ҳам диққатни болалар саноғига эмас, уларнинг соғлигига, оналар ва отлаларнинг соғлигига кўроқ қарамаяптилар. Тошкент шаҳар 1-касалхонаси бош врачи, фан номзоди Адҳам Расуловнинг бу соҳадаги ҳужжатларини кўрсангиз, одам даҳшатга тушади. Бу фидой одам ташаббуси билан шифокорлар гурухи бир неча марта қишлоқларга чиқиб келди, қишлоқ аҳолисининг аҳволини ўрганди. Шифокорларнинг чиқарган хулосаси, албатта, баъзи мансабпарастларга маъқул келмади. Чунки, Расулов ва унга ўхшаш жонкуяр шифокорлар касал одамлар сони яширилаётганини фош қилдилар. Бу ҳақда Адҳам Расуловнинг СССР Соғлиқни сақлаш вазирига ёзган хати қайтиб, жумхуриятнинг бош давлат шифокори Ш.Шаҳобовга тушади. Ўртоқ Шаҳобов “шикоятчи”ни ёнига чакириб сухбат ўтказар экан (сухбат 1987 йилнинг 15 декабрида бўлди), Ўзбекистонда юқумли касалликка чалинган биронга ҳам одам “яширилмаган” деди. Бу ҳол Расулов учун янгилик эмас эди. Чунки, худди шундай ёлғон ва ҳақоратни у 1983 йилда ҳам эшитган эди. Расуловнинг хатини текширишга келган бригада бошлиғи СССР Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари П.Н.Бургасов: “Ўзбекистонда ўтказилаётган тадбирлар аъло даражада. Бу

тажрибани бутун Иттифоқка оммалаштириш керак. Юқумли гепатит ҳоллари яширилгани тасдиқланмади. Шикоят қилган одам руҳий касал одам”, деган эди.

Шу воқеадан кейин Расулов тұхмат ва бўхтонлар ёмғири остида ишдан олинган эди. Қайта қуриш шарофати билан “окланиб”, ишга тикланди, аммо ўз ишига эмас. Шунга қарамай Адҳам Расулов курашни тўхтатгани йўқ. Унинг ёзилиб, ҳамон чоп этилмаган “шикоят”ларидан баъзи хужжатларни келтираман: “Медицина” газетасида босилган (1.03.1989 й.) “Преодолеть кризис” мақоласида “Жумхурият болалар ўлими ва юқумли касалликлар сони узоқ йиллар яширилиб келинди” дейилади. Лекин бу сон бугун ҳам яширилаяпти.

Ишонмасангиз, ўша Шахобов қўл қўйган хужжат – республика санэпид кенгашининг 1988 йил 29 сентябр куни чиқарилган қарорида шу ракамлар бор: 1988 йилда етти ой давомида юқумли касалликларга чалингандар сони Ховос туманида 68 фойиз, “Ворошилов” туманида – 74,9 фойиз, Сирдарё туманида 80,7 фойиз, “Оқ олтин” туманида эса, 83 фойизга яшириб келинган.

Бу жиноятга ким жавоб беради, деб хитоб этади шифокор Расулов. Юқумли касалликлар, хусусан, жигар касаллиги бўйича Ўзбекистон Соғликни сақлаш вазирлиги чиқарган хulosаси ниҳоятда қўрқинчлидир. Мана бу ракамга қаранг: 1975-1988 йилларда Ўзбекистон ССРда юқумли жигар касали билан оғриган кишилар сони 2 миллион 307 минг 708.

Икки миллион уз юз етти минг етти юз саккиз одам жигар касалига мубтало бўлган экан. Бу – миплатнинг тўртдан бири тўлаконли меҳнатга лаёқатсиз деган гап. Бу дегани, яна минглаб гўдаклар нимжон ва мажруҳ бўлиб туғиляжак ва биз бу фожеа сабабини “кўп туғиш”дан ахтариб, баҳс юритажакмиз.

Яқинда ўтган суҳбатларнинг бирида, Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши раиси F.X.Қодиров кейинги бир йил ичида болалар ўлими бир қадар қисқаргани ҳақида маълумот берди. Албатта, бу ўзгариш умид уйготади, аммо ССВ(соғликни сақлаш вазирлиги)га ажратилиётган маблағ (нафақат жумхуриятимизда, Иттифоқда ҳам), ниҳоятда кам, касаллик эса, фақат яхши ният билан тузалмайди.

Жигар касаллигидан ташқари, Ўзбекистонда яна бир дард бор, унинг номи – рак. Тошкент онкология институтининг текширувлари бўйича Ўзбекистонда бу касаллик 1980 йилга

нисбатан 16,5 фойиз ошган. Шу институт ходимлари яқинда далат органларига мурожаатнома ёздилар. Ундан парчалар келтираман: “Қашқадарёning икки туманида яшовчи 760 нафар ёш аёлдан фақат 12,3 фойизи соглом бўлиб чиқди, 87,7 фойизида кўкрак бези касаллиги ва унинг 1,2 фойизидан кўргидан рак топилди. Ичак ва ошқозон раки билан оғриган беморларнинг бир йил ичида 49, 3 фойизи, баъзи вилоятларда (Фаргона, Бухоро, Наманган, Андижон) эса, 59 дан 63 фойизгача ўляяпти. Рак касалига чалинган 200 кишидан саксон бештасининг ёши 19 дан 40 ўртасидадир. Бу оралиқ одамнинг ҳам руҳий, ҳам жисмоний кучга тўлган пайти! Шуни таъкидлаш керак-ки, ўша 200 одамниг 140 таси бевосига пахта далаларига якин жойда яшаб келган.. Қон ракидан ўлган ўсмирларнинг 38,3 фойизи 14 ўшгача умр кўрган. Бу ракам фақат аглахларнигина даҳшатга солмайди!”, дея хитоб қиласи шифокорлар.

Улар бу фожеа сабабини, пахта монокултураси, деб кўрсатадилар ва жумхуриятдаги аграр сиёsat инсонга хизмат қилмоғи керак, дейдилар.

Маълумки, пахта далаларида **асосан ўзбеклар** меҳнат қилишади. Шунинг учун ҳам ўзбекларнинг рак касалига йўлиқиши эҳтимоли Ўзбекистонда яшовчи бошқа миљат вакилларига нисбатан 47 марта кўп экан.

“Мурожаатнома”га имзо чеккан 21 киши мутасадди идораларни пахта плани ва пахта экиладиган ерларни икки баравар қисқартиришга даъват этдилар. Бу касалликни камайтириш, экологик фожеанинг олдини олиш, бутун миљат келажагини муҳофаза этишининг ягона йўлидир, деб ёзди шифокорлар.

Бундай мунгли мурожаатномалар. Хар хил касбдаги юзлаб одамлар имзо чеккан чақириклар кўп ёзиляпти. Одамлар ўзининг шахсий ғам-аламини эмас, халқ дардини айтиб, шикоят қилмоқдалар. Ҳатто баъзи шоирлар (А.Орипов) бу хат-шикоятлар устидан кулиб, “Имзо тўпла” кабилида юмористик шеърлар ёзишгача боришиди. Лекин бизнинг ҳётимиз юмор эмас. Буни фақат сўқир кўрмаслиги мумкин, фақат кар эшигмаслиги мумкин.

Бизнинг боболаримиз инсон умрини оқарсувга қиёслар эди. Афсуски, бугун оқарсувлар йўқ, бўлса ҳам, улар заҳарланган. Боболаримиз бизни “чинордек умр берсин”, деб дуо қилардилар. Афсуски, бугун чинорлар ҳам куриб бормоқда.

Не тонг-ки, ўз тимсоллари каби, жумхуриятимизда инсон умри ҳам қисқарып бормоқда. Эсланг, қишлоқларимизда келишган йигитлар, хушрўй ва дуркун қизлар юрар эдилар. Улар кулганида, ўттиз иккита тиши яркираб, юзларидан нур тарагалар эди, кўриб кўзингиз қувонар ва шу ер учун, шу соғлом, бағри кенг миллат учун сизда фаҳр уйгонар эди.

Қани ўша одамлар? Ёки пахтага қўшиб, уларни ҳам давалатга топшириб қўйдикми?

Биз етмиш йил давомида меҳнатни улуғладик, лекин бу меҳнат бизга нима берди, биз эзгулик сари силжимадикми? Албатта, фаровонликни фақат ташки неъматларда кўрадиган одамлар бунга тез жавоб беришади: “*Биз колхозчилар пахтадан даромад қилмай қўйди*”, деб кўп гапирамиз. Фарғона сафаримда бу гапга жуда ҳам тўла ишонгим келмади. Ўша наврўз куни мабодо вертолёт билан тепага чиқиб қарасангиз, ҳайратдан ёқа ушлаб қолишинигиз аниқ. Еру кўкни “Жигули” босиб кетган. Янада баландроқ чиқиб қарасангиз, назарингизда Куба адирларини тиллақўнгиз босиб кетибди, деб ўйлайсиз... гужс-гуж “Жигули”лар орасидан чиқиб кетиши учун икки соат сарсон бўлдим. Катта даромад қилмаса, бу сарф харажатни улар қайдан олишиди? “(Совет Ўзбекистони, 1989 й. 1 май сони, Саид Аҳмад “Тиниқлик” мақоласида).

Тўғри, вертолётдан қаралса, машиналар – тишлиқўнгиз, гўристон гулистон бўлиб қўриниши мумкин. Ҳа, “Тепа”дан қараганда, эшшаклар – одам, одамлар эса, қумурска бўлиб ҳам қўриниши мумкин. шунинг учунмикан, бизда гоҳо инсоннинг қумурскачалик қадри билинмайди. Бошқа бирор майли, аммо ёзувчи ҳам ўз халқига “тепадан қарашиш” таклиф этса, бу халқнинг шўри қурисин! Оқсоқол Саид Аҳмад мени кечирсин, аммо унинг мақоласи халқимиз ахволини кўра-билатуриб хас-пўшлаш, азада айтилган бачканга латифага ўхшайди.

Хурматли Озод Бобомирзаевич! Мен асосий мавзудан сал узоклашган эсам, узр, аммо демография дегани менинг тушунчамда айнан ўша “узок” муаммолар билан чамбарчас боғлиқ қўринади. Бир сўз билан айтганда, биз “оилани планлаштиришдан” олдин ўз иқтисодимизни, еримиз сифатини, одамларимиз соғлигини ва ниҳоят, ўз қадр-кимматимизни кўтармогимиз ва бунинг зарурлигини кенг жамоатчилик онгига етказмогимиз керак. Токи, пахта монокултураси хукм сурар экан, токи, ўз еримиз учун ўзимиз

жавоб бермас эканмиз, токи, тепамизда баҳайбат Госплан сояси турар экан, бу тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш жараёни ниҳоятда оғир кечажак. Агар бугун кўп тилга олинаётган “иктисодий мустакиллик” ғояси бизнинг жумхуриятимизда ҳам амалга ошса, ёҳтимол, биз орзу қилган кунлар уччалик кўп куттирумас.

Сўзим охирида Сизга бир эътиrozim бор, Сиз: “аёлларимиз оналиқ ролидан улуғроқ мақсадга хизмат қилишга лойик” деган фикр билдирибсиз. Менимча, *аёл учун оналиқ вазифасидан улуғроқ вазифа йўқдир*.

1989

“СОФ САНЪАТ” ХУСУСИДА

Шеърият санъат тури сифатида оммавий турга айланди. Бунга сабаб, ахборот воситаларининг кўпайгани, балки, шеъриятнинг санъат сифатида ниҳоятда жўнлашганидир. Яъни, шундай бир давр келди-ки, шеърий идрок омма идрокига бўйсунди. Энди шеъриятда табакаланиш йўқ. Бир замонлар шоир деган авлиёлар билан мусобака этар эди. Бугун шоир эстрада кўшиқчилари билан рақобатлашмоқда.

Барча туркий халқларнинг буюк шоири Алишер Навоий муҳлислари сони, дейлиқ, ўзбек совет шоири Абдулла Орипов ихлосмандлари сонидан, шубҳасиз, камдир. Шеърият бизнинг идрокимизга уруг қўйиб, ортига учиб кетмоги, ўзининг юксак чўққиларига қайтмоги лозим эди. Бизга эргашмоғи эмас, бизни эргаштиromoғи керак эди. Аммо у водийга тушди-ю, биз билан қолиб кетди. Энди шеърият замон узра эмас, замон ичра яшаяпти. Замон инёжиликларига бўйсуниб яшаяпти.

Тўғри, у баъзан хушига келиб, ўзининг накадар абгор ҳолда эканини кўради. Ўзининг юксак чўққиларини эслайди. Аммо у қайта парвоз қилиши учун журъат тополмайди.

Айнан шу ҳолатда шеърият кула бошлайди. Аччиқ, ўзига қаратилган кулги билан кула бошлайди. Биз бу кулгини киноя деб атаемиз. Киноя – ўз тилсимини йўқотган ҳар қандай санъат турининг юпанчидир. Бугунги дунё шеърияти ўша тилсимдан жудо бўлган шеъриятдир.

Австриялик ёзувчи Франс Кафканинг “Очлик устаси” деган хикояси бор. Хикоя қаҳрамони ўз очлигини намойиш этиб, оломонни қойил қолдириши лозим – бу томошабинлар талаби. Уста учун эса, очлик ўйин ёки эрмак эмас, балки санъатдир. Яъни, у ўз санъатини оломон учун эмас, оломон ичиди бир-икки нозиктаъб муҳлислар учун кўрсатяпман, деб ўйлади. Уста учун ўргамиёна “ихлосмандлар”нинг билдирган ҳамдардлиги – завқ-шавқи мукофот бўлолмайди. Навоий зикр этганидек:

*Мени мен истаган сұхбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг сұхбатин күнглим писанд этмас.*

Айниқса, очлик жараёнини кузатиб турадиган назоратчилар Устага “имтиёз бераётгани”да у чидаб туролмайди. Назоратчилар Устани жўрттага ўз ҳолига қўйиб берадилар. Атайн кузатмайдилар, унинг ўз ваизфасини накадар холис бажараётганини кўришга интилмайдилар.

Майли, деб ўйлади Уста, назоратчилар кўрмаса кўрмас, мен уларсиз ҳам ўз санъатимни мукаммал намойиш этавераман, аммо бу мўъжизани кўриб, уни холис баҳолашга қодир инсон ким?

Унинг тутиби чиқсан қовурғаларини санаётган, очликнинг чинлигини текшириб кўраётган авом томошабин Устани қизиқтирмайди. Бу очлик хақида ёзилган мадху-санолар ҳам унга керакмас. Бу санъатни тушунтиргувчи фалсафий рисолалар ҳам Устани қувонтира олмайди. У териси сугига ёпишиб, кўзлари ботган, “пуф” деса учеб кетадиган рамақијон мавжудотга хайратла бокувчи оломонни эмас, балки, шу мавжудот ичиди милтиилаётган ёрқин бир фикр, худди рассомнинг тортган матоси каби топ-тоза, ўз нури билан, фақат ўзидан чиқаётган нур билан ёришиб турган фикрни, турмуш хомашёларига булғанмаган фикрни кўришга қодир инсонни орзу этади.

Ниҳоят, бу орзу ҳам унга қулгили кўрина бошлайди. Ҳатто орзу ҳам таъмагирлик бўлиб туюлади. Уста сўнгти илингидан ҳам воз кечиб, мутлақ мукаммаликка юз буради – ўлади.

Унинг муштдай жасади ётган бир сиқим похол – олтин булутдир.

Бу олтин булут узра ётган Уста оломон устида мангу кезиб юради.

Уста – соф санъатнинг арвоҳидир. У санъатнинг ўзидан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нарсага хизмат қилмайди. Адабиёт дарвозаси

олдида гоҳ пайдо бўлади, гоҳ ғойиб бўлади ва бу гаройиб ҳаракат ила бизнинг тасаввуримизни доим безовта қилиб туради.

Буюк Мирзо Бедилнинг мураккаб шеърларидағи “коронгипик” – ўша соғ санъат арвохининг соясидир.

Алишер Наовийнинг ғазаллари ҳам бир парда, холос, бу парда ортида яна ўша арвоҳ гизлангандир. Франсуз шоири Стефан Малларме ҳам ўша арвоҳ изидан қалтис қадам ташлаган бир ойкезар(лунатик) холос. Саналган инсонлар мактаб яратгандар, аммо уларнинг ўқувчилари деярли йўқ. Уларнинг олтин булуғга ёнбошлаб, бизга бераётган сабоқлари водийга етиб келиши тобора қийинлашмоқда. Шеърият Магрибда ҳам, Машриқда ҳам тушкунлик даврини кечяпти. Бу тушкунлик (декаданс) бизда оммавийлик орқали ифодаланмоқда. Ғарбда эса, аксинча, шеъриятни ўқийдиган одам ниҳоятда оз. Шоир – шеъриятни яратувчи шахс – жамоат арбобига айланиб бормоқда. У – таникли, аммо машхур эмас. Немис файласуфи Фридрих Нитше бир пайтлар шундай деб ёзган эди: “Санъаткорни кучи факат сонга асосланган оломонга бўйсунишига нима мажбур қилди? Агар санъаткор ўз иқтидори билан ўша оломон аъзоларининг ҳар биридан устун бўлар экан, бу аъзоларнинг йифиндиси унда қандай тобелик уйғотиши мумкин?”

Бу савол бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Гарчанд, дунёда ва бизнинг шўро ҳукуматимиз жумҳуриятлари шеъриятида қўринаётган янги учқундар умидлантирса ҳам. Гарчанд, пайдо бўлаётган оқимлар шеърий санъатни чин мақсадга – соғ санъат мақомига кўтариш учун интилаётган бўлса ҳам.¹¹

1988

ФАРГОНА ФОЖЕАСИ

Мен бу сатрларни уч кун уйқусизлиқдан сўнг, фожеали таассуротлар кўз ўнгимдан ҳали кетмай, уят ва изтиробдан чил-

¹¹ Бу матн 1988 йил июн ойида Московда Ёзувчилар уюшмасининг Адабиётчилар уйида ўтган анжумандада ўқилган.

парчин бўлиб ёзаяпман. Мен бу сўзларни бировга ақл ўргатиш учун эмас, ўзимни ва бошқаларни шу кўрганларимга ишонтириш учун ёзаяпман. Чунки, бу фожеани кўриб, кўзга ишониш қийин.

Мен Марғилонга З ион куни масҳат турклар ва ўзбеклар ўртасида можаро бошланган куни етиб келдим. Соат тунги ўн иккода Фарғона қўналғасидан Марғилонга йўл олдик. Бу кичик шаҳарчага кириб борар эканмиз, дастлаб йўл чеккасида ловуллаб ёнаётган уйлар кўринди. Кейин у ёқ-бу ёққа безовта чопаётган одамлар, милитсионерлар пайдо бўлди. Биз то шаҳар қўмитасига етгунча шу манзара давом этди. Шаҳар қўмитасида бир зум тўхтаб, жаңжал ўчоги Тошлокқа жўнадик. У ерга кириб келганимизда хунрезлик авжига чиқкан эди. Аёллар ва болаларнинг фарёди, ёнаётган хонадонлар алангаси, ўқ товушлари ва миршаб ходимлари юзидағи саросима вазиятнинг нихоятда оғирлигини қўрсатиб турарди. Жабрланаётган, хўрланаётган инсон боласини кўриш ва унга зудлик билан ёрдам қўрсатишга ожизлик ҳисси мени, эҳтимол, бошқаларни ҳам қаттиқ азоблар эди... Бир ярим соат ичida бир неча хонадон ёниб битди. Шовқин-сурон тингандай бўлди. Жароҳатланганларга ёрдам қўрсатилди. Лекин биз туман қўмитасига келиб мижжа қокмадик. Чунки, кўчаларда ҳали ҳам номаълум шахслар изғиб юрар ва ҳар лаҳза хужум бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас эди. Эргалаб биз аҳоли билан учрашдик, уларга таскин беришга уриндик, ҳалок бўлғанлар оиласига таъзия изҳор қилган бўлдик, аммо фожеа шу қадар чукур эдики, факат сўз билан уларга ёрдам бериш қийин эди.

Маҳаллий аҳоли ичидан тартибсизликларни бошлаганларга таъсир қила оладиган, гапини ўтказа оладиган кишиларни топмок учун биз дин арбобларига мурожаат қилдик, улар ўз навбатида тасарруфидаги барча кишиларни хунрезликка карши курашга сафарбар қилишга ваъда бердилар ва уларнинг бевосита ёрдамлари натижаси ўлароқ, оломон томонидан гаровга олинган уч масҳат турки озод қилинди.

Маълумки, турклар ва ўзбеклар этнос сифатида илдизлари бирдир. Турк ва ўзбек тили бир буюк тилнинг шеваларидир, бу тиллар бир-бирига рус ва украин тилларидан ҳам яқинроқдир. Бу икки ҳалқнинг дини ҳам бирдир. Туркия яшаётган турклар бизни “ўзбек турклари”, деб, Ўзбекистонни эса, “ота юрг” деб атайдилар. Бу туркларнинг бир қисми минг йил, икки минг йил муқаддам шу ерлардан кўчиб кетишган.

Турк ва ўзбек бир улкан миллатнинг икки уруғидир. Ўзбек турклари генезисини қарлук ва қипчоқ уруғлари ташкил қилса, Туркия турклар ўғузлардир. Бугунга келиб бир-бирига тажовуз қилаётган икки қондош гуруҳ бу тарихий ҳақиқатни билармикан?

Масхат турклари Сталин томонидан 1944 йилда қувғин қилингандай эди ва шу кунгача биз билан оға-инидек яшаб, бизнинг ўртамиизда бегонасираш бўлмаган эди, жуда аралаш оиласалар ҳам бор. Турмуш тарзи, удумлар ўхшаш, шунинг учун ҳам Қувасой ва Марғилонда бўлган воқеалар биз учун кутилмаган даҳшатли зарба бўлди. Аммо мен қаҳр-ғазабга тўлган оломон қаршисида турарканман, бир нарсани англадим – улар ўз тарихини унугтганлар, бу одамлар бобокалонлари тарихини билмасдилар. Балгандарида эди, хотира илми уларни сиёсий иғво қурбони бўлишга йўл қўймас эди. Сталин факат бизни тарихимиздангина айргани йўқ, у бутун бошли ҳалқларни ватанидан ха айирди. Бундай айрилиқ қурбошларидан бири -масхат туркларидир.

Қандай қилиб бу жафокаш ҳалқ вакиллари ва ўзбеклар ўртасида душманлик пайдо бўлди? Фикримча, бу чукур ўйланган иғво: бу икки тифли ўткир қиличининг бир томони қондош, қариндош турк ҳалқи билан ўзбек ҳалқининг дўстлик ришталарини узишга, иккинчи томони эса, демократияни, аниқроғи, унинг жумхуриятимиздаги турли қатламларда пайдо бўлаётган белгиларини қирқишига қаратилгандир.

Бундай миқёсли сиёсий иғвони тадбиқ қилишга эса, замин тайёр эди, бу замин ҳозир ҳам бор. Марғилон ва унинг атрофида биродаркушлик рўй берган жойларда минглаб ишсизлар бор. Уйлар ёнаётган Фарғонада эса, ишсизлар сони ундан ҳам кўпроқ. Водийнинг ҳар бир жойида, айникса, бугун ҳаммамизнинг эътиборимизни тортиб турган нуқталарида ишсизлар сони мингминглаб топилади. Бу ишсизларнинг турмуш дарражаси ниҳоятда nochor, қашшоқликдан ҳам тубандир.

Кўпгина фарғоналиклар Жиззах вилоятига, Тошкент вилоятига иш излаб келади, бошқалари Ноқоратупроқ ерларга ва Сибирга жўнайдилар, яни бир қисми бир бурда нон излаб қишлоқ ва шаҳар ўртасида оворадирлар. Яна шунга алоҳида тўхталиш керак-ки, пахта ҳосили учун олиб борилган ялпи кураш ҳалқининг тириклигига қарши ялпи курашга айланди. Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлиги тажовуз қилмаган бир парча ер қолгани йўқ. Пахта энг кўп сув ичадиган ўсимлиқдир. У бизнинг диёрларимизни ичиб

куритди ва оқибатда Ўрта Осиёning ягона денгизи – Орол ўлди. Ернинг шўр босиши, ер мағзи (гумус)нинг қирилиши натижасида кенг ҳосилдор ерлар сахроларга айланди. Заминнинг қашшоқланиши бевосита пахта етиштираётган кишилар қашшоқлиги билан ҳамоҳангдир. Улар ўзларининг силла қуригувчи меҳнатлари эвазига 40-50 сўм маош оладилар. Бир дехкон ҳазиллашиб шундай деган эди: “Бир сотих пахта чопиги учун менга – 19 тийин беришади, шаҳарда кооператив ҳожатхона нархи – 20 тийин. Менинг бир кунлик иш ҳақим фақатгина ўша оҳожатхонага 4 марта кириш учун етади”. Бу – аламга тўлган одамнинг аччиқ ҳазили эди. Мен бу одамни ёки унинг ўғлини Фаргона фожеаси бошланган Тошлоқда исёнкор оломон ичидаги кўриб колсан, хайратланмаган бўлар эдим.

Йиллар давомида йигилип ётган ижтимоий-иктисодий ҳалокат бир куни юзага уриб чиқиши турган гап эди.

Нормал ҳаёт оқимига йўналтирилмаган куч табиий офатдан даҳшатлироқдир. Мен ўша кучни, газабга тўлган одамларни кўрдим. Турклар бу фожеанинг юзага чиқишига баҳона бўлдилар, холос.

Баъзи раҳбарларимиздан кўра, Ўзбекистоннинг ҳақиқий ахволини билган иғвогарлар эса, бундан усталик билан фойдаланадилар. Ҳа, бугун бир неча оловлар ўчоги ўчирилди, аммо ким бизга бундай ўчоклар бошқа ерда ёқилмайди, деб кафолат беради? Токи, миллатнинг қарийб 80 фойизини ташкил қиласидан қишлоқ ахлига нисбатан ижтимоий адолат тикланмас экан, бу кафолатни ҳеч ким беролмайди. Биз узоқ йиллар давомида жумҳуриятимиздаги иқтисодий бўхронни яшириб келдик, мана энди у билан юзма-юз турибмиз. Мана энди у бизнинг музофотда сиёсий вазиятни белгиламоқда, уни йўналтироқда ва биргина миллий масала чегарасига сифмаяпти.¹²

УЙГОНИШНИНГ ОФИР ЙЎЛИ

Сталин ўлганда мен тўрт ёшда эдим. Март ойининг рутубатли кунини эслайман. Ўша куни отам оғиз очиб “чурк”

¹² Мақола 1989 йили “Литературная Россия” газетасида босилган.

этмаган. Онам ҳам. Бизнинг хонадонда тўпланган қўшнилар ҳам индамас эдилар. Улар гапиришдан ҳатто йиғлашдан кўрқар эдилар. Улар дохий ўлими ҳақида хабар берган дикторга ишонолмасдилар. Чунки, хабар шу қадар даҳшатли эдики, уни факат бир одам – факат Сталиннинг ўзи эълон қилиши мумкин эди..

Бугун эса, худди дараксиз кетган аскарлар мисол, ўша пайтларда таъқиқланган китоблар пайдо бўлди ва ўша ўтган қоронғу йиллар ҳақида ҳикоя қила бошлади. Биз уларни варақлар эканмиз, шахсга сигиниш истибодидан нафратланган, у ҳақда ҳақиқатни ёзишга журъат қилган инсонларнинг мардлигига тасанно айтамиз. Айни пайтда, биз бу мард ёзувчиларнинг озлигига, шундай кўпмиллионлик мамлакат учун ниҳоятда озлигини кўриб ҳайратланамиз.

Бунинг, албатта, объектив сабаблари бор. Николла Макиавелли ўзининг “Хоким” асарида шундай деб ёзади: “... ўз ҳаётини йўқотишдан кўркмайдиган ҳар қандай киши ҳокимни ўлдириши мумкин, яъни, ҳокимни ҳеч ким ўлдирмаслигига мутлақ кафолат йўқ. Лекин бундан кўркиш керак эмас. Чунки, суиқасд қилишга журъат этганлар жуда кам бўлади”. Сталин буни яхши билар эди. Маълумки, Макиавеллининг асарига ўхшаган китоблар қисқа муддат (1934-1940 йиллар) ичида бирданига чоп этилди. Бу тасодиф эмас эди. Бу билан Сталин ўзининг маънавий қарашларини -зоҳиран бўлса-да – бутун дунёга эълон қилди. Сталин режимига қарши ёзиш Сталиннинг ўзига ўқ узиш билан баравар эди ва Макиавелли айтгандай, бунга журъат этадиганлар кам, чунки, режимга қарши ёзганлар зудлик билан отиб ташланар, ёзиш хавфи борларни турмада чиритар эдилар.

Лермонтов шеърларининг зукко таржимони Усмон Носирни хибсга олганларида у бор-йўғи 24 ёшда эди. У “дохий дегани оддий одам бўлади, мана, ўртоқ Сталин; у бизнинг этиқдўз армани қўшнимизга ўхшайди” деган мутойбаси учун ўз умрини товонга тўлади.

Жадидларнинг улуғ намояндаси Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон гўзал шеърлардан ташқари “Кеча ва кундуз” романини ҳам ёзган. Асарнинг “Кеча” қисми узоқ йиллар давом этган “мунозара ва муноқаша”дан сўнг, “Шарқ юлдузи” журналида чоп этилди. “Кундуз” қисми эса, худди Чўлпон қабри каби, қаерда эканлиги ҳамон номаълумдир.

Мутафаккир шоир, ёзувчи, маърифатчи, Шарқ маданиятининг нуктадони Абдурауф Фиграт асарлари ҳануз босилгани йўқ. Ўзбек саҳна санъатининг тамал тошларини қўйган Махмудхўжа Беҳбудий асарлари ҳам ўз навбатини кутиб турибди. Бу уч сиймо ижоди халқимизнинг миллий онг поғоналарини бир қадар белгилайди.

Жадидлар ичida ёши улуғи Беҳбудий 20-йилларда “туркчи” (пантуркист) сифатида ўлдирилди. Чўлтон билан Фигратга эса янги “ёрлик” топдилар – улар “миллатчи” аталиб йўқ қилинди. Бу шахслар виқданни буюрганини ёзганлар. Агар улар кирғиндан омон қолганда эди, 50-60 йилларда “босиш мумкин бўлмаган” хақиқий асарларни ёзган бўлар эдилар. Ўша кирғинда омон қолганлар ижодида эса, бундай “келажакни кўзлаб” ёзилган асарлар борлигини биз эшигмагандик. Ҳар холда А.Қаҳҳорнинг 60-йилларда кундалигида ёзган изоҳларидан бўлак бирор даврни фош қилувчи сўз ўқиганимиз йўқ. Эҳтимол, “омон қолганлар” фош қилувчи асарлар ёзмагани учун ҳам омон қолгандир? Худо рози бўлсин.

Шахсга сигиниш даври, Хрушчев ва турғунлик даври ҳақида кейинги йилларда босилган мақолалар одамда қизиқ таассурот қолдиради. Уларни ўқиб, беихтиёр ҳар бир жамият ҳаёти худди одам умри каби, асосан, хатолардан – кечириш мумкин ёки мумкин бўлмаган – хатолардан иборат экан-да деган фикрга келади киши. Юқорида эътироф этилган уч тарихий боқични ҳисоблаб кўрайлилек: етмиш икки йиллик тарихимизнинг 31 йили Сталин раҳбарлигига, 18 йил Брежнев қўл остида, қолган 20дан ортиқ йил у ёки бу даражада “инсонпарвар” саналган “бош секретарлар” соясида кечди. Хўп, бу етмиш йиллик тарихимизда энг “кечиримли хато”миз нима?

Бу савол қайта қуриши туқкан овсар жужуқ – янги риторикадан бошқа нарса эмас. Биз шундай гоҳ у мақомга, гоҳ бунисига йўргалашга ўрганиб қолдик. Бир пайтлар ўзимизни кўкларга кўтариб мақташдан чарчаган эдик, энди ўзимизни ерга уришдан толиқиб қолаяпмиз. Биз қандайдир “Сталинча жамият, Хрушчевча жамият, Брежневча жамият”ларни ўйлаб топдик (ким билади, яқинда “Горбачевча жамият” ҳам пайдо бўлар). Гўё бизнинг янги тарихимизни яратишда бири иккеничисига ўхшамаган учта, аммо номи битта “совет халқи” бўлган халқ катнашгандай. Ҳар бир халқ ўз хукмдорига лойик” деган мақол бор. Хўш, биз ўша ўтган хукмдорлардан қайси бирига лойиқмиз?

Мантиқан, Сталин зулмiga чидаган халқ унға нисбатан “либерал” Хрушчев фуқароси бўлишга нолойиқдир. Хрушчев ато этган эрқдан тотиб кўрган халқ эса, “мўътадил сталинчи” Брежневнинг ҳокимиятга келишига йўл кўймаслиги керак эди. Лекин мантиққа тўғри келмайдиган нарсалар юз берди: Брежнев давридаги турғунлик ийшларига кўнишкан бу халқ қайта қуришини кучоқ очиб кутиб олди!

Адбатта, бундай халқни иккизламачиликда айлашдан осони йўқ. Чунки, шахсга сифинишга қарши курашган, Хрушчев, Брежнев даврида буйруқбозлиқ ва коррупсияга қарши чиқсан одамлар хотираси бунга йўл кўймайди. Зоро, тариҳда маънавият мезонлари – яхшилик ва ёмонлик – ҳамма давр учун ўзгармасдир. Ва ҳар қандай даврда ҳам бу мезонларни унутмаган одамлар яшаган. Аммо Сталин бу мезонларни тескари қилиб кўйди, у маънавиятни сиёсий мафкурага бўйсундирди. Унинг мафкураси айгоқчиликни ватанпарварлик деб атади, кимки айгоқчилик қилишдан бош тортса, у ватан хоини деб эълон қилинди. Бундай мафкуравий тажрибани фашизм ҳам ўтказган эди. Бертолд Брехтнинг “Айгоқчи” деб номланган кичик саҳна асари бор. Ундаги ўсмир Ганс ўз ота-онаси изидан айгоқчилик қилиб, уларни сотади. Ганс – фашизм яратган, чин маънода бегуноҳ кичик мугаассиб мажудотдир. Ўз отасини сотган зурёд Павлик Морозов ҳам “беғубор” ўлди. У ўз қилмишининг ватанпарварлик эканига заррача ҳам шубҳаланмасди. Павлик – сталинча мафкуранинг “фариштаси” эди.

Маънавият устунлари лиқиллаб қолган бир жамият биринчи навбатда – барча соҳа ва қатламлардан олдинроқ – маданий жабхага ва адабиётга таъсир кўрсатади.

Бу адабиёт назариётчилари “шаклан миллий, мазмунан сотсиалистик” қабилидаги қонунни ўйлаб топдилар. Ҳаёт дегани бир бутун мўъжизадир, уни муваққат сиёсий мафкурага бўйсундириш учун “шакл” ва “мазмунга” ажратишнинг ўзи кулгили. Албатта, сталинчи адабиётшунослар бундан-да “кулгилироқ” атама топишлари мумкин эди. Аммо ўша “шакл-мазмун”нинг ўзи ҳам етарли даражада кулгили эди, бироқ бундан кулишга журъат этганлар ўша пайтда кам бўлган. Шундай экан, биз бугун кулишга ҳаққимиз борми? Бу саволни ўзимизга қаратсак, сал виқдонлиларимиз ўша даврдаги қўрқоқлигимиз учун қизаришимиз мумкин. Аммо бугун, ҳақиқатни айтганга жазо йўқ

пайтда пайдо бўлаётган “жасурлар”га қараб, ўзингнинг жасурлигингдан уяласан. Шунга қарамай – ҳақиқат учун учун азоб чекиш шарт бўлмаса ҳам! – ҳақиқатни айтишга тўғри келади...

Бир сўз билан айтганда, ҳаётимиз секин бўлса ҳам ўзгариб бораяпти. Албатта, бу жараённи хали *уйғонии* дейиш қийин. Адабиётга келсақ, бир неча йил ўтар, янги ва эски тарих оралиғида яратилган адабиётимиз қиммати ўшандা малум бўлади. Аммо бугун ҳам айтиш мумкин: бизда адабиёт бор. Ҳақиқий адабиёт ҳаётнинг айнан акс тасвири бўлиши шарт эмас. Яъни, мусибатли замонларда доимо ҳам Шекспирча мунгли қаҳрамонлар яратиш адабиёт қоидаси эмас. Ҳатто реалистик адабиёт ҳам, табиатан, бир қадар хиссийдир (ирратсионалдир). Умуман, адабиёт, моҳиятан, сохта ватанпарварликдан ташқариридан. Адабиёт фақат бошқа адабиётлар билан учрашгандагина ўз миллийлигини намоён қиласди. Биз кўпинча сиёсатлашган адабиётни “миллий ватанпарварлик” деб қабул қилдик. Бизнинг (совет) адабиётларимиз узок йиллар давомида сиёсатлашиш жараённибошидан кечирди. Бу чин миллийликка фойда эмас, зиён келтирди ва биз бугун ўша зиёни муммаларни ечолмай ҳалакмиз. Адабиёт миллий манфаатларга хизмат қилиши мумкинми? Ҳа. Лекин бу ҳолда адабиёт ўзлигини оз бўлсада курбон қиласди, яъни, сиёсийлашишга мажбур бўлади. Ҳа, адабиёт бугун сиёсийлашмоқда, аммо ёзувчилар ўз халқи руҳининг маънавий чашмаларига, анъана-асотирларига ва она тилларига юз бурсалар бу лойқа оқим тўхташи мумкин. Шунга умид бор...¹³

1989

КОММУНИЗМ ШАФАҚЛАРИ

Бу тонг эмас, шом шафакларидир. Биз Кунчиқарга эмас, Кунботарга қараб турибмиз. Зотан, коммунизм қуёши ҳам бир пайтлар – нотабиий бир йўсинда – Кунботардан кўтарилиган эди. Лекин у ботар экан, ўзининг табиий йўлини – Кунботарни танлади.

¹³ “Дружба народов” журнали. б-сон, 1989 йил.

Италия, Олмония, Руминия, Полония, Югославия, Чехословакия ва бошқа Овруп мамлакатларидаги кескин сиёсий ўзгаришлар ботаётган коммунизм күёшининг шафакларидир.

Коммунизм дохийси Карл Маркс “Инсон ўз ўтмиши билан жилмайиб видолашади”, деган экан. Агар коммунистлар бу шом шафакларига қараб, жилмайишга куч топсалар, ҳақиқатни тан олган бўладилар.

Ҳақиқат бир қадар тан олинаяти ҳам. Масалан, Италия коммунистлари ўз партияси номини ўзгартирдишлар. Булғористон ҳам шу йўлдан кетди. Руминия коммунизм гоясидан бутунлай воз кечди. Чехословакия, Шарқий Олмония коммунистлари саросимада ва хоказо. Коммунизмни фаол ҳимоя қилаётган мамлакатлар унча қўпэмас. Фарбда – Албания, Шарқда – Хитой ва Шимолий Қурдия, Лотин Америкасида – Куба. Лекин уларнинг орқасида буюк бир давлат – Советлар Иттифоқи бор. Бугун Кубанинг раҳбари Фидел Кастро Совет Иттифоқидаги янги сиёсатни танқид қилаётган бўлса ҳам, Албания Москов тарафдан келаётган садоларни эшитмаслик учун кулогини беркитаётган бўлса ҳам, улар батамом советларга сұянади. Улар коммунизм гоясини ҳаётга биринчи бор тадбиқ этган мамлакатдаги сиёсий структура турли хил маданиятга эга бўлган турли халқлар ҳаётига мислиз даражада оригинал боғланғанлигини ва бу тугунини ечиш Овруподаги каби осон кечмаслигини яхши биладилар.

Улар яна, бугун Совет Иттифоқида сиёсат саҳнасига чиқаётган кучлар – халқ ҳаракатлари ва турли партиялар ўзини ўнглаб олгунча, КПСС вақтдан ютиши ва ўз-ўзини чиндан ҳам қайта куриб улгаришига ишонадилар. Дарҳақиқат, ишончга маълум асослар бор. Биринчидан, янги сиёсий уюшмалар тузилиш жиҳатидан КПССга нисбатан анчагина мўрт ва кураш тажрибалари деярли йўқ. Қанчалик бюрократ бўлмасин, КПССнинг йиллар давомида шаклланган иш услуби мавжуд ва бу услугга коммунизм бирор бир янги партия эга эмас. Шунинг учун ҳам янги жорий этилган сиёсий программалар, асосан, жамиятни демократлаштиришга қаратилган ва улардаги сиёсий ҳокимиятга дахлдорлик факат яна ўша ҳоким табака – КПСС аъзолари орқали ўз ифодасини топмоқда. Болтиқбўйи ва бошқа минтақалардаги сиёсий ҳаракатларнинг раҳбарлари аксар коммунистлар эканлиги бунинг мисолидир.

Коммунистлар ким ўзи? Улар бир алохида ирқ эмас. Улар бив билан ёнма-ён яшаётган яқинларимиз, оталаримиз, акаларимиз, опаларимиз, ука ва сингилларимиздир. Лекин улар уйдан чиқиб, давлат хизматчисига, зиёлига, дәхқонға айланадилар. Яна нарироқ бориб, давлат деб аталған баҳайбат машинанинг кичик, аммо зарур мурватларига айланадилар. Улар ишга тушар экан, имтиёзли ижтимоий қатлам – ҳоким синғға айнадилар. Ҳокимлик мақоми факат сиёсий дастак билан эмас, балки, иқтисодий рағбат билан ҳам мустаҳкамланғандыр. Бу мақом давлат идоралари, жамоат ташкилоларидан, ойлавий муносабатларгача ўз таъсирини ўтказишга қодир.

Бугунги коммунист шахс сифатида ким?

Коммунистларнинг аксаияти турмушсевар, нисбатан иродали, ҳокимиятга интилувчи ва бу интилишдан уялмайдыган, ҳаётта кураш деб қарайдиган хүшёр кишилардир. Уларнинг ичидә идеалистлар (улкучилар) деярли йўқ. Улар идеалга (улкуга) ишонмайдилар. Шу жумладан, уларни ўз паноҳига олган коммунизм идеалига ҳам шубҳа билан қарайдилар.

Бир сўз билан айтсан, коммунистлар материалистлардир – улар ҳар бир нарсани қўл билан ушлаб кўрмаса, ишонмайдилар. Албатта, айнан шу маънода улар ҳақиқий марксчилардир

Қолаверса, улар ижтиомий ҳаётни ниҳоятда сезгирилик билан кузатадилар ва иқлимга мослашув қобилияти ўткир. Бугун фирмә билетини ташлаётганларга қараб, “нега бу ишни Брежнев даврида килмадинг?”, деб дашном берадилар. Менимча, бу ўринсиз дашном. Ҳар ҳолда, бир неча минг коммунистнинг фирмә билетини улоқтириши бутун бошли компартияларнинг ўз номидан воз кечишилари олдида ҳеч гап эмас. Бу ҳақиқатни коммунистлар билишади.

Советлар қурултойининг дастлабки босқичида мухолифат томонидан киригилган радикал таклифлар бугун коммунистларнинг программасидан жой олди. Улар халқ харакатлари ва янги тузилган сиёсий уюшмаларнинг эртага қандай талаб билан чиқишини олдиндан кўришга интилмоқдалар ва таъбир билан айтганда, “қичиидиган жойини бир йил олдин қашиб кўйиш”моқдалар.

Хуллас, коммунистлар бугун ҳам ижтиомий-сиёсий ҳаётда энг фаол кучлардан бири бўлиб қолмоқда.

Тўғри, кўп жойларда коммунистлар сайловда ютқаздилар, аммо ютқазса ҳам, кўпинча сафдошларига – коммунистларга ютқазишиди. Улар ҳокимиятдаги айрим позитсияларни бой беришмокда, аммо кетаётиб, ўз курсисини кечаги сафларига – бугунги мухолифатчиларга – яна ўша коммунистларга топшириб кетаяптилар.

Қайта қуриш сиёсати коммунистлар ташаббусидир, аммо унга фаол қаршилик кўрсатаётганлар ҳам коммунистлардир. Фақат бошловчилар эмас, бошлангани тугатишга уринаётганлар ҳам жиддий кучлардир. Совет Иттифоқи Конститутсиясидан VI-модданинг олиб ташланиши ҳам, кўппартияли тузумга хайрихоҳлик ҳам коммунистларнинг ўз кучига бўлган ишончидандир.

Бу куч Совет Иттифоқида КПССнинг ҳокимлик муддатини бироз чўзишда ҳал қилювчи рол ўйнаши шубҳасиз. Аммо бунга ҳалал берадиган биринчи ва энг хавфли фактор – **иктисодий зилзиладир**. Бунинг олдини олиш учун жорий этилаётган эркин олди-сотди сиёсатини ҳаётга тинч йўл билан тадбиқ этилишини таъминлаш зарур. Бу тадбирнинг давоми ўлароқ, ўз харажатини қопламайдиган колхоз-совхозларнинг ер ва сувини шахсларга абадий бўлиб бермоқ лозим ва ҳоказо.

КПССнинг олдида турган иккинчи тўсиқ, маълумки, **миллий масаладир**.

Қайта қуриш сиёсатини бошлаб берганлар иктисодий муаммо ҳал қилинса, миллий зиддиятлар сусайишини тўғри тахмин этадилар, аммо ўша иктисодни йўлга қўйиш учун КПСС жумҳуриятларга миллий хуқуклар бериш мажбуриятда қолади. Чунки, **биронта жумҳурият ўз ери, ўз бойлиги, ўз хуқуқи, яъни миллий хуқукларига эга бўлмай туриб, иктисодий мустақил бўлолмайдилар**.

Ва демак, эркин олди-сотди сиёсати, иктисодий мустақиллик ўзининг мантиқий давомини – **сиёсий мустақиллик** эҳтиёжини тугдиради. Бу холат КПСС стратегиясида кўрсатилмагандир.

КПСС Иттифоқда ўзининг ҳокимлик муддатини чўзишини истар экан, (бунга шубҳа йўқ) бугунги сиёсатини федератсион эмас, конфедератсион давлат тузиш учун йўналтиришга мажбурдир.

Тан олиш керак, **коммунизм қуёши ботаяпти**.

Уни партиялар ушлаб қололмайди. Зотан, коммунистларнинг фаоллиги ҳам коммунизм гоясини ҳимоя қилишга эмас, ҳокимиятда ўз мавқеини саклаб қолишга қаратилган. Таъбир билан айтсақ, коммунизм гояси коммунистлар учун бир худо, компартиялар дин эди, уларнинг худоси кетди, дини қолди. Эътиқоди сўнди, аммо ибодати давом этаяпти. Лекин бу "ибодат" уларнинг сўнгги ибодатидир.

Албатта, бу бошқа партиялар фаолияти учун майдон тўла очик, деган гап эмас. Янги партиялар ўз гояларининг ҳаётий эканини амалда исбот қила оладими, ҳалқни ўзига эргаштира оладими – гап шунда. Бунинг учун вақт керак. Бу вақт кимнинг фойдасига ишлайжагини яна ўша вақт кўрсатади.

1990. 30 Апрел.

"ЭРК" ПАРТИЯСИННИГ ФАВҚУЛОДДА 2-ҚУРУЛТОЙИДАГИ НУТҚ

Тарихда шундай бир даврлар бўладики, унинг соати йилларга, йили асрларга teng келади. Бу ҳакиқат шу кунгача биз учун бир образ, китобий таъбир эди. Бугун бу нарса кўз ўнгимизда турибди. Биз шу буюк воқеанинг шохиди бўлдик. 19 августда содир бўлган давлат тўнгариши ва унга қарши кўтарилиган мардонавор ҳалқ ҳаракати бу ҳакиқатни намойиш этди.

Қайта куриш деб номланган олти йиллик тарихий жараённинг 19 августгача бўлган кисми бир давр бўлса, ундан кейинги ўтган олти кун мутлақо бошқа даврдир. Бу инқлоб шу қадар тез юз берди-ки, уни ҳамон ақлга сифдира олмаяпмиз. Чунки, ўша таҳликали уч кун ичida биз ўтган демократик йўлнинг масофаси қайта куриш кечган олти йиллик масофадан каттароқдир. Ва бу икки инқилобнинг принципиал фарқи шунда-ки, биринчи инқилоб тепадан бошланган бўлса, иккинчи инқилобнинг ижодкори ҳалқнинг ўзи бўлди.

Худди шунингдек, олти йил ичida митингларда қатнашган ҳалқдан 19 августда кўчага чиқкан ҳалқ мутлақо фарқ қиласади. Бу ҳалқ шу кунгача мавжуд тузумни танқид қилиб келган бўлса, энди бу тузумни бутунлай алмаштиришни талаб қила бошлади. Аввал милитсия тўқмогига қарши турган бўлса, бу сафар танкларга

қарши, бир сўз билан айтганда, ўлим билан юзма-юз турди. Жамиятдаги бу динамизм Совет Иттифоқи деб аталган мамлакат тарихини кескин бурилишга олиб келди.

Лекин шуни хам унутмаслик керак-ки, 19 августда ўлимга рўпара турган бу халқни ўша қайта қуриш тайёрлади. Бугун демократия ғалабасидан бошимиз айланиб, “қайта қуриш ва Горбачевни Елсин қутқарди, Совет Иттифоқини Русия қутқарди” демоқдамиз. Чиндан халос этган нарса ўша “боши берк кўчага кириб қолган қайта қуриш” эди. Шу маънода Горбачев ўзини ўзи қутқарди, шу маънода, ўз-ўзининг халоскори бўлди. Шу маънода, қайта қуриш асло боши берк кўчага киргани йўқ, аксинча, у бугун ўзининг ғалабасини нишонлаяпти. Қайта қуриш ҳеч қачон бугунгидай юксакликка кўтарилимаган эди.

Мухолифлар “халқ оч-яланғоч, жиноятчилик кучаймоқда, иқтисодий бўхрон чуқурлашмоқда, сенинг демократиянг нима берди?”, дея савол бермоқдалар. Тўғри, халқ оч. Лекин бунга демократиянинг нима алоқаси бор? Тўғри, жиноятчилик кучаймоқда. Лекин демократияда айб нима? Тўғри иқтисодий бўхрон чуқурлашмоқда, уни демократия чуқурлаштиридими? Аксинча бу фожеалар демократия ҳамон тўсиққа учраётганидан, ҳамон қуруқ сўз бўлиб қолаётганидан, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётимизга сингиб кетмаётганидан эмасми?

Шуниси қизиқки, давлат тўнгариши ташкил этган ҳарбий-партиявий хунта ҳам айнан ўша халқнинг очлигини, иқтисодий бўхроннинг чуқурлигини рўкач қилиб майдонга чиқди. У бир ҳафта ичида ахволни тубдан ўзгартиришга ваъда берди. Бунинг далили сифатида Московдани дўйконларда узоқ кутилган озиқовқатлар пайдо бўлди. Агар хунта яна беш-ён кун яшаса, бу неъматлар бошқа шаҳарлар дўйконларида ҳам пайдо бўлар эди. Бунга шубҳа йўқ. Лекин халқ алданмади. У нон эмас, озодликни танлади. Чунки, бу халқ ҳатто нон ҳам озодлик ўрнини босишга қодир эмаслигини англаган халқ эди. Мен халқ деганда рус халқини назарда тутаяпман. Бу ҳақиқатни тан олиш керак. Зотан, хунтанинг йўлини тўсган асосий куч – московликлар ва Русия ҳукумати бўлди.

Хунта ўз режаларини эълон қилгандан сўнг, баъзи жумҳуриятларда иккиланиш яққол кўзга ташланди. Нафақат жумҳуриятларда, балки чет эл давлатларининг деярли ҳаммаси дастлабки соатларда берган маълумотларида хунтага қарши бирор

гап айтолмади. Фақат халқнинг қўзғолонини кўриб, унга сұянадиган Русия ҳукуматининг журъатини кўриб, иккиланганлар қарори қатъйлаша бошлади. Фақат шундан кейингина улар совет халқини кўллай бошлади. Бундан келиб чиқадиган сабоқ шуки, фақат халқнинг ўзигина ўзини қуткариши мумкин. Агар халқ ўйғонмаса, чет эл ҳам, унинг иқтисодий ёрдами ҳам унга нажот бўла олмас экан.

Яна бир сабоқ бор. Буниси маънавий сабоқdir. Хунта даврида иккىланган жумхуриятлар ҳам эришилган ғалабдан баҳраманд бўлажаклар. Худога шукр.

Аммо биз шуни унугтаслигимиз керак-ки, ҳеч қачон ҳеч бир халқ бошқа бир халқ кураши эвазига озод бўлмаган. Агар бўлса ҳам, бу озодлик унга татимаслиги аниқ. Чунки, бу совға қилинган озодликни ҳимоя қиласидиган халқ бўлиши керак. Акс ҳолда бунда озодлик қанча тез қўлга киритилган бўлса, шунча тез йўқотилиши муқаррар.

Ҳеч ким танқ олдига ётиб, Конститутсияни муҳофаза этмайди, чунки, халқ Конститутсия нима эканлигини билмайди. Ҳеч ким “демократия учун” дея ўққа кўқрак тутмайди, чунки, халқ нонни озодликдан устун қўяди. Ҳеч ким президентни ҳимоя қилиб кўчага чиқмайди, чунки, бу халқни кўчага чиқаришга ўргатишмаган.

Хуллас, совға қилинган озодликни фақат ўша совға қилган халққина ҳимоя этишга қодир.

Ҳали “ҳимоя қиласан”, деб кепқолмаса яхшийди. Бу аччиқ ҳақиқат ва унга тик қарай билишимиз керак. **Ва айнан шу сабаб, “Эрк” партиясининг биринчи вазифаси – халқни уйғотишидир. Бусиз мустақиллик бугунгидай қоғозда қолаверади.**

Халқлар устида уч кун осилиб турган таҳлика Ўзбекистонга қандай таъсир қилди? Биз ўзимизни қандай тутдик? Эҳтимол... Хуллас, “эҳтимол”лар кўп.

Шахсан мен бу таҳликали кунларда кўрганим – бир лавҳани ҳеч унугтольмайман. Йигирманчи авгуаст куни жумхуриятимиз ташкил қилган мажлисда Шайхов ва Ўразаев деган депутатлар чиқиб, хунтанинг бошлиғи ҳакида “ўртоқ Янаев ҳам айтдилар, Ўзбекистонга кўшин киритишга ҳожат йўқ экан”, деганларида ер ёрилиб, ерга кирмадим. Чунки бу вазиятда “кўшин кирмагани” биз учун шараф эмас эди. Чунки, бу кўшин қонунни ҳимоя қилиш учун эмас, қонунни топташ учун кирап эди.

Айтмоқчиманки, шубҳасиз, зиёлипардан бўлган ва шубҳасиз, ўзларини инсонпарвар санангандан бу одамларнинг фаросати бўлса, ўқимаган, далада умр бўйи кетмон чопаётган дехқондан – халқимизнинг қарийб саксон фойизини ташкил қилувчи оммадан хафа бўлишга ҳаққимиз йўқ.

“Эрк” тутган позитсияга келсак, бу ҳаммангизга маълум. Демоқратик партия ўлароқ, “Эрк” биринчи куниёқ бу машъум тўнгаришга ўз муносабатини билдириди. Унинг хунтага қарши Баёноти ва Елсинга мадад телеграммаси шу куниёқ дунёга тарқатилди. Маҳаллий матбуотда эълон қилиш имкони бўлмаганидан, бу хужжатлар чет эл радиостансияларидан, хусусан, “Свобода” ва “Свободная Европа”лардан ўқиб эшиттирилди.

Бу тарихий воқеадан учта хулоса чиқади:

1. Мавжуд система канчалик демократияга ингил масинч, жамият учун хавфли бўлган ва уни ўн йиллар ортга улоқтириб ташлашга кодир механизмни ўзида сақлаб келаяпти. Горбачев давлат тўнгарилишигача учта кеманинг бошини тутиб келди: КПСС раҳбари, Президент, ва Бosh кўмондонлик вазифалари. Шу учта кучни кўлган олиш учун хунтанинг бигта одамни – Горбачевни четлаштириши кифоя қилди. Бир-неча соат ичидаги улкан бир мамлакат реал хавф остида қолди. Демак, тики хукукий давлат тузилмас экан, ҳокимиятлар қатъий ажратилмас экан, давлат тўнгарилиши хавфи туғаверади.

2. Ҳар қандай “суверен давлат” деб аталган субъектнинг ўзини ҳимоя қиласидан армияси бўлиши шарт. Акс ҳолда, бу “суверенлик” соҳтадир.

Буни Русия хукумати хунта хуруж қилаётган кунларда чукур тушунди. Буни Ўзбекистон хукумати ҳам тушунмоғи лозим.

3. Биз тўла мустақил бўлмас эканмиз, фақат иқтисодий эмас, **сиёсий ҳам мустақил бўлмас эканмиз**, хеч қандай янгиланган “федератсия” бизга нажот бўлолмайди. Чунки, бу система ҳамон бир шахс идорасига боғлиқ бўлган система бўлиб қолаяпти. Бугун Елсин бор, Горбачев бор. Лекин эртага Янаев келмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. **Кафолат – фақат халқимизнинг тўла мустақиллигидир.**

Бу ҳақиқатни сўнгти икки кун ичидаги Совет Иттифокида юз берган воқеалар исбот қилиб турибди.

Давлат тўнгаришидан кейин мамлакатдаги сиёсий вазият янада шиддатлироқ ўзгара бошлади: КПСС сиёсий партия

сифатида парчаланди. Мустақилликка ўтиш даври кечәётган иккига болтиқбўйи жумҳуриятлари – Эстония ва Латвия ўзларининг тўла мустақиллигини эълон қилдилар.

Кеча Украина парламенти ҳам бу жумҳуриятнинг тўла мустақиллигини эълон қилди. Маълумки, тузилаётган “Иттифоқ шартномаси” асосан учта славян жумҳуриятлари – Русия, Украина, Белорусия ва Ўрта Осиё жумҳуриятлари билан Қозоғистон ўргаларида тузилиши мўлжалланаётган эди. Бу субъектлар ичида энг нуфузлиси – Украина Иттифоқдан чиқиб кетар экан, “Иттифоқ шартномаси” аввалги моҳиятини саклаб қололмайди.

Бу воқеа шу кунгача “Шартнома”нинг марказий субъектларидан бири бўлиб турган Русиянинг ҳам позитсиясини ўзгартириши муқаррар.

Бу ерда иккита вариантни таҳмин қилиш мумкин. Биринчиси: Русия агар “Шартнома” тарафдори бўлса, аввал сўраётган имтиёзларини янада кенгайтиришга харакат қиласи ва бунга эришади ҳам. У ҳолда бугунги Марказ ўзининг марказлигини йўқотади ва Русия Марказга айланади. Бу янги вазият мустақилликка интилаётган Ўрта Осиё жумҳуриятларининг шу кунгача олиб бораётган сиёсатини кескин ўзгартиришини тақозо этади: улар ўз жумҳуриятларининг ҳам тўла мустақиллигини эълон қилишлари ёки янги тузилган марказлаштирилган бир давлатнинг бўлаклари сифатида қолишга мажбур бўлажаклар.

Иккинчи вариант: Русия ҳам Иттифоқдан чиқиб, ўзининг тўла мустақиллигини эълон қилиши мумкин. Бу ҳолда Иттифоқ хақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Биз зудлик билан Ўзбекистон Олий Кенгашининг фавқулодда сессия чакиришини талаб қиласиз. Унда бугунги сиёсий вазият очиқ таҳдил этилиши лозим.

Ўзбекистоннинг тўла мустақиллигидан бошқа йўл йўқ.
Бугунги тарихий имконни кўлдан бой бермаслигимиз керак.

1991 йил, 23 август

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЁЗИЛГАН МАҚОЛАЛАР (1991-1992 Ўзбекистон)

ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК КУЧЛАРИ ФОРУМИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚ

Бугунги йиғилишимизни “Демократик кучларнинг аңжумани”, деб атадик. Бу ном, албатта, шартли бир номдир. Бу номни бемалол мухолифатдаги кучлар аңжумани, деб ҳам аташ мумкин. Чунки, бизнинг жумхуриятда ҳар қандай демократик гурух бугун факат мухолифатда бўлиши мумкин.

Биз Ўзбекистоннинг БМТга аъзо бўлиб, Хелсинки Шартномаси ва бошка халқаро ҳужжатларга имзо чекканидан бошимиз осмонга етди. Аммо, аччиқ бўлса ҳам тан олиш керак-ки, бу тарихий воқеалардан сўнг демократияга қарши хурож авж олишини барча демакратлар ботинан билар эди.

Бу хурождан нолиётганлар “бу қандай сиёсат, ишим битди, эшагим лойдан ўтди, сиёсатими?” дея ҳайқирмоқдалар. Улар “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистонни демократик давлат бўлгани учун эмас, аксинча, демократик бўлмагани учун, ундаги демократия жараёнига тезроқ туртки бериш учун ўз сафига қўшди”, дейдилар.

Бу нормал бир мантиқдир. Бу мантиқ шу қадар нормалдир-ки, у факат нормал бир жамиятда қабул қилиниши ва англаниши мумкин.

Бизнинг жамиятимиз нормалми? Мана шу ҳақда гапирмокчиман ва нутқимни қайта қуриш деган қўхна тушунчадан бошламоқчиаман.

Қайта қуриш даврида сиёсатшунослигимиз янги атамалар билан бойиди. Буларнинг энг кўп тарқалгани “демократия” ва “ошкоралик”дан ташқари, “тоталитар тузум”, “коммунистик режим” ёки “диктаторлик бошқаруви” кабилардир. Шуни айтиш

керак-ки, бу атамалар Русия ва болтиқбўйи давлатлари учун эскиргандир. Бу атамалар бизда кўпроқ кўлланилади. Ўзини радикал деб санаган кишилар жумхуриятдаги тузумни танқид қиласр экан, уни “тоталитар” тузум деб номлайдилар. Янги хукуматни “нокоммунистик” дея, президентни эса “яккаҳоким”, деб атайдилар. Бир қарашда бу атамалар ўз ўрнида ишлатилаётгандай туюлади. Чунки, жумхуриятда демократик принциплар ҳақиқатан ҳам қарор топгани йўқ. Чунки, бозор иқтисодиёти ва хусусий мулкчиликка муносабат ҳам эскича. Чунки, бошқарув усуслари ҳам, давлат тизимлари ва унда ўтирган одамлар ҳам эскидир. Ва ниҳоят, президент чиндан ҳам барча ҳокимиятни ўз қўлида марказлаштиришга мойиллик кўрсатмоқда.

Тоталитар тузум дегани шу эмасми, дея хитоб қилади радикаллар. Яккаҳокимлик шу-да, дея ҳайқиради улар.

Лекин вазият чукурроқ таҳлил этилса, мавжуд тузум ҳам, янги номенклатура ҳам, давлат бошлиғи ҳам аввалгиларидан мутллақо фарқлидирлар.

“Тоталитар тузум” атамасини олайлик. Бу атма бизнинг турмушимиизни асло белгилай олмайди, чунки, тоталитар тузум, биринчи навбатда, мустаҳкам ҳокимият деганидир. Бундай ҳокимият собиқ Иттифоқнинг бирорта жумхуриятида, шунингдек, бизнинг жумхуриятимизда ҳам йўқдир. Шу маънода бирорта жумхурият иккинчи жумхуриятдан ўзиган кетгани йўқ ва улар бирор бир нарсада тенг бўлсалар, айнан шу ҳокимиятсизликда тенгдирлар. Март ойида Москов кўчаларида қизил байроқларини киличдай сермаб, шўролар иттифоқини тикилашга чорлаган коммунистлар худди ўша мустаҳкам ҳокимиятни талаб қилган эдилар.

Иккинчидан, тоталитар давлат структуралари ягона мафкура доирасида ягона сиёсий мақсад сари йўналтирилади..

Бугун бизда ягона мафкура йўқ.

Тоталитар тузум мафкураси бизнинг ҳаётимизда шу қадар катта ўрин эгаллаган эдик, у йиқилгандан сўнг пайдо бўлган бўшлиқни тўлдириш учун фақат “демократия” ва “бозор иқтисодиёти”нинг ўзигина камлик қилмоқда. Бу бўшлиқни ҳатто диний ёки миллий мафкура ҳам тўлдира олмаяпти.

Шунингдек, сиёсий мақсадимиз ҳам туманлидир. Бугун демократик давлат яратамиз, дея эълон қиларкан, биз кеча,

коммунизм курамиз, деган хаёлпаратларга ўхшаб қолаяпмиз, чунки бундай давлатни куриш учун ҳеч қандай кафолат йўқ.

Учинчидан, тоталитар тузум давлатни бошқаришда омманинг кўркувига сұянади. Бундай кўркувни яратиш учун кучли ҳокимият бизда йўқлигини айтдик, демак, бугун бизда кўркув ҳам йўқ. Порахўрликнинг очиқдан-очиқ авж олаётгани, коррупсия ва жиноятчиликнинг юқори lab бораётгани, давлат тизимларидаги ошкора саботаж ҳеч ким ҳеч нарсадан кўрқмаслигини билдиради.

Саналган факторлардан кўриниб турибдики, мавжуд тузумни тоталитар деб аташ мумкин эмас.

Демак, бу тузум тепасида турган президентни ҳам “якка ҳоким” дейишига асос йўқ. Чунки, у қўл остида жамлаётган ҳокимиятларнинг бирортаси (қонун чикарувчи, ижроия ва адлия ҳокимиятлари) ўз функсиясини бажараётгани йўқ. Агар бажаргандарида эди, юқорида айтилган ҳуқуқсизлик, порахўрлик, коррупсия, жиноятчиликка жилов тортилган бўларди.

Президент демократик принципларни топтаётган бўлса, бунга ҳам ажабланишнинг кераги йўқ, чунки, бу принципларга президент каби Олий Кенгаш ҳам, суд, прокуратура ва оддий фуқаро ҳам амал килмайди, яъни конуنسизлик ва ҳокимиятсизлик олдида президентдан тортиби, оддий фуқарогача тенгдир.

Март ойидаги Москов кўчаларига чиққан коммунистларни шу ҳокимиятсизликни баҳона қилиб, тоталитар тузумни химоя қилган эдилар. Бизнинг жумхуриятимизда ҳам турғунлик йилларини соғинаётган сонмингта ва бу согинчни хунта ҳукмрон бўлган кунлари жуда қўплар ошкор кўрсатди. Агар вазият ўзгармаса, бу гурухларнинг тарафдорлари кўпайиб боражак, чунки одамларнинг кўпчилиги тоталитар ёқт демократик ҳокимият йўқлигидан эмас, умуман бир ҳокимимят йўқлигидан норози бўлмоқдалар. Улар коммунистик мафкурадан безиб бўлганлар, аммо, қандай бўлмасин бирон мафкурасиз яшашга ҳам рози эмаслар. Ва ниҳоят, улар ўз фуқаросига иқтисодий ва сиёсий кафолат беришга қодир бўлган бир тузум истайдилар. Лекин бундай тузум собиқ Иттифоқ жумхуриятларининг бирортаси йўқдир.

Бўлмаса, қандай тузум бор? Қизифи шунда-ки, ҳеч қандай тузум йўқ. Шу сабаб, шўрлик сиёсатчиларимиз чет эллик мухбирларнинг “қандай тузум бўлади?” деган саволларига жавоб тополмайдилар. Шу боис, биз “Хитой модели”дан “Америка

модели”га, “Америка модели”дан “Курия модели”га сакраймиз, құнның тополмаймиз.

Ха, биз бугун шундай тарихий босқичга келиб түхтадик-ки, бу босқични тузумсиз тузум деб аташ мүмкін ва бу атама қайта қуриш яратған әнг сүнгти атама бўлса, ажаб эмас.

Бундай вазиятда мухолифатнинг ҳам роли ўзгаради. Мухолифат бугун маълум бир тузумга эмас, мавжуд тузумсизликка карши турган кучдир. У тузумни ўзгартириш учун эмас, янги тузум барпо қилиш учун шайланмоқда. Ва биз талаб қилаётган Конститутсия бу курашнинг биринчи ва муҳим босқичи бўлажак.

Бугунги сиёсий вазият ҳақида “Эрк” партияси мисолда қисқача ахборот бермоқчиман.

Сайлов ўтгандан кейин “Эрк”ка тазийик икки баробар кучайди. Газетамиз ёпишиш арафасида турибди. Сензура назорати кун сайин шафқатсиз бўлиб бормоқда. Газетанинг 11-сони вақтида чиқмай қолди. Бунга техник сабабларни кўрсатаётган бўлсалар ҳам, аслида бу мухолифат нашрига расмий муносабатни билдиради, яъни, хукуматимиз жумхуриятда мухолифат мавжудлигига ҳеч кўнига олмаяпти. Газетанинг оппозитсион нашр эканлиги ва бу нашрда хукуматга танқид айтиши табиий бир ҳол эканлигини ҳеч англаб ололмаяптилар. Сензура хукуматга танқидни бевосита президентга танқид сифатида қабул қилмоқда. Партия ўз қарашларини ўз нашрида ҳам билдиrolmas экан, кўпартиявийлик сохта бир шиордир.

Вилоятларда партия бўлимларига ўтказилаётган тазийклар ҳам борган сари ортмоқда. Бигта Қашқадарё мисолида айтсак, у ерда нафакат “Эрк” аъзолари, балки бу партияга хайриҳоҳ одамлар ҳам таъқиб қилиниб, ишдан бўшатилмоқда. Шу йил бошида вилоятдаги “Эрк” бўлими котиби ҳеч бир сабабсиз хибсга олинди. Яқинда ўша вилоятнинг У.Юсупов туманига партия мажлисига борган эдим. Бу районни милигсия билан ўраб олиб, катағон қилдилар. Мажлисга келаётган одамларни қайтариб юборишиди.

Юзага келган танг вазият тўғрисида “Эрк” партияси бир неча бор президентга мурожаат қилди. Аммо бирор марта ҳам жавоб олгани йўқ. Шунингдек, партияга бўлаётган ноконуний хатти-харакатлар хусусида газетамиз материаллар чоп этди, аммо ҳозиргача бирор-бир хукукни муҳофаза этувчи орган муносабат билдиргани йўқ.

Ваҳоланки, ўз обрўсини ўйлайдиган ҳар қандай хукумат мухолифат билан мулоқотда бўлишга интилади, унинг фикри билан қизиқади, унинг танқиди ҳақми, ноҳақми таҳлил этади.

Бундай таҳлил бўлими Олий Кенгашда ҳам, президент ашхоратида ҳам бўлиши керак. Лекин кейинги икки йил давомида президент ҳам, Олий Кенгаш ҳам мухолифат билан расмий учрашув қилгани йўқ. Бу ҳокимиятлар мавжудлиги бизга ўтказаётган тазиикдан сезиб турибмиз, холос.

Мен “Эрк” газетанинг ёпилиши хавфи бор, дедим. Бу муболага эмас. Яқинда Давлат матбуот қўмитаси (Ўзбекистон сензураси) раиси Р.Шоғуломовдан бир хат олдик. Унда айтилишича, “Эрк” газети қонунга хилоф равишда, ҳарбий қисмларнинг адреси ва зобитлик фамилиясини кўрсатаётган эмиш. Бундан ташқари, газет миллӣ низолар кўзгашга харакат қилаётган ва агар бу нарса яна давом этса, “Эрк” газетига қонунан чора кўрилар экан. Тўгри, собиқ Совет Иттифоқи қонунлари бўйича ҳарбийга оид маълумотларни чоп этиш мумкин эмас эди. Аммо бугун Иттифоқнинг ўзи ҳам, қонунлари ҳам йўқ-ку! Р.Шоғуломов газетга қайси қонун асосида чора кўрмоқчи? Қолаверса, Р.Шоғуломов химоя қилаётган ҳарбий объектларни бугун америкалик мутахассислар космосдан туриб суратга олайти, маълумотларни бутун дунёга ошкор қиласапти-ку!

Р.Шоғуломов “миллӣ низо” деб “Эрк” газетида Хўжалидаги озари аҳолисининг қирғинига бағишлиланган Хуршид Давроннинг мақоласини назарда тутаётганга ўхшайди. Бу мақоланинг ортиқчи ҳиссий эканлигини Хуршид Давроннинг ўзи телевидение орқали тан олди. Ва бу мақола “Эрк” партиясининг ҳам, “Эрк” газетасининг ҳам икки ҳалқ ўргасидаги ғавғосига муносабати эмас. Бу бир шахс муносабати. Р.Шоғуломов буни ҳам тушунади, аммо тушунмаганга олади.

Газета-ку майли, аммо биз олган ахборотларга кўра, бутун демократик ташкилотларга кенг миқёсда хужум тайёрланмоқда. Яқинда мутасадди ташкилотда бир мажлис ўтган. Талабалар шаҳарчасида бўлган январ воқеаларини текшираётган тергов гурухи мажлиси. Унда қатнашган терговчининг айтишича, бу гурухга 16 январ воқеаларида “Эрк” ва “Бирлик”нинг қўли борлигини исбот қилувчи хужжат тайёрлаш буюрилган.

Сизга маълумки, бу қонли воқеалардан тўрт кун сўнг, шахсан президентнинг ўзи “Эрк” ва “Бирлик”нинг мазкур ғавғога алоқаси

йўқлигини бутун жумхуриятга эълон қилган эди. Мана, тергов бошланганига икки ойдан ошди, аммо гуноҳкорлар топилмади. Топилмаганидан кейин яна ўша “Эрк” ва “Бирлик” версиясига қайтишга қарор қилишганга ўхшайдидилар.

Хуллас, ахвол чидаб бўлмас даражага етаяпти. Агар вазият ўзгармаса, биз сўнгги чора – оммавий намойишлар йўлига ўтишга мажбур бўлажакмиз.

Лекин ҳали ҳам кеч эмас, биз хурматли ҳукumatни яна бир бор ақл-идрокка чакирамиз. Халқни “дўст” ва “дushman” гурухларга ажратмасликка даъват этамиз.

Биз баъзилар айтиётгандек, “қора кучлар” эмасмиз. Биз улар айтиётгандек, Ватан мустақиллигининг душмани ҳам эмасмиз. Аксинча, бугун мустақилликни пеш қилаётган кимсалар икки йил олдин мустақилликка қарши қурашаётган эдилар ва ўша замонларда айнан демократлар мустақиллик ғоясини кўтариб чиқдилар! Озгина инсофга чакирамиз. Зўрлиқдан воз кечинг. Чунки, зўрлик факат зўрликни тұғдиради, буни унутманг, дея илтижо қиласиз. Токи, Ўзбекистон ҳам Гуржистон каби олов майдонига айланмасин.

Биз, ўзини демократ деб атаган кишилар аввал бошданок ижтимоий барқарорлик тарафдори эдик, бугун ҳам шунинг тарафдоримиз. Факат бу барқарорлик ҳуқуқсизлик ва зўравонликка курилмасин.

Биз мутлақо осойишталиқ тарафдоримиз, аммо бу осойишталиқ зиндан осойишталигига айланмасин.

Бор-йўқ талабимиз шу. Бор-йўқ орзуимиз ҳам шу.

1992 йил. Март.

ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК КУЧЛАРИ ФОРУМИНИНГ ИККИНЧИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚ

Ўзбекистондаги мухолифатнинг кейинги уч йил ичидағи тарихига назар ташласак, ажиб бир турғунликни кўрамиз. Уч йил ичида совет империяси йўқ бўлди, жумхуриятлар мустақил давлат деб тан олинди, собиқ Иттиифоқ худудида мутлақо янги геополитик вазият вужудга келди, ГКЧПни бошдан кечирдик, биринчи марта президентни сайладик, аммо мухолифатнинг талаби

ўзгармади. Биз уч йил олдин сиёсий ва иқтисодий ислоҳлар талаб қилиб чиқкан эдик, бугун ҳам худди шу талаблар билан чиқаяпмиз. Биз талаб қилишдан чарчамадик, ҳукумат “ўз йўли”дан юришдан чарчамади. Биз “хурматли ҳукумат, ҳозир айни пайти, ислоҳни бошланг, бундай сиёсий мўътадишилик абадий эмас, бу осойишталиқдан фойдаланинг” дея мурожаат этдик, ҳеч ким эшитмади. Ҳа, биз ҳар доим сиёсий барқарорлик ҳақида гапирдик, тепага ёқиши учун эмас, миллатимизни ўйлаб, қон тўкилмасин, дея гапирдик. Биз бу ҳақда шу қадар кўп сайрадик-ки, “барқарорлик” сўзининг сийкаси чиқиб кетди ва бу сўзни айтиётган киши ҳам, уни эшитгаётган одам ҳам беихтиёр эснаб қўядиган бўлди.

Вазиятнинг парадоксал томони шундаки, сиёсий барқарорликни сақлаш учун митингларни таъкилаб, одамларни калтаклашацияти, сиёсий партияларни таъкиб қилиб, уларга сўз бермаятилар ва айнан шу сабаб барқарорлик хавф остида қолмоқда. Буни ҳукумат тушунмайдими, дея савол бермоқдалар одамлар. Яъни, барқарорликни чиппакка чиқараётганлар ҳоким ва ҳокимчалардир, асло муҳолифат эмас, деган мантиқ чиқади бундан. Аксинча, барқарорлик учун изчили курашаётган куч – муҳолифатдир. Бундай феноменал ҳодисани бугун фақат Ўзбекистонда кўриш мумкин.

Бугун энди ҳеч ким сиёсий барқарорликнинг ўзигина бизни мавжуд бўхрондан олиб чиқишига ишонмайди. Чунки, бу барқарорлик ислоҳлар учун эмас, мансаблар умрини чўзиш учун хизмат қилди, холос. Чунки, бу осойишталиқ халқнинг тобора қашшоқланишига, инсони ҳақ-хукуқларнинг янада шафқатсизроқ топталишига хизмат қилди.

Бу осойишталиқ порахўрликнинг ошкора авж олишига, жиноятичиликнинг мислсиз даражада кучайишига никоб бўлди, холос.

Вилоятларга яшаётган одамлар ҳаётини кўрган ҳар қандай киши даҳшатга тушади. Улар нафақат қашшоқ ва юпун, балки, хукуксиз ва ҳимоясиздирлар ҳам. Нафақат қадрсиз меҳнатдан, балки, ўзининг мазмунсиз ҳаётидан ҳам чарчаганлар. Ва энг кўрқинчлиси, уларнинг йўқотадиган ҳеч нарсаси йўқ. Шу кунгача эришган барқарорлигимиз ўша одамларнинг сабр-тоқатига қурилган эди, энди бу сабр-тоқат ҳам тугаётганга ўхшайди. Худо сақласин, биз худди инқилоб бўсағасида турганга ўхшаймиз.

Сотсиологларнинг фикрича, ҳар хил инқиlobларнинг сабаблари доим бир хил бўлган. Биринчи сабаб сифатида улар ахолининг қашшоқлиги ва очлигини кўрсатадилар. Иккинчи сабаб – хусусий мулк туйғусининг йўқ қилиниши. Учинчи сабаб – ўз-ўзини химоя қилиш инстинктининг ўлдирилиши. Тўртинчи сабаб – жинсий инстинкларнинг бузилиши, ахлоқий тубанликка қарши исён. Бешинчи сабаб – инсонда эрк ва озодлик туйғуларининг қатағон қилиниши. Олтинчи сабаб – инсондаги қобилияtlарнинг ўзига лойиқ жабха билан таъминланмаганидир.

Бу санаб ўтилган ҳолатларнинг олтигаси ҳам Ўзбекистон ижтимоӣ ҳаётида тобора бўртиб кўрина бошлади. Бунга мисолларни юқорида айтдим. Бу кайфиятнинг иккинчи учқуни сифатида яна бир мисол келтираман. Яқинда вилоятларнинг биридан дўстимиз келди, демократик карашдаги, зиёли одам. Табиати юмшоқ, ҳеч қачон бировга озор бермаган киши. Вилоятлардаги ахвол тўғрисида куйиниб гапирди. Сўзининг охирида “Бу раҳбарлар ҳеч қачон бизни тушунмайдилар, булар демократия деган сўзнинг устида очиқласига куладилар ва ҳар қандай хур фикрни бўғиб, бундан ошкора лаззатланади. Буларнинг зўравонлигига факат зўравонлик билан жавоб бериш мумкин. Демократия ҳақида сафсатани бас қилиш пайти келди, чунки, демократия бизда йўқ ва биз агар шундай юраверсақ, бўлмайди ҳам. Демократия учун азият чекишига тўғри келади. Бизни калтакласалар, биз ҳам жавоб беришимиз керак. Бизни отсалар, биз ҳам куролланишимиз шарт”, деди у. Мен, тўғриси, шошиб колдим. Бундай “экстремистик” фикрни ҳар кимдан кутиш мумин эди, аммо ундан эмас. Бу фикрга шундай беозор одам келган эди, ғазабга тўлган оломон нимани ўйлади? Бундай кайфиятда юрган одамлар сони бугун қанча? Эртага қанча бўлади?

Биз мустақилликни тинч йўл билан қўлга киритганимиздан баҳтли бўлган эдик. Биз ўқ узмай, қон тўқмасдан туриб байроғимизни тиклаганимиздан, ўзимизни тарихда энг омадли миллат, дея санай бошлаган эдик, чунки, ҳеч қачон ҳеч бир миллат ўз эркига биз қадар енгил эришмаган эди. Биз бу озодликка мўъжизага қараган каби боқдик. Лекин тарихда мўъжизалар бўлмайди. Буни ўша вилоятдан келган аламзада дўстимнинг аччик икроидан туйдим.

Биз рус империяси қуллигидан озод бўлдик, энди ўз ичимиздаги қулликдан озод бўлишимиз керак. Эҳтимол бу

құлникдан құтулиш бошқа халқ зулмидан құтулишдан ҳам оғирроқ бўлади.

Тасаввур қилинг, биз, миллатчи демократлар, бир йил олдин Иттифоқдан чиқишни очик айтиб тарғиб этдик, ГКЧПга қарши қатъий муносбатимизни айтдик, аммо бирор марта ҳам бизда мустамлакачиларга қарши қурол кўтариш фикри пайдо бўлгани йўқ эди. Бирор марта зўрликка зўрлик билан жавоб бериш зарур деган хуносага келганимиз йўқ эди.

Бугун шу хуносага келаётган одамлар пайдо бўлмоқда. Мустамлакачиларга қарши эмас, ўз юртимизнинг ҳокимчаларига қарши шундай кайфият юз кўрсатмоқда. Бу хатарли бир мужда, хавфли бир белгидир. Инсонларни бу йўлга юришга мажбур қилаётган сиёsat эса, аксилмилий ва фитнакор сиёsatdir.

Бугун куруқ ваъдалардан чарчаган кулоқларга зўравонликка даъват – нажот чакириғи бўлиб эшигимоқда. “Бошқа йўл йўқ, кўлингта қурол ол!” дея шипшимоқда шайтон. Мантиқ шундай демократия ҳақида кўлида қурол бўлмаган одамларгина гапиради. Бу мантиққа мисоллар кўп. Генераллар ҳеч қачон демократия ҳақида гапирмайдилар. Қуролланган рэкетчилар ҳам бу борада сафсата сотмайди. Қорабоғда ҳам, Дубоссарада ҳам, Югославияда ҳам демократия хусусида баҳслашмайдилар.

Демократия ҳақида биз гапираймиз. Чунки, бизнинг бошқа нажотимиз йўқ. Фуқаролар уруши каби даҳшатли хавф қархисида туриб, демократия ҳақида гапириш ҳам кулгили, ҳам фожеалидир.

1992. Май.

“ГКЧПдан ЧИҚҚАН ҚАҲРАМОН” МАҚОЛАСИННИ ЎҚИБ

Ўғри кариса сўфи бўлади, деган мақол кўпкирралидир. Қирралари ўткир бир мақол. Уни ишлатиш учун ҳаддан ташқари тоза бўлиш керак. Акс ҳолда, бу мақол билан бирорни яралайман деган одам ўзи яраланади. Шундай тозалик “Эрк”ни ГКЧП билан қиёслаётган муаллифда борми? Агар бор бўлса, у тахаллус (Туркон Шариф) ортига яширинмай. Гапини эркакча айтган бўлар эди...

Гапни индаллосидан бошлайман. “ГКЧПдан чиқкан қаҳрамон” мақоласи фақат собиқ витссе-президентга қарши эмас,

“Эрк” партиясининг номини қора қилиш учун ҳам ёзилгандир. Яъни, бир ўқ билан икки қуённи уришга интилганлар. Лекин “Эрк” партияси қуён эмас, ҳатто ГКЧП унга таҳдид солғанда ҳам у “куён” бўлмаган. Аксинча, “Эрк” партияси шу машъум 19 августда ГКЧПга қарши баёнот қабул қилган Ўзбекистондаги ягона партиядир.

Бу баёнот “Эрк” партиясининг 20 августда чиққан газетасида чоп этилди. Мен бу газетанинг 10 донасини олиб, Олий Кенгашга бордим. Нусхаларни кўринган депутатларга тарқатдим. Газетдаги баёнотни кўриб, газетни шоша-пиша чўнтағига яширган, саросимадаги депутатларни номма-ном айтиб беришим мумкин. Худди шу 20 август куни Кенгаш кабинетларидан бирининг деворидан Горбачев портрети олинганини ҳам биламан. ГКЧП қулагандан сўнг бу портрет “реставратсия қилинди” деб, яна жойига осилгани ҳақида ҳам кўпчилик билади.

“Эрк” баёноти босилган газетдан бир нусхани Олий Кенгаш раисига бериб кўясиз, деб қабулхонадаги қизга бердим. Унга илтимос қилиб, “раисга беринг, Ўзбекистонда хунтага қарши чиқадиган куч ҳам бор – бу “Эрк” партияси”, дедим.

Бу баланпарвоздан сўзлар учун узр сўрайман, агар “Туркон Шариф”нинг мақоласи бўлмаганда, бундай мақтанчоқликка ўхшаган гапни асло айтмаган бўлардим.

20 август куни Елсин танкка чиқиб, ГКЧПга таҳдид қилаётган пайтда, бизнинг ҳукуматимиз мажлис қилди. Мажлисда чиқиб гапирган депутатларнинг аксарияти ГКЧПни қўллаб гапирди. Ҳатто, “бизнинг жумҳуриятимизда шундоқ ҳам ГКЧП айтган тартиб бор”, дея мақтанишди ҳам. Бу депутатлар бугун “мустакиллик тарафдори”дирлар. Бу мажлис 21 август куни (ГКЧП деярли қулаган эди) бутун жумҳурият ахолисига намойиш этилди. Бугун ГКЧПни пеш қилаётган “Туркон” ўша пайтда қаерда эди? телевизор қаршисида ўтириб, “демократларнинг куни битди”, дея қарсак чалган бўлса ажаб эмас.

Ғарбда “сиёsat – фохишлиқидир”, деган ибора бор. Минг афсус, жуда кўп сиёsatчиларимиз шу иборага амал қилсан, тўғри бўлади, деб ўйлайдилар. Фитна, алдоқ, қасамхўрлик, ваъда бериб ваъдасига тупуриш – бу сиёsat қоидалари, деб биладилар.

Биз сиёsatни бошқача тушунамиз. Ғарб биз учун ўқигувчи эмас. Тўғрилик, виждон, иймон ҳам сиёsat қоидалари бўлиши мумкин, деб ҳисоблаймиз. Ваъдага вафо, ҳар қандай фожеали

ҳолатда ҳам виждан ва иймонга қарши бормаслик ҳам сиёсат қоидалари бўлиши мумкин. “Эрк” партияси мафкураси асосига айнан шу маънавий устунлар қўйилгандир.

Бобомиз Темур Бек хеч қачон сиёсатни гарбча тушунмаган. Боболаримиз Захириддин Бобур ҳам, Жалолиддин Мангуберди ҳам, императорлик курган бошқа турк хукмдорлари ҳам ўз сиёсатларини умуминсоний қадриятларга хилоф равища юритмаганлар. Акс, ҳолда, бу хукмдорлар тарихда бунчалик шавкатли саналмаган бўлар эдилар.

Бугун “Эрк”ка тош отаётган, “мустақиллик!” дея кўксига муштлаётган сиёсатчилар ГКЧП хукмронлик қилган кунлари мустақилликни Янаевга топшириб қўйган эдилар. Улар шу қадар саросимага тушган эдилар-ки, хунтадан сўнг, 31августда мустақиллик қабул қилиниб, президент парламент минбаридан уларга қараб, “нега кувонмаяпсизлар?” деганида, кувонишга ҳам журъат этмаган эдилар. “Эрк” эса, Янаев пайдо бўлмасаданоқ мустақиллик, дея майдонга чиқсан эди. Яъни, 1991 йил март ойида Иттифоқни ёқлаб ўтказилган референдумда Иттифоққа қарши ва мустақилликни ёқлаб овоз берган партия ҳам ёлғиз “Эрк” партияси эди.

“Шариф” мақоласидаги “қаҳрамон собиқ витсе-президент”га келсак, у Форумга иқтисодчи сифатида таклиф қилинди. ГКЧПга юқорида айтилган депутатлар ва Олий Кенгашнинг қандай алоқаси бўлса, собиқ витсе-президентнинг ҳам шунчалик алоқаси борлигини биз ҳам билардик. Форум демократик ташкилот сифатида, унга қатнашишини ихтиёр этган ҳар қандай кишига қаршилик кўрсатмайди. “Туркон Шариф” “Эрк”нинг обруси учун куймай қўя қолсин, чунки, кимнинг ким эканлиги ҳақида одамларнинг ўи билади.

“Туркон Шариф”: “Ўзбекистон демократик кучлари форумига ГКЧП байроғи нега керак бўлиб қолди? Собиқ витсе-президентнинг савлати керакми ёки давлати?”, дея хитоб қиласди. Бу билан газетхонларда Форумнинг моддий манфаат кўзлаб, витсе-президентни ањкуманга таклиф қилганига шаъма қилмоқчи бўлади (биз хукукий давлатда яшаганимизда эди, фолбин “Туркон”ни бу ҳақорати учун судга берган бўлар эдик). Бундай чиркин манфаатлардан “Эрк” ҳам, умид қиласманки, Форумга келган бошқа ташкилотлар ҳам ҳазар қиласдилар. Демократлар бу хусусиятни бутун фаолияти билан исбот этиб келдилар. “Туркон” буни жуда

яхши билади, аммо рақибини қоралаш учун тухматдан ҳам қайтмайди.

Биз, ўзини демократ деб атаган депутатлар, ГКЧП қулагандан сўнг ўтказилган сессияда ГКЧПни кўллаган депутатлар ва раҳбарлар ҳақида масала қўймоқчи эдик. Лекин бу масала қўтарилмади. Нега? Чунки, у ҳолда нафақат витсе-президент, балки Олий Кенгаш раиси ҳам, Олий Кенгаш Президиуми ва Олий Кенгаш қўмиталари раислари, вилоят, туман раҳбарлари ҳам, жумхурият, вилоят, туман прокурорлари ҳам фош этилган бўлар эдилар.

“Туркон” агар “сўфи” бўлмаса, ҳақиқатни айтмоғи лозим эди. У айтолмайди, чунки, унинг мақсади ГКЧП хайриҳоҳларини фош этиш эмас, Ўзбекистондаги демократларнинг бирлашувчига зарба бериш бўлган. Лекин биз учун бу янгилик эмас. Биз зарбага кўнишиб қолганмиз. Зарба – бизнинг ҳар кун ейдиган нонимиздир.

“Туркон” шуни билсинки, демократлар ҳеч қачон сарой ўйинларига аралашмаганлар ва демак, сарой ўйинининг қурбони ҳам бўлмоқчи эмаслар. Хусусан, “Эрк” партияси витсе-президентнинг ҳам, унга қарши турганларнинг ҳам қуроли бўлмайди. У ҳамиша ҳалқ тарафида бўлган, ҳалқ тарафида бўлажак.

Инсонлар қурган жамиятда ҳамиша учта, ҳокимият бўлган. Биринчи ҳокимият – давлат ҳокимияти. Иккинчи – суд ҳокимияти. Учинчи ҳокимият ҳалқдир. “Эрк” партияси ўша учинчи ҳокимиятга – унтилган, хўрланган, яраланган, аммо ўрнидан турса бутун салтанатни титратадиган буюк ҳокимиятга суюниб иш юритади.

“Эрк” партияси ягона шу ҳокимиятни тан олади ва ёлғиз унга игоат этади. Бу партияни ҳалққа қарши қўйиш уни ўзига қарши қўйиш демақдир, чунки “Эрк”чилар ўша мазлум ҳалқнинг бир парчасидирлар.

Мен муҳолифларни инсофга чақираман.

1992. Май.

“ЭРК” ПАРТИЯСИ РАЙСИ МУХАММАД СОЛИХ БИЛАН СОЦИОЛОГ БАҲОДИР МУСАЕВ СУҲБАТИ

Баҳодир МУСАЕВ: Сизнингча, бундан кейин сиёсий жараён қандай кечади?

Ўзбекистонда ҳозир фаровонлик ҳукм сураяптими ё бу вақтинча чўккан сукунатми? Биз чуқур ижтиомий портлашлар остонасида турганимиз йўқмикан? Рус файласуфи “Русия тақдиди” номли китобида: “ҳар қандай сохта ҳукумат сўз эркинлигидан кўрқади” деган сўзлар бор. Бизнинг қонуний, кучли ҳукуматимиз бор-у, нега сўз эркинлиги йўқ?

Кейинги савол: Сизнингча, сўнгги етти ой ичида (1992 йил май ойидан бери) жумҳурият сиёсий ҳаётидаги қанадай ўзгаришилар кечди, бу ўзгаришилар шахсан Сизнинг сиёсий биографиянгизда қандай акс этди? Ижтиомий мавқеингиз ўзгардими?

Муҳаммад СОЛИХ: 1991 йилда давлат тўтарилиши амалга ошмаганидан сўнгбизда янгича ҳаётга, мустақилликка эришишимизга, аждодларимиз орзу қилган давлат барпо қила олишимизга умид пайдо бўлган эди. Президентлик сайловидан сўнг Ўзбекистон ҳукумати мухолифатга, хусусан, “Эрк” партиясига қарши тазиикни кучайтиклини. Бунга сабаб – “Эрк” президентликка ўз номзодини кўрсатиб, сайлов ҳукумат учун кутилмагандан ўзининг ҳақиқий имкониятларини намоён қилди – агар Ўзбекистонда демократик сайлов системаси бўлганда, бу партия ғалаба қозонган бўларди. Аммо радио, телевидение, матбуот ва ҳокимият структураларининг барчаси факат бир номзодни тарғиб қилганлиги, сайлов чоғида турли хил ғирромликлар туфайли у ғалаба қозонолмади. Аммо ҳокимият бу партиянинг сиёсий ва ижтиомий патенсиалини ўз вактида пайқаб, уни “юқори” баҳолади ва “Эрк”ка қарши кенг миқёсда идеологик кураш очиб, уни жамият барқарорлигини бузайтганлиқда айблай бошлади. Партия аъзоларига тазииклар қилина бошлади, партиянинг жамғармаси қонунсиз равишда Давлат бюджетига ўтказилиб, Ички ишлар вазирлиги партияга қарашли компьютерни мусодара қилди, сензура “Эрк” газетини том маънода янчидан ташлади.

Ҳокимиятни бунчалик қўрқитиб юборган иккинчи нарса, 1992 йил апрел ойининг охирларида “Эрк” ташаббуси билан ташкил топган “Ўзбекистон демократик кучлари Форуми” бўлди.

Бу Ўзбекистондаги мухолиф кучлар тарихидаги биринчи бирлашув эди.

Шундай қилиб, “Эрк” партияси ҳокимият билан очиқчасига тўқнаш кела бошлади. Аммо “Эрк” партияси ҳатто шундай мураккаб вазиятда ҳам жумхурият раҳбарлиги билан мулоқот қилишга интилди, ўргадаги зиддиятни юмшатиш учун турли хил муросаларга борди. Афсуски, ҳокимият партияга нисбатан тазийкни тўхтатмади. Ва ниҳоят, 1992 йилнинг 2 июл куни партия билан хукумат ўртасидаги сўнгти мулоқот риштаси узилди: мен мухолифатга ўтказилаётган тазийкларга норозилик сифатида ўзимни Олий Кенгаши депутатлик ваколатимни топширишга мажбур бўлдим.

Буларнинг ҳаммаси партия тақдирига таъсир қилмай қолмади: 1992 йилнинг ёзи биз учун энг қийин давр бўлди. Партия аъзолари ичida локайдлик бошланди, кўплар тушкунликка тушдилар. Мен ва партияning бошка раҳбарлари учун бу кутилмаган ҳол эмас эди, биз бунга тайёр эдик. Партия кейинроқ соғлом бўлиши учун эртами, кечми, шундай “касал” билан оғриб олиши лозим эди. Биз зарба ола туриб ҳам, ўз эътиқодимиздан қайтмасликни ўрганишимиз лозим эди, акс ҳолда бизнинг халқ ўртасида обрўйимиз ҳам бўлмас эди. Биз омманинг хурматини сақлаб қолиш учун бир неча аъзоларимиздан ҳам айрилишга тайёр эдик, аммо Худога шукр, деярли йўқотишлар бўлмади, мана бугун биз яна ёёқка туриб олдик – янги аъзоларни қабул қилмоқдамиз.

Менинг ижтимоий мавқеим ўзгаргани йўқ, депутатлик нишонини эса, ҳозир тақмаганим каби, илгари ҳам ҳеч қачон тақмаганман.

Б.М. Жумхуриятдаги сиёсий кучларнинг жойлашишини классик схемада соғ (ўнг), сўл (чап) ва марказ сифатида тасаввур қилиб бўладими? Русияда, масалан, ўнгдагиларни Лигачев ва унинг тарафдорлари, чандагиларни Елсин, марказни эса Горбачев бошқаради. Марказ сўлга ҳам, согга ҳам қайшишарди...

М.С.: Жумхуриятмизга сиёсий кучларнинг классик схемаси тўғри келмайди. Мен мухолифатни “сўл” сифатида қабул қиломайман, чунки “сўл” деганда мен доим коммунистларни тушунаман. Худди шу сабабга кўра, ҲДП ва “Ватан тарққиёти” каби партияларни ҳам “соғ кучлар” деб хисобламайман. Улар – давлат ташкилотларидир.

Ўзбекистонда фақат иккита сиёсий куч мавжуд – бир томонда “Эрк” ва “Бирлик” сиймосидаги мухолифат, иккинчи томонда эса, юқорида тилга олинган, рўйхатдан ўтган, гўёки сиёсий, аслида эса, давлат ташкилоти бўлган иккита партияни ўз таркибиға оловчи ҳукумат. Учинчи куч ҳам мавжуд, бу ҳали сиёсийлашмаган диний гурухлардир, улардаги потенсиал, афсуски, ҳеч ким томонидан ўрганилмаган. Бу кучлар ўртасида марказ йўқ. Барча майда гурухларни, шу жумладан диний гурухларни ҳам бирлаштирувчи бундай марказ, балки, мухолифат ичидаги ташкил топар. Аммо буларнинг ҳаммаси барча гурухларни бирлашишга мажбур қиласидан сиёсий вазиятга боғлиқ. Менинчада, ҳар қандай ўзгача фикрловчиларга карши ҳокимият тазиикларининг кучаюви натижасида шундай вазият яқинлашиб қолмоқда.

Б.М.: Президент атрофида қайси шахслар, Сизнингча, катта нуфузга эга? Мен президентга ўз таъсирини ўтказа оладиган кучларни кўзда тутаяпман?

М.С.: Афсуски, президентнинг атрофида бирорта нуфузлироқ одамни кўрмаяпман. Аммо президентга таъсир ўтказиши мумкин бўлган одамлар оз бўлса ҳам бор: И.Х.Жўрабеков ва икки-учта маслаҳатчилар, холос. Аслида эса жумхурятни президентнинг якка ўзи бошқараяпти.

Б.М.: Айтайлик, “Эрк”, “Бирлик”, Демократик кучлар Форумини жуда кўп зиёли кишилар тарк этаётгани учун улар ўзларининг ижтимоий базасини йўқота бошлиди. Яъни, бундан кейин оппозитсия сиёсий куч сифатида ўз келажагини йўқотди. Бундай вазиятда Сиз ўзигизнинг программагизга қандай ўзгартиришлар киритган бўлардингиз, партиянгиз стратегия ва тактикаси ўзгарадими?

М.С.: “Эрк” Фаолиятининг бошида бизни қўллаб-куватлаган зиёлилар бугун ҳам қўллаб-куватлашмоқда.

Албатта, матбуот, радио, телевидениенинг биз ҳақда мутлақо гапирмаслиги туфайли четдан қараган одамга бизнинг ижтимоий базамиз йўқдай кўринади. Бизнинг базамиз бор ва бу база кун сайин кенгаймоқда. Бунга фақат бизнинг партияга бўлган мұҳаббат эмас, балки, ваъда бериб, ваъдасини бажармаётган ҳокимиятнинг ўзи ҳам сабабчи бўлмоқда.

Дастуримизда ўзгариш бўлади. Бу ўзгаришлар, асосан, партия тактикаси ва иқтисодий масалаларга тегишли бўлади. Ўзингизга маълумки, “Эрк” илгари сиёсий қурашнинг парламент

йүлини танлаган эди. Юзага келган вазият шуни кўрсатаяптики, ҳокимиятга таъсир қилишнинг намойиш, пикет, митинглардан иборат усууларидан мутлақо воз кечган партия ўзини саклаб қоломайди.

“Эрк” партияси узоқ вақт жумхуриятдаги барқарорликни қўллаб келди, аммо бу хислат ўз қадрини топмади. Аксинча, жумхуриятдаги барқарорлик ҳукуматнинг жуда катта меҳнати натижаси, деб ҳисоблана бошлади ва бу барқарорлик мухолифат умид қилганидек, ислоҳотлар ўтказиш учун эмас, балки, эски тартиб ва дикдантни тиклаш учун хизмат қила бошлади. Партиямизнинг сезиларли даражада радикаллашганига сабаб ҳам шунда.

Иқтисодий масалаларга келганда эса, биз эътиборни энг аввало: зудлик билан ер ислоҳоти ўтказишга (бунга ерни хусусийлаштириш ҳуқуқи ҳам киради); ҳақиқий иқтисодий эркинлик яратиш; баҳолар эркинлигини тўхтатиб, уни факат давлат мулкини хусусийлаштириш билан teng олиб боришга қаратмоқчимиз.

Б.М.: Жумхуриятимиздаги бошқа партия ва ҳаракатлар олдида, хусусан, сизларнинг партияянгиз олдида турган энг муҳим муаммолар нимадан иборат?

М.С.: Албатта, бошқа кўпчилик каби, бизнинг партиямизга ҳам, энг аввало, тинчлик ва барқарорлик зарур. Зеро, бу нарсаларсиз жумхуриятда на иқтисодий, на сиёсий ислоҳот ўтказиб бўлади. Аммо биз тинчликни баҳона қилиб, ҳозиргидан сўз эркинлиги, мухолифатни бўғишиларига қаршимиз. Қайтариб айтаман, барқарорлик факат жумхуриятни инқироз жаридан олиб чиқувчи жуда муҳим ислоҳотлар ўтказиш учун хизмат қиласагина, ўзини оклади. Бошқа ҳар қанақа вазиятдаги барқарорлик алдамчиdir ва унга ишониб бўлмайди. Демак, тинчлик ва барқарорлик факат мухолифатга эмас, балки, ҳокимиятнинг эзгу ниятларига, унинг ўзгача фикрлайдиганларни тинглай олиш иқтидорига боғлиқ.

Б.М.: Сиёсий кучлар ўртасида тобора чуқурлашаётган зиддиятни бартараф қилиши учун нима қилиши керак? Мухолифат ўзининг қандай талаблари бажарилгандан сўнг ҳокимият билан муросага келиши мумкин?

М.С.: Агар икки томон ҳам астойди, самимий интиса, исталган пайтда муросага келиш мумкин. Аммо ҳукумат

томонидан бу интилишни қўрмаяпмиз. Аксинча, мухолифатга тазийқ тобора кучайиб, жамият хавфли жар ёқасига яқинлашиб келаяпти.

Мен сиёсатда доим мулоқот тарафдори бўлганман, бундай позитсиям учун ҳатто “Бирлик” радикаллари мени коммунистлар билан муросасозлик қилаётганинг ҳам айлашди. Аммо ҳар қандай муросанинг ҳам чеки бор. Агар муроса партиямиз принсипларига зид келмай, жамиятга фойда келтирса, биз бундай муросани қабул қиласиз. Аммо бундай муросага ҳокимиятнинг мухолифатга нисбатан муросасизлиги ҳалақит беради. Биз ҳатто ҳозир ҳам, юкорида айтилган шартлар билан, муроса қилишга тайёрмиз.

Б.М.: *Тожикистандаги, Корабоғдаги воқеалар зўравонлик, ислом фундаментализми каби муаммоаларни бўрттироқда. Бутун регионда қирғинлар бошланиши хавфи туғилаяпти. Партиянгиз жумҳуриятимизнинг “эронашии” хавфини бартараф қилиши учун ҳандай тадбирлар кўрсатаяпти? Бу савонни шунинг учун ҳам бераяпманки, жуда кўп жойларда мен “оппозитсиячилар ўзи истаган ёки истамаган ҳолда ҳокимият тенасига ислом фундаменталистларининг келишига шароит яратмоқда” деган фикрларни эшиштаяпман.*

М.С.: Ўзбекистонда ислом фундаментализми хавф солаётгани ҳақидаги гаплар Гарб мамлакатларидан чиқкан ва сўнгра Русия матбуоти илиб олиб, ривожлантирган уйдирмадир. Бизда “Тожикистон руҳи” йўқ ва бу ерда ҳеч қачон “эронашии” бўлмайди. Ижтимоий портлашни ислом томонидан эмас, боя айтганимдай, иқтисодий ва сиёсий томондан кутиш керак. “Бирлик”да радикал қанот пайдо бўлиши – ҳаракат лидерларидан бирининг ижоди маҳсули эмас, аксинча, ҳукуматнинг оппозитсияга нисбатан аёвсизлиги оқибатидир. Агар “Бирлик” ҳаракати емирилиб, унинг бўшаб қолган ўринини диний гурухлар эгалласа, бунга ҳайрон бўлмаслик керак.

Б.М.: *Президентимиз Каримовнинг ҳиссиётли нутқларини эшишиб, мен ҳам беихтиёр ҳиссиёт билан Ўзбекистонни ўзимиз орзу қилган давлатга айлантириши ҳақидаги гапларига ишиона бошлийман. Ўзбекистон Олий Кенгашининг сўнгги сессиясида ҳам гап шу ҳақда бормадими?*

Иккинчи савол: Ўзбекистонни юз йилдан кўпроқ вақт талон-тарож қилишиди. Бугун эса, тарих чеккасига ишқитиб ташлашиди.

Сизнингча, кимнинг ёрдами билан биз бу қийинчилклардан чиқиб оламиз?

Маълумки, ислом банкида 700 миллиард доллар бор, агар баъзи шартларни қабул қиласак, бу маблагнинг катта қисми Ўрта Осиёга ташланиши мумкин.

М.С.: Президентнинг нутқини ҳиссиёт билан эшитманг. Ҳассиёт нон эмас, у билан қорин тўйғазиб бўлмайди. Президентнинг нутқи билан навбатда турган одамларнинг гапи бир-бирига тўғри келмайди. Ҳукумат маҳкам турибди, аммо ахолининг турмуш даражаси тобора пасайиб бораяпти. Берилаётган ваъдалар тутуни ортидан келажакни қўриб бўлмайди.

Ислом банки ёрдамига келсак, албатта, агар ёрдам эвазига қандайдир идеологик шартлар қўйилмаса, бу ёрдам факат иқтисодий бўлса... Аммо бизни на Арабистон, на ислом дунёси, на Оврупо давлатлари қутқара олади. Ўзимизни факат ўзимиз қутқара олишимиз мумкини. Бунинг учун бизда табиий ва интеллектуал ресурларимиз етарли.

1992 Декабр.

МУНДАРИЖА

ЁШЛАРГА БАФИШЛОВ	3
УКАМГА ХАТ.....	4
КЎЗИ ТИЙРАН ДАРД	6
ОҚ КЎЙЛАКЛАР	12
УЛУҒБЕКНИНГ БАРМОГИ	14
ИККИ ШОИР ҲАҚИДА БИР ОФИЗ СЎЗ	18
ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ ҚАҲРАМОННИНГ УЗУҚ-ЮЛУҚ ҲАЁЛЛАРИ	23
ХЕМИНГУЭЙ ҲАҚИДА.....	30
ПРОТОТИП СУРАТИГА ЧИЗГИЛАР	36
АДАШГАН ҲАЙКАЛЛАР.....	41
СЕҲРЛИ ҚАЛПОҚ ЭМАС, СЕҲРЛИ СЎЗ	45
“ЎҚИШ КИТОБИ”НИ ЎҚИБ.....	50
ТИНИШ БЕЛГИЛАРИ.....	54
СОДДАЛИК ЖОЗИБАСИ.....	58
ПОКЛАНАЁТГАН УМИД.....	61
КУТИЛМАГАН САВОЛЛАР.....	74
НУРЛИ ТУЙФУ.....	75
ДУЛБАРЧИН.....	79

ҚАЙТА ҚУРИШ ЙИЛЛАРИДА ЁЗИЛГАН МАҚОЛАЛАР

ХАВФЛИ МАЙДОН.....	85
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИНИНГ ПЛЕНУМИДАГИ НУТҚ	93
ЭРТАНИ КУТИБ.....	94
ДАШТИ ҚИПЧОҚ КУЙЧИСИ.....	102
НИМА ДЕГАНИДИР ТҮҒРИ ЯШАМОҚ?.....	105
ШАХСЛАР МАМЛАКАТИ.....	114
ҲАҚИҚИЙ ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ.....	124
АЁЛЛАРГА СОГЛИҚ БЕРИНГ.....	125
ДИЛДАГИ ЎЙЛАР.....	129
РОСТ ҚАЙДА, ЁЛГОН ҚАЙДА?.....	140
ҚАЙТИШ.....	147
“МУҲАББАТНОМА” ХУСУСИДА.....	149
АКАДЕМИК ЭРКИН ЮСУПОВГА МАКТУБ	151
“СИГИР”НИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?.....	152
ОЧИҚ ХАТГА ЖАВОБ.....	155
“СОФ САНЪАТ” ХУСУСИДА.....	161
ФАРФОНА ФОЖЕАСИ.....	163
УЙГОНИШНИНГ ОФИР ЙўЛИ.....	166
КОММУНИЗМ ШАФАҚЛАРИ.....	170

“ЭРК” ПАРТИЯСИНИНГ 2-ҚУРУЛТОЙИДАГИ НУТҚ.....	174
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЁЗИЛГАН МАҚОЛАЛАР	
ҮЗБ. ДЕМОКРАТИК КУЧЛАРИ ФОРУМИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚ.....	179
ҮЗБ. ДЕМОКРАТИК КУЧЛАРИ ФОРУМИ 2-МАЖЛИСИДАГИ НУТҚ	184
“ГКЧПДАН ЧИҚҚАН ҚАҲРАМОН” МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ	187
М.СОЛИҲ БИЛАН СОЦИОЛОГ Б.МУСАЕВ СУҲБАТИ	191

И К Р О Р
(Maқолалар)
Mұхаммад Солиҳ

І К Р А Р
(Makaleler)
Muhammed Salih

Түплөвчи: Пирмухаммад Холмұхаммад
Hazırlayan: Pirmuhammed Halmuhammed

Мұхаррір: Камолиддин Йұлдош
Muharrir: Kemaleddin Yoldaş

Тираж: 500 дона
Tiraj: 500 adet

ISBN: 978-605-62880-4-3

Baskı: İhlas Gazetecilik A.Ş.
Merkez Mahallesi, 29 Ekim Caddesi, İhlas Plaza No: 11A/41
Yenibosna – Bahçelievler / İstanbul
Tel: +90 212 454 3000